

# ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҶЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ФАРМАЦЕВТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

Г.М. ИСМОИЛОВА, В.А. УБАЙДУЛЛАЕВ

# ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ

ҮҚУВ ҚҰЛЛАНМА

Док 615 01

11 81

9  
11/16/11



Чулпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2018

УУК 615.01:54(075)

КБК 52.8я7

И 81

Ўқув қўлланма Тошкент фармацевтика институтининг Марказий услугий кенгашида муҳокама қилинди.

2018 йил 25 июнданги №11-сонли баённома.

Ўқув қўлланма Тошкент фармацевтика институти кенгашида тасдиқлашга тавсия этилди.

2018 йил 03 июлдаги № 11-сонли баённома.

**Тузувчилар:**

**Исмоилова Г.М.** – Фармаканозея ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси доценти, к.ф.н.

**Убайдуллаев К.А.** – Фармацевтик кимё кафедраси профессори, ф.ф.н.

**Тақризчилар:**

**Юнусходжаева Н.А.** – Тошкент фармацевтика институти,  
Фармацевтик кимё кафедраси доценти, ф.ф.н.

**Дусматов А.Ф.** – «ДВТБТТЭСДМ» ДУК фармакопея кўмитаси раиси,  
ф.ф.д.

**Исмаилова Г.М.**

И 82      Фармацевтик кимё [Матн]: ўқув қўлланма/Г.М. Исмаилова. – Т.: Чулпон номидаги НМИУ, 2018. – 388 б.  
ISBN 978-9943-5381-9-1

УУК 615.01:54(075)

КБК 52.8я7

## **СҮЗ БОШИ**

Бугунги кунда фармацевтика бозорида дори турлари ассортименти кун сайин ортиб бориб, ишлаб чиқарувчилар сони ҳам кўпая бормоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси нинг 4.2. бандида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш зарурлиги вазифа қилиб қўйилган. Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда ПҚ-2909-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тиббий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш зарурлиги вазифа қилиб қўйилган. Ҳозирда дори препаратларининг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Яратилаётган янги дори препаратлари ва мавжуд бўлган дори препаратлари сифатини назорат қилиш,

уларни тиббиёт амалиётига яроқлилигини аниқлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Фармацевтик кимё фани фармация фанлари орасида стакчи уринлардан бирини эгаллаб, фармацевтика саноатида айнан юқорида айтилган масалаларни ҳал этишида мұхим үрин тутади.

Фанни үрганиш давомида тиббий-биологик, физик-математик, кимёвий фанлар ва фармациянинг бошқа соқалари (фармакогнозия, токсикология) дори воситалари таҳлилиниң замонавий аспектларига әзтибор қаратылади.

Ушбу құлланма муалифлар томонидан фармацевтлар малакасини ошириш бүйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирилгининг тегишли байруқлари асосида олий маълумотли фармацевтлар малакасини ошириш бүйича тасдиқланған режага асосланиб тузилған.

Фармацевтик кимё фани бүйича дори моддалари яратышнинг асосий йұналишлари ва истиқболлари, меъерий ҳужжатларга таянған ҳолда доривор моддалар сифатини назорат қилишнинг асосий қоидалари, дори моддаларни таҳлил қилишнинг кимёвий усуллари, фармацевтик таҳлилда ишлатыладыган физик-кимёвий усуллар, рефрактометрик усулда дори воситаларининг таҳлил қилиш ва баҳолаш, адсорбцион таҳлил усулларини құллаш, шунингдек, электрокимёвий таҳлил усулларини дори воситаларини таҳлилида құлланылиши, дори воситаларининг кимёвий класификацияси, дорихонада тайёрланадыган дори турларининг таҳлили ва таҳлилнинг тезлаштирилған усуллари көлтирилған. Ушбу дастурни үрганиш жараённіда тингловчилар, дори воситаларини яратышнинг асосий йұналишлари ва истиқболлари, доривор моддалар сифатини назорат қилишнинг асосий қоидалари, дори воситаларининг таҳлил усуллари ва таҳлилнинг тезлаштирилған усулларининг ілмий назарий, услугбий ва амалий тамойиллари билан атрофлича танишадилар. Мазкур фан бүйича тузилған құлланмада асосий адабиётлар рўйхати көлтирилған. Ушбу дастур келажакда олий маълумотли фармацевт кадрларнинг мутахассислик фанлари бүйича билим даражалари малакасини оширишда ва замонавий усуллардан фойдаланған ҳолда дори воситалари таҳлилини ўтказиш каби амалий ишларни юритишида тегишли ёрдам беради.

### **Дори воситаларини яратышнинг асосий йўналишлари ва келажакдаги истиқболлари**

Дори воситалари амалиётга кириб келишига кўра генерик ва оригинал дори воситаларига бўлинади. Генерик дори воситалари — оригинал маҳсулотнинг ўрнига мўлжалланган фармацевтик маҳсулот. Улар қўпинча оригинал маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг лицензиясиз ишлаб чиқарилади ва патент фаолиятининг муҳулати тугагандан ёки бошқа эксклюзив ҳуқуқлардан сўнг сотилади. Генерик дори воситалари патентланмаган ном остида ёки ўзларининг номлари билан сотилиши мумкин.

Оригинал дори воситаси фаоллиги, безаарарлиги ва сифатига қўйилган талабларга жавоб бериши ҳақидаги маълумотлар асосида сотовуга рухсат берилган, биринчи бор рўйхатдан ўтган, патентланган — фармацевтик маҳсулот.

Генерик дори воситаларининг олиниши фармацевтик кимё фани нуқтаи назаридан илмий аҳамият касб этмаганлиги туфайли уларнинг яратилиши борасида тұхталиб ўтишни лозим топмадик. Қуйида оригинал дори воситаларини яратиш тұғрисида маълумотлар берилмоқда.

Дори воситасини яратиш — илмий истиқболдан то дорихонада сотилишигача бўлган бир қанча асосий босқичларни ўз ичига олган узоқ муддатли жараён. Дори воситасини яратишда кўлгина касб эгалари: кимёгарлар, биологлар, фармацевтлар, фармакологлар, токсикологлар, клинист-врачлар иштирок өтадилар. Бироқ мутахассисларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари ҳар доим ҳам натижага бермайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оригинал дори воситаларини яратиш буйича етакчи фармацевтика компанияларининг тажрибаси қуйидагиларни курсатади:

— оригинал дори воситасини яратиш бояси түгилганидан бошлаб уни истеммолчига етиб боргунинг қадар ўрга ҳисобда 12–15 йил ўтади.

Клиникагача бўлган синовлардан ўтказиладиган 5000 та биологик фаол моддадан 5 таси клиник синовлардан ўтишга лойиқ, деб топилади.

Клиник синовлардан сүнг фақат биттаси дори воситаси сифатида тиббиёт амалиётида құлланилишига рухсат этилади.

Жағон фармацевтика амалиётидан маълумки, 10000 та синтез қилинган моддалардан фақат биттасигина дори воситаси сифатида ишлатилиши мумкин. Дори воситасининг яратилиш жараёни босқичлари қуйидаги *1. I-расм* да көлтирилган.

**Юқори фаолликка зәға бұлған дори воситаларини олиш мақсадыда бирикмаларни синтез қилиш ёки табиий хомашёдан ажратып олиш**

**Әнг фаолларини таңлаб олиш мақсадыда фармакологик скрининг ва клиникагача бұлған тадқиқотлар**

*Good Laboratory Practice (GLP) – яхши лаборатория амалиёти*

**Биологик фаол бирикмаларни клиник баҳолаш**

*Good Clinical Practice (GCP) – яхши клиника амалиёти*

**Дори шаклинин яратыш бүйіча технологик масалаларни ҳал қилиш.  
Препарат ишлаб чиқаришга тәтbiқ этиш**

*Good Manufacturing Practice (GMP) – яхши ишлаб чиқару амалиёти*

**Тайёр фармацевтика маңсулотини дорихона тармоғига тарқатиш**

*Good Distribution Practice (GDP) – яхши улгуржы салдо амалиёти*

**Дори воситасини сотинш**

*Good Pharmacy Practice (GPP) – яхши фармацевтика (дорихона) амалиёти*

### **1. I-расм. Дори воситасининг яратилиш жараёни босқичлари**

Хар бир яратилиб, амалиётта жорий этилган дори воситаси *1.2-расм*да көлтирилган босқичлардан үтади.

#### **1.1. Дори моддаларининг олиниш маидалари**

Дори моддалари олинишига күра табиий ва синтетик моддаларға бүлинади.

1. Ноорганик тузилишга зәға бұлған дори моддаларнинг баъзила-ри табиатда тайёр ҳолда учрайди. Масалан: кислород, олтингугурт, натрий хлорид, калий сульфат ва бошқалар. Улар тетишили усуллар билан тозалаб олинади.


Күпчилик ноорганик дорои моддалар ноорганик минераллардан олинади. Масалан, калий хлорид сильвинит минералидан  $\text{NaCl} \cdot \text{KCl}$ ,




1.2-расм. Дори воситасивинг «ҳаёт иули»

карналлит минералидан  $KCl \cdot MgCl_2 \cdot 6H_2O$ , бор кислота бура –  $Na_2B_4O_7 \cdot 10H_2O$  ёки кернит  $Na_2B_4O_7 \cdot 4H_2O$  минералларидан олинади.

$$Na_2B_4O_7 \cdot 10H_2O + 2HCl \rightarrow 4H_3BO_3 + 2NaCl + 5H_2O$$



Барий сульфат эса  $\text{BaSO}_4$  – барит ёки ветерит –  $\text{BaCO}_3$  минералларидан олинади.



2. Тошкүмир ва нефть маҳсулотлари. Тошкүмирни кокслаш жараёнида ажрагиб олинган қатрон мураккаб таркибли бўлиб, аксарият қисмини фенол, крезол, ксилол, нафталин, метилнафталин, антрацен сингари ароматик бирикмалар, озроқ қисмини эса гетероциклик бирикмалар ташкил қиласи.

Бу моддалар ажратиб олингач, дори моддаларни олиш учун дастлабки хомашё сифатида ишлатилади.

Нефть маҳсулотларидан вазелин ва вазелин мойи, парафин тиббиётда кенг қўлланилади. Ёқилғи сланцларидан уларни қуруқ

хайдаш йұли билан иhtiол ва бошқа гетероциклик бирикмалар олинади.


3. Доривор үсимлік хомашёсидан құпчилик витаминалар, гликозидлар, алкалоидлар, кумарин ва флавонойдлар, органик кислоталар, углеводлар ва бошқа гурухларга мансуб моддалар олинади.

Баъзи бир үсимліклардан ажратиб олинган дори моддалар кейинчалық синтез йұли билан олинган (эфедрин, кофеин, папаверин ва бошқалар).


Юрак гликозидлари, морфин, стрихнин, хинин, резерпин ва бошқалар фақат үсимліклардан олинади.

4. Одам ва ҳайвонларнинг баъзи бир аъзоларидан гормонлар ва простагландинлар гурухига кирган дори моддалар олинади.





Масалан, қорамолнинг қалқонсимон безидан – тиреоидин, буйрак усти безининг мия қисмидан адреналин, норадреналин, шу безининг пүстлоқ қисмидан кортикостероидлар (ДОКСА, кортизон ва бошқалар), меъда ости безидан инсулин, эркак ва аёлларнинг жинсий безларидан тестостерон, эстрадиол, прогестерон каби гормонлар олинган.



Адреналин  
гидротартрат  
I-1-(3,4-диоксифе-  
нол)-2-метилами-  
нэтанол  
гидротартрат




Норадреалин  
гидротартрат  
I-1-(3,4-диоксифе-  
нол)-2-амин-  
этанол гидротарт-  
рат




Простагландинлар организмнинг турли аъзоларида (қон, упка, буйрак, ичак, бачадон ва бошқа турли безларда) ишлаб чиқиладиган биологик фаол моддалардир. Простагландинларни организмнинг күргина фаолиятига таъсир кўрсатадиган ўзига хос ҳужайранинг ички гармони дейиш мумкин. Швед олимси Эулер 1934 йилда простагландинлар простата безида ишлаб чиқилади, деган тахминни илгари суриб, простагландинлар деган атамани киритди.

Простагландинлар тўқималарда жуда оз миқдорда ишлаб чиқилиб, уруг суюқлигида тўпланади. Бир кеча-кундузда инсон организмидаги 0,0001 г = 100мкг простагландинлар синтез қилинади.


Простагландинлар тузилишига кўра простаной кислота ҳосиласидир.



Хозирги вақтда 20 дан ортиқ простагландинлар ажратиб олиниб, ўрганилган.




Простагландинлар кенг спектрдаги таъсирга эга. Е ва F гурӯҳ простагландинлари акушерлик амалиётида қўллаш учун тавсия этилланган.



Инсон мияси, буйраги, қораталоги, күмігіни экстракция қилиб, уларни турли нисбатда аралаштириш орқали күчли гериатрик таъсирга эга бўлган моддалар олинганлиги ҳақидаги маълумотлар адабий манбаларда чоп этилган. Бу бирикмалар ҳам простагландинлар аралашмасидан иборат бўлса керак.

5. Микроорганизмларнинг штапмларидан антимикроб таъсирга эга бўлган моддалар – антибиотиклар олинади.



**Стрептомицин сульфат – аминогликозид**

*Streptomyces griseus* – актиномицет штаммидан ажратиб олинган.


6. Биотехнологик препаратлар. Биотехнологиянинг жадаллик билан ривожланиши туфайли замонавий цивилизация даврида биотехнологик маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги салмоғи ортиб бормоқда. Бу асосан озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда фармацевтика саноатида намоён бўлмоқда. Ҳозирги кунда биотехнологик дори воситалари кенг ассортиментга эга. Биотехнологик дори воситалари – ген муҳандислиги ва гибридома (дурагайлаш) технологияларинини кўллаб ишлаб чиқарилган дори воситалари бўлиб, уларга микробларга қарши препаратлар, ферментлар, гормонлар, иммунобиологик препаратлар (вакциналар, иммуноглобулинлар, зардоб препаратлари, иммуномодуляторлар, адаптогенлар ва ташхис воситалари) киради.

## 1.2. Дори моддаларининг олиниши йўллари Экстракция усули

Агар дори моддаси табиий объектлардан олинса, кўпгина ҳолларда экстракция усули қўлланилади. Усул шароити ишлатиладиган реактивлар ва эритувчиларни танлаш ажратиб олинини лозим бўлган модда ёки моддалар аралашмасининг хоссасига асосланади. Масалан, япон софораси фунчасидан олинадиган рутин хомашёни этил спирти билан экстракция қилиш орқали олинади.



3-рамногликозил-3,5,7,3',4' – пентаоксифлавон



рутиноза

Флавоноид ва кумаринлар ўсимлик хомашёсини сувли спиртли экстракция қилиш, сўнгра спиртни учирив, сувли ажратмани полярлиги турлича бўлган органик эритувчилар билан ишлаб, хроматография усувларини қўллаш орқали олинади.

Алкалоидлар ишқорий органик эритувчи ёрдамида олинган ажратмани кислота эритмаси билан ишлаш орқали ажратилади. Аммо асослик хоссаси жуда кучсиз бўлган алкалоидлар кислота эритмасига ўтмаслиги ҳам мумкин.

Тиббиётда ишлатиладиган дори воситаларининг 50% дан кўпроғи келиб чиқиши манбалари бўйича ўсимлик хомашёсидан ажратиб олинган дори воситаларига тўғри келади.

Кейинги 10 йил ичидә жаңон тиббиётіда үсімліктардан ажратиб олинган биологик фаол моддаларга бұлған қызықишиң жуда күтчайиб кетди. Буни қуындағы изохлаш мүмкін.

1. Ажратиб олинган дори воситаси экологик тоза булиб, жиддий нохуш таъсирлари бұлмайды.

2. Үсімліктан ажратиб олинган биологик фаол моддалар организм томонидан яхши қабул қилинади.

3. Үсімліктан ажратиб олинган биологик фаол моддаларнинг даволаши самарағы булиб, таннархи арzon ва таъсири узокроқ давом этади.

### Синтез усули

Синтез усули билан олинган дори воситалари Давлат реестридағы дори воситаларининг 40–50% ини ташкил қылады. Табиий биологик фаол моддаларни ажратиб олиш мұраккаб ва қиммат бұлса, уни синтез усули билан олишга қарқат қилинади. Папаверин, кофеин, теофиллин, теобромин, эфедрин, ментол, левомицетин, атропин, кодеин сингари үнлаб табиий хомашёдан ажратиб олинган дори моддалар кейинчалик синтез йўли билан олинган. Синтез усулини жараённинг моҳиятига қараб З га бўлиш мүмкін.

*а) Оддий синтез.* Бу усулда синтез 1–2 босқичда бориб, охирги маҳсулот тез ва осон олинади. Ноорганик дори моддалар, молекуласи нисбатан кичик бўлған органик дори моддалар шу усул билан синтез қилинади (хлоралгидрат, ѹодоформ, уротропин ва бошқалар).


*б) Тұла синтез.* Синтез қилиниши мұлжалланған дори моддаси кичик фрагментлардан йигилади. Масалан, фуран ҳосилалари – 1,4-дикарбонил бирикмалардан дегидратлаш реакцияси орқали олинади.



Пиррол ҳосилаларини эса 1,4-дикарбонил бирикмаларга аммиак ҳосилаларини таъсир эттириб олинади.

Пиридин ҳосилалари  $\alpha$ ,  $\beta$ -түйінмаган алъдегидлар билан аммиакни конденсацияланиш орқали олинади.






Тұла синтез нисбатан юқори молекуляр таркибага эга бұлған биркімаларни олиш учун мақбул әмас. Масалан, биз юқорида күриб үтган простагландинлар өздөн ортиқ босқыч билан синтез қилиниб, ҳар бир босқычда бир неча изомер моддалар ҳосил болады. Уларни ажратиб олиш ва реакциянинг кейинги босқычларини бажариш жуда машаққатли иш бұлғани учун бу усул билан уларни олиш амалий ахамияттаға эга әмас.

### *в) Ярим синтез (полусинтез) усули.*

Дори моддаларни олишда әңг күп құлланиладиган усул. Ярим синтетик цефалоспоринларни олишнинг табиии манбаси цефалоспорин С *Cephalosporinum solmo-synnematum* мөгоридан ажратиб олинган. Цефалоспорин С ни гидролиз ва гидрогенлаш орқали 7-АДЦК ажратиб олинади. Сүнгра ундан цефалексин антибиотики олинади.



### **Ген муҳандислиги усули.**

Замонавий ген муҳандислиги соҳасида эришилган ютуқлар дори моддалар олишда ҳам кенг құлланилмоқда.

Ген муҳандислиги ёки рекомбинант ДНК технологияси био-кимёвий ва генетик усуллар ёрдамида ҳужайранинг асосий ирсий органоиди — хромосома материалини ўзгартиришдир. Хромосома материали ДНКдан ташкил тонган.

ДНКнинг у ёки бу қисмини ажратиб олиб уни янги комбинацияларда бирлаширилди ва бир ҳужайрадан бошқа ҳужайрага ўтказилади. Натижада геномнинг ўзгариши оқибатида табиатда учрамайдиган янги бирикмалар ҳосил бўлади.

Хозирги кунда тиббиётда қўлланиладиган одам инсулини, интерферон, эритропоэтин, лейкотрофиль, рекомбинант вакциналар каби дори воситалари ген муҳандислиги усули билан олинади.

Ген ирсиятни белгиловчи хромасомадаги энг кичик заррачалар мажмуаси бўлиб, у ёки бу объектнинг генига таъсир этиш билан унинг сифатини яхшилаш ёки ёмонлаш мумкин.

XX аср физика асри бўлган бўлса, XXI аср биотехнология, аниқроғи ген муҳандислиги асри бўлса, ажаб эмас.

### **Ҳужайра технологияси усули – клипс технологияси**


Бу усулда маҳсус биологик муҳитда ўсимликнинг маълум аъзолари ўстирилиши натижасида, шу органдга сақланган моддаларни тез ва етарли миқдорда ажратиб олишга мувофиқ бўлинади.

Клипс технологиясининг қулайлиги шундаки, лаборатория ёки корхона шароитида қисқа муддатда тропик ёки субтропик минтақаларда ўсадиган ёки ўсимлик хомашёсини олиш узоқ муддат талаб этадиган хомашё таркибидағи керакли моддани ажратиб олиш мумкин.

Масалан, илонсимон раувольфия (*Rauvolfia serpentina*) Ҳиндистонда ва бошқа тропик мамлакатларда ўсадиган ўсимлик бўлиб, унинг илдизидан 40 га яқин турли алкалоидлар ажратиб олинган. Улардан резерпин кучли седатив таъсирга эга бўлиб, барча гипотензив таъсирга эга бўлган моддалар резерпин билан солиштирилди. Россияда резерпинни раувольфия ўсимлигидан ҳужайра технологияси усули билан олиш йўлга кўйилган.

Жень-шень экстрактини олиш Россия Федерациясининг Воронеж парфюмерия фабрикасида клипс технологияси бўйича йўлга кўйилган.

*Ungertia Victoris* ва *Ungertia Sewertzowii* – омонқора ўсимлигининг илдизидан олинадиган галантамин гидробромид препаратини олиш учун бу усулни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Резерпин – аллоихимбан гурухига кирган алкалоид. Резерпин 50 дан ортиқ дори турлари таркибига киради.



Кейинги 20 йил давомида тиббиёт амалиётида аввалдан ишлаб тиб келинаётган дори моддаларни фан ва техниканинг замонавий усуллари ёрдамида тадқиқ қилиш орқали уларнинг янги йўналишдаги таъсири аниқланиб, бошқа таъсир гурухига кирган дори воситаси сифатида қўллаш тавсия этилмоқда.


Масалан:

- 1) мидантан
- ремантадин
- уротропин
- 2) – Ацетилсалациловая кислота сининг қонни суолтириши хоссасига эта эканлиги аниқланган.


3) Мумиё – синган сүякларни даволаш билан бир қаторда анаболик, иммуномодулятор ва антимикроб таъсирга эга эканлиги ҳам аниқланди.

4) Ципрофлоксацин антимикроб препарати 4-хинолон-3-карбон кислота тузилишига эга.

Республикамиз худудида ўсадиган *Dictamnus* (ясенец), *Haplophyl-lum* (цельнолистник) ўсимликларининг 22 та туридан 73 та хинолин гурӯҳига кирган алкалоидлар ажратиб олинган.



фурано-4-хинолин



пирано-4-хинолин

Бу бирикмаларнинг антимикроб таъсири ўрганилмаган. Ароматик ҳалқага фтор, 3-ҳолатга – COOH га киритиш орқали антимикроб таъсирга эга моддани олиш мумкин.

Дори моддаларни олинишига бўлган ёндошишга кўра изланиш усувлари 3 га бўлинади:

1. Изланишининг эмперик усули.
2. Маълум мақсадга йўналтирилган изланиш.
3. Компьютер ёрдамида (*insilico*).

1. Эмперик усул хатоликлар ва янгилишишлардан иборат усул (метод проб и ошибок) бўлиб, изланиш эмперик қонуниятлар асосида олиб борилади. Бу усул билан дори воситалари изланганда 2–3 минг бирикмадан биттаси тиббиёт амалиётига татбиқ этилади. Тиббиётда қўланилаётган дастлабки дори моддаларнинг аксарияти шу йўл билан изланиш натижасида яратилган.

2. Маълум мақсадга йўналтирилган изланиш усули модданинг тузилиши билан унинг биологик фаоллиги орасидаги боғлиқлик қонуниятларига асосланган бўлиб, бу иш юқори малакали, маълум бир йўналиш бўйича етарли билим ва кўнилмаларга эга бўлган кимёгар-биолог ва технологлар ҳамкорлигига амалга оширилади. Аммо модданинг тузилиши билан биологик фаоллиги орасидаги боғлиқлик характеристи ўта мураккаб бўлганлиги учун бу боғлиқликнинг аниқ қонуниятлари ҳозирча йўқ. Шунинг учун бу усул билан изланишида ҳам қўзланган мақсадга эришиш қийин бўлмоқда. Мақсадли синтез асосида олинган ҳар 100–300 моддадан биттаси тиббиёт амалиётига стиб бормоқда.

3. Замонавий компьютерлардан ва интэрнет тизимидан фойда ланиб изланишида, маълум йўналишида даворлаш самарасига зағурбунин

жаҳон тиббиёт амалиётида қўлланилаётган барча дори моддалар ҳақидаги маълумот йигилиб дастур тузувчи томонидан дастур ишлаб чиқилиб, компьютерга киритилади. Яратилиши кўзланган дори моддаси қандай тузилишга эга бўлишини маълумотларни ишлаб чиқиш натижасида компьютер чиқариб беради, лекин бу усулда ҳам аниқлик 5–10 %ни ташкил қўлмоқда.

Бу усул келажак усули бўлиб, маълумотлар банкининг ортиши ва компьютер дастурларининг такомиллашуви натижасида аниқлик фоизи ортиб бориши кўзда тутилмоқда.

### **1.3. Ўзбекистон Республикасида доришуносликнинг ривожи**

Мустақиллик даврида доришуносликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар юзага келди. Собиқ Иттифоқ даврида республикаизда яратилган дори воситалари Москва шаҳрида жойлашган Фармакопея қўмитасида тасдиқланиб, тиббиёт амалиётида фойдаланиш учун рухсат берилар эди. Натижада Ўзбекистонда яратилган дори моддаларнинг ҳаммаси ҳам тиббиёт амалиётида ишлатишга етиб бормас эди. Мустақиллик шарофати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси тузилиб, унинг таркибида бир қанча қўмиталар, шу жумладан Фармакология ва Фармакопея қўмиталари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Агар Тошкент фармацевтика институти ташкил топган 1937 йилдан 1991 йилгача бўлган 54 йил давомида яратилган дори воситаларидан фақат 2 тасига (ферамид ва коамид) тиббиётда ишлатиш учун рухсат берилган бўлса, кейинги 18 йил ичida 30 дан ортиқ дори воситалари тиббиёт амалиётида қўллаш учун рўйхатдан ўтказилиди.

Тарихдан Марказий Осиё ҳудудида тиббиёт соҳасининг етук билимдонларининг яшаб ўтганлиги матъум. Бундан ташқари, табиат ҳам энг фаол ва даволаш хусусияти юқори бўлган манбаларни бизнинг ҳудудимизга раво кўрган.

Табиий бирикмалар кимёси соҳасида ишлаб ижод этган кўпчилик кўзга кўринган олимлар (А.П. Орехов, Р.М. Коновалова, Г.П. Меншиков, Г.К. Никонов, А.С. Кузовков, В.М. Родинов ва бошқалар) ўзларининг илмий изланишларини бизнинг ҳудудимиз табиий ресурслари билан олиб боришган.

Маълумки, дори воситалари одатда табиий хомашёдан ёки синтез йили билан олинади. Тўла синтез усули билан олинган дори воситаларининг таннархи юқори бўлганлиги сабабли, кўпинча яrim синтез усулидан фойдаланилади. Бунда олинипи кўзланыётган дори

моддасининг асосий қисми (скелети) табиий хомашёдан олиниб, унга турли функционал гуруҳлар киритиб, керакли модда олинади. Бу усул дори воситаларини излаб топишда кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Республикамизда дори моддаларни излаб топиш, уларни тиббиёт амалиётига татбиқ этиш муаммолари устида бир қанча йирик илмий марказлар изланишлар олиб бормоқдалар.

1. Тошкент фармацевтика институтида қўйидаги йўналишлар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:

а) профессор М.А. Азизов асос солган «Координацион бирикмалар синтези» йўналиши. Бу йўналиш бўйича проф. Х.Х. Ҳакимов, О.А. Шобилолов, А.Н. Юнусхўжаев каби ўнлаб фан докторлари ва фан номзодларининг тадқиқот ишлари натижасида ферамид, коамид, пирацин, купир, кобалт – 30 субстанциялари асосида ўнлаб дори турлари яратилди.

б) Ўзбекистондаги доривор ўсимликларни фармакогностик ва фитокимёвий ўрганиш. Бу йўналиш бўйича профессорлар Р.Л. Хазанович, Х.Х. Холматов, Т.П. Пулатова, Х.М. Комилов, Ҳ.А. Аҳмедов, А.Ё. Ибрагимовлар иш олиб боргандар. Уларнинг илмий изланишлари натижасида майдагули тоғрайхон, Самарқанд бўзночи гули, Туркистон арслонқўйруги, Регель қизилқулоғи ўти, маккажӯхори устунчаси ва оғизчаси, сариқ андиз илдизпоялари ва илдизлари, тукли ханделия гули, тукли далачой ўти сингари бир неча доривор ўсимлик хомашёси тиббиётга татбиқ этилди.

Дорилар технологияси соҳасида Х.К. Жалилов, С.Н. Аминов, З.А. Назарова, Х.М. Юнусова, Х.М. Комилов, К.С. Маҳмуджонова, М.У. Усуббаев, М.М. Миролимовлар томонидан мумиё таблеткаси 0,1 г диазолин 0,05 г ва 0,1 г таблеткалари, сув-вазелин эмульсия асоси, бентонит гели, аскорбин кислотасининг 0,05 г дражеси, этакридин лактат 2% ли суртмаси, пирацин таблеткалари 0,05 г ва 0,1 каби дори турлари ишлаб чиқилди.

2. УзР ФА Биоорганик кимё институтида 190 турга мансуб ёввойи ва маданий ўсимликлар ўрганилиб, госсипол, бетадрин, мегасин, гозалидон каби дори воситалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, қўйидаги истиқболга эга моддалар ҳам атрофлича ўрганилмоқда:

госфен – рак касаллигини даволаш учун ишлатилади;

дифенотан – антигипоксик таъсирга эга;

лагоден – гемостатик таъсирга эга, дитерпен алкалоидлар гуруҳига кирган лагохилин асосида олинган;


полифлан — гриппнинг олдини олиш ва даволаш учун ишлатилиди. Таркибида янтоқ flavonoidлари, наъматақ экстракти ва госсипол сақловчи дори воситаси.

Ўсимлик моддалари кимёси институтидан ҳам кўнлаб дори воситалари тиббиёт амалиётига тавсия этилган булиб, улар ўсимликлардан ажратиб олинган турли фармакологик гуруҳга киравчи моддалардир. Булар:

Аклезин — *Aconitum Leucostomum* ер устки қисмидан олинган алкалоидлар йигиндиси — юрак-қон томир касалликларини даволапида ишлатилади.


Галантамин гидробромид — ҳаракат аъзоларининг касалликларида ишлатилади. Полиомиелит (шол) ва болаларда учрайдиган церебрал параличда яхши даволаш самарасига эга. *Ungernia Victoris* — омонқора ўсимлигидан ажратиб олинган.

Дезоксипеганин гидрохлорид — *Peganum garmala*, исириқ ўсимлигидан ажратиб олинган дезоксипеганин алкалоидининг гидробромиди.




— мияда қон айланиши бузилганида яхши самара беради

Цитизин, протопин гидрохлорид — изохинолин ва хинолизидин гуруҳи алкалоидлари булиб, нафас олишни ва жигар фаолиятини яхшилаш мақсадларида ишлатилади.




— балғам қўчирувчи ва йўталга қарши восита

Псорален — *Psoralea drumacea* ўсимлигидан (оқ қуруқ) ажратиб олинган фурокумаринлар йигиндиси булиб, псорален ва изопсоралендан иборат.




псорален



изопсорален-ангелицин

Псоберан — псорален ва бергаптенлар аралашмасидан иборат.




бергаптен


Экдистен – экдистероидлар гурухига кирган, организм тонусини оширувчи восита.

Тефэстрол – Fermla ўсимлигидан ажратиб олингандар ферунитин ва тенуфедрин сесквитерпенларининг мураккаб эфири.


Арундоксин – Arundo donox (гаров) ўсимлигидан ажратиб олингандон доноксин алкалоидининг гидрохлориди – бачадон мушаклари ни қисқартириш таъсирига эга.





Бақа заҳарини кимёвий ўрганиш натижасида «Бақагин» деган дори модда олинганд бўлиб, унинг таркибида гамабуфуталин, аренобуфагин, буфареногин, маринобуфагин номли буфадиеолидлар мавжуд.



гамобуфаталин




аренобурагин



Юқорида күрсатилган препаратларни ишлаб чиқишида, ақадемиклар О.С. Содиқов, проф.Х.А. Асланов, А.И. Исмоилов, Ш.И. Салихов ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

3. С.Ю. Юнусов номидаги ЎзР ФА Ўсимлиқ моддалари кимёси институтигида акад.С.Ю. Юнусов раҳбарлигига проф.П.Х. Йўлдошев, Х.А. Абдуазимов, Н.К. Абубакиров, Г.К. Сидякин, И.А. Бессонова, М.В. Тележенецская ва бошқалар томонидан 1100 алкалоид, 300 гликозид, 40 та полисахарид, 650 кумарин ва флавоноид ажратиб олинниб, улар асосида 30 дан ортиқ дори моддаси ва 100 га яқин дори турлари ишлаб чиқилди.

Аллатинин антиаритмик таъсирга эга. *Aconitum Leucostomum* ва *Aconitum septentrionale* ўсимликлардан ажратиб олинган лаппаконитин гидробромид асосида олинган бўлиб, таркибида яна тўртта модда бор.



Жаҳон бўйича ажратиб олиб, ўрганилган алкалоидлар сони 6000 та экантигини эътиборга олсак, ҳар 6 та алкалоидларнинг биттаси ўзбекистонлик олимлар томонидан ажратиб олинган.

Ақад.С.Ю. Юнусов яратган «Алкалоидлар мактаби» XV асрда Мирзо Улуғбек томонидан яратилган «Астрономия мактаби»дан кейин бутун Жаҳон томонидан тан олинган иккинчи илмий мактаб ҳисобланади.

Республикамизда яратилиб, тиббиёт амалиётига татбиқ этилган моддалар кимёвий тузилиши ва терапевтик самараси бўйича турлича бўлиб, уларнинг аксарияти табиий хомашёдан ажратиб олинганди лиги учун, деярли бошқа ўхшашларининг йўқлиги (аналоги) уларнинг аҳамиятини янада оширади.

Тиббиёт амалиётида ишлатиш учун рухсат берилиб, рўйхатдан (Реестр) ўтказилган 5500 га яқин дори воситаларининг фақат 760 таси республикамиздан тавсия этилган бўлиб, булар орасидаги 24 таси оригинал дори воситалари дидор. Кўриниб турибдики, бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

#### 1.1-жадвал

#### Тошкент фармацевтика институтидан тиббиётта татбиқ этилган баъзи бир дори воситалари

№	Дори воситаси номи	Муаллифлар
1.	Тозаланган мумиё субстанцияси	С.Н. Аминов, М.М. Қурбонова, Л.М. Салиева
2.	Мумиё таблеткаси 0,1 г	С.М. Маҳкамов, М.У. Усуббаев, Л.М. Салиева
3.	Мумиё асил капсуласи 0,15 г	А.Н. Юнусхўжаев, С.Н. Аминов, Ф.Д. Салихов
4.	Бентонит гили – ёрдамчи модда	З.А. Назарова, С.Н. Аминов
5.	Навбахтит кукуни	А.Н. Юнусхўжаев, С.Н. Аминов, Ш.Ш. Шамсиев
6.	Семёнов Родиоласи илдизи ва илдизпоялари	Ҳ.Ҳ. Холматов, Р.З. Кулиев, М.М. Раҳматулаева, Ў.А. Аҳмедов
7.	Ер ноки туганаги	Т.П. Пўлатова, С.Н. Аминов ва бошқалар

8.	Гликоинувит субстанцияси	А.Н. Юнусхұжаев, С.Н. Аминов, О.Ш. Қодиров
9	Гликоразмулин субстанцияси	С.Н. Аминов, М.М. Раҳматуллаева
10.	Гликоразмулин капсуласи 0,1 г	С.Н. Аминов, М.М. Раҳматуллаева
11.	Төг дастарбоши ғуллари	А.Я. Ибрагимов, А.Қ. Фаниев, Н.А. Абдураҳманова
12.	Пирацин субстанцияси	А.Н. Юнусхұжаев, О.А. Шобилолов
13.	Пирацин ампуладаги 0,25% әритмаси	А.Н. Юнусхұжаев, О.А. Шобилолов, А.Ф. Дұсматов
14.	Фераск капсуласи	Н.Г. Смаглюқ, Ш. Ибрагимова
15.	Кобальт-30 таблеткаси	Н.Г. Смаглюқ, Б. Мұҳамедова
16.	Когистин субстанцияси	А.Н. Юнусхұжаев, А.Ф. Дұсматов
17.	Купир субстанцияси	Н.Г. Смаглюқ, Х.Х. Ҳакимов, М.А. Азизов
18.	Купир ампуладаги 0,15% әритмаси	Н.Г. Смаглюқ, Х.Х. Ҳакимов, М.А. Азизов
19.	Туклибарғли ханделия	Ф.Ф. Урмонова, М.Н. Махсумов
20.	Туклибарғли ханделия суюқ экстракти	М.М. Зиямұхамедова, З.А. Назарова, М.У. Ұсуббоеев, Ф.Ф. Урмонаева
21.	Натрий салицилат 3% гели	А.В. Туланова, З.А. Назарова
22.	Анттивир таблеткалари 0,2 г	К.С. Махмуджонова, Ф.А. Умарова, А.Б. Ақбаров
23.	Майды ғулли төграйхон үті	Т.П. Пұлатова
24.	Майды ғулли төграйхон суюқ экстракти	Т.П. Пұлатова, Ш.Н. Шодмонова, А.Қ. Фаниев
25.	«Пертуссин-Д» суюқ экстракти	Т.П. Пұлатова, Ш.Н. Шодмонова, А.Қ. Фаниев

**Илк бор Узбекистон Республикасида яратилган оригинал  
дори воситалари**

<b>№</b>	<b>Номи</b>	<b>Фармакотерапевтик гурӯҳ</b>	<b>Ташкилот</b>
1.	Ајлапинин	Антиаритмик восита	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
2.	Аюстан	Сут ажралишини стимулловчи восита	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
3.	Бакстимс	Бактериостатик ва яраларга қарши восита	АОЗТ «Сарбонтех»
4.	Гемалин	Иммуностимулятор	ЧМПФ «Толерант»
5.	Глирофам	Гиполипидемик восита	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
6.	Гозалидон	Антихламидий восита	ЎзР ФА нинг биоорганик кимё институти
7.	Дезоксипеганин	Антихолинэстераза воситаси	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
8.	Дихлотазол	Яллигланишга қарши ностероид восита	А. Султонов номидаги Ўз ФИТИ, Тошкент тиббиёт академияси
9.	Иммуномо- дулин	Иммуностимулятор	ЎзР «Вакцина ва зардоб» ИТИ
10.	Кобавит	Гепатопротектор, анемияга қарши восита	АООТ «АБ-Биоком»
11.	Когистин	Анемияга қарши восита	Тошфарми
12.	Кукумазим	Протсолитик фермент	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
13.	Купир	Анемияга қарши восита	Тошфарми
14.	Лагоден	Гемостатик восита	ЎзМУ
15.	Олигвон	Ангиопротектор	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
16.	Напайн	Протеолитик фермент	Тошкент тиббиёт академияси

17.	Пирацин	Гиполипидемик восита	Тошфарми
18.	Протопин	Үт ҳайдовчи восита, гепатопротектор	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
19.	Салтивин	Плазма ўрнини босувчи восита	ЎзР ФА нинг Биоорганик кимё институти
20.	Строфантидин ацетат	Юрак гликозиди	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
21.	Сукцинасол	Гемокорректор	Гематология ва қон күйини ИТИ
22.	Фенсулкал	Яллиғланишга қарши ностероид восита	А. Султонов номидаги Ўз ФИТИ, Тошкент тиббиёт академияси
23.	Фенитриазолин	Яллиғланишга қарши ностероид восита	А. Султонов номидаги Ўз ФИТИ, Тошкент тиббиёт академияси
24.	Кобальт-30	Лейкопоззни стимулловчи восита	Тошфарми
25.	Фитат кобальт	Анемияга қарши восита	А. Султонов номидаги Ўз ФИТИ
26.	Мебавин	Сут ажралишини стимулловчи восита	ЎзР ФА нинг Биоорганик кимё институти
27.	Флатерон	Антихолестеринемик восита	ЎзР ФА нинг Биоорганик кимё институти
28.	Мегосин	Вирусларга қарши восита	ЎзР ФА нинг ЎМКИ
29.	Глицирозин	Вирусларга қарши восита	А. Султонов номидаги Ўз ФИТИ
30.	Когацел	Вирусларга қарши восита	ЎзР ФА нинг ПКФИ

**Дори воситаларини яратиппинг асосий йўналишлари ва  
келажакдаги истиқболлари мавзуси бўйича саволлар**

1. Ноорганик тузилишга эга бўлган дори моддаларининг олиниш манбаларини санаб ўтинг.
2. Гормонлар ва простогландинлар гурухига кирган дори моддаларнинг олиниш манбаларини курсатинг.
3. Дори моддаларининг олиниш йўллари нечага бўлинади?
4. Экстракция усули билан дори моддаларини олишининг ўзиға хос томонлари ва камчиликларини мисоллар асосида тушунтириңг.
5. Синтез усулиниң афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат.
6. Синтез усули қандай таснифланади?
7. Ген мұҳандислиги усули түғрисида тушунча беринг.
8. Ҳужайра технологияси – Клипс технологияси усулиниң қулайлиги нималарда намоён бўлади?
9. Дори моддаларини олинишига бўлган ёндошишга кўра изланиш усуллари қандай бўлинади?
10. Эмпирик усулда янги дори моддаларини олинишини тушунтириңг.
11. Йўналтирилган изланиш усули, яъни модданинг тузилиши билан унинг биологик фаоллиги орасидаги боғлиқлик қонуниятларига асосланган усулда дори моддаси олишининг ютуқ ва камчиликлари қандай?
12. Республикаизда дори моддаларни излаб топиш, уларни тиббиёт амалиётига татбиқ этиш муаммолари устида изланишлар олиб бораётган йирик илмий марказларни санаб ўтиңг.
13. Тошкент фармацевтика институтида қайси йўналишларда илмий тадқиқот ишлар олиб борилмоқда?
14. Ўзбекистонда «Алкалойдлар мактаби»ни яратган олим ва унда фаолият кўрсатган ходимларнинг фаолиятлари түғрисида маълумот беринг.
15. Табиий манбалардан олинган ва тиббиётга жорий этилган алкалоидлар түғрисида маълумот беринг.
16. Илк бор Ўзбекистон Республикасида яратилган оригинал дори воситалари ва уларнинг фармакотерапевтик гурухини шарҳлаб беринг.
17. Дори воситасининг «ҳаёт йўли» чизмасини изоҳланг.

**Дори воситаларини яратишнинг асосий йўналишлари ва  
келажақдаги истиқболлари мавзуси бўйича вазиятли масалалар**

1. 100,0 г ўсимлик хомашёсидан алкалоидлар йифиндисининг эфирли қисми 0,12 г, хлороформли қисми 0,30 г бўлса, хомашё намлигининг 8,3% лигини ҳисобга олган ҳолда, алкалоидлар йифиндисининг фоиз миқдорини топинг.
2. Диэтил эфири, сув, хлороформ, диоксан, бензол, петролей эфири, гексан, циклогексан каби экстрагентларни полярлиги ортиб бориши тарзида жойлаштииринг.
3. 9 г барий сульфатни углерод билан қайтариб, сунг хлорид кислота эритмасида эритилди. Эритмага сульфат кислота қўшиб, дисперс барий сульфатдан 7,3 г ажратиб олинди. Реакция унумини ҳисобланг.
4. Агар реакция унуми 68% бўлса 4,2 г йодоформ олиш учун 1М йод эритмадан неча мл керак бўлади?
5. Нормал шароитда Сольве усули билан 2 кг натрий гидрокарбонат олиш учун неча литр аммиак керак бўлади?
6. Висмутнинг асосли нитрати таркибида  $\text{Bi}(\text{OH})_2\text{NO}_3$ -28%,  $\text{Bi}(\text{OH})$  – 14%,  $\text{BiO}(\text{OH})\text{NO}$ -58% бўлса висмутнинг фоиз миқдорини ҳисобланг.
7. Реакция унуми 60% бўлса, 2,24 л пропилендан неча кг глицерин синтез қилиш мумкин?
8. Калий ацетат олиш учун 30% ли калий карбонат эритмасидан фойдаланилади. Реакция унумини 90% деб ҳисоблаб, қўшилиши лозим бўлган калий карбонат эритмасининг ҳажмини топинг.
9. 100 кг крахмалдан неча литр этил спирти олиш мумкин? Реакция унуми 1-босқичда 78%, иккинчи босқичда 85%, учинчи босқичда-100 %. Этил спиртининг зичлиги 0,810 г/см<sup>3</sup>.
10. 2 л 60% ли нитрат кислота эритмасидан неча кг нитроглицерин олиш мумкин? Реакция унуми 80 %, глицериннинг М. м-92,1 %.
11. 20 г бензилпенициллиндан унинг калийли тузини олиш учун неча грамм калий карбонат керак бўлади? Бензилпенициллиннинг М. м-334. Реакция унуми 98%.
12. 15 г 6-аминопенициллан кислота (6-АПК) дан неча грамм натрий метициллин моногидратини олиш мумкин? 6-АПКнинг М. м-218. Реакция унуми 88%.
13. 420 г бензилпенициллиндан неча г 6-АПК олиш мумкин. Реакция унуми 96%. Бензилпенициллиннинг М.м. – 334.

14. 50 г строфантозиддан ферментатив гидролиз реакцияси орқали неча грамм К-страфантидин- $\beta$  олиш мумкин. К-страфантидин –  $\beta$  нинг қанд қисми- цимароза – $\alpha$ -Д-глюкоза,  $\beta$ -К-страфантидиннинг қанд қисми эса глюкозадан иборат. М. м. К-страфанто-зид-884. Реакция унуми 82%.
15. Феноболин 19-нортестостеронга фенил пропион кислотасининг хлорангидридини таъсир эттириб олинганда 64% унумга эришилди. Тестостероннинг молекула массаси 288 га teng бўлса, 120 г феноболин олиш учун неча грамм 19-нортестостерон керак бўлади?
16. 16 г сульфацилни 30% ли натрий гидроксид билан нейтралилаб, эритма вакуумда буеглатилди ва 14,2 сульфацил натрий спирт билан чўктириб олинди. Сарфланган натрий гидроксиднинг ҳажмини ва реакция унумини ҳисобланг.
17. 32 г эуфиллин олиш учугу неча грамм теофиллин керак бўлади? Теофиллиннинг молекула массаси – 198,2, реакция унуми 85%.
18. Жағ-жағ ўсимлигининг ер устки қисмидаги 2,4 мг% филлохинон сақланиши аниқланди. 150 г доривор ўсимлик хомашёсидан неча грамм витамин К ажратиб олиш мумкин?

**Дори воситаларини яратишнинг асосий йўналишлари ва келажакдаги истиқболлари мавзуси бўйича тест саволлари**

?

Водород пероксидга қандай модда қўшиб, гидроперит моддасини олади?

-..тиомочевина

+..мочевина

-..этилендиамин

-..гидроксиламин

?

Саноатда тимолни синтез қилишдаги бошланғич моддани кўрсатинг.

-..толуол

-..О-крезол

+..М-крезол

-..п-крезол

?

Натрий хлоридни олиш манбаларини кўрсатинг.

-..тош тузи, аммоний хлориди

+..денгиз суви, тош тузи

-..аммоний хлорид, рух хлориди

-..кальций хлорид, тош тузи

?

Гипохлорит кальцийни (хлорлиохакни) олинишида ишлатиладиган асосий моддаларни кўрсатинг.

-..кальций карбонат ва хлор

+..кальций гидроксида ва хлор

-..хлор ва кальций карбонат

-..натрий хлориди ва кальций гидроксида

?

Кальций хлорид қайси минералдан олинишини кўрсатинг.

+..мрамор

-..гипс

-..сильвинит

-..ашарит

?

Фармацевтик кимё фанида дори моддаларни таснифланиши.

-..фармакологик

-..фармакотерапевтик

+..кимёвий

-..аралаш

?

Олтингурутни саноатда олишда қайси минерал ишлатилади?

+..пирит

-..қўроғин ялтироғи

-..кумуш ялтироғи

-..мис ялтироғи

?

Кальциферолларни стериндан олиниш шароитини кўрсатинг.

+..ультра бинафша нурларининг таъсирида

-..қиздириб

-..оксидлаб

-..қайтариб

?

Саноатда бор кислотасини олишда ишлатиладиган минерални кўрсатинг.

+..ашарит

-..соссолин

-..магнезит

-..мрамор

?

Йүл қүйиладиган ёт аралашмаларни аниқлаш усулини күрсатинг.

+..эталон бүйича

-..эталонсиз

-..кимсө аналитик реакциялар билан

-..физикавий усул билан

?

Йүл қүйилмайдиган ёт аралашмаларни аниқлаш усулини күрсатинг.

-..эталон бүйича

+..эталонсиз

-..тиниңлиги бүйича

-..ранги бүйича

?

Күйидагилардан қайси бири водород пероксидини саноатда олиншида фойдаланылади ?

-..калий сульфат, сульфат кислота

+..аммоний сульфат, сульфат кислота

-..магний пероксида

-..магний оксида

?

Саноатда фенолни синтез қилиб олиншидаги бошланғич Моддаларни күрсатинг.

-..бензол, пропан

-..пропилен, циклогексан

-..пропан, циклогексан

+..бензол, пропилен

?

Йодоформни синтез қилишида иштатыладиган асосий мөддаларни күрсатинг.

-..этил хлорид, натрий гипоидид

-..натрий гипоидид, этанол

-..спирт, йод

+..этанол, йод, натрий гидроксид

?

Аскорбин кислотани саноатда синтез қилиб олиніда болыланғич мөддәни күрсатинг.

+..глюкоза

-..рамноза

-..фруктоза

-..цимароза

?

Этил спиртини биологик усулда олиштаги бошланғыч моддани күрсатинг.

-..этилен

-..ацетилен

+..крахмал

-..этил хлорид

?

Натрий хлоридни олиш манбаларини күрсатинг.

-..тош тузи, аммоний хлориди

+..денгиз суви, тош тузи

-..аммоний хлорид, рух хлориди

-..рух хлорид, денгиз суви

# ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ. МЕЬЁРИЙ ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРГА ҚҮЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

## Дори воситаларини стандартлаш

«Ўзбекистон Республикасида Фармацевтика фаолияти маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги (28 декабрь 1993 й.), «Фуқароларнинг соғилигини сақлаш тўғрисида»ги (29 август 1996 й.), «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (25 апрель 1997 й.), «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги (19 август 1999 й.), «Баъзи фаолиятлар турларини лицензиялаш тўғрисида»ги (25 май 2000 й.), «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (26 апрель 1996 й.), Стандартлаш тўғрисидаги (29 август 1996 й.), «Метрология тўғрисида»ги (29 август 1996 й.), «Реклама тўғрисида»ги (25 декабрь 1998 й.) ҳамда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (28 август 2009 й.) қонунлар ва шу қонунларга тегинли қонун ости ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

### 2.1. Дори воситаларини стандартлаш

Стандартлаш – маълум бир соҳада мавжуд бўлган ёки потенциал масалалар бўйича тартиб ўрнатиш орқали оптималь тартиблаштириш даражасига эришишга йўналтирилган фаолият. Стандартлаш фаолияти стандартларни яратиш, чоп этиш ва қўллаш жараёнларида намоён бўлади.

Стандартлаш – масъул орган (корхона) томонидан қабул қилинган (тасдиқланган) стаңцартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжат.

Стандартлаш бўйича фаолият натижаси маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг функционал қўлланилишига мос келиш даражасининг ошиши, савдо-сотиқда тўсиқларни бартараф қилиш ва илмий-техник ҳамкорликка ёрдам беришдан иборат.

Республикамизда стандартлаш Ўзбекистон Республикасининг Стандартлаш тўғрисидаги қонунига мувофиқ ташкил этилади ва олиб борилади.

Ушбу қонуннинг I-моддасида қўйидагилар стандартлашнинг асосий мақсадлари этиб белгиланган:

1. Маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан бўён матнда «маҳсулот» деб юритилади) аҳолининг ҳёсти, соглиги ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;
2. Маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлаш;
3. Фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек, аҳолининг ҳамда халқ ҳўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини ошириш;
4. Барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашиш, ишлаб чиқаришнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини яхшилаш;
5. Ижтимоий-иктисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;
6. Табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ ҳўжалиги обьектларининг хавфсизлигини таъминлаш;
7. Истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатуроси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш;
8. Мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлаш;
9. Улчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида Давлат стандартлаштириш тизими яратилган. Давлат стандартлаштириш тизимида қўйидаги стандартлар қўлланилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлари.

Тармоқ стандартлари.

Корхона стандартлари.

Техник шартлар.

Хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни қўйидаги ташкилотлар амалга оширади (2-модда):

- халқ ҳўжалиги тармоқларида — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги);
- қурилиш, қурилиш индустряси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси («Давархитектқурилиш» қўмитаси);

– табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф мұхитни ифлосланишдан ва бошқа заарарлы таъсирлардан мұхофаза қилиш соҳасыда – Давлат табиатни мұхофаза қилиш құмитаси;

– тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ва тиббиёт буюмлари, дори воситалари ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек? импорт бүйіча республикага етказиб берилеттан маҳсулотларда инсон учун заарарлы моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида – Соғлиқни сақлаш вазирилиги.

Тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий буюмлар, дори воситалари бүйіча стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминашни Соғлиқни сақлаш вазирилиги номидан Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бөш бошқармаси амалга оширади. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сонли «Доривор восигалар, тиббий буюмлар ва даволаш – профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тұгрысиси»ғи Қарорига мувофиқ ташкил этилған булиб, унга қуйидеги вазифалар юклатылған:

– дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмлар сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– дори воситалари тиббий буюмлар, даволаш озиқ-овқатлари ва тиббий техниканы экспертизадан үтказувчи, стандартлаштирувчи, рүйхатдан үтказувчи ва сертификатлаштирувчи муассасалар ва ташкилдер фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлық қилиш.

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Дағлат маркази ДУК тасаррүфига Фармакология құмитаси, Фармакопея құмитаси, Яңғы тиббий техника құмитаси, Наркотиклар назорати құмитаси, Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Дағлат маркази, Қайд этиш бюроси, Фарминспекция, Метрология бұлыми ва Фармацевтика фаолиятини мувофиқлаштирувчи халқаро стандартлар бүйіча малака ошириш курслари бұлыми киради. Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Дағлат маркази үз навбатида Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси, Вакцина, зардоб препаратлари ва микробиологик таҳлил лабораторияси, Фармақо-токсикологик таҳлил лабораторияси, Тиббий ускуналар ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш лабораторияси, Илмий-услубий ва ахборот бұлими, Сертификатлаштириш сектори, Андижон, Самарқанд, Қарши ва Хоразм филиалларидан ташкил топған.



**2. 1-расм. Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Дағылыш  
ДУК**

Дори воситалари стандартларини яратиш, чоп этиш ва татбиқ этиш «Дори воситалари сифати стандартлари Асосий қоидалар» Тst 42-01:2002 тармоқ стандарти асосида ташкил қилинади.

Дори воситаларини стандартлаш – дори шаклларини тадқиқ этиш усувлари ва талабларини яратиш ва қўллашдан иборат.

Дори воситалари стандартлари – меъёрий хужжатлар фармацевтик ва тиббий маҳсулотлар сифатини объектив баҳолашни, маҳсулот сифати назорати усувларини яхши қайтариувчалигини, инончлилигини ва аниқлигини, маҳсулот рақобатбардошлигини ва ташқи фармацевтика бозорига чиқиш имкониятларини кенгайишини таъминлаши, улар фармацевтика илмининг илфор ютуқларига мос келадиган дори воситалари сифатига қўйиладиган юқори даражадаги талабларга ва дори воситалари сифатига талабларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлашувига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти ҳақидаги қонун» да (1999 йил 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) асосий тушунчалар белгилаб берилган ва улар қўйидагилардан иборат:

**дори воситалари** – келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир неча дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликни олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рұксат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташҳис қўйиш ва стерилизация воситалари, шунингдек, дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжалланган дори моддалари (субстанциялар) киради.

**дори моддалари (субстанциялар)** – келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган дори препаратларини қўллашга рұксат этилган тоза биологик фаол моддалар;

**дори препарати** – келиб чиқиши табиий ёки сунъий бўлган бир ёки бир неча дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида олинган касалликни олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун рұксат этилган, қадоқланган ва қўллашга тайёр дори воситаси;

**генерик дори воситалари** – патентланган дори воситасига эквивалент бўлган аммо бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган дори препаратлари;

**гомеопатик воситалар** – гомеопатик қоидаларга биноан қўлланиладиган ва давлат реестрининг маҳсус бўлимига киритилган до-

рилар. Улар ноанъанавий заҳарлилиги кам ва юқори самараги табиий ёки синтетик маҳсулотлардан олиниадиган кам концентрацияли дори воситалариридир.

**фармакологик воситалар** – белгиланган фармакологик фаолликка эга булиб, клиник синов объектлари ҳисобланадиган муайян доривор шаклидаги моддалар ёки моддалар аралашмаси.

**дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг давлат реестри** – расмий хужжат булиб, у тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар рўйхатидан иборат.

Меъёрий хужжатлар дори воситаларини тайёрлаш сифатини назорат қилиш, ишлатилиши ва сақланишининг шарт-шароитлари белгиланган ва қонун мақомига эга бўлган хужжатлар булиб, улар дори воситасининг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, илм-фан ютуқлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг илфор технологияларини эътиборга олган ҳолда вақти-вақти билан қайта кўрилиб, эскирган сифат кўрсаткичлари ва таҳтил усуслари янгилашиб борилади.

Дори воситаларининг сифатига бўлган талабни белгиловчи меъёрий хужжатларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

Давлат фармакопеяси – ДФ (ГФ).

Умумий фармакопея мақоласи – УФМ (ОФС).

Вақтинчалик фармакопея мақоласи – ВФМ (ВФС).

Фармаконея мақоласи – ФМ (ФС).

Корхона фармакопея мақоласи – КФМ (ФСП).

Тармоқ стандарти – ТС (ОСТ).

Корхона стандарти КСт (СтП).

Раҳбарий меъёрий хужжат (йўлловчи хужжат).

**Фармакопея** – дори воситалари сифатини, уларни тайёрлаш, сифат-миқдори жиҳатдан назорат қилишни, сақлаш шарт-шароитларини ва номланишини белгилайдиган давлат стандартлари тўплами.

Давлат фармакопеяси фармакопея мақолалари, умумий физикаий-кимёвий, кимёвий ва биологик таҳтил усуслари, қўлланиладиган реактивлар, титрланган эритмалар, индикаторлар ва дори воситаларига бўлган умумий талаблар ва меъёрий хужжатлар ҳақидаги маълумотлар тўплами булиб, қонуний мақомга эга бўлган хужжат.

**Умумий фармакопея мақоласи** – Дори воситасига қўйилган асосий талабларни ўз ичига олган ёки назоратнинг стандарт усуслари тасвиранган давлат сифат стандарти.

**Фармакопея кўмитаси** – дори воситалари, тиббиёт буюмлар сифатига ва уларни назорат қилиш усусларирига нисбатан қўйиладиган

талабларни белгилайдиган норматив ҳужжатларни тасдиқловчи расмий эксперт органи.

**Фармакопея мақоласи** – дори воситаси учун фармакопея қўми-таси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжат. Фармакопея мақоласининг амал қилиш муддати 5 йил бўлиб, бу муддат ўтгач ФМ қайта кўрилиб, амал қилиш муддати кейинги муддатга узайтириб берилади.

**Вақтинчалик фармакопея мақоласи** – кенг миқёсда ишлаб чиқариладиган янги дори воситалари ва доривор ўсимлик хомашёси-нинг дастлабки туркуми учун тузилган, Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техникаси сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг фармакопея қўми-таси томонидан тасдиқланган Давлат сифат стандартидир. Вактин-чалик фармакопея мақоласининг амал қилиш муддати 3 йил бўлиб, бу муддатдан сўнг ВФМ қайта кўриб чиқилади ва ФМ тарзила рўйхатдан ўtkaziladi.

**Корхона фармакопея мақоласи, КФМ (ФСП)** – айрим корхона технологияси ва дори воситасининг аниқ таркиби ҳисобга олинган ҳолда дори воситасининг сифатини назорат қилиш усуслари ва кўрсат-кичлардан иборат бўлган, фармакопея қўмитаси томонидан тасдиқланган сифат стандарти.

**Тармоқ стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар** – ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш соҳасида илмий техник атамалар, умумий техник ҳужжатлар ва техник меъёrlар ишлаб чиқишининг умумий қоидалари, хавф-сизлик техникаси меъёр ва талаблари ишлаб чиқилган ҳужжат.

**Давлат стандарт намунаси** – тегишли тартибда тасдиқланган, сифат ўлчамлари фармакопея мақоласида келтирилган стандарт на-муна.

**Ишчи стандарт намунаси** – дори воситасининг тегишли сифат стандарти (ВФМ, ФМ, ТС, КФМ) талабларига жавоб бериладиган субстанция намунаси.

## **2.2. Меъёрий ҳужжат (МХ) ларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва кўриб чиқиши учун фармаконея қўмитасига тавсия этиш тартиби**

Барча турдаги фармакопея мақолаларини ишлаб чиқища қўйи-дагиларга асосланилали:

– дори воситаларини сифат кўрсаткичлари ва назорат усуслари-нинг замонавий даражасини таъминлаш мақсадида тиббий фанлар,

биология, кимё, физика ва бошқа фундаментал фанларнинг ютуқларига;

– Давлат фармакопеяси, хорижий давлатлар фармакопеяси, фармацевтика фани ва саноатининг дори воситалари сифатига қўйган талабларига;

– дори воситалари сифатини назорат қилиш, қадоқлаш ва белгилаш кўрсаткичларига, давлат ва тармоқ меъёрий хужжатлари талабларига;

– лаборатория ва ишлаб чиқариш корхоналарида аниқланган дори воситаларининг сифати ва динамикаси ҳақидаги маълумотларга;

Вақтингчалик фармакопея мақоласи (ВФМ) муаллиф-ташкилот томонидан дори воситасини тайёрлаш технологияси билан бирга ишлаб чиқилиб, унинг яроқлилик муддати 3 йилдан кам бўлмаслиги керак. Фармакопея мақоласи эса ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тегиши ВФМ нинг амал қилиш муддати ўтгач ишлаб чиқиласди.

Дори воситаси бир нечта корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган тақдирда фармакопея мақоласи ҳамкорлар иштирокида Бош корхона томонидан ишлаб чиқиласди.

Дори воситаси сифатини назорат қилишда давлат стандарт наунаси (ДСН) дан фойдаланиш лозим бўлган ҳолда, бир вақтинг үзида ДСН га ҳам фармакопея мақоласи ёки вақтингчалик фармакопея мақоласи тузилиб, тасдиқланиши лозим. Фармакопея мақоласининг амал қилиш муддати тугамасидан ишлаб чиқариш корхонаси томонидан қайта кўриб чиқиласди.

Фармакопея мақоласининг лойиҳаси қўйидаги шахслар томонидан имзоланади:

– дори воситаси ёки доривор ўсимлик хомашёсига МҲни ишлаб чиқсан корхона раҳбари томонидан;

– МҲ лойиҳасини ишлаб чиқсан шахс томонидан;

– дори воситаси ёки доривор ўсимлик хомашёсини ишлаб чиқарувчи корхона раҳбари томонидан;

– фармакопея қўмитасининг илмий котиби томонидан;

Фармакопея мақоласи ёки вақтингчалик фармакопея мақоласи экспертизадан ўтказилиб, лойиҳанинг илмий-техник савияси ва МҲнинг дори воситаларининг норматив хужжатларига қўйилган замонавий талабларга мос эканлиги текширилиб, қўйидагиларга эътибор қаратиласди:

– дори воситаси сифат кўрсаткичлари ва қадоқланишининг фармакопея ва ҳалқаро фармакопеялар талаблари ва стандартларига мос келиши;

— барча күрсаткичлар, сифат меъёрлари ва яроқлилик муддатининг асосланганлиги;

— дори воситаси сифатини назорат қилишнинг метрологик таъминланганлик даражаси ва ўлчаши воситаларининг тўғри танланганлиги;

— қулланилган илмий атамалар, усувлар, кимёвий атамалар ва физикавий катталиклар бирликларининг аниқтиги;

— фармакопея мақоласи ёки вақтингачалик фармакопея мақоласи лойиҳасининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва унга қўшиб топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар мажмуасининг тўлалиги;

Фармакопея мақоласи ёки вақтингачалик фармакопея мақоласининг лойиҳаси 5 нусхада, ушбу МҲни тасдиқлаш учун ариза, тушунтириш хати (пояснительная записка), дори воситасининг тургунлигини ва яроқлилик муддатини тасдиқловчи ҳужжатлар, таҳлил сертификати, таҳлил натижалари жадвали (камида дори воситасининг 5 та сериясида), дори воситасининг патент тозалигини тасдиқловчи патент формулярлари, сифат стандарти лойиҳасида кўзда тутилган күрсаткичларни чет эл фармакопеяларининг күрсаткичлари (агар бўлса) билан солиштириш жадвали, қадоқланган ва ёрлиқланган дори воситасининг намуналари, дори воситаси сифатини назорат қилишнинг метрологик тавсифномаси жадвали каби ҳужжатлар билан бирга топширилади.

Дори воситаси сифат стандартининг лойиҳасига тушунтириш хатида қўйидаги маълумотлар келтирилади:

— МҲни ишлаб чиққан корхонанинг номи;

— дори моддаси олиниши ёки технологияси ҳақидаги қисқача маълумот;

— лойиҳада келтирилган таҳлил усувлари, меъёр күрсаткичларининг асосланиши ҳақида атрофлича маълумот, шунингдек, ушбу дори воситаси ёки дори моддасининг муқобил таҳлил усувлари кенг тасвиrlанади;

— сифат стандартининг лойиҳаси намуналарнинг қанча миқдори ва қандай технологик ҳужжатлар бўйича ишлаб чиқилганлиги ҳақидаги маълумотлар;

— давлат фармакопеясининг умумий талабларидан четланиш кузатилганида, бу ҳолат алоҳида кўрсатилади;

— ушбу дори воситасининг чет эл фармакопеяларида ёки бошқа адабий манбаларда ўхашлари қайд этилгани ҳақида маълумотлар;

— агар дори воситаси янги ва биринчи марта тиббиёт амалиётига татбиқ этилаётган бўлса, бу ҳақида алоҳида маълумот берилади.

Давлат стандартларининг экспертизаси, таҳлил усуллари, Дори воситаларини стандартлаш ва экспертиза қилиш Давлат маркази лабораторияларида текшириб кўрилгач, фармакопея қўмитаси томонидан амалга оширилади.

МҲларнинг лойиҳалари фармакопея қўмитасининг ихтисослашган ҳайъати томонидан қўмита йигилишида кўриб чиқилади.

### **2.3. Дори воситалари сифат стандартларининг тузилиш қоидалари**

Стандартнинг сарлавҳасида дори воситасининг номланиши берилади. Матн қисқа, фикрлар қайтарилишсиз, аниқ ёзилган бўлиши керак ва сўзларнинг қисқартирилишига йўл қўйилмайди. Фойдаланилган атамалар, тушунчалар ва катталиклар Давлат фармакопеяси ва бошқа стандартлар томонидан қабул қилинган атамаларга мос булиши лозим.

Дори препарати таркибиға кирган дори моддаси (субстанция) тўғрисидаги тегишли меъёрий хужжатга кўрсатма (ишора) келтирилади.

Дори моддаси (субстанция)нинг номи лотин, давлат тили ва рус тилларида ёзилиб, ИЮПАК талабалари асосидаги кимёвий номи келтирилади. Дори моддасининг эмпирик формуласида дастлаб углерод, сўнг водород тартиб бўйича ёзилади.

Масалан:  $C_{16}H_{12}O_6$ . Дори моддасининг нисбий молекула массаси 400 дан кичик бўлса, бутундан кейин икки хона аниқликда, 400 дан катта бўлса, бутундан кейин бир хона аниқликда ёзилади «Тасвиrlаниши» бўлимида дори воситасининг ташки кўриниши (физик ҳолати, ранги, ҳиди, мазаси), сақлаш жараённида ҳаво ва ёруғлик нури таъсирида үзгариши мумкинлиги, гигроскопиклиги ҳақида маълумот берилади. Заҳарли ва кучли таъсир этувчи дори воситалари учун ҳиди ва мазасини аниқлаш тавсия этилмайди. Ҳозирги вақтда дори моддаларнинг (рангсизлик) оқдик даражаси ва ялтироқчилик даражасини аниқлашда қайтар спектрофотометрик усулдан ҳам фойдаланилмоқда.

«Чинлигини аниқлаш» бўлимида, дори моддаси учун хос бўлган 2–3 та кимёвий сифат реакцияси, шунингдек ультрабинафша ва инфрақизил ютилиш спектрлари ва бошқа маълумотлар келтирилади.

«Эрувчанлиги» бўлимида дори моддасининг сув, 95%ли спирт, хлороформ ва эфирдаги нисбий эрувчанлиги кўрсатилиб, лозим бўлган тақдирда бошқа эритувчилар ҳам кўрсатилиши мумкин. Эрув-

чанликни баҳолашда Давлат фармакопеясида келтирилган эрувчаник атамаларидан фойдаланилади.

Дори моддасининг ҳайдалиш, суюқланиш ва қотиш ҳарорати, шунингдек, зичлиги, солиштирма буриш бурчаги, нур синдириш кўрсаткичи, солиштирма нур ютиш кўрсаткичи ва бошқа физика-вий константалари айрим бўлимлар ҳолида берилиб, меъёрий кўрсат-кивларнинг қўйи ва юқори қийматлари келтирилади.

Дори моддаси эритмасининг тиниқлиги ва рангизлиги эритма-нинг маълум концентрацияси учун аниқланиб, рангли ва лойқа эрит-малар учун эса лойқалик даражаси ёки ранглилик даражасининг сони ёки бу эритмаларнинг тегишли ютилиш спектрлари келтири-лади.

Дори моддаси эритмасининг кислоталилиги ёки ишқорийлиги индикаторлар ёрдамида аниқланганда кислота ёки ишқорларнинг 0,01 моль/л дан 0,1 моль/л гача концентрациядаги эритмаларидан фойдаланиб, эритманинг рН потенциометрик усул билан ўлчанади.

Ёт хусусий аралашмаларни аниқлаш» бўлимида технологик ара-лашма ёки моддани сақлаш жараённида ҳосил бўлувчи бирикмалар-нинг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрловчи эталонлар ёки бошқа замонавий усуулар, масалан, хроматографик усул кўрсатилган бўли-ши керак. Бу мақсадда хроматографик усуудан фойдаланилган бўлса сорбент тури, кўзгалувчан фаза таркиби, хроматографияланувчи тек-ширилувчи модда ва стандарт намуна (гувоҳ) нинг миқдори, хрома-тографиялаш вақти, очувчи реактив тури ва жараённи белгиловчи барча шарт?шароитлар келтирилади.

«Органиқ эритувчилар қолдиги» бўлими дори воситасини тай-ёрлаш технологиясида заҳарли эритувчилардан фойдаланилса ёки дори моддасини олишнинг охирги босқичида органик эритувчи иш-латилган тақдирда МХга киритилади.

«Хлоридлар», «Сульфатлар» ва бошқа бўлимларда бу аралашма-ларнинг йўл қўйилган меъёрий чегаралари кўрсатилади.

«Куритилганда массанинг камайиши» ва «сув» бўлимларида дори моддасининг тортмаси, қуритиш шароити меъёри ёки намлик миқ-дори ва К.Фишер буйича титрлаш усули кўрсатилади.

«Сульфат кули ва оғир металлар» бўлимида дори моддасининг тортмаси, сульфат кулининг ва оғир металларнинг миқдорий меъ-ёрлари келтирилади.

«Мишъяқ» бўлимида ёт аралашма ҳолидаги мишъякнинг йўл қўйиш мумкин бўлган миқдорий оралиқлари ёки унинг дори мод-дасида бўлмаслиги талаблари кўрсатилади.

«Заҳарлилиги», «пирогенлиги», «гистамин таъсирига эга бўлган моддалар» бўлимларида тажриба ўтказилган ҳайвон тури, тест-доза, моддани ҳайвонга юбориш усули ва тажрибани олиб бориш муддати кўрсатилади.

«Стериллиги» бўлими айрим дори шаклларини стериллаш талаб қилинган тақдирда киритилади.

«Микробиологик тозалиги» бўлимида микроорганизмларни аниқлаш усуслари ва уларнинг йўл қўйилган миқдорий чегаралари кўрсатилади.

«Миқдорини аниқлаш» бўлимида дори воситасидаги асосий модданинг миқдорий таҳдил усули келтирилиб унинг фоиз миқдори ёки фаоллигининг миљиграммлардаги таъсир бирлиги кўрсатилади.

«Қадоқлаш» бўлимида меъёрий ҳужжат кўрсатилган ҳолда дастлабки қадоқлаш (банка, ампула, флакон, пакет ва б.), маҳсулотнинг бирламчи қадоқдаги миқдори (масалан: идишдаги таблетканинг миқдори), иккиласмчи қадоқ (меъёрий ҳужжат, бирламчи қадоқ миқдори ва герметиклаш йўллари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда) ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Ташилиш қадоғи (тара) кўрсатилганда тегинсли меъёрий ҳужжатга ишора берилади. Қадоқдори воситасининг белгиланган яроқлилик муддати даврида сақланувчанлигини таъминлаши лозим.

«Ёрлиқлаш» бўлими дори воситаларини график жиҳозлаш бўйича меъёрий ҳужжат RH 19-11 талаблари асосида, микробиологик ва иммунобиологик препаратлар учун эса РД 42-28-36 талаблари асосида расмийлаштирилади.

«Ташилиши» бўлимида амалдаги стандартга ишора берилиб, агар лозим топилса, маҳсулотни транспортга юклаш ва тушириш шартлари ва ташилгандан кейинги муносабат юзасидан қўйилган талаблар кўрсатилади.

«Сақланиши» бўлимида маҳсулотнинг сифатини ва товар ҳолатини таъминловчи сақлаш шароити, лозим топилганда эса маҳсулотни ташқи омиллар (намлик, қуёш нури, ҳарорат) таъсиридан эҳтиётлаш талаблари кўрсатилади. Заҳарли, кучли таъсир қилувчи, психотроп, наркотик воситалар ва прекурсорлар гуруҳига кирган дори воситалари учун уларни сақлашнинг ўзига хос томонлари келтирилadi (амалдаги рўйхатга кўра).

«Яроқлилик муддати» бўлимида дори воситасини ишлатиш мумкин бўлган вақт муддати кўрсатилади.

«Асосий фармакологик таъсири» бўлимида дори моддасининг фармакологик таъсири кўрсатилади.

## **2.4. Дори препаратларига сифат стандартларининг баёни, мазмуни ва тузилиши**

Сарлавҳада дори препаратининг лотин, давлат ва рус тилларидағи номи берилиб, бунда таъсир этувчи дори моддасининг номи (бош келишикда), сұнг дори турининг номи (бош келишикда), дозаси (концентрацияси), ҳажми ёзилади.

Масалан: Analginum, Tabuletta 0,5, Анальгин таблеткалар 0,5 г ёки Analginum, pro injectionibus 25% 1 ml, анальгин инъекция учун эритма 25% 1 мл.

Баъзи бўлимлар бирлаштирилиб, лозим топилганда эса бошқа бўлимлар ҳам, агар шу бўлим муҳим деб ҳисбланса киритилади (кислота сони, совунланиш сони, йод сони, эфир сони, заҳарлилиги, пирогенлиги, бактериал эндотоксинлар, гистаминга ушаш таъсир этувчи моддалар, стериллиги ва бошқалар).

Стандартнинг кириш қисмida таъсир этувчи модданинг кимёвий номи (бир компонентли препаратлар учун), доривор ўсимлик хомашёсининг лотинча, ўзбекча, русча номи, ўсимлик номи ва оиласи (настойка ва экстрактлар учун) кўрсатилади.

Дори препаратининг таркиби келтирилганда, таъсир этувчи ва қўшимча моддаларнинг миқдори рўйхат тарзидаги ёзилиб, тегишли МҲга ишора берилади.

«Тасвирланиши» бўлимида тайёр дори воситаси ташқи кўринишнинг органолептик кўрсаткичлари берилиб, дори препаратининг ранги жумла охирида келтирилади.

*Масалан:* кўк-яшил ранг.

«Парчаланувчанлиги» бўлимида таблетка ёки капсуланинг суюқ муҳитда тўла парчаланиш вақти кўрсатилади.

Мураккаб таркибли препаратларнинг чиңлиги аниқланганда, таҳлил услуби баёнидан сўнг қавсда идентификацияланадиган ингредиент келтирилади.

«Куруқ қолдиқ», «спиртнинг миқдори», «қайнаш ҳарорати», «чиңлиги», «нур синдириш кўрсаткичи», «буриш бурчаги», «қовушқоғлиги» бўлиmlарида ушбу меъёрий кўрсаткичларнинг пастки ва юкори қийматлари тегишли ўлчов бирликларида кўрсатилади.

«Эрувчанлиги» бўлимида берилган шароитда маълум вақт оралигида эритмага ўтиши лозим бўлган таъсир этувчи модданинг фоиз миқдори кўрсатилади.

«Миқдорини аниқлаш» бўлимида дори препаратидаги таъсир этувчи модданинг миқдорини аниқлаш усулининг баёни ёзилиб, улар-

нинг фоиз миқдори ёки миллиграммлардаги таъсир бирлиги (ТБ/мг, мкг/мг) кўрсатилади.

Таблеткалар учун битта таблеткадаги асосий модданинг миқдори, шамчалар учун битта шамчадаги асосий модда миқдори, дражелар учун битта дражедаги асосий модданинг граммлардаги миқдори, инъекцион эритмалар учун эса 1 мл эритмадаги модданинг грамм миқдори кўрсатилади.

## **2.5. Доривор ўсимлик хомашёси учун сифат стандартининг баёни, мазмуни ва тузилиши**

Стандартнинг сарлавҳаси доривор ўсимлик хомашёсининг лотинча, ўзбекча ва русча номлари берилади.

Доривор ўсимлик хомашёсининг номи бош келишикда кўпликада ёзилади. Кириш қисмида ўсимлик хомашёсининг ишлатилиши, ўсимликнинг лотинча, давлат тилидаги ва русча номи, ўсимликнинг қайси оиласига мансублиги келтирилади.

«Ташқи белгилари» бўлимида бутун ҳолдаги ва майдаланган ҳолдаги хомашёсининг морфологик белгиларини қисқача баёни берилади.

«Микроскопия» бўлимида хомашёни диагностик белгилари ва бу белгиларни тасдиқловчи микрофото ёки расм кўрсатилади.

«Сифат реакциялари»да таъсир этувчи моддалар (фармакологик фаол моддалар) нинг фоиз миқдори ёки биологик фаоллиги, намлик меъёри (куритилганда массасининг камайиши), умумий кули ва 10%ли хлорид кислотада эримайдиган кул қолдиги, рухсат этилган ёт аралашмалар ва майдаланганлиги ҳақида маълумот берилади.

«Миқдорини аниқлаш» бўлимида таъсир этувчи фаол моддаларнинг миқдорини аниқлаш услуби кўрсатилади.

## **2.6. Дори воситалари сифат стандартларини экспертизага тавсия этиш ва тасдиқлаш**

Дори воситаси сифат стандартини ишлаб чиқсан корхона раҳбари томонидан имзоланган МХ лойиҳасига қуйидаги хужжатлар кўшиб топширилади.

- дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг бошлиғи номига ариза;
- тушунтириш хати;
- сифат стандарти лойиҳасида келтирилган сон кўрсаткичларни тасдиқловчи хужжат;

— аналитик жадваллар (дори воситасининг камида 5 та сериясида, иммунобиологик препаратлар учун эса намунанинг камида 3 та сериясида);

— дори воситасининг ишлатилиши ҳақида йўриқнома (янги дори воситаси учун);

— препаратнинг патент тозалигини тасдиқловчи патент формуларлари ёки ушбу сифат стандартининг патент тозалигини текшириш шарт эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома (янги дори воситаси учун);

— сифат стандарти лойиҳасида келтирилган курсаткичларни, Давлат фармакопеяси ва чет эл фармакопеяларида келтирилган курсаткичлар билан солиштириш жадвали;

— қадоқланган ва ёрлиқланган дори препаратининг намуналари;

Дори воситасининг сифат стандарти лойиҳасига тушунтириш хатида қўйидаги маълумотлар баён этилади:

— сифат стандартини ишлаб чиққан корхонанинг номи;

— препарат синтези ёки технологияси ҳақида қисқача маълумот;

— дори воситаси ёки субстанцияси сифат стандарти лойиҳасида келтирилган курсаткичлар ва меъёлларни аниқлаш усулларининг кенгайтирилган баёни;

— сифат стандартининг лойиҳаси қандай технологик ҳужжатлар асосида ва намунанинг нечта сериясида ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумот;

— Давлат фармакопеясининг умумий талабларидан четланиш кузатилган тақдирда, бу ҳолат тўла асосланади;

— дори воситасининг чет элда қўлланиладиган уҳшашлари (аналоглари) бўлса, уларнинг сифатини солиштириб аниқланганлиги тўғрисида маълумот берилиб, ушбу дори воситаси қайси чет эл фармакопеясида ёки бошқа адабий манбада келтирилганлиги курсатилиади;

— агар дори воситаси янги бўлса, бу ҳақида ҳам кўрсатилади.

Тушунтириш хати ва таҳтил натижаларининг жадвали сифат стандарти лойиҳасини ишлаб чиққан корхона раҳбари томонидан имзоланади.

Дори воситасининг сифат стандарти дори воситалари экспертизасининг Давлат маркази томонидан текширилиб, лозим бўлган тақдирда бошқа ихтисослик муассасалари ҳам жалб этилади.

Сифат стандартининг экспертизасида лойиҳанинг илмий-техник савияси, унинг дори воситалари меъёрий ҳужжатларига қўйилган замонавий талабларга мослиги текширилиб қўйидагиларга эътибор қаратилади:

- дори воситасининг сифат мөъёлари ва истеъмолчи учун қадоқланиши ДФ ва бошқа стандартларнинг талабига мослиги;
- сифат мөъёлари қийматлари, келтирилган қўрсаткичлар ва яроқлилик муддатининг асосланганлиги;
- кимёвий наменклатура, физикавий бирликларнинг қийматлари, келтирилган атамаларнинг аниқлиги ва бир хилдалиги.

Меърий техник ҳужжатнинг экспертизасида иштирок этган шахслар ушбу иш жараённада олинган маълумотларнинг конфиденциаллиги учун масъулиятлидир. Умумий фармакопея мақолалари, вақтинчалик фармакопея мақолалари ва корхонанинг фармакопея мақолалари фармакопея қўмитаси томонидан, Давлат фармакопеяси эса Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланади.

## **2.7. Дори воситаларининг сифат стандартларини белгилаш ва рўйхатта олиш**

Умумий фармакопея мақоласи, фармакопея мақоласи, вақтинчалик фармакопея мақоласи ва корхонанинг фармакопея мақолалари тасдиқлангач, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фармакопея қўмитаси томонидан тегишли белги берилиб, рўйхатга олинади.

Уларга белги берилганида, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг индекси, сўнг ҳужжатга берилган тартиб сони ва тасдиқланган йили кўрсатилади.

*Масалан:* УФМ (ОФС), ВФМ (ВФС), ФМ (ФС).

42Уз-0985-2001, бунда:

42-стандартлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган индекс; 0985-ҳужжатнинг реестрдаги сони, 2001-ҳужжат тасдиқланган йил.

Корхонанинг фармакопея мақоласи белгиланганда, корхонанинг коди ҳам кўрсатилади.

*Масалан:* КФМ (ФСП) – 42Уз – 14346847-0183-2000.

Бу белгида 14346847-корхонанинг коди.

## **2.8. Дори воситалари сифат стандартларига ўзгартиришлар киритиш тартиби**

Фан ва технология ютуқларидан дори воситасининг сифатини яхшилаш мақсадида фойдаланиш имконияти юзага келганида ёки сифат кўрсаткичларига аниқлик киритиш лозимлиги асосланган ҳолларда сифат стандартларига ўзгартариш киритилади.

Лекин бу ўзгартириш маҳсулот сифатининг ёмонлашишниг олиб келмаслиги керак.

Сифат стандартига ўзгартирнишнинг биринчи бети тегишли шаклда расмийлаштирилади. Бўлимларнинг эски ва янги талқиндаги матнлари тўлалигича келтирилади. Сифат стандартига киритиладиган ўзгартирнишнинг экспертизаси стандартлар учун белгиланган тарзда амалга оширилади.

## 2.9. Стандарт намуналар

Стандарт намуналар дори моддаси физикавий-кимёвий ва биологик усуслар ёрдамида таҳлил қилинганда солишириш учун фойдаланиладиган моддалардир. Стандарт намуналар шартли равишда кимёвий ва биологик намуналарга бўлинади. Бир хил стандарт на муна биологик ва физикавий-кимёвий таҳлил учун ишлатилиши мумкин. Стандарт намуналар Давлат стандарт намуналари (ДСН), ишчи стандарт намуналар (ИСН) ва гувоҳ моддаларнинг стандарт намуналарига бўлинади (ГСН).

Давлат стандарт намуналари фармакопея мақоласи билан тасдиқланиб, ДСНнинг каталогига киритилади. Улар дори воситаси учун сифат стандарти ишлаб чиқсан корхона томонидан тузилади. Ишчи стандарт намуна сифатида одатда МҲ талабига жавоб бералиган дори моддасидан фойдаланилади. Гувоҳ модданинг стандарт намунаси учун ДСНни ёки ИСНни олиш мумкин. Давлат стандарт намунасининг ёрлиғида унинг фаоллиги ёки фоиз миқдори кўрсатилиши. Агар бу қийматлар кўрсатилмаган бўлса, ДСНси 100% ли, леб ҳисобланади.

Гувоҳ модданинг стандарт намунасидан дори воситаси таркибидаги ёт аралашмаларни аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Давлат стандарт намуналари учун меъёрий техник ҳужжатлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқаро стандарт намуналар учун кўйган талабларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Британия фармакопеясида 500га яқин, АҚШ фармакопеясида 1300 та, Жаҳон бўйича эса 3700 дан ортиқ дори воситалари ва уларнинг аралашмалари учун стандарт намуналар мавжуд. Стандарт намуналарни яратиш ва ишлаб чиқариш жараёни жуда маşaқатли ва қиммат жараён бўлиб, уларнинг нарҳи дори воситаларининг нархига нисбатан бир неча марта юқори бўлади. Россия федерациясида 70 га яқин стандарт намуналар рўйхатга олинган.

Ҳар бир Давлат стандарт намунаси ўзининг қўлланилиш соҳасига эга бўлиб, уларни бошқа мақсадларда, шу жумладан, дори воси-

таси сифатида ҳам қўллаш мумкин эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартт намуналар учун қўйган талабларига кўра, дори моддасининг чинлигини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқарилган СНдан унинг миқдорини аниқлаш учун фойдаланиб бўлмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида ишлаб чиқилган «Дори воситалари сифатини назорат қилиш учун қўлланиладиган Давлат стандарт намуналарини қайта ишлаш, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича умумий тавсиялар»да ДСНлари сифатини баҳолашнинг бир неча таснифи келтирилган.

Давлат стандарт намуналарининг таҳлилида қўйидаги усувлар қўлланилади:

- ИК-спектрометрик усул (стандарт спектр ёки ДСНнинг атtestацияланган спектри билан таққослаш);
  - ядро магнит резонанси спектрометрик усули;
  - масс-спектрометрик усул;
  - рентген дифракцион кристалографик усул;
  - УБ-спектрофотометрик усул;
  - эмиссион атом абсорбцион спектрометрик усул;
  - элемент таҳлили;
  - хроматографик усувлар;
  - капилляр электрофарез усули;
  - дифференциал сканировчи колориметрик усул;
  - фазали эрувчанлик таҳлили;
  - титриметрик усувлар;
  - бошқа усувлар (масалан, кимёвий, биологик усувлар ва ҳ.к.);
  - оптик бурилишни ўлчашга асосланган усувлар (поляриметрик, хираль хроматографик усувлар);
- Карл Фишер усули билан ДСНси таркибидаги сувни аниқлаш.

ДСНларининг таҳлил қийматларидан фойдаланиб стандарт намунашнинг миқдори ҳисобланади.

Давлат стандарт намуналарини қадоқлашда GMP талабларига риоя қилиш керак.

Уларнинг тургунлиги нуқтаи назардан энг яхшиси контейнер пайвандаланган шиша ампулалар ҳисобланади. Лекин шиша ампулалар бир қатор камчиликларга эга бўлиб, уларга ампулани очаёттанды субстанциянинг шиша бўлаклари билан ифлосланиш хавфи ва ампулани қайта ёпишнинг мураккаблиги кабилар киради. Баъзи ДСНларни қадоқлаш инерт газ оқимида ёки бошқариладиган намлик шароити остида ўтказилади. Бу иш ҳимоя камерасида ёки махсус бюкларда бажарилади.

Күпчилик ДСНлари намлиқ ва ёруғынан ҳимояланган ҳолда +5°C ҳароратда сақланади.

Давлат стандарт намуналарининг барқарорлиги мониторинги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг талабига кўра, стандарт намуна-нинг (сифати бузилиб қолган) маълум сериясидан фойдаланмаслик учун қайтариб олиш вақтини аниқлаш мақсадида қўлланилади. СНлар учун «яроқлилик муддати» деган тушунча қўлланилмайди.

Тайёрлангандан сўнг СНнинг серияси икки тенг бўлмаган қисмларга бўлинниб, бир қисми стабиллик мониторингини амалга ошириш учун қолдирилиб, СН сифатини бироз ўзгариши аниқланиши билан унинг қўлланилиши тұхтатилиб, ушбу сериядаги ишлатилмаган стандарт намуналар үрамларини йиғиштириб олиш ҳақида хабар тарқатиласди.

## **2.10. Инъекцион дори шакллари (инъекцион эритма, суспензия ва эмульсиялар) учун МХнинг тузилиши**

1. Препаратнинг лотинча, давлат ҳамда рус тилларидаги номи.
2. Халқаро патентланмаган номи.
3. Таркиби.
4. Тасвирланиши.
5. Стериллаш ва қуйиб чиқиш шароити.
6. Чинлиги.
7. Тиниқлиги.
8. Ранглилиги.
9. pH муҳити ёки кислоталилиги ва ишқорийлиги.
10. Механиқ қўшимчалар.
11. Зичлиги.
12. Қовушқоқлиги.
13. Ёт аралашмалар (ұхшаш бирикмалар).
14. Осмолярлиги.
15. Тұлдириш ҳажми (ампула, флаконлар ва ҳ.к.).
16. Пирогенлиги ёки бактериал эндотоксинлар (LAL-тест).
17. Заҳарлилиги.
18. Гистаминсимон таъсир қилувчи моддалар.
19. Стериллиги.
20. Заррачалар катталиги (суспензиялар учун).
21. Микдорий таҳлил.
22. Қадоқлаш.
23. Ёрлиқлаш.
24. Ташилиши.

25. Сақтаниши.
26. Яроқлилик мұддати.

27. Асосий фармакологик таъсири.

*Эслатма:* 1–10, 13, 15, 19–27 бұлымлар зарурий ҳисобланади. Қолған бұлымлар құшилиши дори мөддаси (субстанция) нинг табиати, олиниш технологияси ҳамда ишлатилиш усулига боелиқ бўлади.

## **2.11. Қуруқ инъекцион дори шакллари учун МХнинг тузилиши**

1. Препаратнинг лотинча, давлат ҳамда рус тилларидаги номи.
2. Халқаро патентланмаган номи.
3. Битта флаконнинг таркиби (ампула).
4. Тасвирланиши.
5. Чинлиги.
6. Ўртача массаси ва массасининг бир хилдалиги.
7. Тиниқлиги.
8. Ранглилиги.
9. pH мұхити ёки кислотали ва ишқорийлиги.
10. Механик құшымчалар.
11. Ёт аралашмалар (ұхшаш бирикмалар).
12. Пирогенлиги ёки бактериал эндотоксинлар (LAL-тест).
13. Заҳарлилиги.
14. Хлоридлар, сульфатлар ва бошқа аралашмалар.
15. Қиздирилганда массасининг камайиши. К. Фишер усули билан аниқланадиган сув.
16. Сульфат кули ва оғир металлар.
17. Ампуладаги мөдданинг массаси.
18. Гистаминсімон таъсир килувчи мөддалар.
19. Стериллиги.
20. Бир-хил дозаланғанлиги.
21. Миқдорий таҳлили.
22. Қадоқлаш.
23. Ёрлиқлаш.
24. Ташилиши.
25. Сақтаниши.
26. Яроқлилик мұддати.
27. Асосий фармакологик таъсири.

*Эслатма:* 1–8, 10, 11, 17, 19, 21–27 бұлымлар зарурий ҳисобланади. Қолған бұлымлар құшилиши дори мөддаси (субстанция) нинг

табиати, олиниш технологияси ҳамда ишлатилиш усулига боғлиқ бўлади. Зарур бўлганда эрувчанлик кўрсаткичи қўшилади.

## **2.12. Кўз томчилари учун МҲинг тузилиши**

1. Препаратнинг лотинча, давлат ва рус тилларидаги номи.
2. Халқаро патентланмаган номи.
3. Таркиби.
4. Тасвиrlаниши.
5. Стериллаш ва қўйиб чиқиш шароити.
6. Чинлиги.
7. Тиниқлиги.
8. Ранглилиги.
9. pH муҳити ёки кислотали ва ишқорийлиги.
10. Механиқ қўшимчалар.
11. Қовушқоқлиги.
12. Осмолярлиги.
13. Ёт аралашмалар (ухшашибирималар).
14. Қадоқни тўлдириш ҳажми.
15. Стерилляги.
16. Микдорий таҳлили.
17. Қадоқлаш.
18. Ёрликлаш.
19. Ташилиши.
20. Сақланиши.
21. Яроқлилик муддати.
22. Асосий фармакологик тавсири.

*Эслатма:* 1–10, 12–22 бўлимлар зарурий ҳисобланади. Қолган кўрсаткичларнинг қўшилиши дори моддаси (субстанция)нинг табиатига боғлиқ бўлади.

## **2.13. Ичиш ва суртиб ишлатишга мўлжалланган эритмалар (суспензия, эмульсия ва эритма тайёрлаш учун ишлатиладиган гранула ва қукунлар) учун МҲинг тузилиши**

1. Препаратнинг лотинча, давлат ҳамда рус тилларидаги номи.
2. Халқаро патентланмаган номи.
3. Таркиби.
4. Тасвиrlаниши.
5. Чинлиги.
6. pH муҳити ёки кислотали ва ишқорийлиги.
7. Зичлиги.

8. Қовушқоқлиги.
9. Ёт аралашмалар (ұхшаш бирикмалар).
10. Заррачалар катталиғи (суспензия үчүн).
11. Тұлдириш ҳажми.
12. Микробиологик тозалиғи.
13. Міңдорий таҳдилі.
14. Қадоқлаш.
15. Ёрлиқлаш.
16. Ташилиши.
17. Сақланиши.
18. Яроқлилық муддати.
19. Асосий фармакологик таъсири.

*Әслатта:* 1–5, 11,19 бўлимлар зарурий ҳисобланади. Қолган кўрсаткичларнинг қўшилиши дори моддаси – (субстанция)нинг табиатига, ишлатилиш усулига боғлиқ бўлади.

## **2.14. Аэрозоллар учун МҲининг тузилиши**

1. Препаратнинг лотинча, давлат ва рус тилларидаги номи.
2. Ҳалқаро патентланмаган номи (бир компонентли дори тури үчүн).
3. Таркиби.
4. Тасвирланиши.
5. Чинлиги.
6. Босимини текшириш.
7. Идишнинг герметиклигини текшириш.
8. Жўмракнинг созлигини текшириш.
9. Дозасининг массаси.
10. Идишдаги дозалар сони.
11. Қадоқдаги модда міңдори.
12. Заррачалар ўлчами.
13. Сув.
14. Ёт аралашмалар (ұхшаш бирикмалар).
15. Микробиологик тозалиғи.
16. Бир хил дозаланғанлиғи.
17. Міңдорий таҳдилі.
18. Қадоқлаш.
19. Ёрлиқлаш.
20. Ташилиши.
21. Сақланиши.
22. Яроқлилық муддати.
23. Асосий фармакологик таъсири.

**Эслатма:** 1–8, 11–14, 15, 17–23 бўлимлар зарурий ҳисобланади. Қолган кўрсаткичларнинг қўшилиши дори моддаси (субстанция)нинг табиатига ва дозаланишига боғлиқ бўлади.

## **2.15. Суртма дорилар (кремлар, геллар, линиментлар, пасталар) учун МҲнинг тузилиши**

1. Препаратнинг лотинча, давлат ва рус тилларидаги номи.
2. Халқаро патентланмаган номи.
3. Таркиби.
4. Тасвирланиши.
5. Чинлиги.
6. Қадоқдаги модданинг массаси.
7. Сувли ажратманинг мұхити.
8. Заррачалар катталиги.
9. Бир хилдалиги.
10. Ёт аралашмалар (ўхшаш бирикмалар).
11. Микробиологик тозалиги ва стериллиги.
12. Миқдорий таҳлили.
13. Қадоқлаш.
14. Белгилаш.
15. Ташилиши.
16. Сақланиши.
17. Яроқлилик муддати.
18. Асосий фармакологик таъсири.

**Эслатма:** 1–8, 11–18 бўлимлар зарурий ҳисобланади. Қолган кўрсаткичларнинг қўшилиши дори моддасининг (субстанция) табиатига боғлиқдир.

## **2.16. Капсулалар учун МҲнинг тузилиши**

1. Препаратнинг лотин, давлат ва рус тилларидаги номи.
2. Халқаро патентланмаган номи.
3. Таркиби.
4. Тасвирланиши.
5. Чинлиги.
6. Ўртacha массаси ва массанинг бир хиллиги.
7. Эриши.
8. Парчаланиши.
9. Ёт аралашмалар.
10. Микробиологик тозалиги.
11. Бир хилда дозаланганилиги.

12. Соң таркиби.
13. Қадоқлапиши.
14. Ёрликланиши.
15. Ташилиши.
16. Сақланиши.
17. Сақланиш мұддати.
18. Асосий фармакологик хоссаси.

**Әслатта:** 1–10, 12–18 қисмлар асосий ҳисобланади. Қолған күрсаткічлар дори препаратининг табиатига боелиқ (субстанция ва дозалари).

### **2.17. Дори моддаси (субстанция) учун МХнинг тузилиши**

1. Препаратнинг лотинча, давлат ва рус тилларидаги номи.
2. Халқаро патентланмаган номи.
3. ИЮПАК талаблари бүйіча кимёвий номи.
4. Структура ва эмперик формулатлари ҳамда молекуляр массаси.
5. Таъсир құлувчи модда миқдори (фоиз ёки таъсир бирлигіда).
6. Тасвирланиши.
7. Эрувчанлиги.
8. Чинлиги.
9. Эриш (парчаланиш), қотиш ёки қайнаш ҳарорати.
10. Зичлиги.
11. Нур синдириш күрсаткічи.
12. Солиширма ютилиш күрсаткічи.
13. Солиширма буриш бурчаги.
14. Эритмасининг тиниқлиги.
15. Эритма ранги.
16. pH мұхити, кислотали ёки ишқориийлиги.
17. Механиқ құшымчалар.
18. Ёт моддалар (ұхшаш бирикмалар).
19. Тозалиги (хлоридлар, сульфатлар ва бошқалар).
20. Сульфат кули ва оғир металлар.
21. Куритилганды йүқотилған масса ёки сув. К. Фишер усули билан аникланған.
22. Қолдиқ органик эритувчилар (агар охирги технологик жараёнда ишлатылса).
23. Пирогенлиги ёки бактериал эндотоксинлар мавжудлігі (ЛАЛ-тест).
24. Заҳарлилиги.
25. Гистаминга ұхшаш таъсир құлувчи бирикмалар.

26. Микробиологик тозалиги (стериллиги).

27. Миқдорий таҳдил.

28. Қадоқланиши.

29. Ёрлиқлаш.

30. Ташилиши.

31. Сақланиши.

32. Яроқлилик мұлдаты.

33. Асосий фармакологик таъсири.

\* Янги дори шаклларини ишлаб чиқиш, сифатини назорат қилип-нинг замонавий усууларини киритиш, қадоқланып үчүн янги материаллар ишлатилиши туфайли бу рүйхатта янги бұлымлар киритилиши мүмкін.

*Құшимча:* 1,3–8, 18, 20, 21, 26–33 бұлымлар зарурий ҳисобланади. Қолған бұлымларни киритилиши дори мөддаси (субстанция)нинг табиатига, олиниш технологиясы ва бу субстанциядан оли-надиган дори шаклларига боғлиқ.

## **2.18. Суппозиториялар. (Шамчалар)**

1. Препаратнинг лотинча, даылат ва рус тилларидаги номи.

2. Халкаро патентланмаган номи.

3. Таркиби.

4. Тасвирланиши.

5. Чинлиги.

6. Үртача массаси ва массанинг бир хилдалиги.

7. Эриш ва тұлық деформацияланиш вақты ёки суюқланиш вақты.

8. Ёт аралашмалар (ұхшаш бирикмалар).

9. Пероксид сони.

10. Кислота сони.

11. Микробиологик тозалиги.

12. Бир хилда дозаланғанлиғи.

13. Миқдорий таҳдили.

14. Қадоқланиши.

15. Ёрлиқлаш.

16. Ташилиши.

17. Сақланиши.

18. Яроқлилик мұлдаты.

19. Асосий фармакологик таъсири.

*Әслатма:* 1–7, 11, 13–19 бұлымлар зарурий ҳисобланади. Қолған күрсаткыштарнинг киритилиши дори мөддаси (субстанция)нинг табиатига ва дозаланғанлигига боғлиқ.

- Дори воситаларини стандартлаш. Меъёрий техник ҳужжатларнинг тузилиши ва уларга қўйилган талаблар мавзуси бўйича саволлар**
1. Фармакопея қўмитасининг вазифалари нимадан иборат?
  2. Меъёрий техник ҳужжатлар турларини кўрсатинг. Уларнинг мазмунини ёритинг?
  3. Умумий Фармакопея мақолалари нима? Мисоллар келтиринг.
  4. Давлат реестри нима?
  5. Дори воситаларини рўйхатга олиш шартлари қандай?
  6. Стандарт намуналар нима? Улар қандай мақсадларда ишлатилади?
  7. Дори воситаларини сифатига бўлган талабни белгиловчи меъёрий ҳужжатларнинг қандай турларини биласиз?
  8. Дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси неча қўмитадан иборат? Уларнинг вазифаси қандай?
  9. Дори воситаларининг экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказида нечта лаборатория мавжуд? Уларнинг вазифаларини кўрсатинг.
  10. Фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиша нималарга асосланади?
  11. Фармакопея мақолаларини тасдиқлаш учун тақдим этишида қандай ҳужжатлар тайёрланади?
  12. Фармакопея мақолалари неча йил амал қиласиди? Қайта рўйхатга олиш тартиби қандай?
  13. Дори воситаларининг сифат стандартларига ўзгартиришлар кириши тартиби қандай?
  14. Дори воситаларига сифат стандартларининг тузилиш қоидалари ни баён этинг.
  15. Дори препаратларига сифат стандартларининг тузилишини кўрсатинг.
  16. Инъекцион дори шакллари (инъекцион эритма, суспензия ва эмульсиялар) учун фармакопея мақолаларининг тузилиши қандай?
  17. Куруқ инъекцион дори шакллари учун меъёрий техник ҳужжатлар тузиш жараёнида қандай кўрсаткичлар эътиборга олинади?
  18. Кўз томчилари учун қандай кўрсаткичлар зарурий ҳисобланади?
  19. Кўз томчилари учун меъёрий техник ҳужжатлар тузиш жараёнида қандай кўрсаткичлар эътиборга олинади?
  20. Ичиш ва суртиб ишлатишга мўлжалланган эритмалар (суспензия, эмульсия ва эритма тайёрлаш учун ишлатиладиган гранула ва кукунлар) учун меъёрий техник ҳужжатлар тузиш жараёнида қандай кўрсаткичлар эътиборга олинади?
  21. Аэрозоллар учун меъёрий техник ҳужжатлар тузиш жараёнида қандай кўрсаткичлар эътиборга олинади?

- Суртма дорилар (кремлар, геллар, линиментлар, пасталар) учун мөшерий техник ҳужжатлар тузиш жараёнида қандай күрсаткичлар эътиборга олинади?
- Капсулалар учун мөшерий техник ҳужжатлар тузиш жараёнида қандай күрсаткичлар эътиборга олинади?
- Суппозиториялар (шамчалар) учун мөшерий техник ҳужжатлар тузиш жараёнида қандай күрсаткичлар эътиборга олинади?

**Дори воситаларини стандартлаш. Мөшерий техник ҳужжатларининг тузилиши ва уларга қўйилган талаблар мавзуси бўйича масалалар**

- Субстанцияларга мөшерий техник ҳужжат тузилганда қайси күрсаткичлар биологик усууллар билан аниқланади?
- Дори воситаларининг Давлат стандартларига қайси МҲлар киради?
- Қайси умумий фармакопея мақолаларини биласиз? Мисоллар келтиринг.
- Порошок ҳолдаги дори воситаларининг оқлил даражаси қандай аниқланади?
- 1М хлорид кислотанинг титрини аниқлаш учун 1,0800 г натрий карбонат местиоранж индикатори иштирокида титрланиб, бунинг учун 20 мл титрланган эритма сарфланди. Эритманинг тузатиш коэффициентини ҳисобланг.  $T=0,0530$ .
- 0,1M перхлорат кислотасининг титри калий гидрофталат ёрдамида аниқланди. 0,1285 г калий гидрофталат 15 мл муз ҳолидаги сирка кислотасида эритилгач, кристалл бинафшаранг индикатори иштирокида тайёрланган эритма билан, эритма бинафша рангдан кўк яшил рангга ўтгунига қадар титрланиб, 6,3 мл титрант сарфланди. Тузатиш коэффициентини ҳисобланг.
- 1000 мл 0,1M перхлорат кислота эритмасини тайёрлаш учун 57% ли эритмадан неча мл олиш керак?  $\rho_{20}=1,50$ .
- 0,1M перхлорат кислотасининг тузатиш коэффициенти  $K=0,92$  бўлса эритмани қуолтириш учун 57% ли перхлорат кислотасидан неча мл қўшиш керак?  $\rho_{20}=1,50$ ;  $V=1000$  мл
- 0,1 м (шартли) сульфат кислота эритмасини тайерлаш учун концентрланган сульфат кислотасидан неча мл олинади?  $\rho_{20}=1,8300$ : концентрланган эритмадаги сульфат кислотасининг миқдори – 95%.
- 0,1M натрий гидрооксид эритмасининг тузатиш коэффициенти  $K=1,10$  бўлса, 1 литр эритмага неча мл сув қўшиш керак бўлади?
- Спиргли эритма таркибидаги спиртни аниқлаш учун 25 мл эритмага 50 мл сув қўшиб ҳайдалди. Йигувчи колбага 50 мл суюқлик ҳайдалгач, зичлиги 0,9562 га тенглиги аниқланди. Алкоголомет-

рик жадвалдан фойдаланиб спиртнинг ҳажм буйича ва масса буйича концентрациясини аниқланг.

12. 1,1358 г ўсимлик хомашёси 50 мл экстрагент билан экстракция қилиниб, 25 мл экстракт үлчаб олинди. Эритувчи учирилгач, доимий оғирлиkkача қутилди. Агар чинни идишнинг оғирлиги 15,1288 г, экстрактив моддалар билан биргаликдаги оғирлиги 15,4870 г бўлса, хомашёдаги экстрактив моддаларнинг фоиз миқдорини аниқланг. ДЎХнинг намлиги 12%.
13. Промедол таркибидаги сульфатларни аниқлаш учун 0,2 г дори молдаси 10 мл сувда эритилиб, сульфатларга сифат реакцияси ўтказилди. Солиштириш сульфат ионининг 10 мл эталон эритмаси билан олиб борилган бўлса, дори молдаси таркибидаги сульфатларнинг фоиз миқдорини ҳисобланг. Сульфат ионининг эталон эритмаси 1 мл ида 0,01 мкг сульфат ионини сақлади.
14. Прогестероннинг субстанциядаги миқдори тортма усул билан аниқланади. Бунинг учун 2,4-дифенилгидразин билан молданинг гидразони олиниб, доимий оғирлиkkача қутилгач, тортилиб, 0,466 коэффициентига кўпайтирилади. Нима сабабдан коэффициент сифатида 0,466 қўймати олинган? Жавобингизни асосланг. Прогестероннинг М. м –314,50.
15. 1,1845 г фталазол таркибидаги эркин фтал кислота 0,05 натрий гидрооксид эритмаси билан фенолфталин иштирокида титрланганда 0,3 мл титрант сарфланди. Агар МХ талабига кўра дори молдаси таркибидаги фтал кислота 0,5 % дан ортмаслиги лозим бўлса, таҳлил объекти сифатлами?  $T=0,00415$ .
16. Ацетилсалациил кислотаси таркибидаги эркин салицил кислотанинг миқдори 0,05% дан кўп бўлмаслиги керак. Бунинг учун 0,3 г АСК 5мл спиртда эритилиб, 15 мл сув кўшилгач, иккита цилиндрдан бирига 15 мл эритма, иккинчисига эса 5 мл эритма, 0,5 мл 0,01% салицил кислотанинг сувли эритмаси, 2 мл спирт солиб, ҳажми 15 млга етгунига қадар сув солиб, чайқатилади. Сўнг иккала цилиндрга 0,2% ли темир аммонийли аччиқтош эритмасидан 1 мл дан солинади. Биринчи цилиндрдаги эритманинг ранги иккинчи цилиндрдаги эритманинг рангидан тўқ бўлмаслиги лозим. Агар МХ талаби қаноатлантирилса, АСКдаги эркин салицил кислотанинг фоиз миқдори қанча бўлади?
- Юқорида келтирилган аниқлаш тартиби ҳақида фикрингизни билдиринг.
  - АСК таркибидаги салицил кислота миқдорини сиз қайси усул билан аниқлаган бўлар эдингиз? Жавобларингизни асосланг.

17. Аскорбин кислотасининг инъекцион эритмасига натрий гидрокарбонат ва натрий метабисульфит қўшилади. Дори препарати таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдорини қандай қилиб аниқлаш мумкин?
18. Никотин кислотасининг 1% ли инъекцион эритмасидаги миқдори қандай аниқланади? Нима учун кислотали-асосли титрлаш усулни қўллаш мумкин эмас? Жавобларингизни асосланг.
19. Хинин дигидрохлориднинг миқдори тортма усул билан аниқланганда хинин ишқор эритмаси ёрдамида асос ҳолига ўтказилиб, хлороформ билан экстракция қилинади. Хлороформли экстракт қуолтирилиб, доимий оғирликкacha қуилтирилгач, тортилиб, қиймат 1,225 га қўпайтирилади. Коэффициентнинг қийматини асосланг. Хинин гидрохлориднинг М.м –397,35.
20. Дори воситасини экспертизадан ўтказиш учун МХ лойиҳаси, сон кўрсаткичлари жадвали, тушунтириш хати, яроқлилик муддатини асословчи аналитик қийматлар жадвали, ишлатилиши ҳақида-ги йўриқнома лойиҳаси, патент формуляри, дори препаратидан (қадоқланган ва ёрлиқланган) намуналар топширилди. Келтирилгаётини хужжатлар дори воситасини экспертизадан ўтказиш учун етарлими? Жавобларингизни асосланг.

**Дори воситаларини стандартлаш. Меъёрий техник ҳужжатларнинг тузилиши ва уларга қўйилган талаблар мавзуси бўйича тестлар**

?

Давлат ресестри нима?

+.. тиббиётда ишлатиш учун рухсат этилган дори воситалари кайд этилган руйхат булиб, конуний статусга эга

-.. оддий ёки мураккаб таркибга эга бўлган дори шакли

-.. субстанция

-..тиббиётда ишлатиш учун соғлини сақлаш тизими асосида йулга қўйилган МТХ

?

Дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, у ёки бу давлатда соғлиқни сақлаш тизимини йўлга қўйиш учун тахминан қанча дори воситаси руйхатта олиниши лозим.

-.. 2000–3000

-.. 3500–10000

+.. 3500–4000

-.. 2500–5000

?

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК нечта құмитадан иборат?

- .. 2 та: фармакология, лаборатория
- .. 1 та: лаборатория
- .. 3 та: лаборатори, фармакопея, фармакология
- +.. 4 та: 1) фармакология; 2) фармакопея; 3) яңги тиббий техник;
- 4) наркотикларниназорат қилиш құмитаси

?

Дори воситаларининг экспертизаси ва стандартизация давлат марказда нечта лаборатория мавжуд?

- +.. 4 та фармтақыл, фармакологик, микробиологик, тиббиёт техник, текшириш лабораториялари
- .. 1 та: микробиологик
- .. 3 та: фармтақыл, фармакология, микробиология
- .. 2 та: микробиологик, фармтақыл

?

Фармакопея мақолаларини тайёрлаш ва уларни тақдим этишда қандай ҳужжатлар құлланилади.

- .. ВФМ, техник ҳужжат
- .. ФМ, лицензия
- .. ВФМ, ФМ, МХ
- +.. ВФМ, ФМ, техник ҳужжат, корхона стандарты

?

Фармакопея мақолалари неча йил мүддат күнгө анықталған?

- .. 6 йил
- .. 7 йил
- +.. 5 йил
- .. 3 йил

?

Фенолни миқдорини фармакопея бүйіча аниқлаш усулини күрсатынг.

- +.. броматометрик усул
- .. йодхлорометрик усул
- .. йодатометрик усул
- .. СФ-усул?

?

Кайси реакция орқали тимолни бошқа фенол препаратларидан фарқлаш мүмкін.

- +.. темир /III/ хлорид билан реакция
- .. азобуек хосил бўлиш реакцияси
- .. индофенол ҳосил бўлиш реакцияси
- .. галогенлаш реакцияси

#### **Қалбакилаштирилған дори воситалари. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда замонавий таҳлил усулларини құллаш**

Фармацевтик бозорда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялашнинг асосий тамойили дори воситаларининг сифати ва безараарлигини таъминлашдир.

Қалбаки дорилар инсониятга аввалдан маълум бўлиб, фақат XX асрнинг охирига келиб дориларни қалбакилаштириш катта муаммога айланди. Биринчи марта 1987 йилда Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қалбакилаштириш муаммосига эътибор жалб этилди. Ушбу йилда қалбакилаштирилған дори воситалари аввал ривожланган давлатларда, кейинчалик Европада жуда катта миқдорда пайдо бўла бошлади. Ҳозирги кунда бутун жаҳонда бир йилда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари ҳажми 200–300 млрд. долларни ташкил этса, шундан 14–21 млрдди сохта дориларга тўғри келмоқда. Қалбаки дори воситаларини фармацевтик ишлаб чиқариши қурол-яроғ, наркотик моддалар, алкогол, бензин савдосидан кейинги ўринда турибди. БЖСС ташкилотининг берган маълумотига кўра сохта дори воситалари 28 та давлатда топилган. 951 ҳодисадан 25% и ишлаб чиқариши ривожланган, 65 % ривожланаётган ва 10% и номаълум давлатларга тўғри келмоқда. Сохта дори воситаларини қабул қилиш жиддий салбий оқибатларга олиб келади, чунки улар ишлаб чиқарилаёттандан ва сотилишдан олдин сифати назорат этилмайди.

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун таърифига кўра – **қалбакилаштирилған дори воситаси** – таркиб ва (ёки) ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлгон маълумот илова қилинган дори воситаси; **сифатсиз дори воситаси** – яроқсиз ҳолга келган дори воситаси ва (ёки) яроқлилик муддати ўтган дори воситасидир.

Бунда дори воситасининг сифат таҳлили натижасида бир ёки бир нечта тестлар буйича тасдиқланган стандарт талабига жавоб бермайдиган дори воситаси назарда тутилади.

Сифатсиз дори воситалари ёрлиқларida ишлаб чиқарувчининг номи атайин яширилмайди.

Таркибни билмаган ҳолда ўзгариши, ностандарт хомашёнинг қўлланилиши, технологик жараённинг бузилиши, ташиш ва саклаш жараёнида талабга риоя қилмаслик дори воситаларининг сифатсиз бўлишига олиб келади.

### **3.1. Қалбакилаштирилган дори воситалари таснифи**

Таркибида таъсир этувчи моддаси бўлмаган дори воситалари («плацебо» маҳсулот);

таркибида ёрлиқда кўрсатилмаган дори воситаси сақлаган ёки уни имитация қиласидиган модда сақлаган дори воситалари;

таркибида ёрлиқда кўрсатилганга қараганда кўп ёки кам модда сақлаган дори воситалари;

таркибида дори воситасини тўғри сақлаган, аммо бирламчи ўрами ва ёрлиги бўйича оригиналдан фарқ қиласиган дори воситалари;

ссифати амалдаги талабларга жавоб берадиган, ишлаб чиқарувчи корхона номидан ишлаб чиқарилган, таркиби, номи ва ўрамлари бўйича оригинал дори воситалари билан ўхшаш дори воситалари;

еаркибида таъсир этувчи моддалари талабга жавоб берадиган ва замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлган ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари.

Фармацевтика бозорига қалбакилаштирилган дори воситаларининг кириб келиши қуйидаги салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин:

1. Истеъмолчи – бемор организмига зарурат туғилиб турган ҳолда тегинсли фармакотерапевтик ёрдам кўрсатмаслиги, яъни дори деб қабул қилинган восита таркибида таъсир этувчи моддаларни умумай йўқлиги ёки етарли миқдорда бўлмаслиги;

2. Ёрлиқда кўрсатилган дори моддасининг ўрнига бошқа таъсир этувчи модда бўлиши bemor организмига зарарли ва унга керак бўлмаган биологик фаол моддаларнинг киритилиши;

3. Ҳақиқий дори воситаси ишлаб чиқарувчи фирма вадори воситасига нисбатан исътемолчида ишончсизлик уйғониши;

4. Ишлаб чиқарувчи фирма ва (ёки) давлат ташкилотларига етказиладиган иқтисодий зарар.

Дори воситасининг тайриқонуний нусхалари – интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари дидор.

Жаҳон фармацевтика бозорида муомалада жуда кўп оригинал ва генерик дори воситалари мавжуд. Уларнинг кўп қисми Халқаро патент ташкилоти ёки Ўзбекистон Республикаси патент идорасидан

технологиясига, таркиби ва товар белгисига патент олмаганлиги сабабли патент эгаси билан лицензион келишувесиз ишлаб чиқарилиши ва мумкин эмас.

Одатда, дори воситаларининг файриқонуний нусхаларда ишлаб чиқарувчи корхона яширилмайди. Сифатсиз дори воситаларидан фарқли равишда улар амалдаги стандартлар талабларига тўлиқ жавоб беради, шу билан бирга патент эгаси билан келишмаган ҳолда тайёрланганлиги учун файриқонуний ҳисобланади.

### **3.2. Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлаш босқичлари**

Мутасадди ташкилотлар:

Дорихона муассасалари, улгуржи ташкилотлар мутахассислари, Давлат инспекциясининг ҳудудий инспекторлари ва бошқалар.

#### **• I босқич:**

Аниқлаш:

визуал усулда дори воситасининг қадоқланиши, жиҳозланиши ва ёрлиқланишини меъёрий хужжатларга ёки препарат оригиналига мослиги солинтириб текширилади.

Қалбакилаштирилганлик белгилари:

- Бирламчи ва иккиминч ӯрамлар;
- картон қутининг деформацияси;
- ўров материалларининг ранги ўчганлиги;
- ўров материалларининг ранги ўзгарганлиги;
- ўров материаллари сифатининг МҲга мос келмаслиги;
- матндан ҳарф ўлчамларининг МҲга мос келмаслиги;
- муҳр сифати, сертификат штампи, белгилар ва бошқалар;
- хона ҳороратидан ўзга шароитда сақлаш бўйича кўрсатмалар мавжуд эмаслиги;

– ёрлиқда дори воситасининг заҳарли, кучли таъсир этувчи ёки тез бузилиши мумкинлиги ва шунга ўхшаш маълумотларнинг бўлмаслиги;

– дори воситаси сертификатида ва ташиш хужжатларида кўрсатилган ёрлиқлаш бўйича маълумотнинг дори воситаси ёлиғида бўлмаслиги;

#### **• II босқич**

Аниқлаш:

дори воситаси таснифини МҲ талабларига ёки оригинал препаратга мослигини солинтириш. Аниқлаш органолептик усулда олиб борилади.

Қалбакилаштирилғанлик белгилари:

- дори воситаси намуналари;
- дори воситасининг оригинал препаратта мослиги;
- дори воситаси рангининг оригинал препаратта мослиги;
- дори воситаси ҳидининг оригинал препаратта мослиги;
- дори воситаси мазасининг оригинал препаратта мослиги;
- дори воситаси шаклининг оригинал препаратта мослиги;
- дори воситаси массасининг оригинал препаратта мослиги;
- дори воситаси спиртининг етарли даражада бир текис ва тиник бўлмаслиги;
- дори воситасида ёт заррачаларнинг мавжудлиги;
- суюқ дори воситаларининг лойқаланиши ва чўкмага тушиши.

• **III босқич:**

Аниқлаш:

- Экспресс таҳлил усуллари.
- Дори воситаси намуналарида:
- чинлигини микрокимёвий реакциялар ёрдамида аниқлаш;
- майдалангандоривор ўсимлик қисмларини ва эримайдиган заррачаларни микроскопик таҳлил қилиш;
- дори воситаларининг айрим физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш.

Қалбакилаштирилғанлик белгилари:

- дори воситаси сифатини МҲга мослигини аниқлаш.
- дори воситалари намуналарида:
- МҲ (ФМ – фармакопея мақоласи, ВФМ – вактингчалик фармакопея мақоласи, КФМ – корхона фармакопея мақоласи, фирма спецификацияси ва бошқалар) келтирилган сифат кўрсаткичлари бўйича чинлигини ёки бошқа кўрсаткичларини аниқлаш.

• **IV босқич:**

Аниқлаш:

хужжатларни текшириш.

Қалбакилаштирилғанлик белгилари:

Ишлаб чиқарувчи сертификатлари, аналитик паспортлар, юк хужжатлари ва бошқалар:

- матнни ўқиш мумкинлиги;
- дори воситаси номи, дори шакли, дозаси, сериясининг хужжатларга мослиги;
- дори воситаси сертификатининг МҲга мослиги;
- дори воситаси сифат кўрсаткичларининг МҲ бўйича тўлиқ бажарилганлиги;

— дори воситаси сертификати, аналитик паспортини берган масъул ижочининг исми, шарифи ва манзили, корхона номининг мавжудлиги;

— муҳр, сертификат штампларининг сифати ва бошқа белгилар мавжудлиги.

• **V босқич:**

**Аниқлаш:**

— Дори препарати чинлигини замонавий ўта сезгир ва аниқ усуулларда таҳлил қилиш.

— Қалбакилаштирилганлик белгилари;

— Дори препарат намуналари;

— замонавий таҳлил усууллари ёрдамида дори воситасининг қайси корхона томонидан ишлаб чиқарилганлигини кўрсатадиган айrim тестларни аниқлаш.

Таҳлил натижаларига кўра, аксарият ҳолларда қалбакилаштирилган дори воситалари мебёрий хужжатларнинг «Чинлиги», «Ташқи кўриниши» ва «Миқдорий таҳлил» кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Дори воситаларининг сифатига қизиқиш дори воситаларининг яратилиши билан бир даврда юзага келган. Эрамиздан аввалги IV асрнинг ёзма хужжатларида қалбакилаштирилган дори воситаларининг зарари ҳақида огоҳлантиришлар келтирилган. Эрамизнинг III асрида юонон шифокори Диоскорид бундай препаратларни аниқлаш бўйича кўрсатмалар берган. Яқин ўтмишдаги фармацевтика саноати ва унинг маҳсулотларининг назоратсиз миқдорий ўсиши натижасида турли хил муаммоларни юзага келтирди.

Сўнгги йилларда янги иқтисодий муносабатлар ривожланган даврда фан ва техникада эришилган ютуқларни татбиқ этиш асосида, баъзи анъанавий қонунбузарлик ҳолатлари кескинлашди. Ҳолбуки, аввалроқ бу ҳолат кенг тарқалмаган эди. Шулардан бири қалбаки дори воситалари ҳисобланади.

Дастлаб айнан контрафакт дори воситалари фармацевтика бозорида асосий қисмни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб қалбаки дори воситаларининг тури қўпайди. Бир неча йиллар аввал эътибор контрафакт маҳсулот ва баъзан урчарву қалбаки маҳсулотларга қаратилган эди. Бугунги кунга келиб ЖССТ мутахассисларининг таъкидлашича, қалбаки дори воситалари жаҳон бозорида товар айирбошлишнинг 7% ини ташкил этади. Ҳозирги даврда аниқ таҳлилий ҳисобга кўра, бундай кўрсаткич мавжуд эмас.

1948 йилда ЖССТ ташаббуси билан дори маҳсулотларининг сифати ҳақида муаммолар халқаро савдода глобал миқёсгача кўтарилиди.

1985 йилда Кениянинг Найроби шаҳрида, қалбакилаштирилган дори воситаларини мақсадга мувофиқ қўллаш борасидаги мутахассисларнинг анжуманида илк бор қалбакилаштирилган препаратларга оид муаммоларга эътибор қаратилди. Бу анжуман ЖССТ бошқа халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда қалбаки дориларнинг тарқалиш миқёси ва хусусияти тўғрисида маълумот берувчи ахборот палаталарини ташкил этиш учун имкониятлар беришни ўрганишга тавсия этди.

ЖССТ маълумотларига кўра, қалбакилаштирилган дори воситалари дунёнинг 28 мамлакатида аниқланган. 1992 йил 2–3 апрел кунлари ЖССТ билан халқаро фармацевтик ишлаб чиқарувчи фирмалар ассоциацияси ҳамкорликда ўtkazgan дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоларига бағищланган биринчи жаҳон анжуманида «қалбаки дори воситаси» тушунчасига таъриф берилиди.

Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти таърифи бўйича, «Қалбакилаштирилган дори воситаси деб, била туриб ёки алдов йўли билан ҳақиқий ишлаб чиқарувчиси ёки таркиби атайлаб соҳталаштирилиб ёрлиқланган оригинал, патентланган, шунингдек, генерик дориларга айтилади.

Қалбакилаштирилган дори воситалари таркибida тегишли ингредиентларни тўла сақлаши ёки уларнинг нисбати бузилган бўлиши, тегишли фаол ингредиентларни етарли миқдорда бўлмаслиги ёки умуман бўлмаслиги, шунингдек қалбакилаштирилган идишларга жойланган бўлиши мумкин».

Агар лингвистик илдизларга ёндошадиган бўлсак, французча *contrafaction* ёки лотинча *contrafactio* қалбаки деб таржима қилинади. Шуниси аҳамиятлики, қалбаки маҳсулот клиник синовдан ўтмаган ва шунинг учун унинг қўлланилиши натижалари маълум эмас.

Турли давлатларда қалбакилаштирилган дори воситалари бўйича аниқланган расмий маълумотлар ЖССТ да тўпланишига келишилди.

Бугунги кунда қалбаки дори воситалари бутун дунё миқёсида долзарб муаммодир. Халқаро фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, қалбакилаштирилган дори воситалари ривожланган мамлакатлар фармацевтик бозори улушкининг 5–8% ини ташкил этади. Бутун дуне фармацевтика товар айирбошлигининг 500 млрд АҚШ долларини ташкил этса, 25–28 млрд АҚШ доллари қалбакилаштирилган дори восиатлари улушкига тўғри келади. Ҳагтаки, иқтисодий ривожланган мамлакатда, яъни АҚШда рас-

мий маълумотларга кўра, 1997 йилда аниқланган қалбакилаштирилган дори воситаларининг миқдори умумий дорилар улушининг 7% ини ташкил этган.

Дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси ҳамрови ҳақида маълумотлар етарлича эмас. Ҳозирги пайтда бу муаммо ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда, ривожланиб келаётган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

### **3.3. Қалбакилаштирилган дори воситаларини муомалага кириб келиш сабаблари**

Дори воситалари соғлиқни мустаҳкамлашда ва фаровонлигининг ўсишида катта аҳамиятга эга. Аммо кутилаётган натижага эришиш учун дори воситалари хавфсиз, самарали, сифатли бўлиши, шунингдек, мақсадга мувофиқ ишлатилиши зарур. Самарасиз ва паст сифатли дори воситаларининг ишлатилиши даволаш жараёнига зарар етказиши билан бир қаторда республикамиз соғлиқни сақлаш тизимиға ишончни камайтиради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, қалбакилаштирилган дори воситаларини муомалага кириб келишига сабаб бўлувчи омиллар:

дори воситаларининг муомаласини меъёrlаштирувчи қонунлардаги камчиликлар ва кучсиз жазо чораларининг қўлланиши;

дори воситалари муомаласини бошқарувчи миллий бўғимнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг кучсизлиги;

коррупция ва дорилар муомаласида марказий ўрин тутувчи ташкилотларнинг ўзаро келишмовчилиги;

дори воситалари муомаласида кўплаб воситачиларнинг иштирок этиши;

таклифга нисбатан талабнинг юқори бўлиши;

дори воситалари нархининг баландлиги;

дори воситалари ишлаб чиқарувчи ноқонуний корхоналарнинг мавжудлиги ва уларнинг такомиллашиб бориши;

дорилар муомаласига масъул бўлган томонлар ҳамкорлигидаги самарадорликнинг етарли эмаслиги.

Охиригина ўн йилликда, ишлаб чиқариш суръатларининг жадаллаштирилиши миллий ва халқаро бозорларда дори муомаласини сезиларли даражада оширди. Ундан ташқари, ишлаб чиқаришни ва дори воситалари савдосини экспортер ва импортер давлатлар томонидан самарасиз бошқарилиши муомалада қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситаларининг миқдорини оширишга олиб келди.

Бундай дори воситаларининг қўлланилиши оқибатлари жуда ачинарли бўлиши мумкин, чунки мазкур маҳсулот легал ишлаб чиқариш учун белгиланган сифат назорати қоидаларига жавоб бера олмайди.

Шу сабабли дори воситалари сифатини таъминлаш долзарб тиббий-ижтимоий ва иқтисодий муаммо ҳисобланиб, бу муаммо дори воситалари ҳаракатининг барча босқичлари уларни яратишдан истеъмолчигача етиб келгунча қадар турли хил омиллар мажмусини назорат қилишни талаб этади. Дори воситалари сифатини таъминлашда турли хил ташкилотлар: ишлаб чиқариш корхоналари, клиник синовилар ўтказувчи даволаш-профилактика муассасалари (ДПМ), чакана ва ултуржи корхоналар, назорат-таҳдил тизими бўлимлари ва бошқалар иштирок этади.

Қалбакилаштирилган дориларни фармацевтика бозорига кириб келишида кузатиладиган ноxуш ҳолатлар қўйидагилардан иборатdir:

истеъмолчи-бемор организмига зарурат туғилиб турган ҳолда тегишли фармакотерапевтик ёрдам кўрсатилмаслиги, яъни дори деб қабул қилинган восита таркибида таъсир этувчи моддаларни умуман йўқлиги ёки етарли миқдорда бўлмаслиги;

бемор организмига зарарли ва унга керак бўлмаган биологик фаол моддаларнинг киритилиши, яъни ёрлиқда кўрсатилган дори моддаси ўрнига бошқа таъсир этувчи модда бўлиши;

ҳақиқий дори воситаси ишлаб чиқарувчи фирма ва дори воситасига нисбатан истеъмолчиларда ишончсизлик уйгониши;

ишлаб чиқарувчи фирма ва (ёки) давлат ташкилотларига етказиладиган иқтисодий зарар.

Афсуски, ҳозирги кунда ЎзРда қалбакилаштирилган дори воситалари кўлами ҳақида етарли маълумот мавжуд эмас, мазкур масалани ҳал этишнинг содда ва стандарт усувлари ҳеч қайси давлат томонидан ишлаб чиқарилмаган. Агар маълум шароит, инфраструктура ва амалиёт ҳисобга олинмаса, қалбакилаштирилган воситалар муаммоси давлат томонидан, шу жумладан, ҳукуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан жиддий эътиборга олиниши зарур эканлиги маълум бўлади. Турли хил маълумотларга кўра, МДҲ давлатларида қалбакилаштириш даражаси товар муомаласининг, тахминан, 10–30% ини ташкил этиши мутахассислар томонидан зудлик билан чоралар кўрилишини талаб этади. Қалбакилаштирилган дори воситаларини идентификациялашнинг илмий асосланган усувлари ишлаб чиқилмаган. Дори воситаларнинг сифатини назорат қилишнинг амалдаги усувларини қўллани субстанцияси ўхшаш функционал гурӯхга эга бўлган фальсификатларни аниқлашида ҳар доим ҳам самара

бермайди. Дори воситалари малакали эксперт таҳлилидан ўтказилиши зарур.

Биринчидан, бу таҳлил сезиларли моддий ресурслар ва жамғармаларни талаб этади, чунки бундай усууллар халқаро стандартлар талабига жавоб бериши зарур, иккинчидан эса ҳар бир давлат учун ўринли бўлган фармакопея стандартлари томонидан белгиланмаган сифат кўрсаткичларининг янги ёндашувини талаб этади.

Дори воситаларининг қалбакилаштириладиган объектлари қуидагилардан иборат:

таъсир этувчи моддалар;

дори шакли:

дозаси-даволаш учун белгиланган миқдори:

умумий миқдори-номинал массаси;

жойланиши (упаковка);

яроқлилик муддати;

серия рақамлари;

таъсири ва даволаш юзасидан ёзилган йўриқнома (вкладыш);

сифат назоратига тааллуқли йўлланма ҳужжатлар.

### **3.4. Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашда замонавий таҳлил усуулларининг қўлланилиши**

Ўзбекистон Республикасида аниқланган қалбакилаштирилган дори воситалари ишлаб чиқарилиши бўйича қуйидаги 6 та гурӯхга бўлинган.

*Биринчи гурӯҳ* – таркибида таъсир этувчи моддаси бўлмаган дори воситалари, улар «плацебо», баъзан «пўқак-препарат» деб аталади. Бундай препаратларни ишлаб чиқаришда одатда ёрдамчи моддалар (тальк, оҳак, мел ва бошқалар), шунингдек, табиий бўёқлар (лавлаги, сабзи ва бошқалар)дан фойдаланилади. Қалбакилаштиришнинг бундай тури жуда кам учрайди; фальсификат оригиналдан кескин фарқланади. Бундай препаратлар деярли хавфсиз бўлиши билан бирга даволовчи самараға (ДС) эга эмас. Аммо миокард инфарктти натижасида юрак ҳуружида нитроглицерин ўрнига «пўқак»ни қабул қилиш ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Бундай усул билан, асосан, таблеткалар, суртмалар ва геллар қалбакилаштирилади. Бу ҳолда қалбакилаштирилган препаратни аниқлаш осон, чунки таҳлил усууллари асосида фақат унданаги сақланиши лозим бўлган фаол моддалар йўқлиги аниқланади.

*Иккинчи гурӯҳ* – ёрлиқда кўрсатилмаган ёки уларни имитацияловчи таъсир этувчи моддалар сақловчи препаратлар. Одатда, улар-

даги таъсир этувчи модда арzonроқ, аммо самарасизроқ моддага алмаштирилади. Аксарият ҳолларда арzon препарат ўрами қимматроқ препарат ўрамига алмаштирилади. Масалан, одий физиологик эритма сақловчи флаконга оғриқ қолдирувчи ёки онкологик препарат ёрлиги ёништирилади. Бундай гуруҳ препаратлари хавфлидир, чунки препарат кутилаётган натижани бермайди, препаратнинг ҳаётга хавфсизлиги учун кафолат берилмайди. Масалан, 2002 йилда Қозоғистон Республикасида шизофрения ва бошқа психик касалликларни даволаш учун мұлжалланған «Ципрекс» препараты флаконларida аце-тилсалцицил кислота таблеткалари солинганлыги аниқланған.

*Учинчи гурух* – ёрлиқда күрсатилған таъсир этувчи моддалардан фарқланувчы таъсир этувчи моддалар сақлаган препараттардир. Текшириув жараёнида дори воситаси таркиби күрсатилған таркибігә бутунлай тұғри келиши аниқланади. Аммо препарат қалбакилаштирилған бұлади. Масалан, Германиянинг Bayeg компаниясы томонидан ишлаб чиқарылады. Аспирин қутисига маҳаллий ишлаб чиқарувчининг ацетил салицил кислота вижилловчи таблеткалари жойланыширилади. Бу препарат деярли хавф күрсатмайди, аммо бунда даволовчы самараси пасаяди. Баъзан маҳаллий ишлаб чиқарувчи препарати жойланыширилади.

Бу схема қимматлигига қарамай, үзини оқладайди, кейинчалик худди шу ўрамларга үзининг маҳсулоти жойланыширилади.

*Түртмінчи гурух* – таркибіда таъсир этувчининг аниқ миқдори бұлған, аммо оригинал бирламчи ёрлиқлаш ва ўрамдан фарқланувчы препараттар. Масалан, Авентис фирмасининг «Клафоран», Хипонин фирмасининг «Но-шпа» препаратларининг тасдиқланған спецификациялари бүйіча оригиналга бутунлай мос келувчи фальсификатлари аниқланған. Бундай гуруҳ препаратлардан бемор даволовчы самарага эга бұлади, аммо дори воситасининг легал ишлаб чиқарувчилари зарар күради.

*Бешинчи гурух* – «яrimфальсификат» деб аталувчы препараттар. Бундай препаратлар етарли сифат даражасига эга бўлиб, легал корхона номидан ишлаб чиқарылади. Таркиби, номи ва ўрами бўйича машхур фирмаларнинг брендлари бўлған оригинал препаратларига ўхшаш бўлади. Аммо уларни сотувга чиқарилиши натижасида оригинал препаратларни ишлаб чиқарувчининг муаллифлик ҳукуқлари бузилади. Масалан, Шеринг Плау фирмасининг «Целестодерм» препарати бошқа фирма томонидан ўхшаш дизайн ва ўрам билан «Целектодерм» номи остида ишлаб чиқарылған.

*Олтинчи гурух – нусха-препаратлар. Бундай препаратлар таркибидә оригинал препарат каби таъсир этувчи ва унинг зарурий миқдори бўлиб, замонавий технологияларга эга бўлган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади.*

*Қалбакилаштирилган препаратларнинг бу гуруҳи кенг тарқалган. Бундай препаратлар «сифатли фальсификатлар» деб аталиб, аммо уларнинг ҳам сифатига кафолат берилмайди, шунинг учун улар ҳам ўқоридагилари каби соғлиқ учун хавфлидир.*

*Охирги учта гуруҳ кичик ва катта ишлаб чиқариш учун хос. Жаҳон амалиётида бу билан 6–8% фармацевтик корхоналар шугулланиши аниқланган. Асосан улар машҳур фирмаларнинг шульба корхоналаридир. Бу гуруҳ препаратларини аниқлаш мураккаб жараёндир. Қалбакилаштирилган препаратни оригиналдан ажратиш учун маҳсус кимёвий лаборатория зарур. Баъзан аналитик таҳлил усуllibар ёрдамида ҳам уни аниқлаш имконияти бўлмайди. Ундан ташқари, ўсимлик хомашёсидан тайёрланган, деб сотиладиган «юқори фаол» препаратлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг таркибига синтетик воситалар (масалан, стероидлар, эфедрин ва унинг унумлари) киритилади.*

*Таъкидлаш лозимки, фальсификатлар қаторига биологик фаол моддалар ҳам киритилиши мумкин. Улар дори воситалари ҳисобланмаса ҳам, ўқорида келтирилган декларацияланмайдиган компонентлар (гормонлар, эфедрин ва ҳ.з.) сақлани мумкин.*

*Қалбаки дори воситалари миқдорининг кўпайишига бир канча омиллар таъсир қиласди. Бу омиллар яхшилаб ўрганиб чиқилиб, муаммони ҳукумат миқёсида белгилаб, дори воситаларини тақсимлаш тизимида қалбакилаштиришнинг олдини олиш бўйича самарали дастурлар ишлаб чиқилиши керак. Кўйида қалбакилаштиришнга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар келтирилган.*

- Конун базасининг етарли эмаслиги.

*Ҳар бир мамлакатда дори воситалари қалбакилаштиришишининг олдини олиш ва бу муаммони бартараф этишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлиши керак. Агар дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини назорат қилувчи қонунлар етарли бўлмаса ёки умуман йўқ бўлса, қалбакилаштириш жазосиз қолиши мумкин.*

- Амалдаги қонунларни етарли даражада қўлланилмаслиги.

*Мавжуд қонунларни сўзсиз бажарилиши йўлга қўйилмаганлиги қалбакилаштириш каби жиноятларнинг содир бўлишига олиб келади, чунки бу ҳолда қамалиш ёки жазодан қўрқиш ҳисси бўлмайди.*

- Жазо санкцияларининг кучсизлиги.

Дори воситалари тұғрисидаги қонунчилікни бузғанлик учун жазо санкциялари юмшоқлиги ёки умуман жазоламаслиги қалбакилаши-тиришга олиб келади.

- Күп сонли воситачилар иштирокидаги келишувлар.

Маҳсулот күпілаб воситачилар ёки расмий келишувлардан үтса ва назорат тизими етарли бұлмаса, бу ҳолатда дориларни қалбакилаштирувчиларга бозорға үз маҳсулотларини киритишга қулай имконият яратылади.

- Талабнинг таклифдан юқориилиги.

Дориларга талабнинг таклифдан устуңлиги, қалбакилаштирилиши келтириб берувчи омил ҳисобланади. Чунки бу ҳолатда қалбаки маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш катта фойда олиш имконини беради. Баъзан дориларга талабнинг ортиши уларнинг керак бўлмаган ҳолларда ҳам истеъмол қилиши туфайли юзага келади.

- Нархнинг юқориилиги.

Дориларга бўлган нархнинг юқориилиги ва нархлар орасидаги катта фарқларнинг бўлиши арzonрок қалбаки дори воситаларини бозорға киритиш имконини беради.

- Дориларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилишнинг мукаммалашуви.

Дори воситаларни ишлаб чиқариш ва қадоқлаш учун таклиф этилаётган мураккаб замонавий асбоб-ускуналарнинг пайдо бўлиши туфайли қалбаки дориларни ҳақиқийларидан фарқлашни мураккаблаштиради. Чунки бу ҳолат дориларни қалбакилаштирувчиларга ҳақиқий дори воситаларига айнан үхшаш бўлган қалбакиларни чиқариш имконини беради.

- Манфаатдор томонлар орасидаги самарасиз ҳамкорлик.

Улгуржи таъминотчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг тегишли назорат органларига дори воситаларининг қалбакилаштириш ҳолати тұғрисидаги маълумотларнинг бериш истаги йўқлиги миллий ҳокимият органларига ушбу фаолиятни тұхтатишига имкон бермоқда.

- Экспорт қылувчи мамлакатлар томонидан ва эркин савдо зоналарida назоратнинг мавжуд әмаслиги.

Экспорт учун ишлаб чиқариладиган фармацевтик препаратлар мазкур мамлакат үзи учун ишлаб чиқарған дори воситаларига қабул қилингандык стандарт бўйича назорат қилинмайди. Ундан ташқари, хорижий мамлакатлар учун мўлжалланған дорилар назорати кучсиз бўлган эркин савдо зоналари орқали экспорт қилинади. Бу эса зоналарда қайта қадоқлаш ва ёрлиқлаш имкониятини яратади. Натижада қалбаки дорилар савдоси кўпаяди.

Қалбакилаштирилған дори воситалари тарқалишининг қуидаги асосий усуллари маълум:

асосан рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг расмий со туви;

дори воситаларнинг күчалар («кўчма» дорихоналар)да сотилиши; норасмий («қора» бозор) сотув;

«саломатлик» студияси (анаболик стероидлар, иштана ингибиторлари). Экспертлар хulosасига кўра, юқорида кўрсатиб ўтилган фальсификатлар ҳаёт учун хавфлидир, чунки улар легал маҳсулотлар учун мўлжалланган сифат назоратидан ўтказишмайди.


Стандарт намуналар ва қалбакалиштирилған препаратлар ИК-спектрлари маълумотларини солишишимга таҳлил натижалари:

1. Таҳлил этилаётган препаратнинг ИК-спектри маълумотлари стандарт намуна ИК-спектр маълумотлари билан солиширилганда флакондаги цефазолин натрийли тузининг ўрнига бензилпенициллин натрийли тузи мавжудлиги ( $765, 1122, 1252, 1307, 1418, 1500, 1620, 1699$  ва  $1777\text{ см}^{-1}$ ) ютилиш соҳасидаги хусусий белгилар буйича) аниқланди.

2. Таҳлил этилаётган «Ампициллин триgidрат» препарати ўрамида ампициллин триgidрат ўрнига лактоза моногидрат ( $775, 990, 1034, 1168, 1384, 1437$  ва  $1638\text{ см}^{-1}$  ютилиш соҳасидаги хусусий белгилар буйича) аниқланди.

Аксарият давлатларда дори воситаларининг сифати лицензиялаш ва назоратнинг зарурий тизимлари ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг ОМР талабларига амал қилиши туфайли таъминланади. Дори воситасининг аналитик таҳлилдан ўтказилиши кўшимча текширув ҳисобланади.



Ҳозирги кунда, қалбакилаштирилған дори воситаларининг кенг тарқалиши сабабли дори воситаларини тарқатиш тизимидағи сифат назорати алоҳида аҳамиятта эга. Муомалада лицензияланмаган, рухсат этилмаган маҳсулот борлиги, GMP критерийларига амал қилинмаганлиги аниқланганда дори воситаларининг сифатли эканлигига кафолат бериш учун катта миқдордаги намуналар текширилиши лозим. Зарурий скрининг текширувчига қўйиладиган асосий талаб — препаратнинг фаол моддасини аниқлашдир. Имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда бу кўрсаткич пробиркада рангли реакцияларни ўтказиш, эриш ҳарорати ёки юпқа қатлам хроматографияси (ЮҚХ) орқали белгиланади. Аммо бундай таҳлил натижасида фақат таъсир этувчи воситасининг назарий миқдори аниқланади, бошқа хавфли бўлиши мумкин бўлган ингредиентлар эса аниқланмас-



**I-расм. ИК-спектрлар:**

1 – таңыштырылған цефазолин натрийли тузы  
препараты  
(қалбакилаштирилған),

2 – бензилпенициллин натрийли тузынинг  
стандарт намунаси



2-расм. ИК-спектрлар: I – таxлии этилаётган амтиициллин тригидрат препарати (қалбакилаштирилган),  
2 – лактоза моногидратнинг стандарт намунаси.

лиги мумкин. Скрининг текширувлар катта миқдордаги препаратлар учун етарлы даражада сезгир ва специфик (махсус) бўлиши зарур.

Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлаш учун ЮҚҲ усулини қўллаш тавсия этилади. Турли хил тадқиқотлар бу усул қўлланилишининг имкониятларини кўрсатиб беради. Бу усул дори моддаларини ва унинг миқдорини таркибидағи ёт қўшимчалар сифатида қўшилиши мумкин бўлган субстанцияларни аниқлашда қўлланилиши мумкин. ЮҚҲ маҳсус усул бўлиб, ташлаб тъсирига эга, улар ЖССТ тестларига нисбатан соддароқ, дори воситаси муҳити тъсирига чидамлироқ.

Қалбакилаштирилган дори воситаси талаб этилаётган фаол моддани сақлаши мумкин, аммо унинг миқдори кўрсатилганидек бўлмайди. Қалбакилаштиришга қарши кураш чораларининг амалга оширилишига жавобан фальсификаторлар тайёр дори турлари таркибиага кам миқдорда ҳақиқий фаол моддаларни киритади.

Бу эса препарат таҳтилида ўзининг ижобий натижасини бериб, қалбакилаштирилган воситани аниқлашда қийинчилик тугдиради. Бундай ҳолларда таҳтилнинг соддалаштирилган усулларини қўллаш натижа бермайди, шунинг учун ЮҚҲ усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усул фаол ингредиент миқдори ҳақида маълумот бериш билан бирга тайёр дори воситасида мавжуд бўлган бошқа қўшимча субстанцияларни ҳам аниқлайди.

ЖССТ нинг соддалаштирилган тестлари асосида турли хил давлатлар томонидан қўлланилаётган «дала» шароитида фойдаланиладиган тест тўғламлари ишлаб чиқилди.

Соддалаштирилган тестлар ЮҚҲ усулларига қўшимча сифатида киритилиб, улардан биринчисини бир шароитда, бошқасини эса бошқа ҳол учун қўллаш тавсия этилади. Моҳирона қалбакилаштирилган дори воситалари учун юқори сезгир аналитик усуллар, масалан, массспектрометрия, ядро-магнит резонанси ва бошқа усуллар талаб этилади.

дори воситаларининг чинлигини объектив аниқлаш учун ИҚ-спектроскопияни таклиф этилиши мумкин. Қатор ҳолатларда ИҚ-спектроскопия ёрдамида таҳтил этилаётган препаратнинг келиб чиқишини ёрдамчи моддалар таркибидағи фарқлар асосида аниқлаш мумкин. Олинган спектрларнинг соддалиги ва автоматлаштирилганлиги сабабли инфрақизил спектроскопия усули илмий лабораторияларда кенг қўлланилиб, кимёвий ишлаб чиқаришда назоратнинг ишончли усули ҳисобланади.

Бу ускуна ишлатилишида қулай бўлиб, ундан дори шаклларидағи фаол ингредиентларни мавжудлигини ва уларнинг миқдорини қисман аниқлашда фойдаланиш мумкин. Ускуна жуда кам миқдордаги дори воситасини талаб этади. Бонқаришнинг компьютерлаштирилган тизими туфайли натижалар бир неча дақиқада олинади. Бундай технологияларнинг бошланғич нархи қиммат бўлсада, уларни қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқ ва тез аниқлаш билан солиштиришда афзалигини кўрсатиб ўтиш керак.

Қандай таҳлил усули қўлланилишидан қатъий назар, қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашда дастлаб маҳсулотни, шу жумладан, унинг ёрлиқланиши ва жиҳозланишини синчковлик билан қўздан кечириш зарур. Ҳар доим уларни ҳақиқий препарат билан солиштириш ва улардаги ёрлиқлаш, жиҳозлаш, ташқи кўринишидаги фарқларни аниқлаш тавсия этилади. Масалан, шакли, ранги ва бошқалар қалбакилаштириш мумкинлигини кўрсатади. Ҳатто, ҳақиқий препаратнинг физик кўрсаткичларини билмаган ҳолда ташқи кўриниши бўйича рангининг бир текисда эмаслиги ва ҳ.з. ни кўриш мумкин. Бу эса қалбакилаштириш тўғрисида хабар беради.

Бугунги кунда препаратнинг фақат ташқи кўриниши, эрувчанилигига ёки рангли реакцияларга асосланиб қалбакилаштирилганигини аниқлаш жуда мураккабдир. Охирги йилларда қалбакилаштиришнинг мураккаб усуслари натижасида мутахассисга ҳақиқий препаратни қалбакилаштирилган препаратдан ажратиб олиш қийинчиллик туедиради.

Шунинг учун фальсификатларни аниқлашнинг қисқа вақт ва кам маблағ сарф этиб, аниқ ва ишончли комбинацияланган тизимини татбиқ этиш зарур.

Хорижий давлатларда бир неча йиллар давомида ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган асосий моддалар ва дори шаклларини тез идентификациялаш йўриқномасига мувофиқ фальсификатларни тез аниқловчи тестларни қўллаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Экспресс-таҳлил усули. Экспресс-таҳлил усули ЖССТ томонидан тавсия этилган бўлиб, Германия, АҚШ, Япония ва Россияда қўлланиб келинмоқда. Германияда портатив лаборатория яратилган бўлиб, унинг таркиби таҳлил этилаётган препаратда изланиш олиб бориш учун мўлжалланган реактивлар, ёрдамчи материаллардан иборат. ЮҚҲ усули ёрдамида дори воситаларининг соддалаштирилган таҳлили АҚШда ҳам қўлланилмоқда. АҚШда бундай таҳлилнинг нархи 1–2 долл., Германияда 1,3 долл.

Россияда қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашда назорат-таҳтил лабораторияларида мавжуд бўлган реактивлар асосида тез ўтказиладиган рангли реакциялар тавсия этилган. *10.1-жадвалда* АҚШ, Япония, Германия ва Россияда ҳозирги кунда қўлланниб келинаётган экспрес-таҳтил усууллари келтирилган.

Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашда чинлигини текширишнинг қуйидаги усуулларига алоҳида аҳамият бериш зарур:

- оддий сифат реакциялари (ранги, чукма ва б.), ЮҚХ (гувоҳ билан солиштириш);
- $4000\text{--}400 \text{ см}^{-1}$  соҳадаги инфрақизил спектроскопия (стандарт ИҚ-спектроскопия билан солиштириш).

### *3.1-жадвал*

<b>Ишлаб чиқарувчи</b>	<b>Таҳтил усууллари</b>
WHO	Ташқи кўриниши, эриш ҳарорати, кимёвий реакциялар
FDA, USA Kenyon and Layoff	ЮҚХ
German PharmaHealth Fund; GPHF-Minilab®	Ташқи кўриниши, эрувчанлик (соддалаштирилган тест), кимёвий реакциялар, ЮҚХ
Ministry of Health and Welfare, Japan	Ташқи кўриниши, ЮҚХ
И.М. Сеченов номидаги МТА фармацевтика факультетининг фармацевтик кимс	
кафедраси	Кимёвий реакциялар, ЮҚХ,
ИҚ-спектроскопия	
Кўшимча равиша: ЮССХ, ГСХ	

Фильтр қофозда ёки буғлатувчи косачада ўтказиладиган оддий аналитик реакциялар ҳамда ЮҚХ усулининг биргаликда қўлланилиши аксарият ҳолларда (ҳар доим эмас) препаратда таъсир этувчи модданинг мавжудлиги ёки бўлмаганлигини аниқлашга имкон беради. Препаратларнинг сифатини аниқлаш учун қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашнинг ушбу схемаси таклиф этилган.

Шунингдек, ИҚ-спектроскопия усули: стандарт спектр билан солиштириш усулини қўллаш ҳам тавсия этилади. Мазкур усул экспресс усул ҳисобланмайди ва маҳсус шароитни талаб этади, аммо

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Дориҳоналарнинг масъул мутахассислари, ҳудудий инспекциялар назоратчилари	Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси	Хуқуқни ҳимоялаш органлари
«Дори-дармон» АҚ тизими синов марказлари назорат-таҳлил лабораториялари		Давлат солиқ күмітаси
ЎзР ССВ Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази, 4 та ҳудудий синов бўлинмалари, Ташфарми қошидаги Дори воситаларини стандартлаш Илмий маркази		Давлат божхона күмітаси

### Аниқлаш

Визуал усуслар	Физик-кимёвий усуслар		Ҳужжатларни текшириш
Визуал усуслар	Экспресс-таҳлил усуслари	Юқори сезгир усуслар	1. Ишлаб чиқарувчи сертифи катлари 2. Мувофиқлик сертификатлари 3. Аналитик паспортлар 4. Юқ хатлар
Органолептик усуслар	Оддий сифат реакциялари, ЮҚХ	ЮССХ, ИК-спектроскопия, ГСХ	
Ранги, ҳиди, мазаси, бир хиллиги, чўкма тушиши, хираланиши, қатламларга ажralиши ва бошқалар			

унинг ёрдамида дори воситасининг чинлиги ҳақида тұлақонли маълумот олиш, ундан тащқари, фармакопея таҳлилида келтирилганидек, фақат субстанцияни эмас, балки дори препараттарни ҳам таҳлилдан үтказиш мумкин.

«Таблетка» дори шакли таркибида етарли миқдордаги фаол модда сақланган ҳолда (камидә 30–40%) ИК-спектроскопия ёрдамида фаол субстанциянинг барча ютилиш соҳаларини аниқлаш мумкин. Спектрга ёрдамчы моддаларнинг таъсирі кузатилмайды.

Баъзи ҳолларда ёрдамчы моддалар фаол субстанциялар билан биргаликда конкрет ишлаб чиқарувчининг дори воситаси учун хос бўлган ИК-спектр олинниши мумкин.

Таркиби ёрлиқлашыда кўрсатилған таъсир этувчи моддадан иборат, аммо ёрлигига кўрсатилған ишлаб чиқарувчидан фарқли бошқа корхона томонидан ишлаб чиқарилған қалбакилаштирилған дори

воситаларини аниқлашида тозалик таҳлили усулларини, биофармацевтик усул «Эрувчанлик» усулини қўллаш зарур.

Фармацевтик таҳлилда дори субстанциялари ва препаратлар тозалигининг аҳамиятли бўлган усули юқори самарали суюқлик хроматография (ЮССХ) ва газ-суюқлик хроматографияси (ГСХ) усуllibаридир. Қалбакилаштирилган дори воситаларини ишлаб чиқаришда одатда арzon субстанциялар қўлланилиши сабабли ёт аралашмалар (ўхшаши бирикмалар, қолдиқ органик эритувчилар) таркибида асосан қалбакилаштирилган препаратнинг келиб чиқишини ҳам аниқлаш мумкин. Ундан ташқари, мазкур усуллар таъсир этувчи модданинг чинлигини аниқлашга ва уни миқдорий таҳлилдан ўтказишга ёрдам беради.

«Эрувчанлик» тести ҳозирги кунда фармакопея таҳлилида кенг ишлатилади. Аммо меъёрий ҳужжатлар таҳлилни фақат бир нуқтада мувофиқлаштиради: агар препарат учун бошқа шароит келтирилмаса, таҳлил бошлангандан сўнг 45 дақиқа давомида эритмага таъсир этувчи модданинг 70% дан кам бўлмаган миқдори ўтиши лозимлиги талаб этилади. Аммо, амалиёт кўрсатадики, бу талабга жавоб бериш қўйин эмас. Шунинг учун эрувчанлик эгриларини олиш аҳамиятлидир. Бунда таҳлил бошлангандан 5 дақиқадан кейин намуна олиш ва камидаги 6 та даврий нуқта асосида ажralиш профилини тузиш мумкин. Бундай графикларда асосий фарқланишлар таҳлилнинг дастлабки 30 дақиқасида намоён бўлади.

Маълумки, препаратнинг эрувчанлигига таъсир этувчи модданинг физик-кимёвий хоссалари (эрвчанлик, заррачалар ўлчами, кристаллик ҳолати) билан бир қаторда препаратни ишлаб чиқариши технологияси (гранулалаш тури, ишлатилган ёрдамчи моддалар, пресслаш босими ва ҳ.з.) ҳам таъсир кўрсатади. Қалбакилаштирилган дори воситаларини ишлаб чиқаришда оригинал технология қўлланилмаслиги туфайли (бу маънода улар генериклар билан солишилариди), хақиқий ва қалбакилаштирилган препаратлардаги таъсир этувчи модда ажralишининг профили фарқланиши мумкин.

ЮССХ, ГСХ усуллари, «Эрувчанлик» тести ҳамда ИК-спектроскопик таҳлил лаборатория шароитида амалга оширилиши зарур. Аммо баъзи ҳолларда фақат шу усулларгина қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашга ёрдам берали. Таклиф этилаётган усулларнинг энг катта ютуғи таҳлилнинг тез бажарилишидир. Рангли реакциялар ўтказишнинг ўртача вақти 5–10 дақиқа (реактивларни тайёрлаш вақти ҳисобга олинмагандан), юпқа қатлам хроматографи-

яси – 30–60 дақиқа, ИК-спектроскопия – 15–20 дақиқа давомида бажарилади.

ДФ га киритилган қатор усуллар, масалан, функционал гурухлар, ядрога рангли реакциялар, түрли хил камчиликларга эга. Шунинг учун оддий таҳлил усуллари амалта оширилган вақтда қыйидагиларни инобатта олиш зарур:

қалбакилаштирилган препаратларни аниқлашда оддий ва түрли хил таҳлилларга сарфланған харажатлар дори воситаларининг зарарли таъсири натижасида, самарасиз даволашга, баъзан беморнинг халок бўлиши билан боғлиқ харажатлар билан солиштирилиш зарур;

барча техник ҳужжатлар расмий давлат тилига аниқ ва тўлақонли таржима қилингандан бўлиши лозим;

маҳсулотнинг қалбакилаштирилганлиги ҳақидаги маълумотта эга бўлган тақдирда қисқа муддатли миқдорий аниқлаш кўрсаткичига алоҳида этибор бериш керак.

Кимёвий реакциялар ёрдамида (рангли реакциялар ва чўкма ҳосил бўлиши) ёрлиқда кўрсатилмаган, яъни қалбакилаштирилган дори воситаларининг I гуруҳига тегишли препаратлар таркибини аниқлашда қўлланилади. Учинчи ва тўртинчи гуруҳи учун ЮҚХ ва ИК-спектроскопия усуллари таклиф этилган. Бешинчи ва олтинчи гуруҳ препаратлари чинлигини объектив аниқлаш учун ва ёт аралашмаларни белгилаш учун ГСХ ва ЮССХ усуллари таклиф этилган.

Хулоса қилиб айтганда, барча усуллар (рангли реакциялар, ЮҚХ, ИК-спектроскопия, ЮССХ ва ГСХ) қалбакилаштирилган воситаларни аниқлашда самара беради. Таклиф этилган усуллар таҳлил этилаётган препарат ёрлигига кўрсатилган таъсир этувчи моддани сақлаши ёки сақламаслигини аниқлайди. Юқоридаги усулларни кейинчалик қўллаш натижасида таҳлил объектидаги ёрдамчи моддалар ва аралашмаларни аниқлашда ёрдам беради. Кенг тарқалган дори шаклларида қалбакилаштирилган ва сифатсиз маҳсулотларнинг ташқи хусусий белгилари мавжуд.

Маълумки, дори воситасининг физик-кимёвий хусусиятларига кўра, таблетка олишнинг турли хил усуллари мавжуд. Аксарият ҳолларда таблетка массасининг мұтадил технологик хоссалари ни таъминлаш мақсадида таркибиға 2 дан 10 та гача ёрдамчи моддалар қўшилади. Маҳсулотнинг таннархини камайтириш мақсадида таркибидан алоҳида ёрдамчи моддаларнинг чиқариб ташланиши ёки технологияни соддалаштириш натижасида, тайёр маҳсулотнинг ташқи кўринишида юзага келган үзгаришлар яққол намоён бўлади.

Таблеткаларнинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлар (доғлар-вкрапление) пайдо бўлиши, рангининг ўзгариши, ғадир-будир юзали ва уқаланадиган деворли, шунингдек, бутунлиги бузилган (осон майдаланадиган, дарз кетган) таблеткаларни ҳосил бўлиши ўрнатилиган технологик меъёларга амал қилинмаганлиги ҳақида далолат беради.

Қобиқли таблеткалар – юқорида келтирилган дефектлардан ташқари қобиқ билан қоплашда юзага келадиган дефектларга эга бўлиши мумкин. Бу қобиқ рангининг, қопламнинг бир текисда эмаслиги, қоплам юзасида дарзларнинг пайдо бўлишидир. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқарилаётган қобиқли таблеткалар қопламга эга бўлмайди. Парентерал, ички ва ташқи қўллаш учун мўлжалланган эритмалар ҳам кенг қўлланиладиган дори шаклларига киритилган. Қўлланилишига кўра, улар инъекцион эритмалар кўринишида ампулаларда, герметик ёпилган флаконларда, инфузион эритмалар кўринишида герметик ёпилган флаконларда, полимер контейнерларда, ташқи ва ички қўлланиладиган эритмалар эса флакон ва шиша идишларда ишлаб чиқарилади.

Эритма шаклидаги дори воситалари таркибида ва уларни ишлаб чиқариш технологиясида йўл қўйилган хатоликларнинг хусусий кўринишилари қўйидагилардан иборат:

хиралашиши ва чўкма тушиши;

рангининг ўзгариши;

флаконларда турли хил эримайдиган механик заррачаларнинг мавжудлиги;

тўлдириш ҳажмининг мос келмаслиги;

мазаси ва ҳиди каби органолептик хусусиятларнинг ўзгариши. Ампулланган эритмаларнинг сифатсиз эканлигига далолат берувчи яққол белгилардан бири ампулалар ўрамида оттяжка – илмоқ бўлиб кавшарланган ёки охиригача кавшарланмаган ампулаларнинг мавжудлигидир.

Бунинг натижасида инъекция орқали бемор организмига инфекция киритилиши мумкин.

Ампулланган эритмаларни қалбакилаштиришнинг яна бир кўриниши ампулаларнинг ўрамда диаметр бўйича жойланиши, бунинг натижасида эса тўлдириш ҳажмларининг турлича эканлигидир. Одатда, бундай ампулаларда ёрлиқлар бир текисда ёпиштирилмайди. Ампулланган эритмаларни қалбакилаштиришда ампулаларнинг шакли ва ранги бўйича фарқланиши, ёрлиқларнинг бир текисда ёпиштирилмаслиги кузатилади.

Суртмалар, пасталар ва линиментлар ҳам тайёр дори воситалари орасида аҳамиятли ўринни эгаллади. Улар дерматология соҳасида кенг қўлланилиб, кўз касалликларини даволашида ҳам фойдаланилали. Суртмалар, паста ва линиментларнинг таркиби ва технологияси-даги бузилишларнинг яққол кўриниши қаттиқ эримаган заррачаларнинг ажралиши ва чўкмага тушиши, қуриши ва суртилиш хосса-сининг йўқолиши, ранги ва ҳиди каби органолептик хоссаларининг ўзгаришидир.

Агар фальсификатларни ташқи кўринишидан аниқлаш имкони-яти бўлмаса, лаборатория таҳлили ўтказилади.

Доривор ўсимликлар, табиий бўлиши, хавфсиз ва етарли дара-жада самарага эга бўлиши туфайли мутахассисларнинг эътиборини жалб қилмоқда. Аммо бошқа дори воситалари каби доривор ўсимликларни қалбакилаштириш кутилмаган нохуш таъсиirlарни келти-риб чиқариши мумкин. Визуал усуllар ёрдамида қалбакилашти-рилган доривор ўсимликларни аниқлашнинг биринчи босқичида доривор ўсимлик хомашёсининг ўсимликнинг бошқа қисмлари, бо-шқа ўсимликлар, минерал ва органик аралашмалар билан ифлосла-ниши, ўсимлик хомашёсининг ҳашаротлар ва кемирувчилар томо-нидан емирилиши, шунингдек, ўсимлик учун хос бўлган ҳиди ва рангининг ўзгариши, яъни даволаш самарасининг пасайиши кузатилади.

Баҳолашнинг иккинчи босқичи органолептик усуllар ёрдамида қалбакилаштирилганлиги аниқланган намуналарда ўтказилади. Ик-кинчи босқич асосан «Дори-Дармон» АК назорат-таҳлил лаборато-рияларида ластлаб экспресс-таҳлил усуllари ёрдамида, сўнgra МҲ талабларининг барча кўрсаткичлари бўйича ўтказилади. Қалба-килаштирилган ёки ностандарт дори воситаларининг асосий миқдо-ри иккинчи босқич таҳлил натижаларига кўра аниқланади.

Аммо дори воситаларининг МҲ талабларига тўлиқ жавоб бери-ши унинг қалбакилаштирилмаганлиги хақида аниқ далил бўла ол-майди.

Таҳлилнинг иккинчи босқичидан сўнг қарор қабул қилиш қийин бўлган ҳолда намуналар мураккаб ускуналардан иборат, маҳсус тай-ёрланган мутахассисларга эга бўлган ваколатланган лабораторияга юборилади.

Ўзбекистон Республикасида мазкур лабораториялар қаторига ССВ Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат мар-кази, шунингдек, ҳудудий синов марказлари, илмий текшириш инс-тиутлари, олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг алоҳида ил-

мий лабораториялари киритилган. Баҳолапининг учинчи босқичида замонавий сезгирилиги юқори маҳсус усуулар ёрдамида дори воситалари идентификацияси амалга оширилади.

Қалбакилаштирилган дори воситаларини ишлаб чиқаришда унга тегишли ҳужжатлар, яъни таҳлил баённомасидан бошлаб мувофиқлик сертификатлари ҳам соҳталаштирилиши мумкин. Масалан, сертификатлар бошқа препаратларга, бошқа ишлаб чиқарувчига ва умуман бошқа таҳлил баённомаси асосида расмийлаштирилиши мумкин. Шу сабабли ностандарт дори воситаларининг муомалага киритилишини олдини олиш мақсадида бунга мутасадди шахслар томонидан тегишли йўлловчи ҳужжатлар талаб этилиши зарур.

Бунда шрифтнинг аниқлиги, босманинг сифати, сертификат штамплари, дори номи, шакли, дозаси ва серияси, сертификатнинг МҲ га бутунлай жавоб беришига алоҳида эътибор қилиш зарур.

### **3.5. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида қалбакилаштирилган дори воситалари муаммоси ва унинг ҳолати**

Ҳозирда қалбакилаштирилган дори воситалари муаммоси бутун дунё учун долзарб.

Бундан 6–8 йил аввал дори воситалари сифатининг кучли назорати ташкил этилган Ўзбекистон Республикасини ҳам дори воситасини қалбакилаштириш муаммоси четлаб ўтмади. Биринчи қалбаки дори воситаси тўғрисидаги маълумот 1998 йил Кросноярскнинг «Красфарма» фармацевтик заводи ишлаб чиқарган, қон ўрнини босувчи қалбаки «Полиглюкин» дори воситаси асосида аниқланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра, қалбаки дори воситалари миқдори 1998 йилга нисбатан 10 мартаға ошган. Бунда фақат абсолют кўпайиш эмас, балки, асортиментнинг кенгайиши ҳам белгиланади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон фармацевтика бозорида барча фармацевтик гуруҳлар бўйича қалбаки дори воситалари аниқланган. Улар қўйидаги гуруҳлар асосида тақсимланади:

1. антибактериал препаратлар – 47,8%;
2. ошқозон – ичак тизимиға таъсир қилувчи дори воситалари – 13,5%;
3. анальгетиклар – 10,9%;
4. тўқималар алмашинувига таъсир этувчи воситалар – 9,5%;
5. замбуруғларга қарши препаратлар – 7,7%;
6. гормонал препаратлар – 5,6%;
7. бошқа дори воситалари – 5%;

Қалбакилаштирилган дори воситалари муаммоси кўламлари ҳақида маълумотлар ҳозирча етарли эмас. Ҳозирги пайтда бу муаммо ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда, ривожланиб келаётган мамлакатларга ҳам таъсир қилмоқда. Бу муаммо кўпроқ дори воситаларини ишлаб чиқариш, импорти, тарқатилиши, етказиб берниш тартибга солиниши ва назорати кучсиз бўлган мамлакатларда кузатилмоқда.

Қалбакилаштиришга қарши курашиш янада самарали бўлиши учун «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўйидаги ўзгартериш ва қўшимчалар киритилди.

*1-модда.* Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги 415-1-сонли Қонунинга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4–5, 120-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қўйидаги ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин:

1) *2-модда:* Иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дори воситалари – келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир нечта дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис кўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис қўйиш ва стерилизация воситалари, шунингдек, дори воситаларини ишлаб чиқарни ва тайёрлаш учун мўлжалланган дори моддалари (субстанциялар) киради».

Ўн еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тиббий буюмлар – касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун тибиётда қўлланиладиган буюмлар»;

қўйидаги мазмундаги ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«қалбакилаштирилган дори воситаси – таркиби ва (ёки) ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон маълумот илова қилинган дори воситаси;

сифатсиз дори воситаси – яроқсиз ҳолга келган дори воситаси ва (ёки) яроқлик муддати ўтган дори воситаси;

Ўзбекистон Республикаси рўйхатидан ўтказилган дори воситаларининг гайриқонуний нусхалари – интеллектуал мулк тўғрисидағи қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари»;

2) 7-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори  
воситаларини, қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек,  
Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситалари-  
нинг гайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади»;

3) 13-модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари қўйидаги таҳ-  
рирда баён этилсин;

Қалбакилаштирилган ва рўйхатдан ўтказилмаган дори воситала-  
рини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказил-  
ган дори воситаларининг гайриқонуний нусхаларини реализация  
қилиш тақиқланади.

Сифатсиз дори воситаларини реализация қилиш ва улардан фой-  
даланиш тақиқланади»;

4) 14-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунинг-  
дек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори восита-  
ларининг гайриқонуний нусхаларини Ўзбекистон Республикаси ҳулу-  
дига импорт қилиш тақиқланади». Ушбу Қонун 28 август 2009 йил-  
дан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон ҳудудида фақат мос келиш сертификатига эга бўлган  
дориларгина сотувга чиқарилади. Бундай сертификатлар аккредита-  
циядан ўтган «Дори воситаларини экспертизадан ўтказиш ва стан-  
дартлаш давлат маркази» қошидаги лабораториялар томонидан бе-  
рилади. Сертификатлаштириш ишларини енгиллаштириш мақсади-  
да Андикон (Фарғона, Андикон, Наманган вилоятларида), Урганч  
(Хоразм вилояти ва Қорақалпогистон), Самарқанд (Самарқанд, На-  
воий, Бухоро вилоятлари) ва Қаршида (Қашқадарё, Сурхондарё ви-  
лоятлари) регионал сертификатлаштириш марказлари ташкил этил-  
ган. Ушбу органларнинг сертификатлари ҳамдустлик давлатлари то-  
монидан тан олинган.

### **Қалбакилаштирилган дори воситалари. Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашда замонавий таҳлил усувларини қўллани мавзуси бўйича назорат саволлари**

1. Қалбакилаштирилган дори воситалари қандай таснифланади?
2. Қалбакилаштирилган дори воситаларини фармацевтика бозорига  
кириб келишидан келиб чиқадиган ноxуш ҳолатларни кўrsatинг.
3. «Плацебо» маҳсулот деб қандай дори воситалари аталади?
4. Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашда визуал таҳ-  
лил усулининг аҳамияти.

5. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда органолептика таҳлил усулининг аҳамияти.
6. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашдаги босқичлар.
7. Қалбакилаштирилған дори воситаларининг асосий белгиларини күрсатинг.
8. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда қайси мутасадди ташкилотлар масъул?
9. Қалбакилаштирилған дори воситаларининг муомалага кириб келишига сабаб бўлувчи омиллар.
10. Дори воситаларини қалбакилаштириш объектлари.
11. Дори воситасини қалбакилаштирилғанилиги МҲнинг қайси кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинали?
12. Қалбакилаштирилған дори воситалари тарқалишининг асосий йўлларини кўрсатинг.
13. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда экспресс таҳлил усулининг тутган ўрни.
14. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда кимёвий-аналитик усулларнинг аҳамияти.
15. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда физик-кимёвий усулларнинг аҳамияти.
16. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда замонавий таҳлил усулларининг аҳамияти.
17. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда СФ ва ИК-спектроскопия усулларининг аҳамияти.
18. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда ЮҚХ усулининг тутган ўрни.
19. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда ГЖХ усулининг тутган ўрни.
20. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда ЮССХ усулининг аҳамияти.

**Қалбакилаштирилған дори воситалари. Қалбакилаштирилған дори воситаларини аниқлашда замонавий таҳлил усулларини қўллаш мавзуси бўйича вазиятли масалалар**

1. Кальций глюконат ёрлиқли таблеткасининг чинлигини аниқлашда таблетка эритмасига аммоний оксалат эритмаси қўшилганда оқ чукма ҳосил бўлди. Таблетканинг майдаланган бир неча кристали алангани рангсиз қисмини қизғиш-гишт рангта бўяди. Таблетканни суюлтирилған хторид кислота эритмасида эритилганда газ

- пуфакчалари ажралиб чиқди. Кальций глюконат таблеткаси қалбакилаштирилганими?
2. Бензилпенициллин натрийли тузи ёрлиқли қуқуннинг чинлиги таҳлил қилинганда кўк рангли мис гидроксомати ҳосил бўлди. Қуқуннинг бир неча кристали алантанинг рангсиз қисмини бинафша рангга бўяди. Ёрлиқда кўрсатилган ном тўғрими?
  3. 0,1840 г фталазол ( $M.m=403,4$ ) субстанциясини титрлаш учун натрий гидроксиднинг метил спирти ва бензол араплашмасидаги 0,1M ли эритмасидан 5,1 мл сарф бўлди. Агар  $K=1,000$  бўлса, фталазолнинг фоиз миқдорини ҳисоблаб,  $M\chi$  талабига жавоб бериш бермаслигини аниқданг.
  4. 0,1620 г адреналин гидротартрат ( $M.m=333,30$ ) субстанциясини титрлаш учун 2,9 мл  $K=1,0030$  бўлган 0,1 M перхлорат кислота эритмаси сарфланди. Дори моддасининг миқдори  $M\chi$  талабига жавоб берадими?
  5. Фенацистин ёрлиқли субстанцияни таҳлил қилинганда у индофенол ҳосил қилиш реакциясини берди, суюлтирилган сульфат кислота қўшиб қайнатилганда сирка кислота ҳиди келди. Темир (III) хлорид эритмаси билан кўк-бинафша рангли бирикма ҳосил бўлди. Ёрлиқдаги ном тўғри кўрсатилганими?
  6. Бензой кислота ёрлиқли субстанция таҳлил қилинганида сувда енгил эриди, темир (III) хлорид эритмаси билан сариқ-пушти рангли чўкма ҳосил бўлди. Субстанциянинг бир неча кристаллари алантанинг рангсиз қисмини сариқ рангга бўяди. Ёрлиқдаги ном тўғри миқдорини ҳисобланг ва  $M\chi$  талабларига жавоб беришни мидага мос келмоқда?
  7. Мезатон субстанциясининг ( $M.m=203,67$ ) 0,1120 г тортмасини броматометрик қайта титрлаши усулида титрланганда  $K=1,000$  бўлган 0,1M натрий тиосульфат эритмасидан 10,1 мл сарфланди. Назорат тажрибасини титрлаш учун сарф бўлган титрант ҳажми 28,5 мл бўлса, унинг фоиз миқдорини ҳисобланг ва  $M\chi$  талабларига жавоб беришни тўғрисида хулоса чиқаринг.
  8. Кальций глюконат субстанцияси ( $M.m=448,4$ ) 0,4256 г тортмасини титрлаш учун  $K=1,000$  бўлган 0,05M трилон Б эритмасидан 10,5 мл сарф бўлди. Субстанция миқдори  $M\chi$  талабига жавоб берадими?
  9. Совкаин ёрлиқли эритма таҳлил қилинганда бромли сув таъсирида сариқ чўкма ҳосил бўлди, эритма азобүёқ реакциясини берди. ҳамда кислотали мұхитда 0,1M калий перманганат эритмасини рангизлантириди. Ёрлиқ тўғри номланганми?

10. Тиамин бромил ёрлиқли эритмани таҳлил қылғанда МХда күрсатылған барча чинлик реакциялари ижобий натижа берди. Кумуш нитрат эритмаси билан ҳам оқ рангли пишіліксимон чүкма ҳосил бўлди. Дори модда қалбакилаштирилмаганми?
11. Теофиллин ёрлиқли субстанция таҳлил қилингандан, у сувда эриди ва кучсиз аммиак ҳиди келди. МХ бўйича теофиллинга хос барча реакцияларни берди. Дори моддаси тўғри номланганми?
12. Хлоралгидратнинг ( $M.m=165,4$ ) 0,3001 г тортмасини титрлаш учун  $K=1,000$  бўлган 0,1M хлорид кислота эритмасидан 25,6 мл сарф бўлди. Назорат тажрибасини титрлаш учун хлорид кислота эритмасидан 34,9 мл кеттаги бўлса, миқдори бўйича субстанция МХ талабига жавоб берадими?  $T=0,01654$ .
13. Кофеин натрий бензоат ёрлиқли субстанция таҳлил қилингандан мурексид ҳосил бўлди, йод билан қўнғир чўкма тущди.  $FeCl_3$  эритмаси қўшилғанда ўзгариш бўлмади. Субстанция қайси моддага алмаштирилган?
14. Хинин гидрохлорид ёрлиқли субстанция таҳлил қилингандан яшил рангли таллэйохинин ҳосил қилди, барий хлорид эритмаси билан минерал кислоталарда эримайдиган оқ чўкма ҳосил қилди. Ёрлиқда субстанция номи тўғри кўрсатиленми?
15. Анестезин ёрлиқли субстанциянинг эрувчанлиги текширилганда, у сувда жуда осон эриб кетди, 95%ли спиртда эриди. Ушбу кўрсаткичлар анестезин учун мосми?
16. Новокаин ёрлиқли субстанциянинг ташқи кўриниши текширилганда оқ кристалл кукун бўлиб, тилни жонсизлантирилди. Сувда жуда енгил эриди.  $165-169^{\circ}C$  ҳароратда суюқланди. Бирламчи ароматик аминларга хос азобүёқ ҳосил қилди. Бу қайси модда бўлиши мумкин?
17. Витамин В ёрлиқли субстанция кўздан кечирилганда, у ёрқин қизил рангли эди. Ушбу модданинг ранги қайси витаминга хос?
18. 0,9987 г метилсалацилат субстанцияси ( $M.m=152,15$ ) ни титрлаш учун  $K=1,000$  бўлган 0,5M хлорид кислота эритмасидан 12,7 мл сарф бўлди. Назорат тажрибаси учун эса титрантдан 24,5 мл сарфланди.  $T=0,07607$  г бўлганда метилсалацилатнинг миқдорини ҳисоблаб, МХ талабига жавоб беришини аниқланг.
19. Изониазид ёрлиқли субстанциянинг ташқи кўриниши таҳлил қилингандан, у мазасиз, сариқ рангли, кучсиз ванилини ҳидини эслатувчи майдада кристалл кукун эди. Бу дори модда нима бўлиши мумкин?

21. Никотин кислотаси ёрлиқти субстанциянинг чинлигини таҳлил қылганда 0,3 г субстанцияни 0,1 г натрий карбонат билан ара-лаштириб қиздирилганда, ёқимсиз пиридин ва аммиакнинг ҳиди чиқди. Ёрлиқ түғри номланганми?

**Қалбакилаштирилган дори воситалари. Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашда замонавий таҳлил усулларини құллаш мавзуси бүйича тест саволлари**

?

Қалбакилаштирилган дори воситаси бу?

- +таркиб ва (ёки) ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон маълумот илова қилинган дори воситаси;
- яроқсиз ҳолга келган дори воситаси
- яроқлилик муддати үтган дори воситаси
- сифатсиз дори воситаси

?

Сифатсиз дори воситаси бу?

- таркиб ва (ёки) ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон маълумот илова қилинган дори воситаси;
- +яроқсиз ҳолга келган дори воситаси ва (ёки) яроқлилик муддати үтган дори воситаси
- ВФМ тузилмаган
- ёлғон маълумот илова қилинган дори воситаси

?

Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлаш неча босқичдан иборат?

-4

+5

-2

-3

?

Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашнинг I босқичи-ни топинг.

- дори воситаси таснифини МХ талабларига ёки оригинал препаратта мослигини солиштириш. Аниқлаш органолептик усулда олиб бори-лади
- хужжатларни текшириш
- +Визуал усулда дори воситасининг қадоқтаниши, жиҳозланиши ва ёрлиқланишини меңгерій хужжатларға ёки препарат оригиналита мос-лиги солиштириб текшириллади

-Экспресс таҳлил усулларини қўллаш, дори воситаси намуналари чинлигини микрокимёвий реакциялар ёрдамида аниқланти; майдаланган доривор ўсимлик қисмларини ва эримайдиган заррачаларни микроскопик таҳлил қилиш; дори воситаларининг айрим физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш.

?

Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашнинг II босқичини топинг.

+Дори воситаси таснифини МХ талабларига ёки оригинал препаратга мослигини солиштириш. Аниқлаш органолептик усулда олиб борилади.

-Визуал усулда дори воситасининг қадоқланиши, жиҳозланиши ва ёрлиқланишини меъёрий ҳужжатларга ёки препарат оригиналига мослиги солиштириб текширилади.

-Экспресс таҳлил усулларини қўллаш, дори воситаси намуналари чинлигини микрокимёвий реакциялар ёрдамида аниқлаш; майдаланган доривор ўсимлик қисмларини ва эримайдиган заррачаларни микроскопик таҳлил қилиш; дори воситаларининг айрим физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш.

-Ҳужжатларни текшириш.

?

Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашнинг III босқичини топинг.

-Дори воситаси таснифини МХ талабларига ёки оригинал препаратга мослигини солиштириш. Аниқлаш органолептик усулда олиб борилади.

-Визуал усулда дори воситасининг қадоқланиши, жиҳозланиши ва ёрлиқланишини меъёрий ҳужжатларга ёки препарат оригиналига мослиги солиштириб текширилади.

+Экспресс таҳлил усулларини қўллаш, дори воситаси намуналари дачинлигини микрокимёвий реакциялар ёрдамида аниқлаш; майдаланган доривор ўсимлик қисмларини ва эримайдиган заррачаларни микроскопик таҳлил қилиш; дори воситаларининг айрим физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш.

-Ҳужжатларни текшириш.

?

Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқланшининг IV босқичини топинг.

-Дори воситаси таснифини МХ талабларига ёки оригинал препаратга мослигини солиштириш. Аниқлаш органолептик усулда олиб борилади.

-Визуал усулда дори воситасининг қадоқланиши, жиҳозланиши ва ёрлиқланишини месъерий ҳужжатларга ёки препарат оригиналига мослиги солиштириб текширилади.

-Экспресс таҳлил усулларини кўллаш, дори воситаси намуналарида чинлигини микрокимёвий реакциялар ёрдамида аниқлаш; майдаланган доривор ўсимлик қисмларини ва эримайдиган заррачаларни микроскопик таҳлил қилиш; дори воситаларининг айрим физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш.

+Ҳужжатларни текшириш.

?

Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашнинг V босқичини топинг.

-Дори воситаси таснифини МХ талабларига ёки оригинал препаратга мослигини солиштириш. Аниқлаш органолептик усулда олиб борилади.

-Визуал усулда дори воситасининг қадоқланиши, жиҳозланиши ва ёрлиқланишини месъерий ҳужжатларга ёки препарат оригиналига мослиги солиштириб текширилади.

+Дори препарати чинлигини замонавий ўта сезгир ва аниқ усулларда таҳлил қилиш.

-Ҳужжатларни текшириш.

### ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИДА БИОЛОГИК УСУЛЛАРНИНГ ҚҰЛЛАНИЛИШИ

Дори воситалари таҳлилида физик, физик – кимёвий ва кимёвий таҳлил усуllibаридан ташқари? биологик таҳлил усуllibар ҳам құлланилади.

Биологик стандартлаш дори модданинг физиологик таъсирини тирик ҳайвонларда стандартт мөддалар билан солишириб аниқлашылади. Дори мөддалар миқдорини кимёвий ёки физико-кимёвий усуllibар ёрдамида аниқлаб бүлмаганда биологик усуllibардан фойдаланилади. Биологик усуlda дори модданинг сифати унинг фаоллигига қараб баҳоланади. Биологик фаолликни үрганишда тирик, бутун организмлардан ажратып олинган органлар, тұқымалар культурасы ёки алоҳида тұқымалар ишлатылади. Синовлар лаборатория ҳайвонлари (бақа, оқ сичқон, каламуш, денгиз чүчқалари, қүёнлар, мүшуклар, итлар, кабутар ва бошқалар) да үтказилади. Лаборатория ҳайвонлари яхшилаб танлаб олиниши керак. Чунки уларнинг берган реакциясига қараб текширилувчи дори модданинг фаоллиги, сифати ва миқдори баҳоланади. Ҳайвонлар танлаб олинаётганда уларнинг оғирлиги, жинси, ёши ва соғлигига алоҳида эътибор берилади. Улар учун бир вақтда овқатланиш режаси тузылған бўлиши, уларни бир хил шароитда ва маълум бир вақт давомида сақлаш керак. Синовлар үтказилаётган вақтда, албатта, тажрибалар шароити бир хил бўлиши лозим. Аммо шу шароитларни қатый реска асосида ушлаб турилса ҳам ҳайвонларнинг сезгирилги ўзгариб туради ва бу ўзгаришни ҳар бир биологик синовда кўзда тутиш керак. Шунинг учун биологик баҳолашда аввал текширилувчи препаратта ҳайвоннинг сезгирилк даражасини стандарт намуна билан солиширган ҳолда аниқланади. Стандартлар деб ҳар бир гурӯҳ препаратларга маълум хусусий фаолликка эга бўлган, стандартлаш қўмитаси ёки фармакопея қўмитаси томонидан тасдиқланган намуналарга айтилади. Стандартлар ҳайвонлар сезгирилгининг миқдорий характеристикаси учун этalon ҳисобланади. Стандартлардан фойдаланиб, маълум ўлчаш бирлигига ҳайвонларнинг сезгирилк даражасини ифодалаш, уларнинг таъсир кучи билан текширилувчи дори мөддаларнинг таъ-

сир күчини таққослаш мүмкін. Стандарттарнинг ишлатилиши маълум омиллар таъсири натижасида ўзгариши мүмкін бўлган ҳайвонларнинг сезигирлигини миқдорий баҳолашга имкон беради ва бу ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда текшириувчи модданинг фаоллиги ни аниқлашда олинган натижалар аниқлаштирилади.

Стандартлар сифатида таъсир этувчи моддалар аралашмаси ёки индивидуал тоза моддалар ишлатилиши мүмкін: барглар кукуни, спиртли экстрактлар, целанид, цимарин, строфантин ва бошқалар.

Стандарт намуналар фаоллиги таъсир бирлигига ифодаланади – ТБ. I ТБ – бу маълум миқдордаги стандарт намунанинг ҳайвонда чақириувчи маълум таъсиридир.

Дори воситалари таҳлилида биологик таҳлил усуллари икки хил: биологик синовлар ва биологик миқдорий таҳлиллар қўлланилади.

## 1. Биологик синовлар:

- стерилликни текшириш;
- микробиологик тозалик;
- пирогенлик;
- бактериал эндотоксинлар;
- заҳарлилик;
- депрессор моддалар (Гистамин ва гистамин каби моддалар);
- микобактериялар;
- микоплазматар;
- ёт вирусларга текшириш;
- тирик вакциналарни нейровирулентликка текшириш;
- қон ивиши факторларини текшириш.

## 2. Биологик миқдорий таҳлил усуллари:

- витаминларни аниқлаш;
- антибиотиклар фаоллигини аниқлаш;
- инсулиннинг биологик фаоллигини аниқлаш;
- вакциналарни миқдорий аниқлаш;
- гепаринни миқдорий аниқлаш;
- қон ивиши факторлари миқдорини аниқлаш.

### 4.1. Стерилликни текшириш

Инъекция учун ишлатиладиган дори воситалари, кўз томчилари, суртмалар, пленкалар ва бошқа воситалар стерил бўлиши керак. Стерилликни текширишда олинадиган намуналар сони стериллаш шароитига қараб аниқланади. Агар дори воситаси тўйинган буғ билан юқори босим  $0,11\pm0,02$  МПа ( $1,1\pm0,2$  кгс/см $^2$ ) остида ва  $121\pm1^\circ\text{C}$  ҳароратда стерилланган бўлса, 10 та намуна олинади. Агар бошқа

усулда стерилланган бўлса, унда қўйидаги формула бўйича намуналар сони аниқланади:

$$n=0,4 N$$

бу ерда  $n$  – намунадаги бирликлар сони;

$N$  – текширилувчи сериялардаги бирликлар сони.

Бунда  $n=3$  дан 40 гача бўлиши керак.

Стерилликни текширишдан олдин моддаларнинг антимикроб хусусияти ўрганилади. Бунинг учун 2 та пробиркага (бирида 10 мл тиогликол муҳити, иккинчисида 10 мл Сабуро муҳити бор) керакли миқдорда текширилувчи модда ва ҳар иккисига 1 мл да 100 та хужайра сақловчи микробдан 0,1 мл дан солинади.

Тиогликол муҳит сақловчи пробирка 30–35°C да 48 соат, Сабуро муҳитини сақловчи пробирка эса 20–25°C да 72 соат давомида инкубация қилинади. Назорат тажрибаси ўтказиладиган идишлар худди шундай муҳитлар сақдайди, уларга текширилувчи модда ўрнига тозаланган сув қўшилади. Дори моддаларнинг антимикроб хусусиятини аниқлашда қўйидаги тест-микроорганизмлар ишлатилади:

*Sphingococcus aureus*;

*Bacillus subtilis*;

*Escherichia coli*;

*Candida albicans*.

Дори воситаларининг антимикроб хусусияти йўқ бўлган тақдирда тест-микроорганизмларнинг ўсиши кузатилади. Агар антимикроб хусусиятлар топилса, унда инактиваторлар ишлатилади. Инактиваторлар хусусий мақолаларда келтирилган бўлади (сульфаниламидолар учун ПАБК, пенициллин, цефалоспоринлар учун пенициллиназа ва бошқалар). Агар инактиваторлар йўқ бўлса, унда экилган материал билан озуқа муҳит орасидаги нисбат ўзгартирилиб, озуқа муҳитининг ҳажми 250 мл гача келтирилади. Антимикроб хусусият ўзгармаса, унда экилаётган материал миқдори 1 мл гача камайтирилади. Шунда ҳам антимикроб хусусият ўзгармаса, унда мембранали фильтрлаш усулидан фойдаланилади. Дори моддаларининг стериллигини текширишда 2 хил: тўғридан – тўғри экиш ва мембранали фильтрлаш усулиаридан фойдаланилади.

#### 4.1.1. Тўғридан-тўғри экиш усули

Бу усулда текширилувчи дори модда суюлтирилади ва тиогликол ёки Сабуро муҳитига экилиб, 14 кун давомида инкубация қилинади (тиогликол 30–35°C, Сабуро – 20–25°C). Микроорганизмлар экилгандан сўнг лойқаланиш кузатилса, унда бошқатдан экилади.

Суртма ва дори моддаларнинг мойли эритмалари синовдан ўтказиладиганда аниқ 0,1 г (мл) тортма асептик шароитда тортиб олинали ва шиша шарчалар, 100 мл 1/15 моль фосфатли буфер эритмаси ( $\text{pH } 6,8\text{--}7,0$ ) ва эмульгатор сақловчи ҳажми 250 мл бўлган колбага солинади. Синов ўтказишдан олдин аралашма  $41\pm1^\circ\text{C}$  гача иситилади ва бир хил аралашма-эмульсия ҳосил бўлгунча 30 минут чайқатилади. Ҳосил бўлган эмульсиядан 5 мл дан олиб, ичидаги 40 мл тиогликол ва Сабуро муҳитини сақловчи 2 та колбага солинади. 14 кун керакли ҳароратда инкубация қилинади.

#### 4.1.2. Мембранали фильтрлаш усули

Мембранали фильтрлаш усулида асосан кучли антимикроб таъсирга эга бўлган ва ҳажми 100 мл дан ошиқ бўлган дори воситаларининг стериллиги текшириллади. Текшириш учун 30 та идии олинади. З та гурухга бўлинади.

20 таси стерилликни текшириш учун, 10 таси назорат учун ишлатилади. Синовлар фильтрловчи ускунада олиб борилади. Бу ускуна фильтрловчи ва қабул қилиувчи колбадан иборат. Фильтр ушловчи конқоғли воронка ва тешикчали пластинка асосдан иборат. Ана шу асосга  $D=47$  мм, тирқишининг катталиги  $0,45\pm0,02$  мкм бўлган мембрана ўрнатилади. Текшириш вакуум остида ва сувнинг ўтиш тезлиги 1 мин  $55\text{--}75$  мл бўлган тезлиқда олиб борилади. Текшириш олиб боришдан аввал бу мосламанинг ҳамма қисмлари стерилланади. Текширилувчи модда керакли стерил эритувчида эритилади ёки суспензия ҳолида стерил мембранныдан ўтказилади. Антимикроб таъсирли дори моддасини эритишида микроорганизм ўсадиган ҳар қандай эритувчидан фойдаланиш мумкин, масалан  $0,2\%$   $\text{NaCl}$  эритмаси. Ишлатиладиган эритувчи синовлардан олдин механик ёт моддалардан фильтрлаб тозаланган бўлиши шарт.

Текширилувчи модданинг эритмаси мембрана орқали вакуум ёрдамида ўтказилади. Сўнгра мембрана бир неча марта ювилади ва стерилланган қайчи билан 2 га бўлинади. Бир бўлаги 100 мл тиогликол, иккинчиси Сабуро муҳити солинган колбага солинади, биринчи колба  $30\text{--}35^\circ\text{C}$ , иккинчи колба  $20\text{--}25^\circ\text{C}$  да 7 кун сақланади ва вақти-вақти билан текшириб турилади. Назорат ўтказиш учун идишдаги дори моддаси маълум эритувчида эритилади, сўнгра таркибида 200 мг таъсир этувчи модда миқдорида олиб, 100 мл эритувчи солинган идишга солинади. Дарҳол фильтранади, фильтр юқорида кўрсатилгани каби ювилади ва иккига бўлиб, бирини тиогликол, иккинчисини Сабуро муҳитли колбага солинади.

## 4.2. Заҳарлиликни аниқлаш

**Заҳарлилик.** Дори воситаларини заҳарлиликка текширилишидан мақсад — препарат заҳарлигини белгилантган ва рухсат этилган мөъердан ошиши мумкин булган даражасини аниқлашдан иборат. Бунда ҳайвонларни ўлиши даражасининг ошиши ёки кутимаган (белгиланмаган) интоксикация кузатилиши бўйича назорат қилинади.

**Аномал заҳарлилик** препаратни ишлаб чиқариш ва сақлаш жараённида унинг таркибида ишлаб чиқариш регламенти ёки мөъерий хужжат билан белгиланмаган ўзгаришлар юз берганда намоён бўлади. У дори воситалари хавфсизлигини баҳолашда муҳим роль ўйнайди.

Дори моддаларнинг заҳарлилиги оғирлиги 19–21 г келадиган оқ сичқонларда олиб борилади. Уларда аввал синовлар ўтказилмаган бўлиши керак. Синовлардан 24 соат олдин ва синовлар вақтида хона ҳарорати бир хил бўлиши керак. Синовдан 2 соат олдин сичқонларга овқат ва сув берилмайди. Ҳар бир серия 5 та сичқонда синалади. Эритувчи тури ва модданинг концентрацияси хусусий мақолада кўрсатилган бўлади. Текширилувчи модданинг эритмаси  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача иситиласи ва сичқоннинг дум венасига 0,5 мл 0,1 м/с тезликда юборилади. Хусусий мақолада кўрсатилган юбориш усули бошқа бўлса (тери остига, ошқозон ёки ичакка) унда эритма 1 мл гача юборилади. Ошқозонга эритма учи йўғонлаштирилган инъекцион игна ёрдамида юборилади. Сичқонлар 48 соат давомида кузатиласи. Шу вақт ичида битта ҳам сичқон ўлмаслиги керак. Агар битта сичқон ўлса, унда синовлар яна 5 та сичқонда (оғирлиги  $20\pm0,5$  г), агар яна 1та сичқон ўлса унда 15 та сичқонда қайтарилади. Ўлган сичқонлар сони 10% дан ошмаса, унда препарат токсик эмас, акс ҳолда токсик, деб топилади. Текшириш учун ҳар 10000 та флакон ёки ампуладан 2 та флакон ёки ампула, ундан кўп бўлса, унда 3 та флакон ёки ампула олинади.

## 4.3. Депрессор моддаларга текшириш

**Депрессор моддаларга текшириш** дори воситаларини ишлаб чиқаришда улар таркибида гипотензив моддалар мавжуд бўлса, беморларда дори воситаси юборилгандан сўнг артериал босимини пасайиши хавфининг олдини олиш учун бажарилади. Микробиологик синтез йўли билан ёки ҳайвон ва одам тўқималаридан олинган моддалар энг хавфли ҳисобланади. Чунки уларда юқори фаолликка эга депрессор моддалар: гистамин, брадикинин, айрим пептидлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Депрессор моддаларга 2 та умумий мақола

мавжуд. «Депрессор моддалар» ва «Гистамин» усуллар мушукларда ва ин вітгө деңгиз чүчқалари изоляция қилинган йүғон ичаги тасмаларида бажарилади.

#### 4.4. Пирогенлик

Дори воситаларининг пирогенлиги аксарият ҳолларда микроблардан келиб чиқади ва граммманфий бактериялар томонидан чақирилади. Бу инсон учун хавфли бўлган, бактерия ҳужайраси парчалангандан ҳосил бўладиган липополисахариддан иборат ҳужайра деворлари қолдиқлари (эндотоксинлар)дир.

Эндотоксинлар стериллашнинг оддий усулларига жуда чидами ва инсон учун кенг миқёсдаги нохуш биологик самара, жумладан, иситма, тромбоцитопения, эндотоксик шок, кескин (кучли) метаболик бузилишлар, анафилактик шок чақириши ва ўлимга олиб келиши мумкин. Фармацевтика саноатида пироген ифлосланишни олдини олиш ва уни текшириш долзарб масалалардан биридир.

Кўп йиллар давомида қўлланиб келинаётган дори воситаларининг пирогенлик даражасини назорат қилиш қўён ректал ҳароратини препарат вена ичига юборилишидан аввал ва кейин қиёсий таҳлил қилишга асосланган. У фақат таъқиқловчи ёки рухсат этувчи тест, яъни сифат таҳлили ҳисобланади.

Бу усулнинг камчиликлари қўйидагилардан иборат:

- натижалар ҳайвон ҳолатига боғлиқ;
- бу усул билан айрим дори воситалари ва технологик жиҳозларни аниқлаш мумкин эмас;
- фармацевтика саноатида дори воситаларини ишлаб чиқаришда пироген аралашмаларни тез ва миқдорий аниқлаш долзарб ҳисобланади.

*Кўйидагиларни текшириш мумкин эмас:*

- тана ҳароратини пасайтирувчи антиpirетиклар. Улар пирогенлар мавжудлигини ниқоблайди (нонаркотик анальгетиклар, транквилизаторлар, нейролептиклар, кортикостероидлар, айрим анестетиклар);
  - фармакологик хоссасидан келиб чиқиб, тана ҳароратини оширувчи препаратлар ҳайвонларда гипертермиянинг асосий сабабларини баҳолашга тўсқинлик қиласи (вакциналар, плацента препаратлари, новокаин);
  - фармакологик хоссасидан келиб чиқиб ҳайвонлар физиологик ҳолатини ўзгаришига олиб келувчи препаратлар (наркоз воси-

талари, юрак гликозидлари, наркотик анальгетиклар, инсулин, адреналин, ухлатувчи воситалар, деполярловчи миорелаксантлар);

- одамға юбориладиган бир суткалик ұажми 700 мл ва ундан күп бўлган инфузион препаратлар;
- радиофармацевтик препаратлар, хомашё, ампулалар, флаконлар;
- Технологик жиҳозларнинг ҳамма элементлари.

#### **4.4.1. Пирогенлики аниқлаш**

Дори моддаларнинг пирогенлиги оғирлиги 2–3,5 кг келадиган қүёнларда текширилади. Ҳар бир қүён алоҳида хоналарда ва бир хил ҳароратда сақланади (ҳароратдаги ўзгариш  $\pm 3^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги керак). Овқатдан олдин кунора уларнинг оғирлиги текшириб турилади. Бунда ҳайвоnlарнинг оғирлиги камаймаслиги керак. Синовлардан 3 кун олдин уларнинг ҳарорати ҳар куни эргалаб овқатдан олдин  $0,1^{\circ}\text{C}$  аниқликда ўлчанади. Термометр тұғри ичакка 7–9 см узунликда ўрнатиласы. Бошланғич ҳарорат  $38,5\text{--}39,5^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак. Ундан кам ёки кўп ҳам бўлиши мумкин эмас. Ундан ташқари, қүёнлар венасига аввал 10 мл/кг миқдорида 0,9% стерил пироген бўлмаган NaCl эритмаси юборилади (реакцияни текшириш учун). Агар қүёнларда ҳарорат  $\pm 0,4^{\circ}\text{C}$  га ўзгарса, унда улар синовлар учун яроқсиз ҳисобланади. Синовлардан 18 соат олдин қүёнлар пирогенлик текшириладиган хоналарга ўтказилади. Бунда ҳарорат қүёнлар яшаган хонадаги ҳарорат билан бир хил бўлиши керак. Тажрибалар бошланишидан олдин қүёнларга кечкурун овқат берилмайди. Синовлар вақтида овқат ўрнига сув берилади. Агар хусусий мақолада кўрсатилмаган бўлса, синов учун ҳар 1000 тадан 10000 тагача флакон ёки ампула сақловчи сериядан 2 тадан ампула ёки флакон олиниади. Агар флакон ёки ампула сони 10000 тадан кўп бўлса 3 тадан олиниади. Ҳар бир сериядан аралаш намуналар тайёрланади. Агар 1000 тадан кам бўлса, унда 1 та олиниади. Синов олиб борилаёттанды шприцлар, игналар, эритувчилар ва бошқалар стерил ва апироген бўлиши керак. Текширувчи модда эритмаси қүённинг кулоқ венасига юборилади. Юбориш усули ва миқдори кўпинча хусусий мақолада кўрсатилади.

Инъекцион сувнинг пирогенлигини текшириш учун ундан 0,9% NaCl нинг изотоник эритмаси тайёрланади. NaCl стерил, апироген бўлиши керак. NaCl ҳаволи усулда  $180\text{--}200^{\circ}\text{C}$  да 30–60 минут давомида стерилланган бўлиши керак. Худди шундай усулда бошқа ёрдамчи воситалар ҳам стерилланган бўлиши лозим. 1 кг оғирликка

10 мл миқдорда 0,9% ли NaCl изотоник эритмаси 2 минут давомида (эритма 37°C ҳароратда иситилган бўлиши керак) юборилади.

Синовлар 3 та, оғирлиги бир хил бўлган қўёnlарда олиб борилади. Уларнинг оғирлиги 0,5 кг га фарқ қилиши мумкин. Қўёnlарнинг ҳарорати ҳар 30 минут оралиғида эритма юборилишидан олдин 2 мартадан ўлчанади. Уларнинг ўртасидаги фарқ 0,2°C дан ошмаслиги керак. Агар ошиб кетса, бундай қўёnlар тажриба учун ишлатилмайди. Агар инъекцион эритма вена қон томирига юбориладиган (в/в) бўлса, ҳарорат эритма юборишдан 15–30 минут аввал ўлчанади, ҳарорат кейинчалик яна 3 марта 1 соат оралиқда, агар мушакка (в/м), тери остига (п/к) юборилган бўлса, унда 5 марта 1 соат оралиқда ўлчанади. 3 та қўён ҳароратининг қўтарилиши 1,4°Cдан ошмаса ва 2,2°C гача бўлса, бу сув ёки текширилувчи эритма апиrogен, агар ошса пироген ҳисобланади. Агар ҳарорат 1,5–2,2°C га ошса, унда синовлар яна 5 та қўёnlарда қайта ўтказилиди. 8 та қўёнда ҳарорат ошишининг йифиндиси 3,7°C дан ошмаса, сув ва текширилаётган эритма пироген эмас, деб ҳисобланади. Агар ҳароратлар йифиндиси 3,8°C дан ошса, унда пироген ҳисобланади. Текширилган сув ёки эритма пироген бўлмаса, текширувлар олиб борилган қўёnlарни, 3 кундан кейин 2 марта тажриба учун ишлатиши мумкин, агар пироген бўлса, унда 2 ҳафта ўтганидан кейин қўёnlarda тажриба ўтказиш мумкин.

Ҳароратнинг камайиши ҳам худди ҳарорат қўтарилганда қандай бўлса, шундай аниқланади. Ҳайвонларни яна ишлатилишини чегараловчи препаратлар учун ҳайвонларда пирогенликни текширишни эндотоксинларни аниқлашга алмаштириш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир (масалан, антиген ва қон препаратлари).

Эндотоксинларни бактериологик усулда ЛИМУЛУС-АМЕБОЦИТ ЛИЗАТ ёрдамида аниқлаш (LAL-тест) қўёnlардаги тестга альтернатив сифатида биринчи бўлиб АҚШ Фармакопеясининг наширида пайдо бўлди ва «Бактериал эндотоксинларни аниқлаш» номини олди.

Бу 20 йиллик тадқиқот ишлари натижаси эди. 1956 йилда Денгиз биологияси институти лабораториясида ишловчи американлик олим Bang F.B., қилич думли (мечехвост) қисқичбақаларини тадқиқот қилган. Бактериянинг қилич думли қисқичбақа қон айланини тизимиға киритилганда қон ивийди ва ҳайвон ўлади. Бундан ташқари, уларга ўлик бактерияларни инъекция қўлинганда ҳам бундай реакция кузатилади (доктор Frederick Bang ва доктор Jack Levin).

Қилич думли қисқичбақаларда қадимий ва содда ҳайвонлар каби организмга кислород ташувчи, одам қонига ўхшамайдиган «темо-

лимфа» деб номланадиган суюқлик мавжуд. Гемолимфа ҳаво ранг ва битта тур ҳужайра – амебоцитлар сақлайды. Қилич думли қисқичбақалар яшайдиган денгиз тубида бактериялар жуда күп, лекин табиат уларга патоген бактериялардан жуда содда лекин ишончли ҳимоя механизмни совға қилган. Қисқичбақа терисининг ҳар қандай шикастланишида амебоцит қон ҳужайралари бактериялар билан юзма-юз келади ва улар активатор ролини үйнайды. Қон ивиши реакцияси юз беради ва ҳосил бўлган қуйқа қон йўқотишга қаршилик кўрсатади.

• **Limulus Amebocyte Lysate**: Limulus – қисқичбақанинг лотинча номи, Amebocyte Lysate – қисқичбақа қон ҳужайралари лизати. Реактив номи LAL-реактив, тестга LAL-тест номини берган.

Ҳозирда қуйидаги усувлар қўлланилади:

1. Гель ҳосил бўлиш усули.
2. Ярим миқдорий гель ҳосил бўлиш усули.
3. Турбидиметрик кинетик усул.
4. Хромоген пептид ишлатиш билан кинетик усул.
5. Хромоген пептид ишлатиш билан охирги нуқта усули.

#### **4.4.2. LAL-тест (гель-тромб тест). Грамм-манфий бактериал эндотоксинлар (липополисахаридлар) миқдорини аниқлаш**

LAL – тест ҳозирги кунда дори моддаларнинг пирогенлигини аниқлашда энг ишонарли, келажаги бор усул бўлиб хизмат қилмоқда. Бу усул юқори сезирликка эгалиги, оддийлиги, ишонарлилиги, қайтарувчанлиги билан катта аҳамиятга эга. Бунда синовлар қисқа вақт ичida бажарилади. Бу эса унинг арzonлитини кўрсатади, шунингдек инъекцион дори моддаларни ишлаб чиқаришда пирогенлигини босқичма-босқич назорат этишга имкон беради.

LAL – тест – текширилайтган эритма таркибидаги эндотоксин миқдорини аниқлашга имкон беради. Бунинг учун номаълум миқдорда эндотоксин сақлаган эритманинг LAL-реактив билан ҳосил қилган реакциясини солиштирилади. Концентрация 1 мл (ТБ/мл) эндотоксин бирлигига ўлчанади.

Тестнинг асосий моҳияти инсонлар ва ҳайвонлар учун ишлатиладиган инъекцион эритмалар таркибидаги эндотоксин миқдорини аниқлашга асосланган. LAL-тест яна фармацевтик моддаларни тайёрлашда, эритмалар, хомашёларни валидациялашда стандарт (концентрацияси аниқ бўлган) эндотоксин эритмаси билан ҳосил қилган реакцияси билан фармацевтика ишлаб чиқаришда, шунингдек, босқичли назорат учун ишлатилади.

АҚШ озиқ-овқат ва дори-дармон бошқармаси (US Food and Drug Administration) нинг тақлифига кўра? ушбу тест қўёнларда пирогенликни аниқлаш учун ишлатиладиган тест ўрнини бемалол боса олади.

LAL – тестни ўтказиш жараёни.

*Реактивлар.*

1) LAL – реактив Pyrotell.

LAL – Pyrotell реактиви Associates of cape Cod Inc (АҚШ) компанияси томонидан лиофилланган кукун ҳолида ишлаб чиқарилади. Ўз таркибида *Limulus Polyphemus* амёбоцитларнинг сувли экстракти 1,5 ҳажм 25% ли инсон альбуминининг эритмаси (стабилизатор) ва 3% натрий хлорид сақлайди. Кукун 1,2 ва 5 мл тайёр суюқ LAL-реактив тайёрлаш учун маҳсус миқдорда чиқарилади. Pyrotell турли, яъни 0,03 дан 0,5 ТБ/мл бўлган сезгириликда чиқарилади.

Ҳар бир LAL-реактивнинг сезгирилиги эндотоксиннинг назорат стандарти (Control Standard Endotoxin) – CSEга нисбатан аниқланади. Эндотоксиннинг назорат стандарти Америка Миллий Эндотоксин Стандарти (Reference Standard Endotoxin) бўйича FDAда титрланган бўлади.

Бунда эндотоксиннинг назорат стандартининг аниқ сезгирилика эга бўлган LAL-реактив билан гель ҳосил қиласидаган энг кичик концентрацияси аниқланади.

LAL-реактивни тайёрлашда илиш эҳтиётлик билан очилади, оғзи пленка (Parafilm) билан ёпилади. Фойдаланишдан аввал флаконга 1,2 ёки 5 мл апироген LAL-реактив осон эрийди. Эритганда рангсиз, бироз товланувчи эритма ҳосил қиласиди. Эритмада пахта толалари булиши мумкин, аммо товланувчи чўкма ёки сариқ ранг бўлмаслиги керак. Ишлатишдан олдин чайқатилади. Лиофилланган Pyrotell  $-20^{\circ}$  дан  $+8^{\circ}\text{C}$  ҳароратда сақланади (3 ойдан ошмаслиги керак).

*Реакцияни ўтказиш.*

Барча текширилаётган намуналар асептик шароитда апироген идишга йигилади. Эндотоксинларнинг идиш деворига адсорбцияланисини камайтириш мақсадида маҳсус LAL-тест учун шиша ва пластиклардан фойдаланилади.

4 та апироген ( $10 \times 75$  мм) пробиркага 0,1 мл дан стандартланган сезгириликка эга бўлган (0,25 ёки 0,03 ТБ/мл) LAL-реактивнинг этalon эритмасидан солинади. 1-пробиркага (A) 0,1 мл текширилувчи эритмага (олдиндан суюлтирилган) 0,1 мл этalon эритмадан қўшилади.

2-сига (Б) текширилаётган препарат билан аниқ фаолликка эга бўлган эндотоксинининг назорат стандарти қўшилган ҳолда (ижобий назорат сифатида) реактивнинг этalon эритмасидан солинади.

3-сига (С) аниқ концентрацияси эндотоксиннинг назорат стандарти солинган бўлиб, устига LAL-реактив қўшилади.

4-сига (Д) 0,1 мл апироген сув (салбий назорат сифатида) га реактивнинг этalon эритмасидан қўшилади.

Аралашмалар асталик билан аралаштирилиб,  $60\pm2$  дақиқа давомида  $37\pm1^{\circ}\text{C}$  ҳароратда инкубация қилинади.

Инкубация вақти ўтгандан сўнг олинган натижалар (салбий ёки ижобий) расмийлаштирилади. Ижобий натижада (+) зич гель ҳосил бўлиши керак, бунда пробирка  $180^{\circ}$  га айлантирилганда парчаланмаслиги керак, салбий (–) натижада эса умуман гель ҳосил бўлмайди.

Олинган натижалар интерпретация қилинганда кўпингча А ва Д пробиркаларда салбий (–), Б ва С ларда эса (+) ижобий натижалар кўрилади. Бундай ҳолларда препарат «Бактериал эндотоксинлар» талабига қониқарли жавоб берди, деб топилади.

#### 4.5. Витаминаларни биологик баҳолаш

Ҳозирги кунда айрим витаминалар биологик таҳлил усули билан аниқланади. Витаминаларни микробиологик усулда аниқлаш:

- микробни ўсиш реакциясига;
- асосий алмашинувни стимуллашга асосланган.

Бунда:

- индикатор штаммни ўсиш ва кўпайиш шароитини билиш;
- озуқа муҳитини таркибини билиш;
- тайёр витамин эҳтиёжини билиш зарур.

Витаминаларни биологик баҳолаш учун ҳайвонларга (карамуш, кабутар, денгиз чўчқаси) аниқланувчи витаминдан ташқари, бошқа ҳамма витаминалар, шунингдек оқсил, ёғ, углевод, минерал тузлар сақловчи овқат бериб, парҳезда боқилади. Сўнгра текширилувчи витамин берилиб, унинг қанча миқдори авитаминозни тузатиши ёки олдини олиши аниқланади. Бир вақтнинг ўзида худди шундай тажрибалар стандарт намуналар билан ҳам олиб борилади. Витаминалар фаоллиги ҳалқаро ёки интернационал бирликларда ХБ (МЕ) ифодаланади ва мг ёки мкг ( $\gamma$ ) ларда стандарт модданинг шартли миқдори билан белгиланади.

Ҳайвонлар авитаминозини олдини олувчи ёки даволовчи витаминнинг энг кам миқдорига бир таъсир бирлик дейилади. Вита-

минларнинг 1 таъсир бирлигига (МЕ) га тўғри келадиган миқдори турлича булиши мумкин. Масалан 1 ТБ (МЕ) витамин А га 0,344 мкг, витамин Д (эргокалъциферол) га – 0,025 мкг тўғри келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биологик усулда олинган натижалар кимёвий ёки физико-кимёвий усуллар билан олинган натижаларга қараганда ишонарлидир. Витаминларнинг фаоллигини биологик усулда аниқлаш жуда кўп меҳнат талаб қилади. Шунингдек, уларнинг хатолиги катта, байзда 40% гача булиши мумкин. Шунинг учун витаминларни сифатини баҳолашда кимёвий ва физико-кимёвий усулардан ҳам фойдаланилади.

*Каламушларнинг буйрак усти безидаги аскорбин кислотасини аниқлаш.* Каламушларнинг буйрак усти безидаги аскорбин кислотасининг миқдори унинг 2,6-дихлорфенолиндофенолят билан берадиган реакцияга асосланган ФЭК усулида аниқланади.

Бунинг учун тозаланган ва тортилган буйрак усти бези 1 мл 3% ли фосфат кислота ва кимёвий тоза кварц ёки шиша қум солинган пробиркада эзилади, устига яна 9 мл 3% ли фосфат кислота солиб, фильтранади. 3–4 соатдан кейин аскорбин кислота миқдори аниқланади. Бунинг учун қатлам қалинлиги 20 мм бўлган кюветаларга 5 мл А эритма, 3 мл экстракт солиб шиша таёқча билан аралаштирилади. 15–15 сониядан сўнг оптик зичлик (яшил светофильтрда) ўлчанади. Оптик зичликни ўлчаш 2 марта қайтарилади 1 мл экстракт таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори калибрланган график орқали оптик зичлик асосида топилади. Аскорбин кислота миқдори мг% да ҳисобланади.

*Калибрланган график тузиш.* 10 мг аскорбин кислотаси (аниқ тортма) 10 мл 3% ли метафосфор кислотада эритилади (1-эритма). 1 мл 1-эритмага 3% ли метафосфор кислотада 10 марта сультрилади (2-эритма). Ҳажми 10 мл бўлган колбага 0,3; 0,6; 0,9; ва 1,2 мл 2-эритмадан солиб белгисигача 3% ли метафосфор кислота эритмаси билан етказилади. Бунда мос равища 1 мл эритмада 3, 6, 9, 12 мкг аскорбин кислота сақлайдиган эритмалар ҳосил бўлади. Эритмаларга 5 мл дан А-эритмадан қўшиб чиқилади ва оптик зичликлари ўлчанади. Олинган натижалар бўйича калибрланган график чизилади (абсцисса ўқида аскорбин кислота миқдори, мкг; ордината ўқида эса оптик зичлик).

Микробиологик усул билан Витамин В1 (Тиамин), Витамин В<sub>2</sub> (Рибофлавин), Витамин В3 (Ниацин), Витамин В5 (Пантотеновая кислота), Витамин В6 (Пиридоксин), Витамин В7 (Биотин), Витамин В9 (Фолиевая кислота), Витамин В12 (Цианокобаламин) шу-

нингдек, холин, инозитол, метионин, лизин ва цистеин ҳам аниқланади.

#### **4.6. Антибиотикларнинг биологик таҳлил усули**

Антибиотикларнинг миқдорий таҳлили микробиологик усулда олиб борилади. Антибиотиклар фаоллиги текширилаётган антибиотик ва маълум концентрациядаги стандарт намуна таъсирида сезгир микроорганизмлар ўсишини тұхтатиш даражасини қиёслаш йўли билан аниқланади.

Антибиотиклар фаоллигини аниқлашнинг биологик усули шу антибиотикка сезгир бўлган тест – организмга антибиотикни биологик таъсирини ўрганишга асосланган. Бунда уларнинг микроорганизмлар ўсишини тұхтатиш хусусияти (антимикроблик фаоллиги) аниқланади. Антибиотикларнинг биологик фаоллигини аниқлаш диффузия усули билан сақлаган озуқали муҳитда олиб борилади. Бунда маълум миқдордаги давлат стандарт намунаси ва текширилувчи дори моддасининг микроблар ўсишини тұхтатганда ҳосил бўлган зоналарнинг катталиклари солиштирилади. Антибиотикларнинг антимикроб (микробга қарши) фаоллиги аниқланаданда халқаро биологик стандартлар асосида фаоллиги аниқланган стандартлар ишлатилади. Агар бундай стандартлар бўлмаса, унда сифати физик-кимёвий усуллар билан баҳоланган халқаро кимёвий тоза стандартлардан фойдаланилади.

Петри идишига бир ёки икки қават қилиб озуқа аралашма солинади. Пастки қатламга микроб экилмаган озуқа, юқориги қатламга микроб экилган озуқа жойлаштирилади. Озуқа муҳитга маълум миқдорда агар ёки вегетатив тұқымалар суспензиясидан қўшилади. Суспензия тест микробларнинг оптималь ўсишини ва ўсишни тұхтатиш чегараларининг аниқ зоналарини ҳосил бўлишини таъминлайди.

Экилган муҳит устига чапка четидан ва бир-биридан бир хил масофада, бир хил масса ва бир хил катталиқдаги баландлиги 10 мм, ички диаметри 6,0 мм бўлган зангламайдиган пўлатдан ясалган цилиндрлар жойлаштирилади. Цилиндрларга ва ҳар қайси чашкага бир хил ҳажмда стандарт ва текширилувчи намуналарнинг ишчи эритмалари солинади. Ишчи эритмалар асосий эритмалардан тайёрланади. Бунда ишчи эритмалар концентрацияси стандарт намуна эритмасининг концентрациясидан фарқ қылмаслиги керак. Идишлар хона ҳароратида 1–2 соат ушлаб турилади. Сунгра идишлар 36+1°C ҳароратда 16–18 соатта термостатта қўйилади. Микроб ўсмай қолган

зоналарнинг диаметри юқори аниқдикда ( $0,1$  мм) ўлчанади. Антибиотикларнинг микробга қарши фаоллиги 4 хил усулда аниқланади.

1. Агарга диффузиялаш усули (3 фазали вариант);
2. Стандарт график ёрдамида;
3. График усулда;
4. Ҳисоблаш усулида.

Флакондаги фаол модданинг миқдорини топиш учун  $1$  мг топилган фаолликни флакондаги модданинг мг миқдорига кўпайтирилади. Эритмалар текширилаётганда  $1$  млда топилган фаолликни унинг ҳажмига кўпайтирилади. Таблетка ёки капсула таркибидаги фаол модда миқдорини аниқлаш, шунингдек, таҳлил учун намуна тайёрлаш ДФ XI нашридаги талаблар асосида олиб борилади. Бунинг учун  $1$  мг майдаланган таблетка ёки капсуладаги фаолликни таблетканинг ўртacha оғирлигига ёки капсуладаги массанинг оғирлигига (мг) кўпайтирилади.

Мисол: Стрептомицин сульфат 1:300 суюлтирилган текшириувчи эритмасидаги микроорганизмлар ўсмаган зонасининг ўртacha ўлчами –  $18,6$  мм.

Стандарт намуна эритмасидаги бу зонанинг ўлчами –  $18$  мм. Зоналардаги фарқ  $18,6 - 18 = 0,6$  мм ни ташкил этади.

Концентрацияси стандарт намуна эритмаси учун тузилган калибрланган графикда  $2$  ТБ/мл фаоллик учун  $18,2$  мм майдон тўғри келади. Майдонлар кагталигидаги фарқ кўшилади  $18,2 + 0,6 = 18,8$  мм. Графикдан  $18,8$  мм учун фаоллик  $2,34$  ТБ га мос келиши топилиб, суюлтириш даражаси –  $300$  га кўпайтирилади.  $2,36 * 300 = 708$  ТБ/мг бўлади. Демак  $1$  мг стрептомицин сульфат текшириувчи намунасининг фаоллиги –  $708$  ТБ га тенг.

МҲлар талабига кўра, бензилпенициллин натрийли тузинин фаоллиги –  $1600$  ТБ/мг ( $1\text{TB} = 0,598$  мкг), бензилпенициллин новокаинли тузининг фаоллиги –  $1011$  ТБ/мг ( $1\text{TB} = 0,989$  мкг), стрептомицин сульфатнинг фаоллиги –  $800$  ТБ/мг ( $1\text{TB} = 1,25$  мкг) ва тетрациклин гидрохлориднинг фаоллиги –  $1000$  ТБ/мг ( $1\text{TB} = 1$  мг) бўлиши керак.

#### **4.7. Таркибида юрак гликозидларини сақловчи дори моддаларнинг биологик таҳлил усуллари**

Фақат юрак иш фаолиятига таъсир этувчи моддалар – юрак гликозидлари бўлиб, улар асосан ўсимликлардан олинади. Юрак гликозидларининг асосий терапевтик таъсири бу миокард уришни тезлатиши ёки секинлаштиришидир. Бунда диастолада юрак каме-

расига түшгән қон чиқарып ташланади. Юрак гликозидлари кам дозаларда юрак мускулларига танлаб таъсир этади ва унинг қисқаришини кучайтиради, тонусини күтәрәди, яъни кардиотоник таъсир күрсатади. Юқори миқдорда юракни систола ҳолатида тұхтатиб құяды, шунинг учун уларни баъзида юрак заҳарлари ҳам деб аталади.

Юрак гликозидларининг биологик фаоллигини баҳоланда дори модданинг шундай кам миқдори аниқланадики, бунда бу доза 30 г оғирлиқдаги эркак бақа юрагини 1 соат давомида систолик тұхтатиб қўйиши керак. Юрак гликозидларининг фаоллиги стандарт на-муна фаоллиги билан солиштирилиб, таъсир бирлиги (ТБ)да ифодаланади. Текшириш бақа, кабутар ёки мушукларда үтказилиб (БТБ, КТБ, МТБ), бир грамм текширилувчи препарат, қуруқ хомашё ёки 1 мл суюқ препаратнинг таъсир бирлиги ҳисобланади. Стандарт сифатида текширилаётган препаратнинг стандарт намунаси олинади.

Масалан, ангишвонагул стандарт намунасининг 1 ТБ деганда 0,3 мл стандартни 2 марта суюлтирилған эритмаси хусусий фаоллиги тушунилади. Стандарт намуналарининг биологик фаоллиги *Rana temporaria* номли оғирлиги 28–33 г бұлған октябрь – ноябрда тутилған эркак бақаларда сонининг лимфа қопчасига стандарт намуналарни (тери остига) юбориб аниқланади. Стандарт – намуналарни шундай миқдорда тайёрлаш керакки, бунда бақа таъсир бирлиги (БТБ) тажриба олиб борилаётган бақаларнинг маълум шароитда юрагини систола ҳолатида тұхташини чақиравучи стандарт намунасининг дозасига мос келиши керак. Масалан, ангишвонагул ёки марваридгүл 1 БТБ остида 0,3 мл стандарт намунасининг 4 марта суюлтирилған миқдорининг хусусий биологик фаоллиги тушунилади. Ангишвонагул ва марваридгүлнинг суюлтирилмаган стандарт намуналари 1 млда 13,33 БТБ фаоллика эга.

$$X = \frac{4 \cdot 1}{0,3} = 13,33$$

Цимарин ва целанидининг 1 БТБи деганда қуйидаги концентрациялардаги кристаллик гликозидлар спирт-сувлі эритмаларининг 0,3 млдаги хусусий биологик фаоллиги тушунилади.

цимарин 1:13333  
целанид 1: 5000

Строфантин-К, иериолин, элизимин 1 БТБ деганда 1:15000, 1:20000 ва 1:25000 концентрациялардаги кристаллик гликозид спирт – сувлі эритмасининг 0,4 мл даги хусусий фаоллиги тушунилади. Фармакопеяий таҳлил усулларнинг барчаси ҳайвонлар юрагини

систола ҳолатида тұхтатиб қүйиш хусусиятига асосланған. Бунда препаратнинг эңг кам миқдори олинади. Юрек гликозидлариниң ҳайвон организмінде юбориш йўли ва вақти, шунингдек, ҳайвонларнинг ахволи ҳар хил бўлиши мумкин. Иссикқонли ҳайвонларга препаратлар тўғри қонга юборилади ва юрек тұхташи артериал босимнинг 0 га тенг бўлиши ва юрек уришининг тұхташи билан аниқланади.

Бақаларга гликозиллар турлича юборилади: тўғридан-тўғри қонга, юрек қоринчасига ва лимфатик қончаларга (сонга). Токсик таъсир бақалар юрагини ёриб унинг фаолиятини маълум вақтгача кузатилади ва тұхтаган вақти билан белгиланади. Бунда препаратнинг эңг кам миқдори олинади. Сўнгра 1 г текширилувчи маҳсулотдаги (доривор ўсимлик, қуруқ концентрат ёки индивидуал гликозид, таблетка ёки суюқ дори моддаси) таъсир бирлигининг миқдори ҳисобланади. Синовлар вақтида юборилаётган модда миқдорининг ҳажми 0,35 мл дан кам бўлса қурбақа сонидаги лимфатик қончаларнинг бир томонига, агар ошса (0,7 мл) бир хил миқдорда 2 томонга юборилади. Ангишвонагул ва марваридгуга дори моддалари ва хомашёси учун ҳисоблаш қўйидагича олиб борилади:

$$TB = \frac{B \cdot K}{0,3 A}$$

Строфантин, сариқ эризимум хомашёси ва дори моддалари учун эса ҳисоблаш қўйидагича олиб борилади:

$$TB = \frac{B \cdot K}{0,4 A}$$

Бунда  $A$  – текширилувчи намунанинг эңг кам миқдори, мл;

$B$  – стандарт намунасининг эңг кам миқдори,

мл (0,3, 0,4 мл 1 БТБ га тўғри келади);

$K$  – суюлтириш даражаси.

#### 4.8. Гормонлар гурӯҳига киравчи дори моддалар фаоллигини бақолаш (инсулин)

Инсулиннинг биологик фаоллиги оғирлиги 2,5 ксладиган, одиндан (камида 14 кун) яхшилаб боқилган қўёнларда текширилади. Қўёнларнинг инсулинга бўлган сезгирилиги текширилади. Стандарт инсулин тозаланған кристалл ҳолидаги инсулин бўлиб, у хатқаро стандартларга мос келиши керак. Унинг 1 мг даги фаоллиги 24 ТБ (ЕД) дан кам бўлмаслиги керак. Фаолликни аниқлашда 18 с давомида күён оч қолдирилади, сўнгра ҳар килограммига 0,4 ТБ

ҳисоб билан 7–8 күн оралатиб икки марта инсулин юборилади ва қондаги қанднинг пасайиши аниқланади. Қон қүён қулогидан, инсулин юборилишидан 1–2,5 соат аввал ва 1–2,5 соатдан сўнг олилади.

Ҳар бир қүён учун қондаги қанднинг камайиши қўйидаги формулла бўйича ҳисобланади (%):

$$X = \frac{a - b}{a} \cdot 100$$

Бу с尔да  $a$  – қанднинг қондаги миқдори, мг/% да;

$b$  – инсулин юборгандан 1,5–2,5 соат ўтгандан кейинги қанднинг қондаги ўртача миқдори, мг/% да.

3–5 кундан сўнг бу тажриба яна қайтарилади, фақат энди S намуна юборилган қуёлларга I намуна юборилади. Сўнгра қондаги қанднинг камайиши % миқдори S ва I препаратлар учун айрим ҳисобланади.

$\frac{1\%}{5\%} = K$  – текширилувчи препаратнинг нисбий фаоллиги.

Масалан, инъекция учун ишлатиладиган инсулиннинг 1 мл даги тахминий фаоллиги 40 ТБ ва синовларда қўйидаги натижалар олинган бўлсин:

Текширувнинг 1 қисми		Текширувнинг 2 қисми	
YS	YT	YT	YS
49	48	50	50
61	50	58	51
35	48,5	53	41
55	65	55	55
39	46	39	45
28	22,5	68	60
53	14,5	38	43
38	48	44	60
50	63	44	56

$$\sum Y_s = 869; \%S = \frac{869}{18} = 48,28$$

$$\sum Y_t = 854,5; \%T = \frac{854,5}{18} = 47,47$$

$$R = \frac{\%T}{\%S} = \frac{47,47}{48,28} = 0,983$$

$$T = 0,983 * 40 = 39,33 \text{ ТБ / мл}$$

Демак, текширилувчи препаратнинг фаоллиги  $0,983 * 40 = 39,33$  ТБ экан.

**Дори воситалари таҳлилида биологик усуулларнинг қўлланилиши мавзуси бўйича саволлар**

1. Биологик стандартлаш қайси турдаги дори моддаларга нисбатан қўлланилади?
2. Дори моддаларининг пирогенлиги қандай текширилади?
3. Биологик стандартлашда стандарт намуна сифатида нима қабул қилинади?
4. Витаминаларни биологик баҳолаш усули нимага асосланган?
5. Антибиотикларни биологик таҳлил усули қандай ўтказилади?
6. Антибиотикларни микробларга қарши фаоллиги неча хил усулда аниқланилади?
7. Юрак гликозидлари сақловчи дори воситаларининг таҳлил усуулларини ўтказиш тартибини тушунтиринг.
8. Юрак гликозидлари сақловчи дори моддаларда стандарт намуналари қандай миқдорда тайёрланиши керак?
9. Гормонлар гуруҳига кирувчи дори моддаларнинг фаоллиги қандай баҳоланади?
10. Инсулинни биологик фаоллигини аниқлаш усули нимага асосланган?
11. Қондаги қанднинг миқдорини аниқлаш нимага асосланган?
12. Дори моддаларнинг микробиологик тозалиги қандай мақсадда ва қай тартибда аниқланади?
13. LAL-тест усули дори модданинг қайси кўрсаткичини аниқлашда қўлланилади?
14. Дори моддаларнинг пирогенлигини аниқлашда неча хил усулдан фойдаланилади?
15. Инъекцион сув апироген дейилганда нима тушунилади?
16. Дори моддаларининг заҳарлилигини аниқлаш нимага асосланган?
17. Стерилликни текшириш деганда нима назарда тутилади?
18. Дори моддаларининг стериллигини текшириш неча хил усулда олиб борилади?
19. Стерилликни текширишдан олдин дори моддасининг қайси хусусияти ўрганилади?

20. Стериллукни текшириш қайси турдаги дори моддалар учун үтказылади?

**Дори воситалари таҳлилида биологик усулларнинг кўлланилиши мавзуси бўйича вазиятли масалалар**

1. Витаминаларнинг миқдорини фақат биологик усулларда аниқлаш мумкинми? Жавобингизни изоҳланг.
2. Нима учун витаминалар сифатини биологик баҳолашда стандарт намуналардан фойдаланилишини асослаб беринг.
3. Антибиотикларни биологик таҳлил қилишда фаоллиги аниқланган биологик стандартлар бўлмаса, сифати физик-кимёвий усуллар билан баҳолангандан халқаро кимёвий тоза стандартлардан фойдаланиш мумкинми? Жавобингизни асосланг.
4. Нима учун антибиотиклар фаоллигини аниқлашда озуқа муҳитга агар ёки вегетатив тўқималар суспензияси қўшилади?
5. Юрак гликозидларининг биологик фаоллигини аниқлашда стандарт намуналарнинг суюлтириш миқдорини танлаш нимага асосланган?
6. Ангишвонагул ва марваридгул хомашёси ва дори моддалари учун ТБ ни ҳисоблаш формуласини келтиринг.
7. Строфантин, сариқ эризимум хомашёси ва дори моддалари учун ТБ ни ҳисоблаш формуласини келтиринг.
8. Қондаги қанднинг камайишини ҳисоблаш формуласини келтиринг.
9. Нима учун дори моддаларининг пирогенлигини аниқлаш қўёнларда олиб борилади?
10. Агар дори моддалар пирогенлигини аниқлашда ўлчангандан ҳароратлар йигиндиси  $1,5^{\circ}\text{C}$  дан  $2,2^{\circ}\text{C}$  оралиғида бўлса, қандай хulosачиқариш мумкин? Жавобингизни асосланг.
11. Агар 8 та қўенда кўтарилиган ҳароратлар йигиндиси  $3,7^{\circ}\text{C}$  дан ошмаса, текширилган дори моддаси пироген ҳисобланадими? Жавобингизни асосланг.
12. Пирогенликни текшириш учун тажрибаларни үтказища фойдаланилган қўёнлардан кейинчалик ҳам фойдаланиш мумкинми? Жавобни асослаб беринг.
13. Агар дори препаратларининг заҳарлилик даражасини текширишда 48 соат давомида 1 ёки 2 та сичқон ўлиб қолса, қандай хulosачиқарилади? Жавобни асосланг.
14. Дори моддалар пирогенлигини аниқлашда яна қандай усуллардан фойдаланиллади ва улар нимага асосланган?
15. Дори моддалар пирогенлигини аниқлашда фойдаланиладиган LAL-тест усулининг ўзиға хос бўйган томонларини тушунтириб беринг.

16. Нима учун дори воситаларининг стериллигини аниқлашдан аввал уларнинг антимикроб хусусияти ўрганилади?
17. Дори моддалар стериллигини текширишининг 2 хил усули мавжуд бўлиб, тажрибаларни олиб боришда ушбу усулларнинг қай бирини танлаш нимага асосланган?
18. Дори воситаларининг стериллигини текширишда улар антимикроб хусусиятига эга бўлса, тажрибалар қандай тартибда олиб борилиши керак?
19. Дори воситаларининг стериллигини аниқлашда қўшиладиган инактиваторларнинг вазифаси нимадан иборат?
20. Дори воситаларининг заҳарлилигини текширишда ўлган сичқонлар сони 10% дан ошиб кетса, қандай хулоса чиқарилади?

**Дори воситалари таҳлилида биологик усулларнинг қўлланилиши  
мавзуси бўйича тест саволлар**

?

Пирогенлик қандай дори шаклида текширилади?

+инъекцион дори воситасида

-таблеткада

- суртмаларда

- настойкада

?

LAL-тестдан фармацевтика амалиётида қандай мақсадда фойдаланилади?

+..токсикликини аниқлаш

-..стерилийни аниқлаш

-..пирогенликни аниқлаш

-..фойданилмайди

?

Биологик усуллар фармацевтик таҳлилида қандай мақсадларда ишлалади ?

-..дори моддаларнинг чинлигини аниқлаш учун

-..дори моддаларнинг тозалигини аниқлаш учун

-..дори моддаларнинг миқдорини аниқлаш учун

+..дори моддаларининг фаоллигини аниқлаш учун

?

Кайси гуруҳ дори моддалар биологик усул билан таҳлил килинади?

-..алкалоидлар, антибиотиклар, гормонлар

+..антибиотиклар, юрак гликозидлари, гормонлар, новарсинол, месарсинол

-..юрак гликозидлари, витаминалар, гормонлар

-..антибиотиклар, юракгликозидлари, сульфаниламидалар  
?

Юрак гликозидларининг биологик фаоллиги уларнинг қайси хосса-  
сига асосан баҳоланади?

+..жониворлар юрагини систола ҳолатида тұхтата оладиган токсик -  
дозасига

-..жониворлар юрак уришини сескинлаштира оладиган токсик доза-  
сига

-..жониворлар юрак уришини тезлаштира оладиган токсик дозасига

-..инсон юрагини систола ҳолатида тұхтата оладиган токсик дозаси-  
га

?

Юрак гликозидларининг биологик фаоллиги қандай жониворларда  
аниқланади?

-..кучук, қүён, бақа

+..бақа, мушук, кабутар

-..қүён, бақа, кабутар

-..сичқон, кучук, мушук

?

Антибиотикларнинг биологик фаоллиги қандай аниқланади?

-..жониворлар юрагини систола ҳолатида тұхтата оладиган токсик  
дозаси бүйіча

-..инсон юрагини систола ҳолатида тұхтата оладиган токсик дозасига  
қараб

+..микроблар тестиңінг үсишини тұхтатишига қараб

-..препаратнинг зақарлилігини оқ сичқон ва оқ каламушларда аниқ-  
лаш орқали

-..препаратнинг биологик фаоллигини қүёнларда ва каламушларда  
аниқлаб

?

Гормонларнинг биологик фаоллиги қандай аниқланади?

-..жониворлар юрагини систола ҳолатида тұхтата оладиган токсик  
дозасига қараб

-..инсон юрагини систола ҳолатида тұхтата оладиган токсик дозаси-  
га қараб

-..микроблар тестиңи үстирмаслигига қараб

-..дори молдасининг зақарлилігини оқ сичқон ва оқ каламушларда  
аниқлаб

+..дори молдасининг биологик фаоллигини қүёнларда ёки каламуш-  
ларда аниқлаб.

?

.Гормонылар, антибиотиклар ва зардобларнинг стериллиги қандай аниқланади?

+..микроблар тестилинг ўсиш интенсивлигига қараб

-..дори моддаси юборилгандан сўнг, қўён ҳароратининг ўзгаришига қараб

-..микроблар тестини ўстирмаслигига қараб

-..аниқланмайди

?

Қандай дори воситалари пирогенликка текшириб турилади?

-..порошоклар ва микстуралар

-..суртма дорилар ва кўз томчилари

-..тозаланган сув ва инъекцион эритмалар

+.. инъекция учун ишлатиладиган сув ва инъекцион эритмалар

-..тозаланган сув ва микстуралар

?

Пирогенликка текшириш қандай бажарилади?

-..микроблар тестилинг ўсишига қараб

+..дори воситаси таъсирида қўён танасининг ҳарорати ўзгаришига қараб

-..микроблар тестилинг ўсмаслигига қараб

-..аниқланмайди

?

Қандай дори воситаларининг микробиологик тозалиги аниқланади?

-..тозаланган сув, кўз томчилари, таблеткалар, гранулалар, эритмалар, кўз гомчилари

-..кўз томчилари, капсулалар, экстрактлар, инъекцион эритмалар, сироплар

+..таблеткалар, капсулалар, гранулалар, эритмалар, сироплар, суртма дорилар ва бошқа дори турлари

-..стерил дори турлари, инъекцион эритмалар, кўз томчилари, чакалоклар учун тайёрланган микстуралар

?

Микробиологик гозалик қандай аниқланади?

+..бактериялар ва замбуруғларнинг миқдори, айрим турдаги микробларнинг йўқлиги аниқланали

-..дори воситаси таъсирида микроблар тестилинг ўсиш интенсивлиги аниқланади

-..дори воситаси таъсирида микроблар тестилинг ўсини камайипи аниқланади

-..дори воситаси таъсирида қўён танасининг ҳарорати ўзгариши аниқланади

## АНАЛИТИК НАЗОРАТ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ ВА ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИНИНГ ВАЛИДАЦИЯСИ

### Валидация ва квалификация

Валидация сифатни назорат қилиш ва таъминлаш системаси-нинг асосий қисми бўлиб, у аниқ изоҳ бериш маъносини беради ёки расмийлаштирилган текшириш маълумотлари тўла келтирилган хулоса (тадбир) дир.

У – юқори даражада ишончни таъминловчи ҳужжатлаштирилган тадбир бўлиб, бунда аниқ усул, жараён ёки система олдиндан белгилаб қўйилган мезонларларга мос келувчи истижаларни беради.

Валидация (лат. validus – тўғри) – танлаб олинган жараён, усул ёки тизим аввалдан белгиланган меъёрий ҳужжатта мос келиши ҳақида юқори даражадаги ишончли маълумотлар олишни таъминлайдиган ҳужжатлаштирилган текширув жараёни.

Валидациядан ўтиши лозим бўлган обьектлар:

- технологик жараёнлар;
- аналитик усуllibar;
- жиҳозларни тозалаш жараёнлари;
- хоналарни санитар тозалаш жараёнлари;
- технологик ва лаборатория жиҳозлари;
- тайёр маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулот сифатига таъсир этувчи муҳандислик системалари;
- тоза хоналар ва чегаралар, совуқ хоналар;
- ишлаб чиқариш жараёни ва назорат қилиш билан боғлиқ бўлган компьютер системалари.



Ишлаб чиқарында сифатни таъминлашга қаратилган тадбир ва жараёнлар

Лабораторияларда ишларнинг сифатини таъминлашга қаратилган тадбир ва жараёнлар

Текшириш жараёнини расмийлаштириш

«Квалификация» атамаси US PMA (Pharmaceutical Manufacturers Association) томонидан CSVS (Computer system Validation Committee) ҳамкорлигига киритилган бўлиб, ўз ичига IQ, OQ, PQ каби тушунчаларни олган.

Кейинчалик, 1995 йилда (Pharmaceutical Analytical Science Group) томонидан DQ атамаси киритилган.

#### EC Guide to GMP (1992)

Qualification:

«action of proving that any equipment works correctly and leads to the expected results»

«Текшириш жараёни ва ускуналарнинг тўғри ишлайдигани ва кутилган натижаларнинг олинини ҳақидағи далилларни тақдим этишдир»

«Валидация» атамаси турли хил тасдиқловчи ҳужжатлар, спецификациялар, қоидалар ва бошқа меъёрлар тўғрилигини текшириш жараёнини кенг миқёсда тушуниради.

«Квалификация» эса валидация жараёнининг бир қисми бўлиб, ҳар доим маълум маҳсулот, товар, персонал, хизмат ва бошқаларга тегишилдири. «Квалификация» атамаси бაъзи ҳолларда «Валидация» атамаси билан уйғунлашиб кетади. Шунинг учун бир нарсанинг «Квалификация»си валидация жараёнининг бир қисми эканлигига қарамасдан, бу атамаларнинг маъноси кўп ҳолларда бир хил деб қабул қилинади.

Валидация ўтказишдан аввал унинг режаси яъни, «Мастер-план», «VMP -валидация бўйича мастер-план» танланади.

Валидация баённомаси (протокол – VP) ишлаб чиқилади, жараёнларни ўтказишга жавобгар шахс тайинланади, услублар ва уларнинг тури танланади, кейинчалик танланган усулнинг хоссалари, яроқлилик мезонлари аниқланади.

Валидация жараёнидаги расмийлаштириш тизимининг мақсадлари:

- таҳдил ишларининг ҳар бир босқичини назорат қилишни таъминлаш;
- асбобларнинг тасдиқланган спецификацияси доирасидаги ишлашни таъминлаш;
- барча нокулай жараён, кўшимчаларни аниқлаш ва ёзиш;

- таҳдил ишларини доимий бир хилда такрорланишини таъминлаш;
- чекланишлар ва оралиқ назорат бажарилишини таъминлаш;
- зарурий ҳолларда босқичма-босқич кузатиш имкониятини таъминлаш.

Лабораторияда валидация ва квалификациянинг асосий объектлари:

- таҳдил ускуналарнинг квалификацияси;
- дастурий таъминот ва компьютер тизимининг валидацияси;
- улчаш усулларининг валидацияси;
- мажмуйи (ускуна+услублар) аналитик тизимнинг валидацияси;
- таҳдил натижалари валидацияси;
- стандарт (андоза) намуналар ва материаллар квалификацияси;
- лаборатория ходимларининг квалификацияси;

Валидация тадқиқотлари чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва унинг рақобатдошлигини оширади. Бундай тадқиқотлар фармацевтик компаниялар, фарм-корхона лабораториялари, озиқ-овқат корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг учта сериясида олиб борилади.

Валидация босқичларининг схемаси қуйидагича:

фармацевтик ишлаб чиқарыш валидацияси;

квалификация;

жараёнлар валидацияси (PV);

аналитик усуллар валидацияси;

технологик жараёнлар валидацияси;


ёрдамчи жараёнлар валидацияси;

валидация босқичларининг схемаси қуйидаги расмда ифодаланган.

Аналитик усуллар валидацияси қуйидагиларни аниқлашдан иборат:

- калибронка;
- тестлаш;
- селективлик (селективность);
- сезгириллиги (чувствительность);
- линейность (түгри келиши) чизиқлилиги;
- мос келиши (сходимость);
- қайтарувчанлиги (воспроизводимость);
- хатолиги (погрешность);
- диапазон;
- турғуныллығы (стабильность);

## ВАЛИДАЦИЯ БОСҚИЧЛАРИ СХЕМАСИ



Расм. 12.1. Валидация босқичларининг чизмаси

— аниқлиги (достоверность, тұлақонли мос келиш).

Аналитик усуллар валидацияси қуйидагилар:

дастлабки давр — IQ \_va\_ OQ босқичларида (PQ керак бүлганды) лаборатория жиҳозлари квалификацияси.

асосий давр — аналитик усул валидацияси.

Валидация үтказиш арzon тадбир эмас, балки қиммат булиб, бунда қанча харажат, вақт ва меңнат талаб этилади. Гоҳида чуқур валидация үтказилғанда, у ўз маъносини йўқотади, чунки унга сарфланган харажат ўзини оқламайди.

- Таҳлил усуллар валидацияси нима?
- Усулларнинг қайси параметрларини валидация қилиш керак?
- Тасдиқланган усулларни валадиция қилиш керакми?
- Валидация қилингандан усуллардан фойдаланиш.
- Қайси ҳолларда усулни 2-марта валидация қилиш керак?

Ҳар қандай таҳлил услубини ишлаб чиқиш бир неча босқичлардан иборат бўлади: намуна олиш, ташиш, сақлаш, усулни олиб бориш, натижаларни ҳисоблаш.

Бу босқичларнинг ҳар бирида хатолик бўлади. Шунинг учун валидация қилишдан аввал,

- мақсадға мувофиқ усул түгри таңланган булиши,
- аналитик асбоб-ускуналар (приборы) мақсадға мувофиқ түгри таңланган булиши керак,
- стандарт намуналар, албатта, булиши керак,
- малакали ходимлар булиши керак.

Валидация бу фақат олиб борилған ишлар бүйича ҳисабот бүтмай, бунда тарознинг бир томонига қўйилған аналитик мақсаднинг талаблари бўлса, иккинчи томонида эса усулнинг хоссалари (характеристика) бўлади ва бунда тарознинг томонлари бир хил булиши керак. Агар усулнинг хоссалари талаблардан устун бўлса, бу усул яроқли ёки акси бўлса, унда усул яроқсиз ҳисобланади.

GLP – ишлаб чиқариш лабораторияларида сифатни таъминланга қаратилган тадбирлар тизимиdir. Булар:

- таҳдил натижаларига бўлған шахсий жавобгарлик (лаборатория мудири, Study Director);
- таҳдилни амалга оширувчи мустақил (лабораториялардан ташқари) бўлимлар, Quality Assurance Unit);
- асбоблар, дастурий таъминот, ўлчов услублари ва таҳдил натижалари валидацияси;
- лаборатория иши сифати бүйича ички аудит;
- лаборатория иши сифати бүйича ташқи аудит.

Аттестация – бу назорат таҳдил лабораториялардаги таҳдил ускуналари ва уларнинг тўлақонли фаолиятини таъминловчи даврий тадбир бўлиб, у корхонага боғлиқ бўлмаган шахслар томонидан олиб борилади.

Аkkредитация – «accredere» лотинча сўздан олинган бўлиб – ишониш матъносини англатади; Аkkредитация – шахснинг ўз ишини түгри бажараётганлигини ёки ташкилот (корхона) сифатини халқаро стандартларга мос келишини исботловчи жараён бўлиб ҳисобланади.

Квалификация – кутилаётган ва қайтарилувчан натижаларга эришишини таъминловчи лойиҳалаш ҳужжатлари, асбоб-ускуналар, муҳандислик тизимлари ва бошқа ишлаб чиқариш шароитларини баҳолаш ва ҳужжатлаштирилган ҳолда тасдиқлаш. У валидациянинг биринчи босқичи бўлиб, технологик асбоб-ускуналар, қурилмалар, лаборатория асбоб ускуналари ва муҳандислик тизимлари валидациясини ўз ичига олади.

## **5.1. Препаратни рүйхатга олиш ёки фармакопея мақолалари учун аналитик усуллар бүйича маълумотларни тавсия этиш**

Айрим ингредиент (дори моддаси ёки ёрдамчи модда) ёки дори шакли учун спецификацияни асослаш учун аналитик усуллар бүйича тавсия этилган хар қандай маълумот, учта асосий бўлимни ўз ичига олади.

1. Тадқиқот учун тавсия этилган усул бошқа усуллар билан со- лиштирилиб кўрилган бўлиши керак. Агар тавсия этилаётган усул ўзгача бўлса, илмий асослаб берилиши лозим. Амалдаги усул бошқа усулга алмаштирилган тақдирда, солишириш маълумотлари қўрса- тилади.

2. Усулнинг баёни тўлиқ берилиб, етарли малакага эга бўлган ходим осонлик билан бажара оладиган бўлиши керак. Талаб этилаётган реактивларни тайёрлап атрофлича ёритилган ёки чоп этилган манбаларга ишора берилган бўлиб, лозим бўлган стандарт намуна- лар ҳақида тўла маълумот берилган бўлиши керак. Усул аналитик кимёнинг барча маътум бўлган тамойилларига асосланган бўлса, на- тижаларни ҳисоблаш формулаларини келтириш шарт эмас, аммо усул нисбатан мураккаб ҳолларда ҳисоблаш формуласи келтирилиб, формулагага кирган белгиларнинг тавсифи кўрсатилади.

3. Валидация маълумотлари қўлланилаётган матлум бир усулга тегишли бўлган ҳар бир аналитик тавсиф, тажриба маълумотлари билан муҳокама қилиниб, мустаҳкамланади. Дори препаратини рўйхатга олиш учун тавсия этилган маълумотлар белгиланган фар- макопеявий усулларни қўллаш натижасида олинган ва бу фармако- пеявий усуллар аввал тегишли тартибда валидациядан ўтказилган бўлса, валидацияни тасдиқловчи маълумотлар тавсия этилмаса ҳам бўлади. Тадқиқот материали дори шакли бўлган тақдирда олинган маълумотларни тасдиқловчи маълумотлар бўлиши керак.

## **5.2. Аналитик усулларнинг тавсифи**

Кўйида аналитик усуллар учун белгиланган тавсифлар, уларни аниқлаш маълумотлари ва қандай қилиб уларни белгилаш келти- рилган барча тадқиқот усуллари ёки барча таҳлил қилинувчи мод- далар учун ушбу тавсифларнинг ҳаммаси қўлланилиши шарт бўлмай, кўп нарса усулни қўлланидан кўзланган мақсадга боғлиқ бўлади.

**Усулнинг тўғрилиги (accuracy)** – Ушбу усул ёрдамида қўлга ки- ритилган маълумотларнинг ҳаққоний қимматга қай даражада яқин- лиги билан белгиланиб, миқдорий аниқлик билан тайёрланган на-

муналарни тұғридан-тұғри таҳлил қилиш орқали аниқланади. Шуннингдек, таҳлил қилинаётган моддани тахминан, 10% күп ёки кам сақлаган намуналар ҳам тайёрланиб, уларни таҳлил қилиш орқали ёки илгари валидациядан үтказилған, муқобил усул ердамида олинған қийматлар билан солишириш йүли билан усулнинг тұғрилигиги белгилаш мүмкін. Дори моддаларнинг миқдорини аниқлаша усулнинг тұғрилигиги аналитик усулни таҳлил қилинаётган обьектга нисбатан тозалик даражаси маълум бўлған стандартдан фойдаланган ҳолда қўллаш ёки олинған натижаларни тұғрилиги аввалдан маълум бўлған бошқа усул ердамида олинған қийматлар билан солишириб аниқланади.

Дори шакллари таркибидағи ингредиентларнинг миқдори аниқланганда эса, аналитик усулнинг тұғрилигиги дори турилаги барча компонентларни үз ичига олган модел аралашмага нисбатан қўллаш орқали белгиланади. Дори воситаси таркибида идентификация қилинған ёт аралашмалар миқдорини аниқлаши мақсадила аналитик усул қўлланганда қўшимчалар қўшиш ердамида усулнинг тұғрилигиги белгиланиб, ёт бирикмаларнинг намуналари бўлмаганида ёки уларнинг тузилиш формуласи номаълум бўлған ҳолларда тұғрилигиги тавсифланган бошқа аналитик усуудан фойдаланиб аниқланади. Тұғрилик 9 тадан кам бўлмаган таҳлил натижаларига кўра аналитик соҳа агрофида камида уч хил концентрацияда баҳоланиши лозим. (3 хил концентрацияда 3 мартадан қайтарилиб).

**Усулнинг аниқлигиги (precision)** – таҳлилнинг айрим қийматлари орасидаги мувофиқлик даражаси булиб, уртача қийматдан айрим олинған натижаларнинг четланиши билан улчаниб одатда стандарт четланиши ёки қийматнинг ўзгариш коэффициенти (нисбий стандарт четланиши) билан ифодаланади. Бунда айрим таҳлил намуналари айнан бир хил туркум (серия) моддадан олинған ва қайта таҳлилларда аналитик усул тұлалигича бажарилған бўлиши шарт.

**Усулнинг мослигиги (repeatability)** (ички лаборатория үлчови) – бир хил шароитда (айнан бир хил реактивлар, ускуналар, үлчамлар, лаборатория) битта аналитикнинг қисқа вақт оралиғида таҳлил усулини қўллаш натижасида олинған қийматлари орасидаги яқинликцир.

Усулнинг мослигиги бир хил туркум модданинг айрим намуналарини айрим-айрим таҳлил қилиш билан аниқланиб, нормал иш шароитида усулнинг аниқлигини баҳолаш имконини беради.

Қайтариувчанлик турли шароитда, одатда турли лабораторияларда бир хил туркум модда намунасини, турли таҳлилчилар, турли

хил ускуналардан фойдаланилган ҳолда ҳар хил вақтда таҳлил қилини натижасида олинган қийматларнинг бир-бирига мос келиши орқали таҳлил усулиниң аниқлигини баҳолашдан иборат.

Қайтарилувчаник стандарт четланиш, қийматнинг ўзгариш коэффициенти ва ишончлилик оралиғи билан ифодаланиб, камида 9 та намунадан миқдорий таҳлил ўтказиш орқали белгиланади. Бу эса ушбу ўлчамларни статистик ҳисоблаш имконини беради.

Қайтарилувчаник усули ишлаб чиқиши жараённида аниқланиб, танланган ўлчамларда усулининг ишончли эканлигини тавсифлайди. Таҳлил шароитида олинган ўлчамлар бир-биридан фарқ қилган тақдирда таҳлил усулига тегишли изоҳ берилади. Хроматографик усулларда қайтарилувчаник эритувчилар системасининг яроқлилик ўлчамлари билан кафолатланган бўлиши керак.

**Усулининг ишончлилиги (*robustness, ruggedness*)** таҳлил шароитининг ўзгаришидан қатъий назар таҳлил усулидан фойдаланиб, тегишли тўғриликтаги ва аниқликдаги қийматларини ола билишдан иборат бўлиб, иш шароитининг ёки ташқи шароит омилларининг ўзгаришидан қатъий назар бир хил туркум модда намунаси таҳлил қилинганда таҳлил тўғрилиги ва аниқлиги юқори даражада бўлишига эришишдан иборат.

**Усулининг чизиқлилиги ва диапазони (*linearity and range*)**. Усулининг чизиқлилиги намуналардаги таҳлил қилинаётган модда концентрациясига тўғри пропорционал бўлган қийматлар бера олиш қобилиятидан иборат. Усулининг диапазони эса таҳлил қилинаётган моддани тегишли тўғрилик, аниқлик ва чизиқликда аниқлай олишнинг қуий ва юқори концентрациялари оралигидир. Бу тавсифлар тегишли диапазондаги концентрацияларга эга бўлган модда намуналарини ушбу усул ёрдамида таҳлил қилиш орқали аниқланиб, агар модданинг концентрацияси ва олинган натижа орасидаги нисбат чизиқли бўлса, стандартлаш калибрланган график ёрдамида таъминланади.

**Усулининг танланганлиги (*selectivity*)** – ёки ўзига хослиги таҳлил намунасидаги бошқа компонентлар таъсиридан ҳоли равишида таҳлил қилинаётган моддани аниқлай олиш қобилиятидир. Бошқа компонентлар технологик аралашмалар, модданинг парчаланиш маҳсулотлари, таҳлил қилиниши лозим бўлган моддадан бошқа ингредиентлар бўлиши мумкин. Танланганликкинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тегишли миқдордаги бошқа компонентлар қўшиб ва қўшимасдан олинган натижаларни ўзгариш бирлиги билан баҳоланади. Бошқа компонентлар маълум ва улар бор бўлган тақдирда, намунани берилган таҳлил усули ёрдамида таҳлил қилиш орқали

олинган натижаларни таҳлилига халақт бериши мүмкін бўлган моддаларни қўшмасдан тайёрланган модел намуна таҳдили натижалари билан солиштириб танланганлык аниқланади. Қўшимча компонентлар идентификацияланмаган ёки уларни топиш қийин бўлган ҳолларда эса намунага қўшимчани тоза аниқланувчи моддани ажратиб олиб танланганлык ўлчанади. Танланганлык текширилувчи намунадаги ва дори шаклидаги дори моддани идентификациялаш ёт аралашмаларни ва миқдорини аниқлаша қўлланиладиган усулларни валидация қилинганди аниқланади.

**Усунинг сезгирилиги (sensitivity)** – концентрациядаги энг кичик ўзгаришларни ҳам қайд эта олиш қобилияти бўлиб, калибрланган графикдаги оғиш демаклир. Усунинг сезгирилиги модданинг чинлигини аниқлаш чегараси ва миқдорини аниқлаш чегараси билан ифодаланади. Модданинг чинлигини аниқлаш чегараси (*Limit of detection*) – таҳлил қилинаётган моддани идентификациялаш мүмкін бўлган миқдоридан иборат бўлиб, аниқлаш талаб этилаётган тажриба шароитида олиб борилади. Бу миқдорий чегара намунадаги аниқланувчи модданинг концентрацияси билан (масалан, мкг/л ларда) ифодаланади. Аниқлаш ускуна ёрдамида олиб борилса, фондаги халақит берувчи омиллар (сигнал-шум)ни ҳам эътиборга олиш лозим. Модданинг чинлиги аниқланганда унинг аниқлаш чегараси фоизларда ёки граммнинг миллиондан бир улушларида  $\text{ppm}$  ифодаланиши ҳам мүмкін. Ноускунавий усулларда моддани аниқлаш чегараси визуал усул билан аниқланса, ускунавий усулларда эса таҳлил қилинаётган моддани қайд этиш мүмкін бўлган энг кичик концентрация белгиланади. Бунда модданинг аналитик сигнални билан фон сигналининг нисбати 2:1 ёки 3:1 бўлиши керак. Ускунавий усуллар учун моддани аниқлаш чегараси стандарт четланиш қиймати ва калибрланган графикдаги оғии бурчаги билан белгиланади.

**Модданинг миқдорини аниқлаш чегараси (*limit of quantitation*).** Тегишли аниқлик ва қайтарувчанлиқда модданинг миқдорини аниқлаш мүмкін бўлган модданинг энг кам (минимал) миқдоридир. Модданинг миқдорини аниқлашнинг чегараси таҳлил қилинаётган модданинг намунадаги концентрацияси (фоизларда ёки  $\text{ppm}$ ) билан ифодаланади.

Ушбу ўлчам намунадаги концентрацияси жуда кичик бўлган модданинг миқдорини аниқлаш усулини тавсифлайди. Дори моддасидаги ёки дори шаклидаги ёт аралашмалар ва таҳлил қилиниши лозим бўлган модданинг миқдори камайиб борувчи намуналарда тегишли тўғрилик даражасига эришиш мүмкін бўлган энг кам миқ-

дорий даражаны аниқлашы орқали үлчамнади. Бу үлчам визуал ёки усқунавий усул билан стандарт четланиш катталағы ва калибрланған графикдаги оғиш бурчагини ҳисоблаш үйли билан аниқланиши мүмкін. Күпчилик ҳолларда модда миқдорини аниқлашынға чегараси, уни идентификациялаш чегараси қийматидан камидә иккі марта күп бұлади.

Усулнинг аналитик соҳаси – тегишли түгрилик ва қайтарилувчаликни таъминловчи, чизиқли боғланиш қозатылған, таҳлил қилинаётган модданинг концентрациядаги юқори ва қуйи чегаралари оралиғидан иборат. Одатда усулнинг аналитик соҳаси ҳам таҳлил натижалари ифодаланған бирликларда – фоизларда ёки миллион бұлакларда ифодаланади.

Усулнинг аналитик соҳаси аниқланғанда қүйидагиларга эътибор қаратыш лозим:

- намунаданың ёки дори турилаги таҳлил қилинаётган модданинг миқдорини аниқлаш учун аниқланувчи қийматнинг 80–120 %;
- «бир хилда дозаланғанлиги» күрсаткичи учун аниқланувчи қийматнинг 70–130% и;
- мөйөрий ҳужжатда келтирилған «эрүвчанлиги» күрсаткичини аниқлаш учун аниқланувчи қийматнинг  $\pm$  20% и оралиғида;
- дори моддаси таркибидаги ёт аралашмаларни аниқлаш учун аниқланувчи қийматнинг 50–120% и оралиғида.

Агар дори моддасининг миқдори билан унинг таркибидаги ёт аралашмалар бир вақтда аниқланады болса ва бунинг учун 100% ли стандарт намунадан фойдаланылса, усулнинг аналитик соҳаси мөйөрий ҳужжатда күрсатылған даражада унинг 120% игача оралиқда белгиланади.

Тизимнинг яроқтілігі – күпгина аналитик усулларнинг интеграл ҳосил бўлиб, таҳлилни бажариш шароитида унинг қай даражада ишончли эканлигини күрсатади. Тизим яроқтілігінинг үлчамлари таҳлил жараёнида баъзи бир ичкі лаборатория ўзгаришлари бўлган ҳолатда ҳам усулнинг валидлігига амал қилинишини таъминлайди. Масалан, ЮССХ усулида таҳлил қилинувчи эритманинг барқарорлиги, кўзгалувчан фазанинг pH, унинг таркиби, колонкаларнинг тури, ҳарорат, оқим тезлігі кабилар ўзгариш өхтимоллиги кўпроқ бўлади. Лабораториялараро қайтарилувчаник аналитик усулнинг лабораториялараро қайтарилувчаник даражасини күрсатади.

Айрим ҳолларда қайси аналитик тавсифларни кўллаш мүмкін?

Усулнинг валидлігини аниқлашни барча тавсифлари ҳар доим қўлланилмай, ҳар бир айрим ҳолат учун аниқланиши лозим бўлган

тавсифлар танлаб олдинади. Аммо құлланма тариқасыда бир қанча умумий қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Фармацевтик маҳсулот сифатини назорат қилишда фойдаланилган усулдарни күйидегича таснифлаш мүмкін:

*синф A:* қадоқланмаган дори моддалар ҳамда тайёр дори воситаси таркибидаги айрим ингредиентларни текширишга мүлжалланган усулдар.

*синф B:* дори моддаси ҳамда дори тури таркибидаги ёт аралашмалар миқдорини аниқлашыга мүлжалланган усулдар.

*синф C:* дори моддасининг ёки тайёр дори туриданаги асосий инградиентнинг миқдорини аниқлашыда фойдаланилган усулдар.

*синф D:* тайёр дори турининг сифатини баҳолаш учун «Эрүвчанлик», «бир ҳолда дозаланган» каби күрсаткычларни аниқлаш мақсадыда фойдаланиладиган усулдар.

*1-жадвалда* таҳлил усулининг күрсатилған синфлардан қай бирига тегишли эканлиги күрсатилған. Баъзи бир ҳолларда усульнинг қайси мақсадда құлланилишига күра ушбу қоидадан қисман четта чиқиши хам мүмкін.

Масалан В, С ва Д синфларда жадвалда биноан усульнинг аниқлигини белгилаш лозим бұлған билан. бу талабға амал қилиш турлыча бўлиши мүмкін. Дори моддасини таркибидаги ёт аралашмаларнинг миқдорини аниқлаганда усульнинг аниқлигига дори моддасининг миқдорини аниқлаш усулининг аниқлигига нисбатан камроқ бўлишига йўл қўйилади ёки усульнинг түғрилигини белгилашда «бир хил дозаланганилиги»ни (Синф D) аниқлашдаги тегишли қийматлар оралигидаги маълум бир четланишга йўл қўйиш мүмкін, лекин дори тури таркибидаги ингредиентнинг миқдори аниқланганда бундай четланиш мүмкін эмас (Синф C).

Фармакопеявид таҳлил усуларининг валидацияси янги дори воситалари учун меъёрий ҳужжат тайёрлаш ёки меъёрий ҳужжатни қайта кўриб чиқишига тайёрлаш босқычларида ўтказилади.

Валидациядан қўйидаги мақсадлар учун фойдаланиладиган таҳлил усуллари ўтказилади.

1) дори моддасини идентификациялаш учун;

2) кимёвий тузилишига кўра дори моддасига яқин бўлған моддалар, оғир металлар, органик эритувчилар қолдиги каби ёт аралашмаларнинг миқдорий чегараси аниқланади;

3) дори моддасининг миқдори аниқланади;

4) дори шакли таркибидаги дори моддасининг миқдори аниқланади;

*I-жадвал.*

**Түрли аналитик усуллар учун аниқланиши лозим бўлган  
аналитик тавсифлар**

Аналитик тавсиф	Синф А	Синф В		Синф С	Синф Д
		Миқдорий таҳлил	Аниқланувчи мoddасининг миқдорий чегараси		
1. Түғрилик		+		+	+
2. Аниқлик		+		+	+
3. Ишончлилик	+	+	+	+	+
4. Чизиқли боғланиши ва диапазон		+			
5. Танланганилик	+	+	+	+	+
6. Идентификациялаш чегараси	+		+		
7. Миқдорини аниқлаш чегараси		+			

- 5) ёт аралашмалар ва уларни йифиндисининг миқдори аниқланади;  
 6) консервантларнинг миқдори аниқланади.

Дори мoddасининг синтезига ёки дори воситасининг таркибига ўзгаририни киритилганда аналитик усул қайта валидация (ревалидация) дан ўтказилади.

*2-жадвал.*

**Валидация тавсифларининг муҳимлик даражаси**

№	Аналитик тавсиф	Чинлигини аниқлаш	Тозалигини аниқлаш	Миқдорини аниқлаш
1.	Түғрилиги	+	+++	+++
2.	Қайтарилувчанлиги	+	+++	+++
3.	Танланганилиги	+++	+++	+++
4.	Идентификациялаш чегараси	+	+++	+++
5.	Миқдорини аниқлаш чегараси	-	+++	+++
6.	Чизиқли боғланганлиги	+	++	+++
7.	Аналитик соҳаси	+	++	+++
8.	Лабораториялараро қайтарилувчанлиги	++	+++	+++C

- Эслатма:**
- мұхим әмас
  - + мұхим
  - + + катта ақамиятга эга
  - + ++ жуда катта ақамиятга эга.

### **Аналитик назорат лабораториялари ва таҳлил усулларининг валидацияси мавзуси бүйіч асуалдар**

1. Валидация нима?
2. Квалификация нима?
3. Аттестация нима?
4. Валидация жараёнларининг босқычлари.
5. Валидация тузилишининг мақсадлари.
6. DQ-дизайн квалификацияси, IQ-инсталляция квалификацияси, OQ-операция квалификацияси, PQ-эксплуатация квалификацияси нима?
7. Қандай ҳолларда DQ, IQ, OQ, PQ құлланылады?
8. Валидациянинг оптималь қиймати нима?
9. Үлчов асбобларини калибрөвека қилиш қандай жараён?
10. Ички аудит нима?
11. Ташқи аудит нима?
12. Лабораторияда сифатни таъминлашда қаратылған тадбирларға қайси жараёнлар киради?
13. Приборлардаги ЕМF дастурининг вазифалари?
14. DQ, IQ, OQ-тадбирлари қаңон амалға ошириледі?
15. Ре валидация жараёни нима ва у қандай ҳолатларда олиб борилади?
16. Стандарт услуги валидацияси тадбири нима?
17. DQ валидацияси амалға оширилғандагы ножұя ҳолат қандай бартараЕтилади?
18. Валидация жараёни ким учун олиб борилади?
19. Лаборатория жиһозини қабул қилинідан олдин қандай квалификация тадбири амалға ошириледі?
20. Лабораторияда янги түркүм программалашни амалға ошириш учун қандай квалификация тадбири олиб борилади?
21. Лаборатория асбоблари янги жойға күчирилғанда қандай квалификация тадбири олиб борилади?
22. СОП – стандарт операция процедураси нима?
23. Лабораторияда намунасиз таҳлил қаңон олиб борилади?
24. Усқуналар калибрөвекаси қаңон олиб борилади?
25. Үлчов натижаларининг лабораториялараро қиёсий текширувда текшириш нима беради?

26. Ускуналардан фойдаланиш журнали ким томонидан олиб борилади?

### **Аналитик назорат лабораториялари ва таҳлил усууларининг валидацияси мавзуси бўйича вазиятли масалалар**

1. Фармацевтик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар GMP талабларига жавоб бериши шартми? GMРнинг ўзи нима маънени англатади?
2. Дори воситалари учун ишлаб чиқилган янги таҳлил усули валидация жараёнидан ўтиши шартми? Жавобингизни асослаб беринг.
3. Таҳлил усулининг тўғрилиги, аниқлиги, мослиги, чизиқлилиги, бўйича валидацияланди. Валидация жараёни тўғри бажарилдими? Жавобингизни асослаб беринг.
4. Таҳлил усулининг аниқлиги ва мослиги ўргасидаги ўхшашлиги ва фарқини тушунтиринг.
5. Таҳлил усууларининг метрологик хусусиятлари билан уларнинг валидацияси ўргасида фарқ борми? Жавобингизни асосланг.
6. Агар усул аналитик кимёнинг барча маълум бўлган тамоилларига асосланган бўлса, натижаларни ҳисоблаш формуласини келтириш шартми? Жавобингизни асосланг.
7. «Валидация» ва «Квалификация» атамалари ўргасидаги ўхшашлик ва фарқини асослаб беринг.
8. Консервантларнинг миқдорини аниқлашда валидация жараёнини қўллаш шартми? Жавобингизни асосланг.
9. Ёт аралашмалар ва уларнинг йигинидиси миқдорини аниқлаш шартми? Жавобингизни асосланг.
10. GMP тизимининг асосий вазифаларини асослаб беринг.
11. GLP тизимининг асосий мақсадларини асослаб беринг.
12. Дори моддаларнинг чинлигини аниқлашда чизиқли боғланганлигини аниқлаш шартми? Жавобингизни асосланг.
13. Ишланаётган ускуналарнинг ишлаши тўғрилигини текшириш, ускуналарнинг ишлатиш муддатида ўтказиладиган валидация жараёни бир маротабалик жараёни ми ёки даврийми? Жавобингизни асосланг.
14. Дори препаратининг рўйхатга олиш учун тавсия этилган маълумотлар белгилангач, фармакопеяий усууларни қўллаш натижасида олинган ва бу усуулар аввал тегинили тартибда валидациядан ўтказилган бўлса, валидацияни тасдиқловчи маълумотлар тавсия этилиши шартми? Жавобингизни асосланг.

15. Валидация жараёни қиммат тадбир ҳисобланади, шунинг учун унбу тадбирни ўтказиш шартми? Жавобингизни асослаб беринг.
16. Валидация жараёнини расмийлаштириш шартми? Жавобингизни асосланг.
17. Валидация жараёни хатоликлардан сақлайдими ёки фақат натижаларнинг тўлақонлигини таъминлайдими? Жавобингизни асослаб беринг.
18. Таҳлил усуllibарини амалиётта тадбиқ этишда уларнинг метрологик хусусиятларини ўрганиш керакми? Жавобингизни асослаб беринг.
19. Усулнинг чизиқлилиги ва аниқлаш чегарасини текшириш кўзланган мақсадни асослаб беринг.
20. Усулнинг қайтаришувчалиигига қараб унинг аниқлиги ҳақида маълумот олиш мумкинми? Жавобингизни асослаб беринг.

#### **Аналитик назорат лабораториялари ва таҳлил усуllibарининг валидацияси мавзуси бўйича тест саволлари**

?

. Валидация нима?

- .. бир мартабалик тадбир
- .. расмийлаштирилмаган
- .. хатоликлардан сақлади

+.. расмийлаштирилган текшириш маълумотлари тўла қелтирилган

?

Квалификация нима?

- .. ускунанинг имконият даражаси
- +.. ходимнинг малакасини белгиловчи атама
- .. таҳлил усулини баҳоловчи атама
- .. валидация жараёнини ўз ичига олган кенг қамровли атама

?

Аттестация нима?

- .. узлуксиз жараён
- .. даврий тадбир
- +.. назорат таҳлил лабораторияси ускуналар ва таҳлил ускуналари-нинг тўлақонли фаолиятини аниқловчи даврий тадбир
- .. кетма-кет тадбир

?

Валидация режаси.

- +.. VMP – валидация мастер плани
- .. DQ – дизайн квалификацияси

-.. IQ – инсталляция квалификацияси  
-.. PQ – эксплуатация квалификацияси

?

Валидация жараёнларининг босқичлари?

-.. 3 босқич

+.. 4 босқич

-.. 5 босқич

-.. 6 босқич

?

Валидация ва квалификациянинг назорат таҳлили лабораториялардаги объектлари.

-..ходимлар

-..ускуналар

-..дастурлар

+..ҳаммаси түгри

?

Валидация тузилишининг мақсаллари.

-..хужжатлар түғрилигини текшириш

-..ускуналар түғрилигини текшириш

-..кўрилган натижалар түғрилигини текшириш

+..ҳамма жавоб түгри

?

DQ-дизайн квалификацияси нима?

-..ускуна солиб олингандан кейин

-..даврий талбир

-..узлуксиз тадбир

+..асбобларни GLP талабларга мослиги ҳақидаги хулоса

?

IQ-инсталляция квалификацияси нима?

+..асбобларни ўрганиш ишларини GLP талаблари ҳақидаги хулоса

-..даврий талбир

-..ускуна сотиб олингандан кейинги тадбир

-..узлуксиз тадбир

?

OQ-операция квалификацияси?

+..асбобларни ишлаш имкониятини МТХ талаблари

-..кетма-кет талбир ва хулоса ҳақидаги хулоса

-..узлуксиз талбир ва хулоса

-..асбоб ускуна олингандан кейинги талбир

?

PQ-эксплуатация квалификацияси нима?

+..асбобларни ишлатиш жараёнини МТХ талабларига мослиги ҳақида-  
ги хулоса

-..асбобларни GLP талаблари даражаси

-..асбоб-ускуна олингандан кейин тадбир

-..узлуксиз тадбир

?

Қандай ҳолда DQ құлланилади?

+.. қабул қилишдан аввал, янги услугуни ўзлаштиришида

-..урганиша

-..ишлатиш жараёнида

-..ишлашга қўйишида

?

Қандай ҳолда IQ құлланилади?

-.. қабул қилишдан аввал

+..урганиша

-..ишлашга қўйишида

-..ишлаш жараёнида

?

Қандай ҳолда ОQ құлланилади?

+..ишлашга қўйишида, ускуна янги жойга ўрнатилганда

-.. қабул қилишдан аввал

-..таъмирашдан сўнг

-..янги оператор

?

Қандай ҳолда РQ құлланилади?

-..ишлашга қўйишида

-..ишлаш жараёнида

-..таъмирашдан сўнг

+..ҳамма жавоблар түғри

?

Валидациянинг оптималь қиймати нима?

+..олинган натижалар қийматини харажаттага бўлган нисбати (оп-  
тимум)

-..кўшимча қийматни камайиши

-..харажатлар ўсиши

-..ускуналарнинг имконият даражаси

?

GLРга таъриф беринг.

-.. GLP – ишлаб чиқарып корхоналарида сифатини таъминлашига қаратилган тадбирлар тизими

-.. GLP – узлуксиз тадбир

-.. GLP – даврий тадбир

+..валидация жараёнини ўз ичига олган кенг қамровли атама

?

Ўлчов асбобларини калибропка қилиш қандай жараён?

-.. лаборатория иши бўйича ички аудит

-.. лаборатория иш сифати бўйича ташки аудит

+..асбоблар, дастурий таъминот, ўлчов услублари ва таҳлил натижалари валидацияси

-..узлуксиз тадбир

?

Ички аудит нима?

+.. лаборатория иш бўйича ички аудит

-.. лаборатория иш сифати бўйича ташки аудит

-..асбоблар, дастурий таъминот, ўлчов услублари ва таҳлил натижалари валидацияси

-..узлуксиз тадбир

?

Ташки аудит нима?

-.. лаборатория иш бўйича ички аудит

+.. лаборатория иш сифати бўйича ташки аудит

-..асбоблар, дастурий таъминот, ўлчов услублари ва таҳлил натижалари валидацияси

-..узлуксиз тадбир

### **Дори воситаларининг яроқлилик муддатларини аниқлаш. Дори моддаларининг барқарорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар**

Барқарорлик – дори воситасининг, яроқлилик муддати давомида ўзининг хоссаларини маълум бир чегарада сақлаб қолиш хусусиги. Дори воситалари барқарорлигини ўрганишдан мақсад вақт ўтиши билан ташқи муҳит омиллари таъсирида уларнинг сифати қандай ўзгараётганлиги тўғрисида ахборот олишдан иборат. Бунинг учун турли усувлар: стресс-синовлар, тезкор синовлар, реал вақтда ёки узоқ муддатли синовлар қўлланилади. Олингган маълумотлар тавсия этилган сақлаш шароитларини, яроқлилик муддатини белгилаш учун қўлланилади. Бундан ташқари, бу маълумотлар дори моддаси ёки дори турига меъёрий ҳужжатлар тузилаётганда, меъёрлар белгиланаётганда, моддани ва парчаланиш маҳсулотлари, ёт аралашмаларни ишончли аниқлай оладиган аналитик усул танлананаётганда эътиборга олинади.

**Стресс синовлар** одатда янги дори моддалари учун қўлланилади. Унинг асосий мақсади – дегидратация характеристи ва йўналишни каби субстанциянинг баъзи асосий хоссаларини аниқлаш, олингандан натижалар асосида энг муҳим дегидратация маҳсулотларини идентификация қилиш, таъсир этувчи модда ва унинг парчаланиши маҳсулотларини улар бирга мавжуд бўлганда аниқлаш учун мос келадиган аналитик услубларни танлашдан иборат. Бундай синов натижалари субстанция, алоҳида ҳолларда дозаланган дори шаклини узоқ бўлмаган, жуда нохуш шароитларга, масалан, ташиб жараёнида чидамли эканлигини кўрсатиши мумкин. Стресс синовлар учун тезкор синовларга нисбатан қаттиқ шароит: 50, 60, кам ҳолларда 70°C ҳарорат қўлланилади. Кўп ҳолларда намуналар юқори намликка, баъзида интенсив ёруғлик оқимига дучор қилинади. Бундай шароитда сақлаш даври ўрганилаётган моддани 50 ёки ундан кўп фоизгача чуқур парчаланишини таъминлайдиган оралиқни ташкил этиши керак. Одатда, бундай синовлар янги препаратларни бошлангич яратиш даврида битта серия намунада ўтказилади.

**Тезкор синовлар** янги дори шакллари, жумладан, янги генериклар яратилаётганда ўтказилади. Турли вариандаги экспериментал

таркибларни, технологик жараёйларни ва ўров-ёпиш тизимларини қиёсий текширишида вақтни сезиларли даражада иқтисод қилиш имкониятини беради. Тезкор синовлар реал вақтда олинган натижаларни тасдиқловчи маълумотлар олиш учун қайд этишдан аввалги даврда олиб борилади ва бу узоқ муддатли сақлашида олинган маълумотлар билан тасдиқланган бирламчи яроқлилик муддатига нисбатан узоқроқ яроқлилик муддати белгилаш учун асос бўлади. Амалиётда дастлабки яроқлилик муддати фақат тезкор синовлар ёрдамида белгиланмайди. Тезкор синовларнинг ижобий натижалари сақлаш шароитларини меъёрдагисидан қисқа муддатли силжиши препаратларнинг барқарорлигини тасдиқлаш имкониятини беради. Тезкор синовлар тасдиқланган ишлаб чиқариш шароитлари: таркиб, технология, ишлаб чиқарииш майдонининг кўчирилиши ва бошқаларни ўзгартириши мумкинлигини дастлабки тасдиги учун қайд этилгандан сўнг ҳам ўтказилади. Бундай синов усулида ҳарорат кўзда тутилган сақлаш шароитидан  $15^{\circ}\text{C}$  юқори ва меъёрдагига нисбатан юқори намлик белгиланади. Энг кўп тарқалган сақлаш даври 3 ва 6 ойни ташкил қиласи. Бироқ оригинал дори воситаси яратувчи фирмалар бундай синовларни бир йил ёки ундан кўп муддатда ўтказадилар.

Узоқ муддатли ёки реал вақтдаги синовлар бугунги кунда яроқлилик муддатини белгилаш ва тасдиқлаш учун **дастлаб**, ҳамда ишлаб чиқарииш шароитлари ўзгарганда **асосий** усул деб юритилади. Синовлар маҳсулотни кўзда тутилган сақлаш шароитига максимал яқинлаштирилган шароитда олиб борилади. Тўлиқ масштабли ишлаб чиқаришда тайёрланган намуналар учта серияси узоқ муддатли синовлари натижалари тўлиқ маълумот ҳисобланади ва унинг асосида охирги яроқлилик муддати ёки қайта текшириш даври белгиланади. Синов давомийлиги камида тўлиқ яроқлилик муддати (қайта текшириши даври)га мос келиши лозим.


## 6.1. Дори воситаларининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар

Дори воситаларининг аксарияти ташқи муҳит омиллари таъсирида парчаланиб, инлеферент ёки кам таъсири, баъзида эса токсик таъсирга эга бўлган моддаларга ўтиб қолади. Бунда дори воситасининг ташқи кўриниши ўзгариб қолиши ёки ўзгармаслиги ҳам мумкин. Кўпчилик ҳолларда дори моддаларнинг парчаланиб, сифати ўзгариб қолганлиги МҲ талабига кўра таҳлил қилиб кўрилгандан кейингина маълум бўлади.


Дори моддаларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга ёруғлик нурлари, атроф-муҳит ҳарорати, ҳаво намлиги, ҳаво таркибидаги кислород, карбонат ангидриди ва баъзи гуруҳдори моддалар учун эса турли микроорганизмлар таъсири киради. Шунингдек, қадоқлаш воситалари ҳамда эритма муҳити шароитининг қиймати ҳам дори воситасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Эритма муҳитнинг pH қийматини ўзгариши дори моддаларда борадиган кимёвий жараёнларни тезлаштириб, айниқса, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг тезлашишига сабаб бўлади.

Кўпчилик ҳолларда дори воситаларининг сифати ўзгариб қолиши бир неча омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида юзага келади. Бу омиллар таъсирида гидролизланиш, оксидланиш-қайтарилиш, декарбоксиланиш, изомерланиш ва бошқа жараёнлар кетиши мумкин. Дори воситаларининг сақланиш шароити уларнинг физикавий-кимёвий хоссаларини ҳамда барқарорлигига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқлади. Ёруғлик таъсирида барқарорлигини ўзgartирувчи дори моддалар сони жуда кўп бўлиб, буларга ноорганик бирикмалардан нитрит тузлари, кумуш нитрат, натрий тиосульфат, органик бирикмалардан феноллар, органик аминларнинг ҳоссалари, кўпчилик гетероциклик бирикмалар, фенотиазин хоссалари, стероидлар ва бошқалар киради.


Натрий нитрит шоҳтомирларни кенгайтириб спазмалитик таъсир кўрсатувчи ва цианидлар билан заҳарланишга қарши ишлатиладиган восита бўлиб, рангли шишадан тайёрланган идишларда, оғзи маҳкам беркитилган ҳолда сақлаш тавсия этилади.



Шунингдек натрий нитритнинг қайтарилиш жараёни ҳам ёруғлик нури таъсирида тезлашади.




Фенол гуруҳи сақлаган моддаларнинг оксидланиши ҳам ёруғлик нури таъсирида тезлашади.




Натрий тиосульфатнинг нарчаланиши, айниқса, унинг эритмаларида ёруғлик нури таъсирида осон кетади.



Антисептик ва буриштирувчи таъсирга эга бўлган кумуш нитратнинг ёруғлик нури таъсирида парчаланиши қуйидагича боради:




Стероид бирикмалар гурухига кирган дори моддалар орасида, айниқса циклогекссний этилингидриндан бирикмалари ёруғлик нурлари таъсирида осон ўзгаришга учрайди.




Гетероциклик бирикмалар орасида индол ҳосилалари ва фенантреноизохинолин ҳосилалари гурухига кирган дори моддалар ёруглик нурлари таъсирида осон ўзгаради.


Физиостигмин салицилат сақлаган дори турлари рангли шиша-дан тайёрланган, оғзи маҳкам беркиладиган идишларда сақланади.




Физиостигмин  
салацилат



Морфин гидрохлорид ёруглик нурлари таъсирида оксидланиб, қора мум шаклига ўтиб қолади. Жараён қуйидагича боради:




Фоли кислота ва рибофлавин ҳам ёруғлик таъсирида осон ўзгаришта учраб, биологик фаоллигини йўқотади. Бунда фоли кислотасида изомерланиш, рибофлавинда эса оксидланиш жараёнлар кетади.





Люмихром рибофлавинга ўхшаб сариқ рангта эга бўлса ҳам, УБ – нурда товланмайди. Люмифлавин сариқ – яшил рангли бўлиб, УБ – нурда флюoresценцияланади.

Метотрексатнинг ҳам ёруғлик нури таъсирида биологик фаоллигининг йўқолиши изомер моддалар ҳосил бўлиши билан тушунирилади.

Фенотиазин ҳосилаларидан аминазин ва этмоzin ёруғлик нури таъсирида оксидланиш натижасида қора рангга, хлорацезин пушти рангга, пропазин эса күк-яшил рангга бўялади.





Ҳаво таркибидаги кислород кўпчилик дори моддаларнинг оксидланишига сабаб бўлиб, бунинг натижасида дори моддаси кимёйи тузилишига қараб, турли ўзгаришларга учрайди. Феноллар, аминобирикмалар, кўпчилик гетероцикллик бирикмалар қагорига кирган дори моддалар ва стероидлар осон оксидланишга учрайди. Ноорганик бирикмалардан натрий тиосульфат, йодидлар, арсенитлар, бромидлар ҳаво кислороди таъсирида тез оксидланади.




Ҳаводаги намлик дори моддаларнинг гидролитик парчаланишига сабаб бўлади.

Мураккаб эфирлар гуруҳига кирган дори моддалар аминогликоидлар ва гликозидлар гидролизланади.




Фенилхроман ҳосилалари гуруҳига кирган, гликозид тузилишга эга бўлган рутин намлиқ таъсирида гидролизланганлиги, сабабли МХ талабига кўра, унинг таркибида 5% гача гидролизланиш маҳсулоти кверцетин бўлишига рухсат этилади.



Карденолидлар гуруҳига кирган дори воситалари намлиқ таъсирида ферментатив гидролизга учраб, тегишли гликозидларни ёки агликонни ҳосил қиласди. Гидролизланиш маҳсулотларининг биологик фаоллиги дастлабки гликозидга нисбатан кучсиз бўлиб, бაзъи ҳолларда эса фаоллик умуман йўқолади. Целанид фермент таъсирида гидролизланиб ацетилдигитоксинга, тўла гидролизланиб эса дигитоксингенинга ўгади.

Дори воситаларини сақлаш жараёнида барқарорлигининг ўзгаришига ҳарорат ҳам салбий таъсир курсатувчи омиллардан ҳисобланади. Ҳароратнинг кўтарилиши рўй берадиган физикавий, кимёвий, биокимёвий жараёнларни тезлаштиради. Айниқса, осон парчаланувчи, осон изомерланувчи ва учувчан моддалар юқори ҳарорат таъсирида ўзининг биологик фаоллигини йўқотади (йодоформ, всдород пероксид эритмаси, натрий гидрокарбонат, хлорамин, амми-



ак эритмаси, формалин, эфир мойлари, настойкалар, экстрактлар ва ҳ.к.)

Амалда дори воситалари турғунылигининг ўзгариши бир қатор омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида амалга ошиб, бунда жуда мураккаб жараёнлар кетади.

## 6.2. Дори воситаларининг барқарорлигини ошириш йўллари

Дори воситасининг дори сифатида ишлатилиши учун унинг маълум йўналишида биологик фаоллиги бўлиши билан бирга, барқарор ҳам бўлиши талаб этилади. Айниқса, инъекцион эритмалар ва кўз томчиси сифатида ишлатиладиган моддалар барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу дори турлари таркибидаги моддаларни стериллаш жараёнида ўзгариб қолмасдан меъёрий – техник ҳужжатлар талабида сақлаб туриш ва ташқи омиллар таъсирида вужудга кела-диган кимёвий ўзгаришлардан (термик парчаланиш, гидролизланиш, оксидланиш ва бошқалар) сақлаш дори ишлаб чиқарувчи корхоналар ва дорихоналар учун асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Дори воситалари таркибига кирган моддаларнинг табииати ва хоссалирини ҳисобга олган ҳолда турли стабилизаторлар қўшиш орқали уларнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин. Тиббиёт амалиётида ишлатилаётган инъекцион эритмаларнинг деярли ярми стабилизатор қўшиш йўли билан барқарорлаштирилади.

Давлат фармакопеясининг талабига кўра, инъекцион эритмалар барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларга аскорбин кислота, хлорид кислота, вино кислота, лимон кислота, сирка кислота, натрий карбонат, натрий гидрокарбонат, натрий гидроксид, натрий сульфит, калий сульфит, натрий гидросульфит, натрий метабисульфит, натрий тиосульфат, натрий цитрат, натрий дигидрофосфат, натрий гидрофосфат, натрий хлорид, оксибензой кислотасининг метил эфири, оксибензой кислотасининг пропил эфири, ронгалит, этилендиамин тетрасирка кислотасининг динатрийли тузи, поливинилспирт, хлорбутанол крезол, фенол ва бошқалар қўшилади.

Махсус МХда айрим қўрсатма берилмаган бўлса, хлорбутанол, крезол, фенол 0,5% гача, сульфит ангидриди ёки унга эквивалент бўлган сульфит, гидросульфит ва метабисульфитлар 0,2% гача қўшилади.

Парентерал йўл билан қабул қилинадиган кўп дозали ва якка дозали дори воситаларини стабиллаш МХ талабига кўра амалга оширилиб, аъзолар ичига, юрак мушаклари орасига, кўз ичига, орқа мияга юбориладиган инъекцион эритмалар ҳамда бир марталик доzasидаги ҳажми 15 мл дан ортиқ эритмалар консервантларсиз тайёрланади.

Кўз томчиларнинг турғунлигини ошириш, таъсир муддатини узайтириш, изотониклигини таъминлаш мақсадида ва консервант сифатида уларга натрий хлорид, натрий сульфат, натрий нитрит, натрий метабисульфит, натрий тиосульфат, натрий гидрофосфат, натрий дигидрофосфат, бор кислота, сорбин кислота, нишагин, целлюлоза ҳосиллари ва бошқалар қўшилади.

Дори воситаларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшиладиган ёрдамчи моддаларни қандай нохуш жараёнга таъсир қурсатишига қараб уч турга бўлиш мумкин.


1. Дори моддаларнинг гидролизланишига тўсқинлик қилувчи моддалар.

2. Дори моддаларни оксидланишдан ҳимояловчи антиоксидантлар.



3. Бактерицид (антисептик) таъсир кўрсатувчи стабилизаторлар.



Биринчи гуруҳга кучсиз асос ва кучли кислотадан ҳамда кучсиз кислота ва кучли асосдан ҳосил бўлган дори моддалар эритмаларни гидролизланишдан сақловчи стабилизаторлар киради. Алкалойидлар, азот сақловчи гетероцикллик бирикмалар, арилалкиламинлар, аминогликозидлар каби кучсиз асосларнинг кучли минерал кислоталар билан ҳосил қилган тузларини сувли эритмалари гидролизланиши

натижасида күчсиз кислотали мұхит ҳосил бўлиб, шиша идишда ишқорий мұхит туғдирувчи силикат тузлари билан нейтралланиши натижасида водород ионларининг концентрацияси камайиб кетиши туфайли асосий таъсир этувчи модда чўкмага тушиб қолади.






Мураккаб эфир тузилишидаги моддалар эритмаларида шиша идиш таркибидаги ишқор таъсирида гидролизланыб, таркибий қисмларга парчаланади.





Новокаин диэтиламиноэтанол ва пара-аминобензой кислотага, атропин сульфат тропин спирти ва атроп кислотага парчаланиши мумкин.



Шиша идишнинг ишқорий муҳити аскорбин кислота, аминазин, дипразин, викасол, адреналин каби дори моддаларнинг оксидланнишини тезлаштиради. Натижада эритмадаги асосий таъсир этув-

чи модданинг физиологик фаоллиги пасаяди ёки бутунлай йўқолиб кетади.

Шунинг учун инъекцион эритмаларнинг барқарорлигини сақлаб туриш мақсадида уларга одатда 3,0–4,5 рН қийматигача хлорид кислотанинг 0,1 моль/л эритмаси қўшилади.

Қўшилган кислотанинг миқдори эритмадаги дори моддасининг хоссасига боғлиқ.

Атропин сульфатнинг 0,1% ли инъекцион эритмасининг 1 литрига 10 мл 0,1 моль/л хлорид кислота қўшилиб, эритманинг рН и 3,0–4,5 га келтирилади.

Новокайнинг инъекция учун ишлатиладиган 0,25% ли эритмасини 1 литрига 3 мл 0,5% ли эритмасига 4 мл 1–2% ли эритмасига 9 мл 0,1 моль/л хлорид кислота қўшиб, эритманинг рН и 3,8–4,5 га келтирилади.

Морфин гидрохлорид 1% ли инъекцион эритмасининг 1 литрига 10 мл, 5% ли эритмасининг 1 литрига 20 мл 0,1 моль/л хлорид кислота қўшилганда эритманинг рН 2,7 – 3,5 атрофида бўлади.

Скополамин гидробромидни 0,05% ли эритмасининг рН ини 2,8–3,0 га тенглаштириш учун эритманинг 1 литрига 20 мл 0,1 моль/л хлорид кислота қўшилади.

Дибазолнинг 1% ли ва 2% ли эритмаларининг 1 литрига 10 мл 0,1 моль/л хлорид кислота қўшилади.

Глюкозанинг инъекцион эритмалари ҳам сақлаш жараёнида ўзининг барқарорлигини бирмунча йўқотади. Бу эритма муҳит шароитига боғлиқ бўлиб, рН–3–4 га тенг бўлганда эритмадаги глюкоза ўз барқарорлигини сақлаб туриши исботланган. Шунинг учун глюкозанинг турли концентрациядаги инъекцион эритмаларининг 1 литрига 5 мл 0,1 моль/л хлорид кислота ва 0,26 г натрий хлорид қўшилади.

Кучли асос ва қучсиз кислотадан ҳосил бўлган моддалар, жумладан, натрий нитрит, натрий тиосульфат, кофеин натрий бензоат каби моддаларнинг сувдаги эритмалари гидролизланиши натижасида ишқорий муҳит ҳосил бўлади. Уларни гидролизланишдан сақлаш мақсадида натрий гидроксиднинг 0,1 моль/л эритмаси ёки натрий гидрокарбонат қўшини орқали 6,8–8,5 га тенг рН шароити яратилади.

Кофеин – натрий бензоатнинг 10% ли ва 20% ли инъекцион эритмаларининг 1 литрига 4 мл 0,1 моль/л натрий гидроксил қўниб, эритманинг рН и 6,8–8,5 га келтирилади.

Натрий тиосульфатнинг сувдаги эритмаларида муҳит нейтралга ишон бўлиб, сақлаш давомида унинг парчаланиши ва натижада кучнироқ бўлган сульфат кислота ҳосил бўлиши ҳисобига, эритманинг pH муҳити кислотали томонга сурилиб, бу муҳит модданинг янада газ парчаланишига сабаб бўлади. Ушбу ҳодисанинг рўй беришига ишн қўйилмаслик учун унинг 30% ли эритмасининг pH қиймати 7,8–8,4 га келгунга қадар, 1 литр эритмага 20 г натрий гидрокарбонат солинади.

Кўз томчиларининг барқарорлигини ошириш учун буфер эритмалардан фойдаланиб, эритмаларнинг pH муҳити тартиблаб турилади. Бунда қўшиладиган буфер фақат эритмадаги дори моддаси барқарорлигини таъминлаб қолмасдан, унинг биологик фаоллигини сақлаб қолини ҳам кўзда тутилади.

Азот сақловчи кучсиз асосларнинг тузларидан тайёрланган кўз томчиларини стабиллаш учун хлорид кислота эмас, балки кучсиз кислота бўлган бор кислотасининг 2% ли эритмасидан фойдаланиши. Бунда эритманинг pH муҳити 5 га teng бўлади.

Кучли асос ва кучсиз кислотадан иборат бўлган дори моддасидан тайёрланган кўз томчиларига 0,1 моль/л натрий гидроксид эритмаси қўшилади.

Иккинчи гуруҳ стабилизаторлар антиоксидантлар бўлиб, улар дори воситаси таркибидаги асосий таъсир этувчи моддани оксидланашдан сақлади.






Осон оксидланувчи дори моддаларга аскорбин кислота, аминазин, дипразин, новокаинамид, натрий пара – аминосалицилат ва яна бир қатор моддаларни киритиш мумкин. Улар сувли эритмаларида ёнгил оксидланниб, сифатсиз ҳолга ўтади.

Аминазин ва дипразин түқ қизил рангли, эрувчан стрептоцид, этазол новокаинамид, натрий парааминосалицилат сарғимтири ёки пушти, адреналин ва норадреналин қизил рангли бирикмаларга ўтади.





Эритмаларида ёнгил оксидланувчи дори моддаларнинг турғуларини таъминлаш учун уларга қайтарувчи хоссага эга бўлган моддалардан натрий сульфит ( $\text{Na}_2\text{SO}_3$ ), натрий биосульфит ( $\text{NaHSO}_3$ ), натрий гидросульфит ( $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_4$ ), натрий метабисульфит ( $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_5$ ), ронголит ( $\text{HOCH}_2\text{SO}_2\text{Na}$ ), формальдегид, аскорбин кислота, тиомочевина ( $(\text{NH}_2)_2\text{CS}$ ), натрий тиосульфат ( $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ ) ва бошқа антиоксидантлар қўшилади.

Аминазиннинг 2,5% ли инъекцион эритмасига 1 г натрий сульфит ёки натрий метабисульфит ҳамда 2 г аскорбин кислота ва 6 г натрий хлорид қўшилади.

## Антиоксидантлар ва уларнинг оксидланиши



натрий метабисульфит




Этазол натрийнинг 10% ли ва 20% ли эритмаларининг 1 литрига 5 г ронголит, новокаинамиднинг 10% ли эритмасига 5 г натрий метабисульфит қўшилади.

Адреналин гидротартратнинг 0,18% ли ва норадреналиннинг 0,2% ли инъекцион эритмаларининг 1 л ига 1 г натрий метабисульфит ва 8 г натрий хлорид қўшиб барқарорлаштирилади.

Аскорбин кислотанинг турғунлигини таъминлаш учун унинг 5% ли инъекцион эритмасига 1 г натрий метабисульфит ёки 2 г сувсиз натрий сульфит ва 23,85 г натрий гидрокарбонат қўшилади.

Дори моддалар таркибида ёт модда ҳолидаги  $\text{Fe}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{3+}$ ,  $\text{Cu}^{2+}$  ионлари уларнинг оксидланишига каталитик таъсир этганлиги учун стабилизатор сифатида комплекс ион ҳолда боғлаб оловчи моддалар қўшилади. Бундай стабилизаторлар сифатида этилендиамин тетрасирка кислота, этилендиамин тетрасирка кислотанинг динатрийли тузи (трилон Б), кальций тетацини, инозит, фосфат кислота, лимон кислота ва бошқалардан фойдаланилади.



Бундай стабилизаторлар ёрдамида фенотиазин ҳосилалари, изоникотин кислота ҳосилалари, антибиотиклар, йод сақловчи рентгеноконтраст моддалар, арилалкиламиналар, глюкоза эритмалари ва бошқа дори моддаларнинг эритмалари барқарорлаштирилади.

0,02%ли рибофлавин, 0,2% аскорбин кислота, 2% глюкозадан иборат бўлган кўз томчисига 0,1% натрий метабисульфит ва 0,03% трилон Б қўшилса, унинг сақланиш муддати уч ойга ошади.

0,02% рибофлавин эритмаси, 2% ли калий йодид ва 2% ли глюкоза аралашмасидан иборат кўз томчisi 0,03% трилон Б билан барқарорлаштирилганда сақланиш муддати 3 йилгача ортади.

Дори воситалари турғунлигини оширишнинг учинчи йўли, унда микроорганизмларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига йўл кўймаслик учун турли антисептик таъсирга эга бўлган стабилизаторлар ва физикавий тадбирлардан кенг фойдаланилади. Таркибида глюкоза ва крахмал сингари микроорганизмларнинг кўпайишига озуқа сифатида хизмат қиладиган моддалар қўшиб тайёрланган дори воситалари барқарорлигини таъминлаш мақсадида асептик шароитда тай-

ёрлаші, физикалық тағдирлар құлаш билан бир қаторда, уларға анти-септик консервант сифатыда бор кислота, водород пероксиди, бензой кислота, фенол, этанол, хиназол, крезол ва бошқалар құшилади.

**Дори воситаларининг яроқлилик мудлатларини аниқлаш.  
Дори моддаларининг барқарорлығы ва унга таъсир этувчи  
омиллар мавзуси бүйіча саволлар**

1. Дори воситаларининг барқарорлығы деганда нимани тушунасиз?
2. Дори воситаларининг барқарорлығына таъсир этувчи омилларни күрсатынг. Улар таъсирида борадиган жараёнларни мисолларар ёрдамда тушунтириң.
3. Ёруғлик нури таъсирига сезгир дори моддаларини ёзинг, кимёвий жараёнларни күрсатынг.
4. Эргокальциферолининг ёруғлик нури таъсиридаги үзгаришида ҳосил бўладиган моддаларининг тузилиш формулаларини ёзинг.
5. Физиостигмин салицилат ёруғлик нури таъсирида қандай үзгаришга учрайди?
6. Адреналин гидротартрат ёруғлик нури таъсирида қандай үзгаришга учрайди?
7. Холекалециферол ёруғлик нури таъсирида қандай үзгаришга учрайди?
8. Морфин гидрохторид нотўғри сақланганда қандай кимёвий үзгаришга учрайди?
9. Фенотиазин ҳосилаларининг барқарорлығи үзартганида қандай жараён содир бўлади?
10. Кумули нитрат эритмаси нима утун рангли идиопатларда сақланади?
11. Дори воситаларининг гидролизланишига тусқинлик қиласидан стабилизаторларни ёзинг.
12. Дори воситаларининг турғунлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган стабилизаторлар қандай турларга бўлинади?
13. Дори воситаларининг оксидланишига қарши қандай стабилизаторлардан фойдаланилади?
14. Дори воситаларининг микроорганизмлар таъсирида бузилиб қолмаслиги учун қандай стабилизаторлардан фойдаланилади?

**Дори воситаларининг яроқлилик мудлатларини аниқлаш.  
Дори моддаларининг барқарорлығы ва унга таъсир этувчи омиллар  
мавзуси бүйіча вазиятли масалалар**

1. Аскорбин кислотасининг 5% ли инъекцион эритмасидаги миқдори формальдегид эритмаси иштирокида 0,1M йод эритмаси билан

- титрлаш орқали аниқланди. Агар:  $a=0,5$  мл;  $V=2,8$  мл;  $K=1,0080$ ;  $M_m=176$  бўлса, 1 мл инъекцион эритмадаги аскорбин кислотасининг грамм миқдорини топинг.
2. Аскорбин кислотасининг 5% ли инъекцион эритмасидаги натрий сульфитнинг миқдори 0,1M йод эритмаси билан титрлаш орқали аниқланди.  $a=2$  мл;  $V_1=11,8$  мл;  $V_2=11,2$  мл;  $K=1,0080$ ; натрий сульфитнинг  $M_m=126$ , натрий сульфитнинг дори туридаги фоиз миқдорини аниқланг.
  3. Аскорбин кислотасининг 5% ли инъекцион эритмасидаги натрий сульфитнинг фоиз миқдори 0,2% бўлса, 0,5 мл эритмани титрлаш учун неча мл 0,1M йод эритмасидан сарфланади? Натрий сульфитнинг  $M_m=126$  бўлса, аскорбин кислотасининг  $M_m=176$ ,  $K=1,0080$ .  $X_{\text{аскорбин кислота}} = 4,98\%$ .
  4. Новокаиннинг 0,5% ли инъекцион эритмаси таркибидаги хлорид кислотанинг мл миқдори 10 мл дори препаратини 0,02M натрий гидроксид эритмаси билан титрлаш орқали аниқланди. Инъекцион эритманинг 1 литрига 4 мл 0,1M хлорид кислота қўшилган бўлса, титрант ҳажмини ҳисобланг.  $T=0,0007292$ ;  $K=1,0000$ .
  5. Новокаиннинг 1% ли инъекцион эритмаси таркибидаги хлорид кислотанинг мл миқдорини аниқлаш учун 0,02M натрий гидроксид эритмасидан 2,5 мл сарф бўлди.  $a=10$  мл,  $T=0,0007292$ ;  $K=1,0000$  бўлса, дори препарати таркибидаги 0,1M хлорид кислота ҳажмини ҳисобланг.
  6. Новокаиннинг 0,25% ли инъекцион эритмаси таркибидаги новокаин миқдори аргентометрик усул билан аниқланди. Ҳисоблаш формуласига  $V_{AgNO_3} = \frac{A}{5}$  қийматини қўйилишини тушунтиринг.
  7. Новокаиннинг 5%ли инъекцион эритмаси таркибидаги натрий метабисульфитни миқдори йодометрик усул билан аниқланди.  $a=2$  мл,  $T=0,004753$ ;  $V_{I_2}=1,2$  мл бўлса, натрий метабисульфитнинг миқдорини аниқланг.
  8. Сульфацил натрийнинг 10% ли кўз томчиси таркибидаги натрий тиосульфатнинг миқдори йодометрик усул билан аниқланди.  $a=5$  мл,  $T=0,004964$ ;  $V_{I_2}=1,5$  мл,  $P=$ мл бўлса, сульфацил натрийнинг кўз томчисидаги грамм миқдорини аниқланг.
  9. Сульфацил натрийнинг 20% ли кўз томчиси таркибидаги миқдори рефрактометрик усул ёрдамида аниқланди.  $n_D^{20} = 1,3730$ ;

- $F=0,0002$ ; мл бўлса, сульфацил натрийнинг дори препаратидаги миқдорини ҳисобланг.
10. Натрий гидрокарбонатнинг 5%ли инъекцион эритмасидаги миқдори ацидометрик усул билан, 0,1M хлорид кислота эритмаси билан титрлаш орқали аниқланди. Ўлчов колбасининг ҳажми -100 мл, пипетка ҳажми – 5 мл,  $a=10$  мл,  $V=3$  мл,  $M. m=84$ ,  $K=1,0060$  бўлса, 1мл дори препаратидаги натрий гидрокарбонатнинг грамм миқдорини ҳисобланг.
11. Натрий гидрокарбонатнинг 5%ли инъекцион эритмасининг 1 литрига 0,1 г Трилон Б қўшилади. Унинг дори препаратидаги фоиз миқдори 0,01M ли рух сульфат эритмаси билан титрлаш орқали аниқланди. Агар  $a=25$  мл,  $T=0,003722$ ,  $K=1,0030$  бўлса, титрант ҳажмими ҳисобланг.
12. Рибофлавин – 0,002 г, 2%ли бор кислотаси – 10 мл; таркибли кўз томчисидаги бор кислотасининг миқдорини аниқлаш лима учун глицерин иштирокида олиб борилади? Жавобингизни тушунтиринг.
13. Дори воситасининг яроқлилик муддати тезлаштирилган эскириш усули билан аниқланиб,  $60^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 30 кун термостатда сақланди. Агар дори воситасининг тайёрланганидан термостатга қўйилгунича 60 кун ўтган бўлса, унинг яроқлилик муддатини ҳисобланг.
14. Дори воситасининг  $20^{\circ}\text{C}$  даги яроқлилик муддати 2920 кун бўлса, уни 3 йил сақлаш муддатига мос келадиган максимал ҳароратни ҳисобланг.
15. Дори воситасининг яроқлилик муддати тезлаштирилган эскириш усули билан аниқланиб, термостатда  $70^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 34 кунга қўйилди ва яроқлилик муддати 3 йил деб топилди. Реакциянинг тезланиш коэффициентини ҳисобланг.

**Дори воситаларининг яроқлилик муддатларини аниқлаш.**

**Дори моддаларининг барқарорлиги ва унга таъсир этувчи омилилар мавзуси бўйича тест саволлари**

?

Дори модданинг турғунлиги нимани англатали?

-..дори моддасининг осон оксидланиб қолишини

+..дори моддасининг барқарорлигини

-..дори моддасининг осон гидролизга учрашини

-..дори моддасининг фаоллигини

?

Дори моддасининг турғунылиги нимани кўрсатади?

+..дори моддасининг сифатини

-..дори моддасининг физик хоссасини

-..дори моддасининг кимёвий хоссасини

-..дори моддасининг фармакологик хоссасини

?

Дори моддасининг турғунылигига қандай омиллар таъсири қилди?

-.. атмосфера босими, ҳарорат, қадоқловчи материал кимёвий таркиби

-.. атмосфера босими, намлик, қадоқловчи материал кимёвий таркиби

-.. атмосфера босими, ёргулук нури, технологик жараён шартига риоя қилиш

+.. ёргулук нури, намлик, ҳарорат, қадоқловчи материал кимёвий таркиби, технологик жараён шартига риоя қилиш

?

Дори моддасининг турғунылиги қандай аниқланади?

+..сақлаш жараёнида кетадиган кимёвий, физикавий жараёнлар механизмини ўрганиш орқали

-..сақлаш жараёнида кетадиган фармакологик жараёнларни ўрганиш орқали

-сақлаш жараёнида кетадиган кимёвий жараёнларни ўрганиш орқали

-..сақлаш жараёнида кетадиган физикавий жараёнларни ўрганиш орқали

?

Дори модданинг турғунылиги қандай баҳоланади?

-..дори моддасининг чинлигини аниқлаштириш орқали

-..дори моддаси таркибидаги асосий компонентнинг миқдорини аниқлаштириш орқали

-..дори моддасининг парчаланиши маҳсулотларини ўрганиш орқали

+..асосий компонент ва парчаланиши маҳсулотларининг миқдорини аниқлаштириш орқали

?

Дори модданинг турғунылигини қандай усуллар билан аниқланади?

-..таҳдилнинг кимёвий усуллари билан

-..таҳдилнинг физикавий-кимёвий усуллари билан

-..таҳдилнинг биологик усуллари билан

+..таҳдилнинг кимёвий, физикавий-кимёвий ва биологик усуллари билан

?

Дори молдасининг турғулигини аниқлап орқали унинг сифати ҳандай баҳоланади?

+..оддий шароитда (2–5 йил) ва тезлаштирилган эскириш усули (15–115 кун 40–70°C да) билан

-..фақат тезлаштирилган эскириш усули билан

-..фақат оддий шароитда сақланиш шароити билан

?

Стабилизаторларнинг неча тури мавжуд?

+3

-5

-2

-6

?

Шиша идишининг ишқорий муҳити қайси моддаларнинг оксидланишини тезлаштиради?

+викасол, адреналин

-этазол, пироцетам

-рибофлавин, кальций хлорид

-магний сульфат

?

Атропин сульфат 0,1% ли инъекцион эритмасига стабилизатор қўшилганда pH муҳити неча бўлиши керак?

+3,0– 4,5 гача

-5,0–6,0 гача

-6,4–7,0 гача

- 8,5– 9,0 гача

?

Новокаин инъекцион эритмасига стабилизатор қўшилганда pH муҳити неча бўлиши керак ?

+3,8– 4,5 гача

-5,0–6,0 гача

-6,4–7,0 гача

- 8,5– 9,0 гача

?

Новокаин 2 % ли 1 литр инъекцион эритмасига неча мл 0,1 моль/л хлорид кислота қўшилади?

+9 мл

-5 мл

-10 мл

-4 мл

?

Кофеин натрий бензоат 10% ли 1 литр инъекцион эритмасига неча мл 0,1 моль/л натрий гидроксид құшилади?

+ 4 мл

-25 мл

-5 мл

-10 мл

?

Күз томчиларига pH мұхитті тартиблаш учун нима құшилади?

+буфер эритма

- ишқор

- сув

- глюкоза

?

Кучли асос ва күчсіз кислотадан иборат бұлған күз томчиларига стабилизатор сифатыда нима құшилади?

+натрий гидроксид

- хлорид кислота

- сув

- натрий гидрокарбонат

?

0,02% рибофлавин эритмаси, 2% калий йодид ва 2% глюкоза эритмасидан иборат күз томчисини стабиллаш учун нима құшилади?

+ трилон Б

- натрий гидроксид

- хлорид кислота

- натрий гидрокарбонат

?

Антисептик консерванттарға нима киради?

+крезол

-хлорид кислота

-натрий гидроксид

-натрий нитропруссид

?

Антисептик консерванттарға нима киради?

+ бензой кислота, бор кислота

-хлорид кислота, сирка кислота

-натрий гидроксид, натрий нитропруссид

-сульфат кислота, танин

Дори моддаларнинг яроқлилик муддатини аниқлашда «Анъанавий усулнинг» камчилиги нима?

+кўп вақт талаб қылади

-дори модда бузилади

-дори модданинг ташқи кўриниши ўзгаради

-камчилиги йўқ

?

«Тезлаштирилган эскириш» усулида ҳарорат коэффициенти нечига тенг?

+2

-5

-1

-4

?

«Тезлаштирилган эскириш» усулида ҳарорат орасидаги фарқ нечига тенг?

+10°C

-20 °C

-15 °C

-4 °C

### ДОРИ МОДДАСИННИҢ КИМЕВИЙ ТУЗИЛИШИ БИЛАН УНИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИ ОРАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИК

Дори моддаларининг тузилиши уларнинг биологик фаоллиги билан узвий боғланган бўлади. Бу боғлиқлик нафақат маълум мақсадга йўналтирилган дори моддани излаб топишда, турли тузилиш фрагментлари билан фаоллик орасидаги қонуниятни аниклашда, балки фалсафий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Бу соҳада йигилган маълумотлар асосан эмпирик тарзда йигилган маълумотлардан иборат бўлиб, маълум гуруҳ дори моддалари учун умумлаштиришга хизмат қиласи, аммо барча дори моддлари учун умумий қонуният ишлаб чиқиши учун старли эмас. Бу борада тўпланган маълумотлар асосида баъзи бир холосалар чиқарилган ва биз ана шу холосаларнинг асосланиш тамойилларини кўриб чиқамиз.

$\text{CH}_4$  – метан, тўйинган углеводородларнинг энг оддий вакили.

$\text{CH}_3\text{Cl}$ ,  $\text{CH}_3\text{Br}$  – газ ҳолатидаги моддалар бўлиб, заҳарлилиги метантага яқин ва тиббиётда қўлланилмайди.

$\text{CH}_3\text{-CH}_3$  – этан, заҳарли газ.

$\text{CH}_3\text{-CH}_2\text{Cl}$  – этаңга нисбатан заҳарлилиги кам, суюқ модда, қайнаш ҳарорати 12–13°C, ташқи наркоз учун ишлатиладиган дори моддаси.


$\text{CF}_3\text{-CHBrCl}$  – тиниқ суюқлик, қайнаш ҳарорати 49–51°C, солишири-  
зичлиги 1,865–1,870 г/см<sup>3</sup>, наркоз бериш мақсадида ишлатилади. Наркотик таъсири дихлорэтанга қараганда кучли ва узоқ вақт таъсир этади.

$\text{CHCl}_3$  – хлороформ, заҳарлилиги этилхлоридга қараганда кучли ва наркотик таъсири ҳам кучли, умумий наркоз бериш учун ишлатилади.

$\text{CH}_3\text{I}$  – ѹодоформ, сариқ рангдаги кристалл порошок, қайнаш ҳарорати 116–120°C.

Энди алифатик гуруҳга кирган спиртларни кўриб чиқамиз.


$\text{CH}_3\text{OH}$ -метил спирти,  $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{OH}$ -этил спирти



Бир атомли, паст молекулали спиртлар сувда осон эрийди. Углерод занжирини узайиши билан уларнинг эрувчанилиги камайиб боради. Бирламчи спиртларга қараганда иккиласми спиртлар, уларга қараганда учламчи спиртларнинг эрувчанилиги осонлашади.

Молекулага -OH гурухининг киритилиши унинг заҳарлилигини камайтириб наркотик эффектининг ошишига сабаб булади. Бир атомли спиртларнинг заҳарлилиги молекуладаги углерод атомларининг сонига боғлиқ.


$\text{CH}_3\text{OH}$ ;  $\text{CH}_3\text{CH}_2\text{OH}$ ;  $\text{CH}_3(\text{CH}_2)_{15}\text{OH}$ . Бу қаторда заҳарлилик чапдан ўнгга қараб камайиб боради ва углерод занжирининг ортиб бориши билан спиртнинг сувда эрувчанилигининг камайиши ва кам сўрилиши билан тушунтирилади. Кўп атомли спиртларда заҳарлилик камайиб боради.




Агар углерод бояи шохланган бўлса фаоллик кучаяди, тўйинмаган спирт ларда тўйинган спиртларга қараганда заҳарлилик кучли булади.

Спирт молекуласига галоген атомини киритиш наркотиклик таъсири ортишига сабаб булади.


Альдегидларнинг фармакологик таъсири спиртларга ухаша булади. Альдегид гурухи молдага наркотиклик ва антисептик хоссасини беради. Гидрат ҳолидаги альдегиднинг заҳарлилиги камайди. Молекулага галоген киритиш унинг наркотик таъсирини кучайтиради.




формальдегид



ацетальдегид





хлораль



хлоралгидрит


Формальдегиднинг 0,5–1%ли эритмалари дезинфекция мақсатида ва консервант сифатида, хлоралгидрат тинчлантирувчи ва тутқаноққа қарши восита сифатида ишлатилади.

Уротропинда антисептиклик тәсирі унинг парчаланиши нағылжасида ажралиб чиқадиган формалдегид билан, вирусларга қарши тәсирі эса түйинтирилган 1, 3,5-триазин-адамантан тузилиши билан тушинтирилади.





Гексаметилентетрамин (1,3,5-триазин) адамантан тузилишга үйнешіш.





Углеводородда карбоксил гурухини киритиш унинг наркотик тәсирини йүқөлишигага олиб келади. Карбоксил гурухи молданың зақарлилигини ҳам камайтиради. Алифатик кислота углерод занжирининг шохтанғанлығы, түйинмаган боғлар, галоген киритиш карбон кислоталарнинг фармакологик тәсирини оширали. Карбон кислоталар организмде фаол катионлар ( $\text{Fe}^{++}$ ,  $\text{Ca}^{++}$ ) ни ташиш вазифасини үтайды.



Алифатик кислоталарга аминогурухни киритиш кислотаниң фармакологик фаоллигини оширади ва зақарлилигини камайтиради. Айниқса, аминогурух кислота гурухига нисбатан алфа-холатда бұлғанда фармакологик самара күчли бұлади.




Церебролизин – мия түқимасидан ажратиб олинган, оксилсиз гидролизат бўлиб, унда 18 та аминокислота мавжуд.



пирацетам (ноотропил)


Бензол кучли заҳарли модда бўлиб тиббиётда ишлатилмайди. Бензол молекуласига турли функционал гурӯҳларни киритиш орқали унинг заҳарлилигини камайтириш ва физиологик фаоллигини ошириш мумкин.

Бензол молекуласига алкил гурӯхини киритиш унинг физиологик фаоллигини оширади, углерод занжирининг 5 тагача ортиши, фаолликнинг ортишига сабаб бўлади.




толуол; этилбензол; пропилбензол; бутилбензол; пентилбензол


Бензол халқасига иккита алкил киритиш фаолликнинг камайишига сабаб бўлади.



О-КСИЛОЛ



## М-КСИЛОЛ




п-ксилол

о-ксилол толуолдан 5 марта, п-ксилол эса 7 марта күчсиз тарь-сирга эга.


Бензол молекуласига битта галоген киритиш унинг заҳарлилигини опириб, иккита ёки учта галоген киритиш заҳарлилигини камайтиради ва физиологик таъсирини хам камайтиради.



хлорбензол 1,4-хлорбензол 1,3,5-хлорбензол



34-x110p6



### 1.3.5-хромбензол

1,3,5-трихлорбензол антисептик ва язлиелантирувчи тасирга эга. Бунга сабаб уларнинг эрувчандигининг камайишидир.

Бензол халқасига -ОН гурухини киритиш антисептик хоссанинг намоён булишига олиб келали. Альдегид гурухи бензол халқасининг физиологик самарасини кучайтиради. Бензой кислотасида бензолнинг заҳарлилик хусусияти йўқ ва у озиқ-овқат саноатида консервант сифатида ишлатилади.




## Бензой кислота




натрий бензоат

Ароматик халқага аминогуруұқ киритиш натижасыда заңарлилік ортади. Анилин молекуласындағы халқага карбоксил гурӯхини кири-тиш натижасыда анилиннинг заңарлилігі йүқолади.



2000





### анестезии



### П-аминобензой кислота

Анилиндаги аминогурухни беркитиш ёки халқага -OH гурухини киритиш орқали ҳам анилииннинг заҳарлилигини камайтириш ва фармакологик фаоллигини ошириш мумкин.




Анилин молекуласидаги пара ҳолатга сульфамид гурухини киритиш орқали антимикроб таъсирга эга бўлган сульфаниламид гуруҳдори моддалар олинади.



Сульфаниламид гурухига кирган 20000 дан ортиқ моддалар синтез қилиниши натижасида қўйидагилар аниқланган.

1. Модда фаол бўлиши учун молекулада сульфанил радикали бўлиши лозим.



1. 4-ҳолатдаги аминогурухни беркитиш орқали олинган модда организмда парчаланмаса, фаоллик йўқолади, организмда парчаланса, узайтирилган таъсирга эга бўлган сульфаниламид ҳосил бўлади.



3. Аминогурухни 4-холатдан бошқа ҳолатта ўтказиш фаолликнинг йўқолишига олиб келади.

4. Бензол халқасига қўшимча функциональ гуруҳ киритиш фаолликнинг йўқолишига олиб келади.


5. Сульфаниламид гурухига бошқа радикал киритиш фаолликнинг оптишига ёки камайишига олиб келади.

Энди баъзи бир гуруҳ препаратларнинг тузилиши билан уларнинг таъсири орасидаги боғлиқликни кўриб чиқамиз.

1. Фотосенсибилизацияловчи препараллар Бероксан-ксантоксин ва бергаптен фурокумаринлари аралашмасидан иборат. Пастернак ўсимлигидан ажратиб олинган-*Pactinacia sativa*.




ксантоксин




бергаптен


Аммифуурин – учта фурокумарин аралашмасидан иборат. Амми ўсимлигидан ажратиб олинган – Ammi majus.



изолимпениллин




ксантоксин




бергаптен

Псорален – оқкуроқ баргидан ажратиб олинган – *Psoralia drupacea*, иккита изомер ҳолдаги фурокумарин сақладайди.




псорален




изопсорален

Псеберан – псорален ва бергаптен фурокумаринларини сақлайды. Аңжир баргидан ажратиб олинган – *Ficus carica*.




псорален





бергаптен

Фотосенсибилизациялаш таъсири бу препаратларда чизиқли-ёки изофурокумарин молекуласига боғлиқ,  $-\text{OCH}_3$  групчлари фурокумарин таъсирини ортишига сабаб бўлади.



Кокайн-*Erythroxylon Coca* ўсимлиги баргидан олинган.




Ароматик аминогуруҳ амид гуруҳига айлантирилса – аnestетик таъсири камаяди.  $-\text{C}_2\text{H}_5$  – алкил радикали киритилса, аnestетик таъсири ортади. Дикаин кокайнга қараганда 8–10 маротаба кучли таъсирга эга.

Ароматик халқанинг 2,4,6-ҳолатларига метил гурухи киритилса, фаоллик ортади. Алкиламин радикалидаги углеродлар сони ортса – фаоллик ўзгармайди, лекин заҳарлилик ортади. Энг юқори самара  $\text{C}_2$ – $\text{C}_4$  гача кузатилади. Азотдаги радикалларнинг ортиши ҳам фаолликни камайтиради.

Стероид гармонларни кўриб чиқамиз.

Стероид гормонларнинг қурилиш материалыни холестерин тиккил этади.



Стероид бирикмаларда фаолликка стероид халқанинг тузилиши (конформацияси) ҳам таъсир этади. -OH гурӯҳи экваториал ҳолатда бўлса, фаоллик юқори, аксил ҳолатда бўлса фаоллик нисбатан кучиз бўлади.



### Пурин ҳосилалари

Кофеин (кордиотоник) теобромин (кордиотоник, теофиллин (кордиотоник, спазмолитик).

Дипрофиллин – бронх ва юрак осмаси, периферик қон томирларни кенгайтирувчи таъсирга эга.

Янги дори препаратларни ишлаб чиқиш ёки эскиларини такомиллаштириш учун қайси дори моддага нисбатан текшириш олиб борилаётган бўлса, ўша модданинг физиологик фаоллигига функционал гурӯҳларнинг таъсири ҳақида маълумотлар бўлиши керак. Бунда турли физиологик фаол моддаларнинг молекуласи модификация қилинади (ўзгартирилади). Табиятда бунинг учун етарли миқдорда биологик фаол моддалар бор.

**Масалан.** Опийнинг алкалоидларини олайлик – морфин, кодеин, тебаин. Кодеин ўз молекуласида метокси гурӯҳга эга бўлгани учун унинг морфинга нисбатан оғриқ қолдирувчи хусусияти 6–10 марта кам, лекин унда янги хусусият – яъни йўталга қарши хусусияти пайдо бўлади. Тебаинни оладиган бўлсак, унда 2 та метокси гурӯҳ ва яна қўшибогнинг бўлиши, унинг оғриқ қолдирувчи ва йўгалга қарши хусусиятларини йўқотади, аксинча – унга янги хусусият – яъни тириштириш (судорги) хусусиятини беради.



Морфин


Кодеин

Демак, молекула структурасындағи озгина бұлса ҳам үзгариш улар-нинг физиологик фаоллигининг үзгаришига олиб келади. Шундай қилиб, кимёгарлар турли бирикмаларнинг структурасини үзгартыриб, керакли хусусиятта эга бўлган моддалар оладилар. Ана шундай мақсад учун табий физиологик фаол моддалар модел бўлиб хизмат қиласди.


Масалан, оқ стрептоциднинг антибактериал хусусияти аниқлангандан кейин унинг асосида 20000 дан ортиқ модификацияланган ҳосилалари синтез қилинган ва ўрганилган.

Хингамин препарати 14000 дан ортиқ синтез қилинган модификацияланган бирикмалар орасидан топилган эди. Жуда кўп модификацияланган дори моддалар ичидан танлаб олишда, «скренинг» усулидан фойдаланилади, аммо бунда йўналтирилган асосда олиб борилади. Бундай усулда дори моддаларни яратиш синтез қилинган моддалар орасидан физиологик фаоллиги үзгарганини тезда аниқлаб олишга имкон беради. Молекулаларни кимёвий модификациялаш асосий моддаларнинг даволаш хусусиятини яхшилашта ва фармакологик фаоллигини оширишга, таъсир муддатини узайиншига ёки камайишига, препаратнинг турғулигининг ошишига, заҳарлилигини камайишига олиб келади ва ҳ.к. Ундан ташқари, молекулаларни модификациялаш ёрдамида ишлаб чиқаришга қулай оддий структурага эга бўлган табий бирикмаларнинг фаол ҳосилаларини олишга муваффақ бўлинди. Масалан, анестезия учун ишлатиладиган π-амино-бензой кислотанинг ҳосилалари (анестезин, новокайн, дикаин ва б.) шунингдек, модификациялаш ёрдамида бошлангич моддага нисбатан антогонист бўлган дори моддалар олинди. Масалан, антивитаминлар (гипервитаминозни даволашда ва олдини олишда ишлатилади). Дори моддаларнинг кўплаб синтез қилиниши асосида кимёвий тузилиш билан фармакологик фаоллик ўртасидаги боғлиқликни чуқур ва тинмай ўрганиш ётади. Моддаларни йўналтирилган синтез билан олиш 100 йил олдин бошланган. Бу йўналишда олиб борилган изланишлар натижалари олдиндан йигиб келинган ва ҳозирда ҳам тўпланиб келинмоқда. Дори моддалар кимёвий тузилиши ва биологик фаоллиги ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги ҳозирги вақтгача тўпланган маълумотлар асосида қўйидаги хуносаларни келтириб чиқариш мумкин.

1. Молекуласи таркибида қўшбог бор бирикмалар тўйинган бирикмаларга қараганда фаол бўлади. Бу хусусият алифатик ва циклич қатор бирикмаларга ҳам хос. Масалан, З хлор этилен З хлор этанга нисбатан кучли ухлатувчи хусусиятта эга.




учхлорэтан




3 хлорэтилен

Түйинмаган бирикмалар ухлатувчанлик хусусияти билан биргаликда заҳарли ҳамдир. Бирор молекулага қўшбогнинг киритилиши шунингдек, заҳарлигини оширади.

2. Молекуладаги углерод занжирининг тармоқданиши препаратнинг физиологик хусусиятини оширади. Масалан, барбитуратлар, этаминал барбиталга қараганды кучли ухлатувчилик хусусиятига эга.



Этаминал натрий




барбитал

2. Оптик изомерия ҳам моддаларнинг физиологик фаоллигига таъсир кўрсатади. Қутбланган нурни чапга бурувчи моддалар ўнга бурувчиларга қараганды фаоллиги исботланган. Шунингдек, изомерлар там билиш нервларига турлича таъсир этади ва турли таъсир этиши кучига эга. Масалан, ўнг тарафга бурувчи аспарагин ва глютамин кислоталари ширин мазага эга, чап тарафга бурувчилари эса мазасиз.

4. Физиологик фаоллик моддаларнинг қайси қатор бирикмаларга киришига ҳам боғлиқ. Масалан, метан қатор бирикмалар кўпинча наркотик хусусиятга, бензол қатор бирикмалар эса иссиқлик тушурувчилик хусусиятга эгадирлар.

5. Углерод занжирининг узунлиги ҳам физиологик фаолликка катта таъсир кўрсатади. Углерод сони 5 гача физиологик фаоллик ошиб боради, 6 тадан бошлиб физиологик самара камайиб боради. Углерод сонининг ошиб бориши моддаларнинг сувда эрувчанлиги камайтиради. Шу сабабли керакли самарани бермайди.



6. Углеводородлар таркибига галогенларни киритиш физиологик фаолликни оширади. Масалан, метан ўзи наркотик эмас, аммо хлор киритилса метил хлорид — наркотик ва этил хлорид кучли наркотик. Лекин хлороформнинг заҳарлилиқ хусусияти этилхлоридга нисбатан кучли. Шунингдек,  $\text{CHCl}_3$  суюқлик,  $\text{CHJ}_3$  эса кристалл кукун — антисептик модда. Бензол халқасига галогенларни киритиш заҳарлилигини оширади. Аммо галогенлар сонини күтайиши уларнинг заҳарлигини камайтиради ва шунингдек, физиологик фаоллигини ҳам камайтиради, бу хусусиятни уларнинг эрувчанилигининг камайиши билан тушунтирса бўлса керак. Масалан, дихлорбензол З хлорбензолга қараганда заҳарлироқ. Занжирга  $\text{Cl}_2$  ёки  $\text{Br}_2$  ни киритиш кўзни ёшлантирувчи молдаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Масалан,ベンジルブロミド.


7. Худди юқорида айтилгандек, ўзғаришларни  $-\text{OH}$  гурӯҳни киритиш ҳам келтириб чиқаради. Масалан, углеводородга  $-\text{OH}$  гурӯҳини киритиш наркотик хусусиятни оширади. Бирламчи спиртларга қараганда иккималчи спиртлар, уларга қараганда учламчи спиртлар кучли бўлади. Шу билан бирга уларнинг эрувчанилиги (сувда) ошади. Ёллардаги эрувчанилиги эса камаяди. Шунинг учун сувда яхши эрийдиган полигидроксил бирикмалар фаол эмас, чунки улар ёлларга бой перв тўқималарга тушмайдилар ва шу сабабли керакли самарани бермайди. Алкоголлардаги углерод занжирининг узайиши наркотик хусусиятларни ошишига олиб келади. Масалан, амил спирти этил спиртига қараганда кучли таъсир кўрсатади. Бундай ўзғариш

Сони 7 бўлгунгача бўлади, ундан ошиб кетиши бундай ўзгаришинг аксига олиб келади, яъни камаяди.


$\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$  (этил спирти)

$\text{CH}_3\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH}$  (амил спирти)


Бензол халқасига  $-\text{OH}$  гурӯҳинги киритилиши иссиқлик туширувчилик хусусиятини камайтириб, антисептик хусусиятини келтириб чиқаради. Икки атомли фенолларнинг антисептиклик хусусияти 1-атомлига қараганда кучли. Молекулага Вг нинг киритилиши антисептиклик хусусиятни ошириб юборади.



фенол




резорцин




3-бромуфенол

8. Углеводородларга карбонил гурӯҳини ( $\text{C}=\text{O}$ ) киритилиши наркотик ва антисептик хусусиятни беради. Агар молекулага галоген киритилса фаоллик янада кучайди.






ацетальдегид



хлораль  
(тутқаноққа қарши)

9. Ароматик бирикмаларга  $-\text{COOH}$  (карбоксил) гурӯҳни киритилиши бошлангич моддаларнинг заҳарлилик хусусиятини камайтириб, янги физиологик фаолликни беради. Масалан, фенол протоплазма заҳари бўлиб, уни ичиб бўлмайди, лекин молекулага  $-\text{COOH}$  гурӯҳини киритилиши заҳарлитгини камайтириб, иссиқлик туширувчилик ва оғриқ қолдирувчанилик хусусиятини беради.




Органиқ кислоталар, бўшқа ароматик ва алифатик қатор кислоталарга ўхшаб заҳарли эмас, бунинг исботи сифатида уларнинг ўсимлик дунёсида кенг тарқалганлигини кўришимиз мумкин ва шунингдек, уларнинг кўпини озиқ-овқатлар таркибига киради.

– COOH даги H қитиқловчанлик – күйдирувчи хусусиятими беради. Шунинг учун H күпинча метал катионлари билан алмаштирилади.


– COOH гурухнинг киритилиши нафақат физиологик, балки физик ўзгаришга ҳам олиб келади. Масалан, бензол сувда эримайди, бензой кислота нисбатан эрийди, унинг тузи эса яхши эрийди.

– COOH гурухи физиологик фаолликни камайтиради. Шунинг учун улар тиббиётда кам ишлатилади.

10. -NH<sub>2</sub> гурухнинг ароматик ҳалқага киритилиши ҳарорат тушириш хусусиятими оширади. Масалан, анилин жуда яхши иссиклик туширади, аммо шу билан бирга заҳарлилик хусусиятими ҳам беради. NH<sub>2</sub> гурухини ацетил гурухи билан боғлаш заҳарлиликни камайтиради. Шунинг учун анилин тиббиётда ишлатилмайди, антифибрин эса ҳарорат туширувчи сифатида ишлатилади.




анилин




антифибрин

11. Молекулада -NH<sub>2</sub> гурух билан бир вақтда -OH гурух бўлиши оғриқ қолдирувчи хусусиятими беради ва бу хусусият этерификация реакцияси билан кучайтирилади.




п-аминофенол




анестезин

12. Таркибидаги -NO<sub>2</sub> гурух сақловчи молдалар, асосан, нафас олиш марказига таъсир кўрсатади.



нитроглицерин




неодикумарин

13. Нитрозо бирикмалар нерв системасига, қон томир система-сига таъсир кўрсатади.

14. Циклик бирикмаларнинг физиологик фаоллигига ароматик халқаларнинг сони таъсир кўрсатади. Масалан, дифенил бензолга нисбатан фаолроқ.




бензол




дифенил

Икки циклни конденсацияси фармакологик фаолликни кучайтиради. Масалан, нафталиннинг фармацевтик фаоллиги бензолга нисбатан кучли, аммо нафталин бензолга нисбатан заҳарлидир. Антрацен ва фенантрен ҳам худди шундай.



фенантрен



антрацен

Ҳозирги вақтда кимёвий тузилиш билан фармакологик фаоллик ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш ўз поёнига етгани йўқ. Фанларнинг борган сари ривожланиб такомиллашиб бориши кимёвий тузилиши ва фармакологик фаоллик ўртасидаги боғлиқликни ўрганишнинг янги йўлларини очиб бермоқда.

Демак, кимёвий тузилишга озгина ўзгартиришни киритилиши унинг нафақат фармакологик фаоллитини, балки физик кимёвий хусусиятларини ҳам ўзгаришига олиб келади. Яъни моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари уларнинг мембрана орқали сўрилишига, тўқималарда тарқалишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун молекулаларни модификация қилинганда нафақат элементларига, балки уларнинг физик-кимёвий хусусиятларига ҳам эътибор берилади (асослиги, гидрофиллиги, ионланиш даражаси, полярлилигига ва бошқалар).

Биохимия ва айниқса, касалликнинг биокимёвий асослари – патобиохимиянинг ривожланиши кимёгарлар олдига янги вазифалар қўймоқда, яъни дори моддаларнинг биологик фаоллигини кимёвий тушунтириш.

Бунда дори моддаси организмнинг биосубстратлари билан реакцияга киришади ва шунинг асосида даволайди.

Шу дори моддаларни олишнинг йўналтирилган синтези янгила-ча тус олмоқда ва З асосий ривожланиш йўналишга эга бўлмоқда:

1. Касаллик туфайли пайдо бўлган биосубстратлар билан реакцияга киришадиган кимёвий моддалар ишлаб чиқиш. Бунда олингандан кимёвий моддага шундай талаб қўйиладики, у биосубстрат билан реакция киришиши шарт.

2. Шундай модда олиш керакки, у касаллик туфайли ҳосил бўлган биосубстратнинг биосинтезини бошқариб турсин (кўпайтириб ёки пасайтирсин).

3. Йўналтирилган синтезнинг учинчи йўли ўрнига ўрин билан даволашга асосланган, яъни касаллик туфайли организмда баъзи биосубстратнинг камайиб кетганида, худди шу биосубстратга ўхшаш таъсирга эга бўлган бошқа модда киритилади ва у керакли даволаш самарасини бериши шарт.

Ҳозирги вақтга келиб дори моддаларни олишнинг яна бир йўналиши пайдо бўлди, у ҳам бўлса организмдаги метаболитик жараёнларнинг нормаллаштирувчи дори моддаларини олишидир.

Ана шундай моддаларни олишнинг икки йўналиши мавжуддир:




1-витаминлар, кофермент ва ферментлар кимёси ва биокимёсинг ютуқларига асосланган ҳолда (касалликлар биокаталитик системаларнинг бузилиши натижасида пайдо бўлади).

2-гормонларнинг таъсир механизми ва кимёсини ўрганиш асосида.

Метаболитик дори моддалар яратишнинг аҳамияти катта, чунки модда алмашиниш жараёни бузилганда организм у ёки бу метаболитга зор бўлади, ундан ташқари, бундай дори моддалари бошқа синтетик дори моддаларга қараганда организмга яқин бўлади ва заҳарлилиги кам бўлади.

Шундай қилиб, тўқималар ҳаётининг молекуляр – биологик асосларини ўрганиш, касаллик туфайли унинг тизимини ўзгариши, метаболитлар кимёсини ўрганиш ва уларнинг сунъий ҳосилаларини яратиш фармакологик кимёнинг янги йўналиши – биофарманевтик кимёнинг ривожланишига асос бўлади.

Ҳозирги вақтга келиб раувольфия ўсимлигидан 60 дан ортиқ алкалоидлар ажратиб олинган, кимёвий тузилишига кўра, улар индол, индолин ва оксиндол гурухларига киради.






Резерпин гипотензив таъсирга эга бўлиб, унинг таъсир механизми марказий нерв тизими ва тўқималардан катехоламинлар ҳамда сератониннинг ажralиб чиқиши натижасида симпатик нерв тизими мига келадиган импульсларнинг кучсизланиши билан тушунтирилади.

Ресцинамин резерпиндан триметоксибензоат гурухи ўрнига резерпин кислотасининг триметокси бирикмасини саклаши билан

фарқланиб, бу эса гипотензив таъсириңинг күчсизланишига олиб келади.

Рауноприн билан резерпиннинг гипотензив таъсири орасида фарқ йўқ ва бу индол халқасидаги метокси гуруҳининг бу гуруҳ алкалоидларини асосий фармакологик хоссасига таъсир этмаслигини кўрсатади.


Винка (буригул) ўсимлигидан 100 га яқин алкалоидлар ажратиб олиниб, уларнинг кўпчилиги гипотензив фаолликка эга.




Винкаминнинг гипотензив фаоллиги механизми унинг сератонинреактив тизимга таъсири билан асосланади. Молекуладаги Е халқанинг тўйинниши, учламчи спирт гуруҳи ва метоксил гуруҳи ўрнига этоксил гуруҳининг кириши натижасида кавинтонда гипотензив таъсир кучаяди. Винканориннинг биологик фаоллиги винкаминга яқин. У марказий гипертензия билан боғлиқ бўлган мия тизими касалликларини даволашда ишлатилади.

## **Изоникотин кислота ҳосилаларининг кимёвий тузилиши билан биологик фаоллиги орасидаги боғлиқлик**


Изоникотин кислота ҳосилалари гурухига кирган дори воситалари сил касаллигини даволашда қўлланилади. Улар сил касаллигини келтириб чиқарувчи микобактерияларга бактериостатик таъсир этиб, бу таъсир дори моддасининг молекуласида изоникотин кислота гидразиди фрагментининг мавжудлиги асосида юзага чиқади.




Изониазиднинг бир кеча-кундузги дозаси 0,6–0,9 г.



Фтивазид ошқозон ичак тизимида секинлик билан сўрилади. Молекуладаги ванилин қолдиги унинг организмдаги барқарорлиги ни ошириб, таъсир муддатининг ҳам ошишига олиб келади. Фтивазиднинг бир кеча-кундузги даволаш дозаси 1–2 г.




Солюзид молекуласидаги 2-карбокси – 3,4-диметоксибензальдегид қолдиги, дори моддасининг барқарорлиги ва таъсир муддатининг ортишига сабаб бўлади. Солюзиднинг бир кеча-кундузги дозаси 1,0 г.




Эрувчан солюзид солюзиленнинг диэтиламин билан ҳосил қилған тузи бўлиб 5% ли инъекцион эритма ҳолида ишлатилади.

Дори препарати лимфатик тугуллар, сийлик йўллари, бачадон бўйни ва қинга инъекция ёки ювиши орқали юборилади. Менингит касаллигига орқа мияга инъекция қилинади.




Метазиднинг кимёвий тузилишига кўра, метилен бис-изониазид, деб қараш мумкин. Организмда гидролизланиши натижасида икки молекула изониазид ҳосил бўлади.




Ларусан фурфуральгацетоннинг изоникотиноил гидразони бўлиб изониазидга нисбатан узоқроқ таъсир этади.

8-оксихинолин ҳосилалари түрүнчүгө киргандардың мөдделарнинг биологик фаолиги билан кимёвий түзүлиші орасидаги боғлиқлик




Хинозол антисептик ва сперматоцид таъсирга эга бўлиб, маҳаллий яллиғлантирувчи хоссага эга эмас. Тўқималарнинг оқсили унинг биологик фаолигини камайтиrmайди. Яраларни ювиш, чайиш мақсадида, шунингдек суртма дорилар ва сепмалар ҳолида ишлатилади. Вагинал шамчалар ва таблеткалар таркибида киради.




Энтеросептол хинозолдан хинолин ҳалқасининг 5-холатига хлор ва 7-холатига йод киритилганлиги билан фарқланади.

Дори мөддаси ошқозон-ичак тизимида деярли сўрилмайди ва ичак тизимида маҳаллий антибактериал таъсири курсатади.




Хиниофон энтеросептоддан хинолин ҳалқасининг 5-холатидаги хлорнинг сульфогурухга алмашганлиги билан фарқланади, унда антибактериал таъсири сақланади қолиши билан бирга, ревматизмга қарши таъсири юзага чиқади.

Хиниофон амёб дисентерияси, ичак яраси, ўтқир ва сурункали бўгин ва мушаклар ревматизмини даволашда ишлатилади.




Бу дори молдаси энтеросептолдан хинолин ҳалқасининг 5-ҳолатидаги хлор ўрнига бром ва 7-ҳолатидаги йод ўрнига бром сақлаши билан фарқланиб, антибактериал ва антипротазой таъсирга эга.

Энтероколит, амёб ва бацилляр дизентерия, ҳамда диспепсия касалликларини даволашда ишлатиладиган «интестопан» таблеткасининг таркибиға киради. «Интестопан» таблеткаси 5,7-дибром 8-бензоилоксихинальдинни ҳам сақлади.




Нитроксолин – 5- нитро-8-оксихинолиннинг антимикроб таъсири кенг спектрда бўлиб, грамманфий ва граммусбат микроорганизмлар ҳамда баъзи бир замбуругларга антибактериал таъсир кўрсатади. Дори препарати ошқозон-ичак тизимида тезлик билан сўрилиб, буйрак орқали ўзгармаган ҳолда чиқиб кетади. Шунинг учун унинг пешобдаги юқори концентрацияси узоқ мулдат сақланиб қолади.

Бошқа антимикроб препаратлар таъсир этмаган ҳолатларда ҳам яхши самара беради.




5,7-дихлор -2-метил -8-оксихинолин антибактериал ва замбуругларга қарши таъсирга эга. 5% ли суртма дори ҳолида ишлатилади.


Фенотиазин ҳосилалари гурухига кирган дори моддаларнинг биологик фаоллиги билан кимёвий тузилиши орасидаги боғлиқлик



2-хлор-10 (3-диметиламинопропил) – фенотиазин гидрохлорид нейролептик препарат бўлиб, марказий нерв тизимига кучли седатив таъсир кўрсагади. Препарат кучли қайт қилишга қарши таъсир этиб, ҳиқичноқ тутишида ҳам ишлатилади. Психоз ва невроз ҳолатларида аминазин кўркув, алаҳдани ва галлюцинацияни йўқотади.




Пропазин кимёвий тузилишига кўра аминазиндан фенотиазин халқасининг 2-холатидаги хлор атомининг йўқлиги билан фарқланниб, унинг заҳарлилиги ва наркотик таъсири аминазинга нисбатан кам, нейролептик таъсири эса аминазинга яқин.




Левомепромазинда фенотиазин халқасининг 10 -холатида 3-диметиламино -2-метилпропил гурухи ва 2-холатида метоксил гурухи мавжуд. Аминоалифатик занжирнинг шохланганлиги натижасида


седатив самара аминазин ва пропазинг нисбатан кучли ва антидепрессив таъсирга эга.




Метеразинда фенотиазин халқасининг 10-холатида [3-(1-метилпиперазинил-4)-пропил] гурӯҳ седатив ва қайт қилишига қарши таъсирнинг олиб қелган.



Этаперазинда фенотиазин халқасининг 10-холатида 3-1-β-оксиэтил-пиперазинил-пропил гурӯҳи мавжуд бўлиб, метеразиндан  $\text{N}$ -β-оксиэтил гурӯҳи билан фарқланади ва бу нейролептик, қайт қилишига ва ҳиқичноқ тутишига қарши таъсирнинг янада ортишига олиб қелади.




Кимёвий тузилишига кўра, френолон этаперазинга яқин ва оксиэтил қисми триоксибензой кислота қолдиги билан этерификацияланган. Бу кислота резерпин ва триоксазин каби дори моддаларнинг кимёвий таркибиға кириб, стимуляцияловчи таъсир юзага чиқишига сабаб бўлади.




Трифтазин матеразиндан фенотиазин халқанинг 2-холатидаги хлор ўрнига трифторметил гуруҳининг жойлашиши билан фарқланаб, кучли антипсихотик таъсирга эга.


Трифтазин аминазинга резистент бўлган касалларга тавсия этилиб, шунингдек, акушерлик амалиётида қайт қилишга қарши восита сифатида ҳам ишлатилади.




Фторфеназин шизофрениянинг турли кўринишларида ишлатилиб, кичик дозада кўркув ва ваҳимани йўқотади.




Фторфеназин деканоат кучли нейролентик бўлиб, узайтирилган таъсири муддатига эга.



Тиопропазинда седатив таъсир кучизланиб, қайт қилишга қарши таъсир кучайган.



Неулептияда фенотиазин халқасининг 10-холатидаги 3-(4-окси-ниперидино)-пропил гуруҳи унинг нейролептик таъсири сақданиб қолган ҳолда, наркотиклар, ухлатувчи дори моддалар ва анальгетиклар таъсирини оширишига сабаб бўлади.



Тиоридазинда антидепрессив таъсир кучайиб, кўркув ва ваҳимага қарши таъсир сақданиб қолган.

#### **Дори моддасининг кимёвий тузилиши билан унинг организмга таъсири орасидаги боғлиқлик мавзуси бўйича саволлар**

1. Дори моддасининг кимёвий тузилиши билан унинг организмга таъсири орасидаги боғлиқликни ўрганиш қандай аҳамиятга эга?
2. Туйинган углеводородлар молекуласига галоген атомини киритиш уларнинг биологик фаоллигига қандай таъсир кўрсатади?
3. Бир атомли спиртларда углерод занжирининг ортиб бориши уларнинг эрувчанлиги ва заҳарлилигига қандай таъсир кўрсатади?
4. Гексаметилентетраминнинг антимикроб ва вирусларга қарши таъсири нима билан тушунтирилади?
5. Бензол молекуласига турли радикалларни киритиш унинг биологик фаоллигига қандай таъсир этади?
6. Сульфаниламид препаратларининг биологик фаоллиги ва тузилиши орасида боғлиқликни ўрганиш асосида қандай хulosалар чиқариш мумкин?
7. Стероид бирикмаларда гидроксил гуруҳининг конформацион жойлашиши уларнинг биологик фаоллигига қандай таъсир этади?

8. Дори моддаларини модификациясини ўзгартериш нима мақсадда бажарилади?
9. Дори моддаларини модификациялашнинг «Скренинг» усулини тушунтиринг.
10. Молекуласи таркибида қўшбоғ бор бирикмаларнинг фаоллиги тўйинган бирикмаларга нисбатан қандай?
11. Препаратнинг физиологик хусусияти молекуладаги углерод занжирининг тармоқланишига боғлиқлигини мисоллар асосида тушунтиринг.
12. Оптик изомерия моддаларнинг биологик фаоллигига таъсир курсатдими?
13. Углеводородларга қайси радикални киритиш уларнинг наркотик ва антисептик хусусиятини оширади?
14. Ароматик бирикмаларга карбоксил гуруҳининг киритилишини биологик фаолликда қандай хусусиятини келтириб чиқаради?
15. Йўналтирилган синтез деганда нимани тушунасиз ва унинг 3 йўлини кўрсатинг?
16. Организмлаги метаболитик жараёнларнинг нормаллаштирувчи дори моддаларини олишнинг асосий йўналишларини тушунтиринг.
17. Биофармацевтик кимёнинг ривожланишига туртки бўлган омилларни курсатинг.
18. Изоникотин кислота ҳосилаларининг кимёвий тузилиши билан биологик фаоллиги орасидаги боғлиқликни тушунтиринг.
19. 8-оксихинолин ҳосилалари гуруҳига кирган дори моддаларнинг биологик фаоллиги билан кимёвий тузилиши орасидаги боғлиқликни санаб ўтинг.
20. Фенотиазин ҳосилалари гуруҳига кирган дори моддаларнинг биологик фаоллиги билан кимёвий тузилиши орасидаги боғлиқлик борми?

**Дори моддасининг кимёвий тузилиши билан унинг организмга таъсири орасидаги боғлиқлик мавзуси бўйича вазиятли масалалар**

1. Салицил кислота, ацетилсалицил кислота, фенилсалицилат, салициламид ва оксафенамидларнинг кимёвий тузилишини ёзинг, фармакологик таъсирини айтинг ва «салол» принципини тушунтиринг.
2. Этил хлориди, хлороформ, йодоформ, хлораалгидратларда молекуланинг тузилишига қараб қандай биологик фаоллик намоён бўлали?
3. Табиий пенициллинларданベンзилпенициллин, феноксиметилпенициллин, п-оксибензилпенициллин, н-амилпенициллин, п-гептилпенициллинларнинг тузилиш формулаларини ёзинг. Уларнинг антимикроб фаоллигини тушунтиринг.

4. Ярим синтетик пенициллинлардан оксициллин натрий, диклоксацин натрий, ампициллин ва карбенициллин натрийларнинг тузилиш формулаларини ёзинг. Дори моддасининг кимёвий тузилиши даги фарқ, уларнинг фаоллигига қандай таъсир этишини кўрсатинг.
5. Цефалексин, цефалотин натрий ва цефалоридинларнинг биологик фаоллигини кимёвий тузилиши билан изоҳланг.
6. Табиии цефалоспорин цефалоспорин «С» нима учун тиббиёт амалиётида ишлатилмайди?
7. Гексаметилентраминнинг вирусларга қарши таъсирини унинг кимёвий тузилишига асосланиб тушунтиринг.
8. Метиониннинг хлороформ, бензол ва арсен бирикмалари билан заҳарланганда қўлланишини қандай тушунтириш мумкин?
9. Тестостерон дипропионат, метилтестостерон ва эстрадиолларнинг кимёвий тузилишини анаболиклардан метандростендиол, метиландростендиол, феноболин, ретаболиллар билан солиштириш орқали уларнинг кимёвий тузилиши билан изоҳланг.
10. Дезоксикортикостерон ацетат, кортизон ацетат, гидрокортизон ацетат, преднизолон, дексаметазонларнинг тузилиши формуласини ёзинг. Уларнинг биологик фаоллигини кимёвий тузилиши билан боғлаб, изоҳланг.
11. Андрогенлар билан эстрогенларнинг биологик фаоллигини кимёвий тузилиши билан боғлаб, тушунтиринг.
12. Фурациллин, фуразолидон, фурадонин ва эрувчан фурагитидаги биологик фаолликка таъсир этувчи тузилиш фрагментларини кўрсатинг.
13. Аnestезин, новокаин, новокаинамид ва дикаинларнинг маҳаллий оғриқсизлантириш таъсирини кокайннинг кимёвий тузилиши билан солиштириб, гушунтиринг. Улардаги «анестезиофор» гуруҳларни кўрсатинг.
14. Тримекаин ва лидокайннинг маҳаллий оғриқсизлантириш хоссасини қандай изоҳлайсиз?
15. Псевдоэфедринда бронхолитик таъсир эфедринга нисбатан камлигини қандай тушунтириш мумкин?
16. Адреналин, норадреналин, мезатон ва анаприлийларнинг кимёвий тузилишини ёзинг. Уларнинг биологик фаоллигидаги үхшашлик ва фарқни тушунтиринг.
17. Сульфаниламидларнинг антимикроб таъсирини уларнинг кимёвий тузилиши билан боғлаб тушунтиринг.
18. Пиридоксин ва пиридоксальфосфатларнинг кимёвий тузилишини солиштириб, уларнинг қай бирида витамин В6 таъсири кучли эканини кўрсатинг.

19. Папаверин гидрохлорид ва дротаверин гидрохлориднинг тузилиш формуласини ёзинг. Уларнинг фаоллигига изохинолин ва тетро-гидроизохинолин ҳалқалари, бошқа функционал турұғарнинг ақамиятини күрсатинг.
20. Морфин, кодеин ва героинларнинг тузилиш формуласини ёзинг. Кодеиннинг наркотик таъсири морфин ва геронинг нисбатан күчсiz эканлитикинің қандай изоҳлайсиз?

**Дори моддаларнинг кимёвий тузилиши билан унинг организмга таъсири орасидаги боғлиқлик мавзуси бүйича вазиятли масалалар ва тест саволлари**

?

Дори моддаларнинг кимёвий тузилиши билан фармакологик таъсири орасидаги боғлиқлик нима мақсадда үрганилади?

- +.. дори моддаларни маълум мақсад йўналишида синтез қилиш учун
- .. фармакологик фаоллигини аниқлаш учун
- .. организмда дори моддаларнинг метаболизмини үрганиш учун
- .. дори моддаларни клиник текшириш учун

?

Алифатик ва ароматик бирикмаларга галоген киргизиш натижасида унинг фаоллиги қандай ўзгаради?

- .. модданинг фармакологик фаоллиги камаяди
- +.. модданинг фармакологик фаоллиги ортали
- .. модданинг заҳарлилиги кучаяди
- .. модданинг эрувчанлиги ўзгаради

?

Модданинг тузилишига гидроксил гурухини киритиш натижасида унинг фаоллиги қандай ўзгаради?

- .. фармакологик эффект камаяди
- .. модданинг заҳарлилиги кучаяди
- +.. фармакалогик эффект кучаяди
- .. модданинг эрувчанлиги ўзгаради

?

Модданинг молекуласига альдегид ёки кетон гурухини киритиш натижасида.

- .. фармакологик эффектни камайтиради
- +.. фармакалогик эффектни орттиради
- .. модданинг заҳарлилигини орттиради
- .. модданинг эрувчанлигини камайтиради

?

Модда молекуласига карбоксил гурухини киритиш натижасида:

- .. модданинг фаоллигини ва заҳарлилигини орттиради
  - +.. модданинг фаоллигини орттириб, заҳарлилигини камайтиради
  - .. модданинг фаоллигини камайтириб, заҳарлилигини орттиради
  - .. модданинг фаоллиги ва заҳарлилигини камайтиради
  - ?
- Модда молекуласига азот сақловчи функционал гурӯҳ киритилганда натижасида:
- +.. моддани нерв тизимининг турли булакларига таъсири кучаяди
  - .. модданинг нерв тизимининг турли булакларига таъсири камаяди
  - .. модданинг юрак мушакларига таъсири кучаяди
  - .. модданинг юрак мушакларига таъсири камаяди
  - ?
- Бензол молекуласига карбоксил гурӯҳини киритиш натижасида:
- +.. бензолнинг фармакологик фаоллигини орттириб, заҳарлилигини камайтиради
  - .. бензолнинг фармакологик фаоллигини орттириб, заҳарлилигини кучайтиради
  - .. бензолнинг фармакологик фаоллигини камайтириб, заҳарлилигиник учайтиради
  - .. бензолнинг фармакологик фаоллиги ва заҳарлилигини камайтиради
  - ?
- Бензол молекуласига амино гурӯҳни киритиш натижасида:
- .. иситма туширувчи ва анальгетик хоссаси кучайиб, марказий нерв ва томир системасига заҳарлилиги камаяди
  - +.. иситма туширувчи ва анальгетик таъсири кучайиб, марказий нерв ва томир системасига заҳарлилиги ҳам кучаяди
  - .. антисептик таъсири ва заҳарлилиги кучаяди
  - .. антисептик таъсири ва заҳарлилиги камаяди
  - ?
- Анилин молекуласига турли функционал гурӯҳлар киритилганда (галоген, гидроксил, карбоксил гурӯҳлар):
- .. фармакологик фаоллиги ўзгариб, заҳарлилиги камаяди
  - .. фармакологик фаоллиги ўзгариб, заҳарлилиги ортади
  - +.. физиологик эффиқти ўзгариб, заҳарлилиги камаяди
  - .. физиологик эффиқти ўзгариб, заҳарлилиги ортади
  - ?
- .Функционал гурӯҳнинг бир ҳолатдан иккинч ҳолатга ўтишида:
- .. модданинг фармакологик эффиқти кучаяди

- +.. мөдданинг фармакологик эффекти күчайиб, буткул йүқолишига-ча боради ва бошқа хил таъсир юзага чиқади
  - .. мөдданинг заҳарлилиги ортади
  - .. мөдданинг заҳарлилиги камаяди
- ?

Модда молекуласига этокси гурухини киритиш:

- +..мөдданинг физиологик эффектини күчайтиради
  - .. мөдданинг физиологик эффектини сусайтиради
  - .. мөдданинг заҳарлилигини оширади
  - .. мөдданинг эрувчанлигини оширади
- ?

Пеницилин гурухи антибиотиклари молекуласининг 6-холатига метоксил гурухини киритиш:

- .. грамм манфий бактериаларнинг бетта-лактомаза ферментига мөдданинг турғунлигипи ошириб, антибиотик фаоллигини күчайтиради
  - +.. грамм— манфий бактериаларнинг бетта-лактомаза ферментига мөдданинг турғунигини сусайтириб, антибиотик фаоллигини камайтиради
  - .. мөдданинг бетта лактомазага турғунлигини ошириб, антибиотик фаоллигини камайтиради
  - .. бетта-лактомазага турғунлигини камайтириб, антибиотик фаоллигини оширади
- ?

Модда молекуласига метил гурухини киритиш:

- .. унинг заҳарлилигини күчайтиради
  - .. мөдданинг заҳарлилигини камайтиради
  - .. физиологик фаоллигини оширади
  - +..физиологик фаоллигини сусайтиради
- ?

Модда молекуласига метокси гурухини киритиш:

- .. унинг заҳарлилигини күчайтиради
  - .. унинг заҳарлилигини сусайтиради
  - .. физиологик фаоллигини күчайтиради
  - +..физиологик фаоллигини сусайтиради
- ?

Бензол молекуласига алкил радикалини киритиш:

- .. фармакологик фаоллигини ўзгартириб, заҳарлилигини камайтиради
- .. фармакологик фаолликни ўзгартирмай, заҳарлилигини күчайтиради
- +.. фармакологик фаоллигини ўзгартириб, заҳарлилиги күчайтиради
- .. фармакологик фаоллиги ва заҳарлилиги ўзгармайди

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ПРЕКУРСОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ

Гиёҳвандликни олдини олиш ва унга қарши қурашини инсониятнинг олдида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада Республикаизда гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний муомаласи олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат Комиссияси «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни ноқонуний муомаласи ва уларни сунистемол қилинишига қарши чора-тадбирлар Давлат дастури» қабул қилинди.

Ушбу дастурда прекурсорлар назорати бўйича алоҳида тўхталиб ўтилган.

Маълумки, прекурсорлар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ноқонуний тайёрлашда ишлатиладиган моддалар бўлиб, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни синтезлашда специфик роль ўйнайди. Улар гиёҳванд модда молекуласининг асосий таркибий қисми ҳисобланади ва маълум даражада унинг тузилишини белгилайди.

#### 8.1. Прекурсорлар

«Прекурсорлар» (precursor) атamasи инглиз тилидан келиб чиқкан бўлиб, у ўтмишдош, олдиндан хабар берувчи каби маъноларни англатади.

Наркотикларнинг ноқонуний айланмасига қарши қураш билан боғлиқ ҳалқаро номи расмий ҳужжатларда бу атама, гарчи у амалиётда жуда кенг тарқалган бўлса-да кам ишлатилади. Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши қураш тўғрисидаги 1988 йил Конвенциясида «гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний тайёрлашда қўлланиладиган моддалар» тушунчаси ишлатилади. Кўрсатиб ўтилган Конвенциядаги терминологияга асосан «БМТ нинг 1988 йил Конвенциясидағи I жадвал ва II жадвалга киритилган моддалар» атamasи етарлича кенг тарқалди. Шу вақтнинг ўзида 1997 йилда Бирлашган Миллат-

лар Ташкилотининг Наркотиклар назорати қўмитасининг гиёхван-длик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисидаги Конвенциянинг 12-моддасини бажарилиши бўйича 1988 йилдаги «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний тайёрлаша ишлатиладиган прекурсорлар ва кимёвий моддалар» ҳақидаги маъруzasида «прекурсор» тушунчаси қўлланилади ва қўйидаги мазмундаги изоҳ берилади: «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонунний айланмасига қарши кураш тўғрисидаги 1988 йил Конвенциясида I жадвал ва II жадвалга киритилган ҳар қандай моддани ифодалаш учун «прекурсор» атамаси қўлланилади, фақатгина контекстта асосан бошқа ибора қўллаш талаб қилинган ҳоллар бундан истисно. Улар асосий кимёвий моддалар, қоила бўйича, прекурсорлар ёки асосий кимёвий моддалар сифатида белгиланади». 1988 йил Конвенциясида бундай моддаларни ифодалаш учун ҳеч қандай атама қўлланилмади. Бунинг ўрнига Конвенцияда «гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонунний тайёрлаша ишлатиладиган» моддаларнинг ҳаммасини амалиётда оддий «прекурсор» сўзи билан ифодалай бошланди. Техник нуқтаи назардан бу атама нотўғри бўлмаса ҳам, Қўмита қулай бўлиши учун ўз маъруzasида ундан фойдаланишга қарор қилди. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонунний айланмаси муаммолари ҳақидаги чет эл ўкув-методик ва бошқа адабиётларни ўқиганда матнларда учрайдиган «прекурсор» атамасига эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарур. Гап шундаки, у турли хил маънога эга бўлиши мумкин: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонунний айланмасига қарши кураш ҳақидаги 1988 йил Конвенциясининг I Жадвал ва II Жадвалига киритилган ҳамма кимёвий моддалар ҳам, фақат I Жадвалга киритилган моддалар ҳам худди шундай. Масалан, матнда «прекурсорлар, реагентлар, эритувчилар» каби сўз бирикмалари тез-тез учрайди. Ўзбекистонда «прекурсорлар» атамасини қўллаш 2000 йил 1 январдан кучга кирган «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғриси»ги Қонун билан мустаҳкамланган.

Келтирилган таърифга асосан қўйидагича хulosा қилиш мумкин.

1. Халқаро рўйхатга олишида «прекурсор» атамасини, бу ҳақда олдиндан изоҳ бериб, прекурсор деганда «гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунний тайёрлаша ишлатиладиган моддалар» ёки «БМТ нинг 1988 йил Конвенцияси I Жадвали ва II Жадвалига киритилган моддалар» тушунилади, деб тушуниш мумкин.

## **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йил Конвенцияси асосида назоратта олинган прекурсорлар рўйхати**

### **I-жадвал**

Н-ацетилантранил кислотаси  
Эфедрин  
Эргометрин  
Эрготамин  
Изосафрол  
Лизергин кислотаси  
3,4-метилендиоксифенил-  
2-пропанон  
Фенил-2-пропанон  
Приперональ  
Псевдоэфедрин  
Сафрол

### **2-жадвал**

Сирка ангидриди  
Ацетон  
Антранил кислотаси  
Этил эфир  
Хлорид кислотаси  
Метилэтилкетон  
Фенилсирка кислотаси  
Пиперидин  
Калий перманганат  
Сульфат кислотаси  
Толуол

2. Халқаро ҳужжатларда «прекурсор» атамасидан ҳеч қандай изоҳларсиз қонунга мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Наркотикларни синтез қилишдаги функционал хусусиятлар асосида прекурсорлар таркибидан қуидаги кимёвий моддалар гурухларини ажратиш мумкин: дастлабки кимёвий моддалар, реагентлар, эритувчиликлар.

### **8.2. Дастлабки кимёвий моддалар**

**Дастлабки кимёвий моддалар** – кимёвий маҳсулотни синтезлашда спецефик роль ўйнайдиган моддалар бўлиб, улар наркотик молекуласининг асосий таркибий қисми ҳисобланади ва маълум даражада унинг тузилишини белгилайди.

Бундай моддаларга қуидагилар киради:

- антранил кислотаси;
- ацетилантранил кислотаси;
- изосафрол;
- лизергин кислотаси;
- Н-метилэфедрин;
- 3,4 метилендиоксифенил-2-пропанон;
- норпсевдоэфедрин;
- пиперидин;
- пиперональ;
- псевдоэфедрин;
- сафрол;
- фенилпропаноламин;
- фенилсирка кислотаси;
- эргометрин;
- эрготамин;
- эфедрин;

### **8.3. Реагентлар**

**Реагентлар** – кимёвий реакцияларни ўтказишида ва наркотикларга дастлабки моддаларни трансформациялашда ишлатиладиган ҳамда ҳосил бўладиган наркотик молекуласининг кичик қисмини ташкил этадиган кимёвий моддалардир.

Қоидага кўра, улар оксидловчи ва қайтарувчи ҳисобланади, ўзида кислота ва ишқор хусусиятини сақлайди. Реагентларга, шунингдек, гарчи улар наркотик молекуласининг қисмини ташкил этмаса ҳам, баъзи катализаторлар ҳам киради. Бундай моддаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сирка кислота ангидриди;
- қизил фосфор;
- калий перманганат;
- сульфат кислотаси, унинг тузларини истисно қилганда;
- ҳлорид кислотаси, унинг тузларини истисно қилганда.

### **8.4. Эритувчилар**

**Эритувчилар** – органик тавсифга эга бўлган, суюқ консистенцияли моддалар бўлиб, улар дастлабки моддалар ва реагентларни экстракциялаш, шунингдек, кимёвий реакцияларни тезлаштиришида ишлатилиади:

- |           |                   |
|-----------|-------------------|
| – ацетон; | – метилэтилкетон; |
| – толуол; | – эфир.           |

### **8.5. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни яширин равиша тайёрлашда ишлатиладиган кимёвий моддалар рўйхати**

Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний тайёрлашда ишлатиладиган кимёвий моддалар рўйхати биринчи марта БМТ нинг гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш ҳақидаги 1988 йил Конвенциясида аниқланган ва мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси миллий назорати остида турувчи кимёвий моддалар рўйхатини тузиш тартиби «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонун асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида назоратга тегишли «Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида» Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 293-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу Қарорнинг IV рўйхатига алфавит тартибида 26 та кимёвий модда киритилди:

**Ўзбекистон Республикасида муомаласи чекланган  
прекурсорлар рўйхати**

	<b>ТН ВЭД коди</b>
1. Антранил кислота	292249300
2. N-ацетилантранил кислота	292429900
3. Ацетон	291411000
4. Изосафрол	293290
5. Қизил фосфор	280470000
6. Лизергин кислота	293960000
7. Метилэтилкетон	291412000
8. 3,4-Метилендиоксифенил-2-пропанон	293290
9. Калий перманганат	284160000
10. Пиперидин	293339900
11. Пиперональ	293290
12. Пропион ангидрид	291550000
13. Псевдоэфедрин	293940000
14. Сафрол	293290
15. Сульфат кислота, унинг тузларини қўшмаган ҳолда	280700100
16. Хлорид кислота, унинг тузларини қўшмаган ҳолда	280610000
17. Толуол	290230900
18. Эфедрин сақлаган эфедра ўти	121190900
19. Сирка ангидрид	291524000
20. Фенил-2-пропанон	291430000
21. Фенилпропаноламин	292219000
22. Фенилсирка кислота	291633000
23. Эргометрин	293960000
24. Эрготамин	293960000
25. Этил эфир	290911000
26. Эфедрин	293940000

Бу рўйхатга: биринчидан, БМТ гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш ҳақидаги 1988 йил Конвенциясининг I Жадвали ва II Жадвалига киритилган 24 та кимёвий модданинг барчаси киритилди;

иккинчидан, қизил фосфор, метилэфедрин каби моддалар қўшимча равишда киритилди.

Бу рўйхат юридик кучга ва тавсиянома характеристига эга эмас, бироқ ушбу рўйхатдаги қизил фосфор, норпсевдоэфедрин ва фенилпропаноламин каби моддалар Ўзбекистонда назоратта олинган

гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг IV рўйхатига киритилган.


## **8.6. Асосий гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний тайёрлашда ишлатиладиган кимёвий моддалар**

Исталган турдаги гиёхвандлик воситаси ёки психотроп моддани тайёрлашда, тайёрлаш усулига боғлиқ бўлмаган ҳолда, уларнинг дастлабки моддалари – ўтмишдошлиаридан қатор кимёвий реакциялар натижасида охирги маҳсулот олинади. Олиниш усулига боғлиқ ҳолда гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар қўйидаги асосий группаларга киритилиши мумкин (*жадвал*).

Ярим синтетик бирикмалар (кокаин, героин ва бошқалар) – улар дастлабки ўсимлик материалларни маълум кетма-кетликлар кимёвий қайта ишлаш йўли билан олинади. Булар Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларда назорат қилинадиган наркотиклар – аналоглар (ўхшаши) бўлиб, лаборатория шароитиданазорат қилинадиган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кимёвий жиҳатдан бироз ўзгартириши йўли билан олинади:

– синтетик бирикмалар (МДА (б-метил-3,4-(метилендиокси) фенетиламин), МDMA ((±)-N-б-диметил-3,4-(метилендиокси) фенетиламин), амфетамин, финциклемин ва бошқалар) – улар лаборатория шароитида табиий материаллар ишлатмасдан, кимёвий синтез йўли билан олинади.

### **Прекурсор моддалари ҳамда гиёхвандлик воситаларининг олиниш схемаси**



**Гиёхвандлик воситаларини синтез қилишдаги функционал  
хусусиятлари асосида прекурсорларнинг гурухларга ажратилиши**

Дастреки кимёвий моддалар	Реагентлар	Эритувчилар
антранил кислотаси ацетилантранил кислотаси изосафрол лизергин кислотаси N-метилэфедрин 3,4 метилендиоксифенил 2-пропанон эротамин норпсевдоэфедрин пиперидин эфедрин пиперональ псевдоэфедрин сафрол фенилпропаноламин фенилсирка кислотаси эррометрин	сульфат кислотаси хлорид кислотаси сирка кислота ангидриди кизил фосфоркалий permanganat	ацетон метилэтил кетон толуол этилэфир

**8.7. Үсимлик хомашесидан яширин тарзда ярим синтетик  
гиёхвандлик воситалари тайёрлашда кимёвий моддалардан  
фойдаланиш**

Агар гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг пайдо бўлиши ва улардан фойдаланиш тарихига мурожаат қилинса, бунда бошлангич босқичда үсимликлардан олинадиган гиёхвандлик воситаларигина эмас, балки таркибида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган үсимликларнинг ўзи хам, шунингдек, үсимликинг турли қисмларидан ҳам фойдаланилади.

Бундай үсимликларга: наша, кўкнор, эфедра, кока бутаси, Пейот кактуси ва қўзиқоринларнинг психоцин ва психоцибин сақловчи мева таначалари киради.

Бу гиёхвандлик воситаларини олиш ўша вактда жуда содда ва осон эди ва қўрсатилган үсимликлар ўсадиган жойлардагина амалга оширилади.

Кўп ҳолларда уларни ўстириш ва урчишига зарурият бўлмай, фақат табиий муҳитда ўстан үсимлик ёки унинг қисмларини териб олиш билан кифояланилган.

Маълумки, юқорида кўрсатиб ўтилган усуслар кимёвий синтезга нисбатан оддийроқ ва арzonроқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, замонавий қишлоқ хўжалик усуслари ва ген мұхандислигидан фойдаланиб, нашанинг турли навларини чатишириш ҳисобига тетрагидраканнабинол (ТГК) концентрациясини 10% гача ошириш муынлиги ҳакидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

Кокаин каби гиёхвандлик воситаларини яширин равища тайёрлашда турли кимёвий моддалардан янада интенсивроқ фойдаланилмоқда. Кокаин – Жанубий Америка давлатлари, асосан, Перу ва Боливияда кўп етиштириладиган Жанубий Америка кока бутаси барглари таркибидағи алкалоид. Кока бутаси баргларидан туб ер тоғли районлари аҳолиси иш қобилиягини оширувчи ва очлик ҳиссини йўқотувчи восита сифатида фойдаланадилар. Ўсимлик таркибида 0,5–1,0% кокаин бор.

Асосан сульфат тузи ҳолида сотиладиган кокаин тайёрлаш уч босқичда амалга оширилади.

Кокаин олишнинг келтирилган усули прекурсорларнинг деярли барча турлари: эритувчилар, реагентлар ва асосий қўшимча кимёвий моддалар қатнашалигандан бу жараён ниҳоятда мураккаб эканлигини кўрсатади.

Яширин равища героин тайёрлаш жараёни ҳам жуда мураккаб ҳисобланади, лекин уни ҳосил қилишда талаб қилинадиган кимёвий моддалар – прекурсорлар миқдори кокаин тайёрлашдагига нисбатан бирмунча камроқ.

Опий кўкнорининг бошчаларидан анъанавий йўл билан сиқиб олинган сут шарбатидан героин ёки диацетилморфин ҳосил қилинади (*Papaver Somniferum*).

Битта кўкнори бошидан таркибида асосий алколоид – морфин бўлган 0,02–0,05 г миқдоридаги опий хомашёси олинади.


Қоидага кўра, героинни ноқонуний синтезлаш уч босқичда амалга оширилади:

- а) Опий хомашёсидан морфин асосни экстракциялаш;
- б) Морфин асосидан героин асос ҳосил қилиши;
- с) Героин асосдан героин гидрохлорид ҳосил қилиши.


Куйила ноқонуний героин тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган кимёвий моддаларни кўрсатувчи жадвал келтирилган.

Кўрсатилганидек, героин тайёрлашида опий кўкнориси ўсимлик хомашёси ҳисобланади.

**Кокайн гидрохлориднинг  
олиниш схемаси**




**Героин гидрохлориднинг  
олиниш схемаси**




**Сирка кислота ангидриди**

Ангидрид уксусной кислоты  
Acetic anhydride



*Молекуляр формуласи*



*Синонимлари:* ацетил оксид, ацетик оксид, сирка ангидриди

*Халқаро номи:* acetic acid anhydride; acetic oxide; ethanoic anhydride; acetyl oxide; acetyl anhydride; acetyl ether; ethanoic anhydrate

*TH ВЭД коди:* 291524000

*Физик-химөвий хоссалари*

*Тасвирланиши:* ўзига хос қучли сирка кислота ҳидли, рангсиз суюқлик. Концентранган сирка ангидрид хона ҳароратида парчаланиб кетади.  $t_{\text{кин}}$  = 140°C

*Ноқонунный муомалада:* сирка кислота ангидриди героин синтезида асосий прекурсор ҳисобланади. Шунингдек, кокаин, первитин, метаквалон, N-ацетилантранил кислота ва 1-фенил-2-пропанон синтезида ишлатилади.

*Қонунний муомалада:* сирка кислота ангидриди ацетат целлюоза, полиметилакриламид, портловчи моддалар, бүёқ ва азобүёқ олишда, фармацевтик дорилар ва бошқаларни тайёрлашда құлланылади.

*Огохлантириши:*

- металлар коррозиясига олиб келади;
- буғлары күз, томоқ ва бурунни яллиглантиради;
- түрли моддалар билан ўзаро реакцияга киришиши мумкин;
- сув ёки пар билан шиддатли реакцияга киришади.

*Сақлаш ва ишлатиши тартиби:*

- қуруқ, ёнғиндан хавфсиз жойда сақланади;
- полиэтилен ёки зангламайдын контейнерларда сақланади;
- оксидловчилардан, кучли асос ва спиртлардан алоҳида;
- гулхандан асраш керак, чекилмасин;
- яхши шамоллатиладын хонада, тяга остида очиш керак ёки респиратордан фойдаланиши лозим;
- ҳимоя кийимларини, күзойнак, құлқоп кийиш керак, юзни асраш керак.

*Экспресс тағлил:* сирка кислота ангидридини бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи 23а реагентини (100 мл метанолда 10 г гидроксиламин гидрохlorиди эритилади); сұнг 23 в реагентидан 3 томчи (100 мл метанолда 0,5 г уч валентлик темир хлориди эритилади) құшилади ва 1 томчи сув құшилади.

## **Натыжа:**

Ранги кизғишидан күк-қызылғача үзгарса, сирка кислота ангидриди борлигини тасдиқлады.

## **Иловა:**

Таркибида бошқа қарбон кислоталари бўлса, бошқа ранг ҳосил бўлиши мумкин.

## **Антранил кислотаси**

Антраниловая кислота

Anthranilic acid

Молекуляр формуласи:

$C_7H_7NO_2$      $H_2N-C_6H_5-COOH$

Синонимлари: орто-аминобензой кислотаси, 1-амино-2-карбоксиленбензол, витамин L1, 2-аминобензой кислота, орто-карбоксианилин.

Халқаро номи: carboxyaniline; aminobenzoic acid; 1-amino-2-carboxybenzene; o-anthrаниlic acid; o-carboxyaniline; vitamin L; vitamin L1.

TH ВЭД коди: 292249300

Физик-кимёвий хоссалари:

Тасвирланиши: оқ ёки сарғимтири, шириң таъмли кристалл порошок.

Этрувчанлиги: сувда, спиртда, эфирда, бензолда, сирка кислотасида, ишқорларда ва минерал кислоталарда эрийди.  $t_{спек}$  = 144–145°C.

Ноқонуний муомалада: метаквалон ва N-ацетил-антранил кислотаси ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Қонуний муомалада: парфюмерия учун хушбўй ҳилли моддалар, бўйқоллар тайёрлашда қўлланилади. Асосан органик синтезда қўлланилади.

Огоҳлантириши:

— одам организмни учун заарли;

— кўз ва нафас органларини яллиғлантиради.

Сақлаш ва ишлатиш тартиби:


— ёпиқ идишларда, куруқ, салқин жойда сақлаш керак;

— яхши шамолланадиган хонада, тяга остида очиш керак ёки респиратордан фойдаланиш лозим;

— ҳимоя кийимларини, кўзойнак, қўлқоп кийиш керак, юзни ҳимоялаш керак;

— кўз ва терига тушишидан асраш керак.

Экспресс таҳлили:



*Эрлих тести:* антранил кислотасини бир томчисини буюм ойнасига томизиб, икки томчи реагент билан (10 мл метанолда 1 г 4-диметиламинбензальдегидни эритиб, эхтиёткорлик билан 10 мл концентранган ортофосфор кислотаси құшиб арашаширилади.

**Натыжа:**

қызил ранг ҳосил бўлса, антранил кислота борлигини тасдиқлайди.

**Илова:**

саркибда бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёхвандлик воситалари, прекурсорлар бўлса ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

*Симон тести:* антранил кислотасининг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи 12 а реагенти билан (90 мл сувда 0,9 г натрий нитропруссид эритиб, 10 мл ацетальдегид қўшилади) арашаширилади ва икки томчи реагент 12 в (100 мл сувда 2 г натрий карбонати эритилади) қўшилади.

**Натыжа:**

сариқ-яшил рангга ўтувчи сариқ ранг ҳосил бўлса, антранил кислотаси борлигини тасдиқлайди.

**Илова:**

таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёхвандлик воситалари, прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

**N-ацетилантранил кислотаси**

N-ацетилантраниловая кислота

N-acetylanthranilic acid

*Молекуляр формуласи:*

$\text{CH}_3\text{COONH-C}_6\text{H}_4\text{-COOH}$

*Синонимлари:* орто-амилобензой кислота, 2-ацетамидобензойная кислота.


*Халқаро номи:* Benzoic acid, 2-(acetylamino)-; N-acetyl-o-aminobenzoic acid, o-acetamidobenzoic acid.

*TH ВЭД коди:* 292429

*Физик-химёвий хоссалари:*

*Тасвирланиши:* оқ ёки сарғимтирип ранги ширин мазали кристалл куқун.

*Эрүвчанлиги:* сувда, спиртда, бензолда эфирда, сирка кислотаси, ишқорлар ва минерал кислоталарда эрийди.  $t_{\text{спло}}$  = 185°C.



**Ноқонуний мұомалада:** метаквалон ва меклоквалон ишлаб чиқарышида ишлатилади.

**Қонуший мұомалада:** пластмасса, бүек ва хүшбүй моддалар ишлаб чиқарышда оралық маңсулоти булиб, асосан нозик органик синтезда күлланилади.

**Огохлантириш:**

- одам организми учун заарлы.

**Сақлаш ва ишлатиш тартиби:**

— яхши беркитилгән идишларда, совуқ, қуруқ җавода сақтаниши лозим;

— яхши шамолланадиган хонада, тяга остида очиши керак ёки респиратордан фойдаланиши лозим;

— ҳимоя кийимларини, күзойнак, құлқоп кийиш керак, юзни ҳимоялаши лозим;

— күз ва терига тушишидан асраш керак;

**Экспресс тағлили:**

**Әрліх тести:** N-ацетилантранил кислотасини бир томчисини буюм ойнасига томизиб, иккى томчи 20 реагенти билан (10 мл метанолда 1 г. 4-диметиламинбензальдегидни эритиб, эхтиёткорлик билан 10 мл. концентрантланган ортофосфор кислотасини құшилади) арапаштирилади.

**Натижә:**

лимон-сариқ ранг ҳосил булиши N-ацетилантранил кислотаси борлигини тасдиқлайды.

**Илова:**

реагент 20 ранги сариқ бұлғаны учун тест натижасыда пайдо булған сариқ рангни реагент ранги билан солишлириш керак («назорат тест»).

— буюм ойнасининг иккінчи томонига бир томчи реагент 20 томизилади.

— N-ацетилантранил кислотасига ҳосил бұлған рангни реагент 20 ранги билан солишлирилади.



Ҳосил бұлған ранг реагент 20 рангидан кескин фарқ қылса, аж-ралиганда N-ацетилантранил кислотасига үтказилған тестнинг натижаси ижобий деб ҳисобланади.

Текширилаётган моддага реагент 20 құшишдан олдин бир томчи 24а реагент (100 мл сувда 8 г натрий гидроксида эритилади, 2н натрий гидроксид эритмаси) құшилса қызил-оловранг ранг пайдо булади (антранил кислотаси ҳосил бұлған учун).

## *Ацетон*

Acetone

Молекуляр формуласы:



Синонимлари: диметилкетон, диметилформальдегид, в-кетопропан, пироацетик эфир, 2-пропанон.

Халқаро номи: Dimethyl ketone, methyl keton, 2-propanone, ketone рөргөре.

ТН ВЭД коди: 291411000.

Физик-химөвий хоссалари

Тасварланиши: рангсиз, ўзига хос ўткир ҳидли суюқлик.  
 $t_{\text{кин.}} = 56^\circ\text{C}$ .

Поконунный муюмалада: ацетон — героин, кокаин, фенметразин, диазепам, первитин, ЛСД, МДА ва ТМА лар ишлаб чиқаришда эритувчи сифатида ишлатиласиди.

Қонунний муюмалада: пластмасса, мойловчи материаллар, ёғли мой, мум, смола, резина ва лаклар ишлаб чиқаришда, косметика, парфюмерияда, қышлоқ хұжалығи маңсұлтларини қайта ишлапша шунингдек, экстракция ва башқа кимөвий жараёнларда ишлатиласиди. Шу билан бир қаторда, майший хизматда кийимларни тозалашыда, косметикада (лакларни тозалашыда), тиббиётда анатомик ва гистологик лабораторияларда құлланиласиди. Саноатда ишлатиласидиган күпгина эритувчилар таркибиға киради.

Огохлантириш:

— тез алангаланувчи суюқлик;  
— бүглари күз ва терини яллиглантиради;  
— одам организми учун заарлы бош оғриғи, бош айланиши ва қайт қилиш каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

Сақлаш ва ишлатыш тартиби:

— ёпиқ идишларда,  $15^\circ\text{C}$  дан юқори бўлмаган ҳароратда сақланади;  
— яхши шамолланадиган жойда идишларла, гулхан, учкундан узоқда сақлаш керак;  
— оксидловчилардан алоҳида сақлаш лозим;  
— гулхандан асраш керак, чекилмасин;  
— яхши шамолланадиган хонада, тяга остида очиш керак ёки респиратордан фойдаланиш лозим;  
— ҳимоя кийимларини, құзайнак, құлқоп кийиш керак, юзни ҳимоялаш керак.

### **Экспресс таҳлили:**

А: ацетоннинг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, икки томчи 24 а реагентини(100 мл сувда 8 г натрий гидроксида эритилади, 2 н натрий гидроксид эритмаси); сўнг 24 в реагентидан 2 томчи (100 мл сувда 1 г натрий нитропруссиди эритилади) қўшилади.

### **Натижা:**

Олов ранг ҳосил бўлиши ацетон борлигини тасдиқлайди.

### **Илова:**

Таркибида бошқа метилкетонлар бўлса, реакция натижаси ўхшаш бўлиши мумкин.

В: ацетоннинг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи 15 а реагентини(100 мл метанолда 1 г. 1,3-динитробензол эритилади,); сўнг 15 в реагентидан 1 томчи (100 мл. сувда 15 г калий гидроксида эритилади) қўшилади.

### **Натижা:**

Қизғиш ранг ҳосил бўлиб, унинг қизил рангга ўзгариши ацетон борлигини тасдиқлайди.

### **Илова:**

таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалари, прекурсорлар бўлса ўхшаш ранг ҳосил бўлиши мумкин.

## **Изосафрол**

Isosafrole

Молекуляр формуласи:

C<sub>10</sub>H<sub>12</sub>O<sub>2</sub>

Синонимлари: 3,4-метилендиоксипропилбензол; 1,2-(метилендиокси) -4— пропилбензол; 5-(1-пропенил)-1,3-бензодиоксол.


Халқаро номи: 5-(l-propenyl)-1,3-benzodioxole; isosafrole (cis-, trans-mixture); 1,2-(methylenedioxy)-4-propenylbenzene; 3,4-methylenedioxy-1-propenylbenzene; 4-propenylcatechol methylene ether; 4-propenyl-1,2-methylenedioxybenzene.

TH ВЭД коди:293290700

Физик-химёвий хоссаси:

Тасвирланиши: рангсиз, ёғсимон, нафис ҳидли суюқлик. Қиздирилганда парчаланади, реакция ўювчан тутун ва газ чиқиши билан боради. t<sub>вспом.</sub>=253°C.

Ноқонунний муомалада: МДА, МDMA, МДЕ ёки N-гидрокси-МДА ишлаб чиқаришда ишлатилиади.



*Қонуний муюмалада:* парфюмерия саноатида ва органик синтезда ишлатилади.

*Огохлантиши:*

- одам организмим учун заарли;
- қабул қылғанда заҳарли;
- тажриба маълумотлари бўйича, канцероген модда ҳисобланади ва ўсмалар ҳосил бўлишига олиб келади;
- терини таъсирантиради;
- изосафрол парчалангунча қиздирилганда ўткир ҳидли газлар ажрапади.

*Сақлаш ва ишлатиш тартиби:*

- совуқда ва ёруғлик тушмайдиган жойда сақланади;
- яхши шамоллатиладиган хонада, тяга остида очиш керак ёки респиратордан фойдаланиш лозим;
- ҳимоя кийимларини, кўзойнак, қўлқоп кийиш керак, юзни ҳимоялаш лозим.

*Экспресс таҳлили:*

**A. Марки реакцияси.**

— Икки томчи текширилувчи эритмани буюм ойналасига томизиб, устига бир томчи Марки реагентидан қўшилса, оч қизғиш ранг ҳосил бўлиши, изосафрол борлигини тасдиклайди.

— В. Галли кислотаси билан тест. Бир томчи модда пробиркага солиниб, устига бир томчи Галли реагенти солинади. Натижа: қизил, сўнгра қизғиш-жигаррангта ўтиши, моддани борлигини тасдиклайди.

**Марки реакцияси.**

Изосафрол эритмасининг бир томчисини буюм ойнаслига томизиб, бир томчи реагент Ia билан (10 мл метанолда 1 г 4-диметила-минбензальдегидни эритиб, эҳтиёткорлик билан 10 мл концентранган ортофосфор кислотаси қўшилади) аралаштирилади ва Iв реагентини 3 томчисини қўшамиз.

**Натижа:**

Тўқ қизил ранг ҳосил бўлиши изосафрол борлигини тасдиқлайди.

**Иловा:**

Таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалар /прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

Галли тести.

Изосафрол эритмасининг бир томчисини пробиркага қўйиб, бир томчи реагент 14 билан (100 г. концентранган сульфат кислотасида 0,5 г. галли кислотаси эритилади) аралаштирилади.

**Натижа:**

Эритманинг қизил рангдан қизғиш-жигарранга ўтиши изосафрол борлигини тасдиқлайди.

**Илова:**

Таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшашиб бўлиши мумкин.

**Қизил фосфор**

Фосфор красный

Phosphorus red

*Кимёвий формуласи:*

P

*Синонимлари:* маълум эмас.

*TНВЭД коди:* 280470000

*Физик-кимёвий хоссалари:*

*Тасвирланиши:* кукунсимон модда, ранги қизилдан бинафша ранг-гача бўлади. Ёпиқ идишда суюқ оқ фосфорни 250–260°C гача қиздирилганда ҳосил бўлади.

*Ноқонуний муомалада:* перветин ишлаб чиқаришда ишлатилиди.

*Қонуний муомалада:* ҳарбий қуроллар ҳамда пиротехник воситалар, шунингдек, гугурт, ўғитлар, тиш настаси, кир ювиш воситалар ва инсектицидлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Метилметакрилат смолоси олишда, ёғ ва ёқилғиларга коррозиянинг олдини олувчи восита сифатида қўлланилади.

**Экспресс таҳлили:**

қизил фосфор моддасининг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи магнезиал аралашмасидан (магнезий сульфат гидроксид аммоний билан аралаштирилади) қўшилади.

**Натижа:**

оқ кристалл чўкма пайдо бўлиши қизил фосфор борлигини тасдиқлайди.

**Илова:**

таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшашиб бўлиши мумкин.

Қизил фосфор мөлдәнинг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи реагент (аммоний молибдат нитрат кислотаси билан аралаштирилди) құшилади.

### Натика:

Сарық чүкма пайдо бўлиши қизил фосфор борлигини тасдиқлайди.

### Илова:

Таркибида бошқа назорат остида бўлган ва назоратда бўлмаган гиёхвандлик воситалар /прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

### Лизергин кислотаси

Лизергиновая кислота

Lysergic acid

Молекуляр формуласи:  $C_{16}H_{16}N_2O_2$

Синонимлари: 9, 10-дигидро-6-метилерголин-8-карбоксил кислота.

Халқаро номи: 9,10-didehydro-6-methylergoline-8-carboxylic acid; D-lysergic acid hydrate.

TH ВЭД коди: 293960000

Физик-химёвий хоссалари:

Тасвирланиши: оқ рангли кристалл модда.  $t_{\text{спог}}$  = 238°C (парчаланиш билан боради).

Ноқонунүй муюмалада: ЛСД синтезида ишлатилади.

Қонунүй муюмалада: кимёвий, микробиологик, фармацевтика саноатида органик синтезда ишлатилади.

Огоҳлантиши:

— юқори токсикликка эга;

— одам организми учун заҳарли, диарея, чанқоқ, алаҳұлаш ва ҳушдан кетиш каби ҳолатларни юзага келтиради.

Сақлаш ва ишлатиш тартиби:


— зич ёпиладиган идиопта, совук, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлаш;

— яхши шамоллатиладиган хонада, тяга остида очиш керак ёки респиратордан фойдаланиш лозим;

— ҳимоя кийимларини, құзойнак, құлқоп кийиш керак, юзни ҳимоялаш керак.

— күз ва терига тушишидан асраш керак.

Экспресс таҳлили:



**Эрлих тести:** лизергин кислотаси эритмасининг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, икки томчи реагент 20 билан (10 мл метанолда 1 г. 4-диметиламинбензальдегидни эритиб, эҳтиёткорлик билан 10 мл. концентранган ортофосфор кислотаси қўшилади) аралаштирилади.

### **Натижа:**

Сиёхранг ҳосил бўлиши лизергин кислотаси борлигини тасдиқлайди.

### **Илова:**

Таркибда бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалар /прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

### **N-метилэфедрин**

N-methylephedrine

Молекуляр формуласи:

C<sub>11</sub>H<sub>17</sub>NO

Синонимлари: -[1-(диметиламино) этил]бензоялметанол, -[1-(диметиламино) этил] бензил спирт, метилэфедрин, N-метил-эфедрин, 2-диметиламино-1-фенилпропанол, N, N-диметилнорэфедрин.

TH ВЭД коди: 93940000.

Физик-кимёвий хоссаси:

Тасвиirlаниши: оқ кристалл ёки гранула ҳолида учрайди.

Эрувчанлиги: сувда, спиртда ва эфирда эрийди.  $t_{\text{спок}} = 86-87^{\circ}\text{C}$

Ноқонуний муомалада: N, N-диметиламфетамин синтезида ишлатилиади.

Қонуний муомалада: кимё, фармацевтика саноатида органик синтезда ишлатилиади.


Экспресс таҳлили:

N-метилэфедининг бир томчини буюм ойнасига томизиб, икки томчи 25 а реагенти билан (сирка кислотасини 1% сувли эритмаси) аралаштирилади, сўнг 2 томчи реагент 25 в (100 мл. сувда 1 г мис сульфати (П) эритилади) қўшиб, икки томчи реагент 25 с (100 мл сувда 8 г натрий гидроксили эритилади, 2 н натрий гидроксид эритмаси) қўшилади.

### **Натижа:**

Сиёхранг N-метилэфедрин борлигини тасдиқлайди.

### **Илова:**





таркибда бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёхвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаши бўлиши мумкин.

### **3,4-Метилендиоксифенил-2-пропанон**

3,4-Methylendioxyphenylaceton

Молекуляр формуласи:



Синонимлари: 3,4-метилендиоксифенилпропан-2-он; 3,4-метилдиок-сифенилацетон; 3,4-метилендиоксибензилметилкетон; пиперонилметилкетон; 1,3-бензодиоксол-5-ил-пропан-2-он; ацетонилбензол; метилпиперонилкетон; метилен-диоксибензил-метилкетон; ПМК.

Халқаро номи: piperonylmethylketon; 3,4-methylenedioxophenylacetone; 3,4-methylenedioxophenylmethylketone; 3,4-methylenedioxophenylpropan-2-one.

ТН ВЭД коди: 293290700

Физик-кимёвий хоссаси:

Тасвирланиши: рангиз ёки оч сариқ суюқлик, кучсиз ҳидли.

Эрувчалиги: кўтгина органик эритувчиларда эрийди, сувда эри-майди.  $t_{\text{сув}} = 120-122^{\circ}\text{C}$

Ноёнунний муомалада: МДА, МДМА, МДЕ ёки N-гидрокси-МДА синтезида ишлатилади.

Қонунний муомалада: органик синтезда лаборатория реагенти сифатида, парфюмерия саноатида ишлатилади.

Огоҳлантириши:

— кўз ва терини яллилантиради.

Сақлаша ва ишлатиш тартиби:

— зангламайдиган контейнерларда ёки узоқ сақлашни таъмин-лайдиган қопламли контейнерларда сақланади;

— узоқ муддат сақлаш ва ташиш учун пўлат контейнерлар яроқ-лидир;

— яхши шамолланадиган хонада, тяга остида очиш керак ёки респиратордан фойдаланиш лозим;

— ҳимоя кийимларини, кўзойнак, қўлқоп кийиш керак, юзни ҳимоялаш лозим.

Экспресс таҳлили:

Марки реакцияси.

3,4-метилендиоксифенил-2-пропанон эритмасининг бир томчини буюм ойнасига томизиб, бир томчи реагент 1а билан (10 мл музли сирка кислотасига 8–10 томчи (тахминан 0,25 мл) 37% формальдегид эритмаси қўшилади) аралаштирилади ва 3 томчи 1в реагентни (концентранган сульфат кислотаси) қўшилади.

**Натижা:**

қизишижигарранг пайдо бўлиши 3,4-метилендиоксифенил-2-пропанон борлигини тасдиқлайди.

**Иловга:**

таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалар /прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

Галли кислотаси билан тест.

3,4-метилендиоксифенил-2-пропанон эритмасининг бир томчини пробиркага қўйиб, бир томчи реагент 14 билан (100 г концентранган сульфат кислотасида 0,5 г галли кислотаси эритилади) аралаштирилади.

**Натижা:**

жигарранг пайдо бўлиши 3,4-метилендиоксифенил-2-пропанон борлигини тасдиқлайди.

**Иловга:**

таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

**Метилэтилкетон**



Methylethylketone

Молекуляр формуласи:

$\text{CH}_3\text{COCH}_2\text{CH}_3$

Синонимлари: этилметилкетон; 2-бутанон; 3-бутанон; бутанон; 2-оксибутан; МЕК; метилацетон; ацетонэрзац; MEETCO; метилэтилацетон; метилоэтилкетон; кетобутил.

Халқаро номи: MEK; 2-butanone; methylethylketon.

ТН ВЭД коди: 291412000

Физик-кимёвий хоссаси

Тасвириланиши: рангиз тиник, ацетон ҳидли суюқлик.

Этрувчанилиги: сувда ва кўпгина органик эритувчиларда эрийди  $t_{\text{кин}} = 80^\circ\text{C}$ .

*Ноқонунүй муюмалада:* кокайн ва первитин ишлаб чиқаришида фойдаланилади.

*Қонунүй муюмалада:* чарм маҳсулотлари, физиологик фаол моддалар, юпқа қофоз, типография бүйкелари, алюминийли фольга, лаклар, табиий ва синтетик резиналар, мойловчи маҳсулотларни олиши да эритувчи сифатида ишлатылади.

*Огохлантиши:*

- осон алантанади;
- терини, күз, бурун шиллик пардаларини ялтиглантиради;
- одам организми учун заҳарли, ҳидланганда бош отригини, бош айланишини ва қайт қилишни көлтириб чиқаради (ацетондан күра камроқ заҳарли).

*Сақлаш ва ишлатыш тартиби:*

- ёпиқ идишларда, 15°C дан юқори бүлмаган ҳароратда сақланади;
- яхши шамолланадиган жойда, иситиш манбаларидан, учкун ва алантадан узоқроқда жойлашган контейнерларда сақланади;
- оксидловчилардан алоҳида сақланади;
- гулхандан ва учкундан ҳимоялаш керак, чекмаслик керак;
- яхши шамолланадиган хонада, тяға остида очиш керак ёки респиратордан фойдаланиш лозим;
- ҳимоя кийимларини, күзойнак, құлқоп кийиш керак, юзни ҳимоялаш лозим.

*Экспресс таҳлили:*

Нитропруссид натрий билан реакцияси: — буюм ойналасига оз микдорда моддадан томизилиб, устига иккى томчи реагентдан күшилса, сарғыш-қызил ранг ҳосил булиши метилэтилкетон борлигини тасдиклайди.

А: бир томчи метилэтилкетон буюм ойнаслига томизилиб, иккى томчи реагент 24 а билан (100 мл сувда 8 г. натрий гидроксиди эритилади, 2 н натрий гидроксид эритмаси) аралаштирилади; сүнг 24 в реагентидан 2 томчи (100 мл. сувда 1 г натрий нитропруссиди эритилади) күшилади.

*Натижә:*

Қызыл-оловранг пайдо булиши метилэтилкетон борлигини тасдиклайди.

*Иловә:*

Таркибида бошқа метилкетонлар бүлса ранги үхшаш булиши мүмкін.

В: Метилэтилкетоннинг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи 15 а реагентини (100 мл метанолда 1 г 1,3-динитробензол эритилади,); сұнг 15 в реагентидан 1 томчи (100 мл. сувда 15 г калий гидроксиди эритилади) құшилади.


### Натыжа:

Пуштиранг найдо булиши метилэтилкетон борлигини тасдиқлайди.

### Июва:

Таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бұлмаган гиёхвандлик воситалари/прекурсорлар бұлса, ранги үхашаш булиши мүмкін.

### Нортсевдоэфедрин



Nor-Pseudoephedrine

Молекуляр формуласы:

C<sub>9</sub>H<sub>13</sub>NO

Синонимлари: катин, D-нортсевдоэфедрин, псевдонорэфедрин, трео-1-фенил-гидрокси-1-фенилпропан, трео-2-амино-1-гидрокси-1-фенил-пропан.

Халқаро номи: D-norisoephedrine, (+)-norpseudoephedrine, D-threo-2-amino-1-hydroxy-1-phenylpropane, norpseudoephedrine, phenylpropanolamine, 2-amino-1-propanol, 98%

TH ВЭД коди: 293940000

Физик-кимёвий хоссасы.

Тасвирланиши: пластиңка қуринишидаги, призма шаклидаги кристалл модда.  $t_{\text{сух}} = 78^{\circ}\text{C}$

Ноқонуний муомалада: амфетамин ва 4-метиламинорекс синтезида ишлатилади.

Қонуний муомалада: аналитик лаборатория ишларида, тиббиётда анорексиген ва спазмолитик восита сифатида ишлатилади.

Экспресс таҳлили: псевдоэфедрин эритмасининг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, иккى томчи 25а реагенти билан (сирка кислотасини 1% сувли эритмаси) аралаштирамиз, сұнг 2 томчи реагент 25 в (100 мл сувда 1 г мис сульфати (II) эритилади) құшиб, иккى томчи реагент 25 с (100 мл сувда 8 г натрий гидроксиди эритилади, 2 н натрий гидроксид эритмаси) құшилади.

### Натыжа:

Сиёхранг псевдоэфедрин борлигини тасдиқлайди.

## *Илова:*

Таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган тиёхвандлик воситалар /прескурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

### **Калий перманганат**

Potassium permanganate

Перманганат калия

*Синонимлари:* перманганат кислотасининг калийли тузи, хамелеон минерал (АҚШ)

*Халқаро номи:* Potassium permanganate

*TH ВЭД коди:* 284160000

*Физик-кимёвий хоссалари.*

*Тасвирланиши:* тўқ-бинафиша рангли, ромб шаклидаги кристалл, ҳидсиз, ширин буруштирувчи таъмли.

*Эрувчалиги:* сувда, спиртда, сирка кислотада ва ацетонда эрийди.

*Парчаланиш ҳарорати:*  $t_{\text{пар.}} = 240^{\circ}\text{C}$  суюқланмасдан кислород чиқиши билан парчаланади.

*Ноқонуний муомалада:* Кокаин ишлаб чиқаришда ва амфетамин турӯҳи препаратларини эфедриндан олишда ишлатилади.

*Қонуний муомалада:* органик синтезда оксидловчи сифатида, тиббиётда ва ветеринарияда дезинфекцияловчи модда сифатида, фотографияда реактив сифатида, бундан ташқари, резина, мум, мой, пахта, мойловчи материаллар, матолар ишлаб чиқаришда, бўёқлар, минерал сувлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

#### *Огоҳлантириши:*

- органик ёки бошқа оксидловчи моддалар билан эритма ёки куруқ ҳолда таъсирангандан портлаш вужудга келиши мумкин.


#### *Сақлаш ва ишлатиш тартиби:*

- очиқ ҳаво алмашадиган жойлари бўлган, атроф-муҳит ҳароратидан яхши ихоталанган контейнерларда (шиша идиш ва бочкаларда) сақланади;

- органик эритувчиларга тегицидан сақланниш керак;

#### *Экспресс таҳлили:*

Перманганат калийни аниқлаш тести: буюм ойначасига оз миқдорда текширилувчи модда, сўнг бир томчи реактивдан (8 г калий гидрооксидини 100 мл сувда эритилган эритмаси) қўшилганда қизғиши ранг ҳосил бўлиши модданинг борлигини тасдиқлади.



## **Пиперонал**

Пиперональ

Piperonal

Молекуляр фурмуласи:

C<sub>8</sub>H<sub>6</sub>O<sub>3</sub>

Синонимлари: пирокатехин альдегидининг метилен эфири, 3,4-метилендиоксибензальдегиди, пиперонилальдегид, гелиотропин.

Халқаро номи: heliotropine, 1,3-benzodioxole-5-carboxaldehyde; 3,4-dihydroxybenzaldehyde methylene ketal, 3,4-(methylenedioxy) benzaldehyde; methylenedioxy procatechuic aldehyde; protocatechuic aldehyde methylene ether; piperonyl aldehyde.

ТН ВЭД коди: 293290700

Физик-кимёвий хоссаси:

Тасвирланиши: нинасимон рангсиз кристаллар бўлиб, тул ҳиди сезилиб туради.

Эрувчанлиги: спиртда, эфирда ва бензолда эрийди, сувда кам эрийди.  $t_{\text{спун.}} = 36-37^{\circ}\text{C}$

Ноқонуний муомалада: МДА, МDMA, МДЕ ёки N-гидрокси-МДА синтезида ишлатилади.

Қонуний муомалада: хўжалик совуни ишлаб чиқаришда, парфюмерияда косметик восита сифатида ишлатилади.

Огоҳлантириши:

- одам организмни учун заҳарли ва интраперитал юборилганда мұтталил заҳарли;
- марказий нерв системасига депрессик таъсир күрсатиш мүмкін;
- терини яллиғлантиради;
- иссиқдик таъсирида ёки очиқ алантгала ёнали;
- оксидловчилар билан ұзаро таъсирлашиши мүмкін.


Сақлаш ва ишлатиш тартиби:

- совуқ жойда, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақланади;
- тяга остида ишланади;
- ҳимоя құлқоплари, ниқоб ва күзойнаклар кийилади;
- күз ва терига тушишидан эхтиёт бўлиш керак;
- модда билан ишлагандаги овқатланмаслик, ичмаслик, чекмаслик керак.

Экспресс таҳлили:

Марки реакцияси.

Пиперонал эритмасининг бир томчинини буюм ойнасига томизиб, бир томчи реагент 1а билан (10 мл музли сирка кислотасига



8–10 томчи (таксинан 0,25 мл) 37% формальдегид эритмасини құшилады) аралаштириләди ва 3 томчи 1 в реагентни (концентранттан сульфат кислотаси) құшилады.

### Натыжа:

Лимон-сариқ ранг пайдо бүлини пиперональ борлигини тас-диқлады.

### Илова:

Таркибида боңқа назорат остига олинган ва назоратда бұлмаган гиёхвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

### *Пиперидин*

Piperidine

Молекуляр формуласи:

C<sub>5</sub>H<sub>11</sub>N

Синонимлари: гексагидропиридин, циклопентилин, гексазан, центаметиленамин

Халқаро номи: hexahydropyridine; pentamethyleneimine; azacyclohexane; cyclopentimine; cypentil; hexazan.

TH ВЭД коди: 2933339100

Физик-кимёвий хоссаси.

Тасвирланиши: рангсиз ёки оч сариқ ёнүвчан суюқлик. Қалампир ҳидлы, ушлаганда совунсимон.

Әрүччанлиги: Сувда кам эрийди. Күпгина органик эритувчиларда эрийди.  $t_{\text{приз.}} = -9^{\circ}\text{C}$ .  $t_{\text{кин.}} = 106^{\circ}\text{C}$

Ноқонуний муомалада: фенциклидин, геноциклидин ва МДА синтезида ишлатиласы.

Қонуний муомалада: дори моддалар синтезида, реагент ва кимёвий лаборатория эритувчилари сифатини текширишда, пластмасса ва резина материаллари ишлаб чиқаришда, мойловчи мойлар компонентлари сифатини текширишда ишлатиласы.

Огохлантириши:

- осон алантанади;
- коррозиялаш хусусиятларига эга;
- одам организми учун заҳарли.

Сақлаш ва ишлатиш тартиби:

— маҳкам ёпилған контейнерларда совуқ ва ёнғиндан хавфсиз жойда сақланади;



- оксидловчи ва кислоталардан алоҳида сақтанади;
- яхши шамолланадиган жойда, ҳимоя кийимларида ва респираторлар билан ишланади;
- ҳимоя қўлқоплари, ниқоб ва кўзойнаклар кийилади.

*Экспресс таҳлили:*

Симон тести.

Пиперидиннинг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи реагент 12 а билан (90 мл сувда 0,9 г натрий нитропруссид эритиб, 10 мл ацетальъальдегид қўшилади) аралаштирилади.

**Натижаси:**

тўқ кўк ранг ҳосил бўлиши пиперидин борлигини тасдиқлайди.

*Илова:*

таркибда бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалар /прекурсорлар бўлса, ранги ўхаш бўлиши мумкин.

### **Псевдоэфедрин**

Pseudoephedrine

*Молекуляр формуласи.*

C<sub>10</sub>H<sub>15</sub>N<sub>0</sub>

C<sub>6</sub>H<sub>5</sub>CH(OH)CH(NHCH<sub>3</sub>)CH<sub>3</sub>

*Синонимлари:* α-[1-(метиламина)этил]-бензенеметанол, 2-метиламина-1-фенил-1-пропанол, 1-фенил-1-гидрокси-2-метиламино-пропанол, α-гидрокси β-метиламинопропилбензол, α-[1-(метиламина)этил] бензил спирти.

*Халқаро номи:* (+)-α-(1-methylaminoethyl)benzyl alcohol, (1R, 2R)-(-)-pseudoephedrine, (+)-2-methylamino-1-phenyl-propan-1-ol, (+)-pseudoephedrine.

*ТИ ВЭД коди:* 293940000


*Физик-кимёвий хоссаси:*

*Тасвирланиши:* кристалл молда.

*Эрувчанлиги:* сувда, сиртда ва эфирда эрийди. t<sub>кукс.</sub> = 117–119°C, гидрохлорид тузи t<sub>кукс.</sub> = 182°C да.

*Ноқонуний муомалада:* амфетамин қатори наркотиклари, первитин ва фенмстразин синтезида ишлатилади.

*Қонуний муомалада:* фармацевтик дори воситаси сифатида: allegra-D, actifed W, afrenol, bayfedrin, benylin, bromfed – DX, bromphéril, cenafed, corphed, decofed, disophrol, dorcol, drixoral plus, isoclor, myphetane DX, neofed, novafed, pedia care, pseudogest,



repetabs, resporal, seldan, semprex — D, sinufed, sudrin, sufedrin, triacin-C, trilitron, trinalin, triprolidine.

### Огоҳлантириш:

- назорат остига олинган психотроп моддалар рўйхатига кири-  
тилган бўлиб, одам организми учун ножўя таъсирга эга;
- тери ва кўзга тушишидан эҳтиёт бўлиш керак.

### Сақлаш ва ишлатиш тартиби:

- маҳкам беркитилган, ёруғлик нури тушмайдиган жойда сақ-  
ланади;

- тяга тагида ишланади;
- ҳимоя қўлқоплари, ниқоб ва қўзойнаклар кийилади;
- кўз ва терига тушишидан эҳтиёт бўлиш керак;
- модда билан ишлаганда овқатланмаслик, ичмаслик, чекмас-  
лик керак.

### Экспресс таҳлили:

Псевдоэфедрин эритмасининг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, икки томчи 25 а реагенти билан (сирка кислотасини 1% сувли эритмаси) аралаштирилди, сўнг 2 томчи реагент 25 в (100 мл сувда 1 г мис сульфати (II) эритилади) қўшиб, икки томчи реагент 25 с (100 мл сувда 8 г натрий гидроксиди эритилади, 2 н натрий гидроксид эритмаси) қўшилди.

### Натижা:

сиёҳранг псевдоэфедрин борлигини тасдиқлади.

### Илова:

еаркибида бошқа назоратда бўлган ва назоратда бўлмаган гиёҳ-  
вандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшашиб бўлиши мум-  
кин.

### Сафрол.


Safrole.

Молекуляр формуласи:

$C_{10}H_{10}O_2$

Синонимлари: 3,4-метилендиоксиаллилбензол, 4-аллилпиракате-  
хин метилент эфири, 5-(2 – пропенил)-1,3-метилендиоксибензол,  
4-аллил-1,2-метилендиоксибензол, аллилкатехинметилен эфири.

Халқаро номи: 1,2-methylenedioxy-4-allylbenzene; 4-allyl-procatecol;  
rhyuno; safrene; 5-(2-propenyl)-1,3-benzodioxole; 4-allyl-1,2-  
(methylenedioxy)-benzene; 3,4-methylenedioxy-allylbenzene; 5-allyl-1,3-  
benzodioxole; 4-allylcatechol methylene ether; 1-allyl-3,4-



methyleneedioxybenzene; m-allylpyrocatechin methylene ether; 4-allylpyrocatechol formaldehyde acetal; 4-allylpyrocatechol methylene ether; shikimole; rhyuno oil; safrole mf; shikomol; 3-allyl-1,2-(methylenedioxy)benzene; benzodioxole.

**ТИ ВЭД коди:** 293290700

**Физик-химёвий хоссаси.**

**Тасварланиши:** рангсиз ёки оч сарғыш рангли, хушбүй ҳидри суюқлик.  $t_{\text{алтн}}$ =236°C.

**Ноқонундий муюмалада:** МДА, МДМА, МДЕ ёки N-гидрокси-МДА синтезида ишлатилади.

**Қонундий муюмалада:** атир совун ишлаб чиқаришда, парфюмеријада, шунингдек, пиперанол синтезида ишлатилади.

**Огохлантириши:**

— одам организмига тушганда мұтадил зақарланишга олиб келади;

— парентерал йүл билан қабул қилинганда зақарли;

— тажриба маылумотларига күра, канцероген ҳисобланади ва үсмалар ҳосил булишига олиб келади;

— терини яллиғлантиради;

— иссиқтік таъсирида очиқ алғангада ёниб кетали;

— изосафрол парчаланишигача қиздирилганда үткир тутун ажралиб чиқади.

**Экспресс таҳлили:**

Марки реакцияси.

Сафролнинг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи реагент 1а билан (10 мл музли сирка кислотасига 8–10 томчи (таксминан 0,25 мл) 37% формальдегид эритмасини құшилади) аралаشتырилади ва 3 томчи 1в реагентни (концентранган сульфат кислотаси) құшилади.

**Натижә:**

Түқ қизил рангта үтадиган түқ күк ранг ҳосил булиши сафрол борлигини тасдиқлайди.

**Илова:**

Таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёхвандлик воситалар /прекурсорлар бўлса, ранги үхашаш булиши мумкин.

Галли кислотаси билан тест.

Сафролнинг бир томчисини пробиркага солиб, бир томчи реагент 14 билан (100 г концентранган сульфат кислотасида 0,5 г галли кислотаси эритилади) аралаشتырилади.

## **Натижә:**

түк қизғиши-жигаррангта ўтадиган жигарранг ҳосил бўлиши саф-рол борлигини тасдиқлайди.

## **Илова:**

таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёхвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшашибўлиши мумкин.


### **Сульфат кислота**

Серная кислота

Sulfuric acid

Молекуляр формуласи:

$H_2SO_4$



**Синонимлари:** водород сульфат, сульфоводород кислота, купорос мойи, олеум.

**Халқаро номи:** sulfuric acid; oil of vitriol; BOU; dipping acid; vitriol brown oil; sulfuric; acid mist; hydrogen sulfate; sulfur acid.

**ТН ВЭД коди:** 280700100

**Физик-химёвий хоссаси.**

**Тасвирланиши:** рангсиз, тиниқ, мойсимон ва жуда агрессив суюқлик. Ўткир ҳидли.

**Эрувчанилиги:** сув ва спирт билан яхши аралашади, иссиқлик чиқади.

**Қайнаш ҳарорати:** концентрациясига қараб, қайнаш ҳарорати  $t_{\text{кайн.}} = 45^{\circ}\text{C}$  дан  $332^{\circ}\text{C}$  гача.

**Кристалланиш ҳарорати:** концентрациясига қараб –  $65^{\circ}\text{C}$  дан  $+17^{\circ}\text{C}$  гача

**Ноқонуний муомалада:** фенметразин, метилфенидат, первитин, мескалин, диазепам, кокайн, хлордиазепоксид, амфетамин, метаквалон, МДА, лизергин кислота ва 1 – фенил – 2 – пропанон ишлаб чиқаришда реагент сифатида ишлатилиди.

**Қонуний муомалада:** минерал кислота ва тузлар, барча органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, портловчи, гангитувчи молдалар, текстил саноатида, терини қайта ишлаш ва бошқа кўпчилик ишлаб чиқариш соҳаларида ишлатилиди. Автомобиль аккумуляторларида кенг кўлланилади.

## **Огоҳлантириш:**

- одам организмни учун заҳарли;
- организмнинг тўқималарини емиради;

— сув ва бүг билан реакцияга киришганда иссиқлик ажралиб чиқаради.

#### *Сақлаш ва ишлатыш тартиби:*

— шиша ва бошқа инерт материаллардан тайёрланган герметик контейнерларда (имкон даражасида бузилишга чидамли қутиларда) сақланади;

— реагентлар ва ишқорларни қайтарувчи ёнувчан моддалардан алоҳида сақланади;

— алоҳида шамоллатиладиган хоналарда сақланади;

— тяға остида, ҳимоя кийимлари ва респираторда ишлаш керак;

— ҳимоя құлқоплари, ниқоб ва құзойнаклар кийилади;

— әдем қандай шароитда сувни сульфат кислотага құшманг. Су-юлтиришида доимо секин-асталик билан сувни аралаштириб тұрган ҳолда құшилади.

#### *Экспресс таҳлили:*

##### *Кислоталик тести.*

Пробиркага 5 томчи сув солинади. Эхтиёткорлик билан бир томчи сульфат кислотаси құшилади. Эритманинг бир томчисини томизғич ёрдамида нейтрал лакмус қофозига үтказилади.

##### *Натижә:*

Индикатор қофози қызыл рангга үзгариши кислота борлигини тасдиқлайды.

##### *Илова:*

РН-индикатор қофозининг ва тасмаларининг ( $\text{pH } 0\text{--}14$  диапазонда бұлған) бошқа турларини ишлатса ҳам бұлади.

##### *Сульфат тести.*

Пробиркага 5 томчи сув солинади. Эхтиёткорлик билан бир томчи сульфат кислотаси құшилади. Бир томчи реагент 29 (100 мл. сувда 5 г. барий хлорид дигидрати эритилади) құшилади.

##### *Натижә:*

Оқ чўкма сульфат кислотаси борлигини тасдиқлайды.

##### *Илова:*

таркибида бошқа сульфатлар бұлса, реакция үхашаш үтади.

## ***Хлорид кислота***

Соляная кислота

Hydrochloric acid.

*Кимёвий формуласи:*

HCl

**Синонимлари:** водород хлорид кислотаси, водород хлорид, водород хлорид сувли эритмаси.

**Халқаро номи:** Hydrochloric acid

**ТН ВЭД коди:** 280610000

**Физик-химёвий хоссаси.**

**Тасвирланиши:** рангиз ёки оч сариқ рангли, ўткір хлор ҳидри суюқпик. Агар таркибіда ёт моддалар бўлса, сарғиш – яшил рангда бўлади.

**Эрувчанлиги:** сув ва спирт билан яхши аралашади.  $t_{\text{кийн}} = 108^{\circ}\text{C}$ .

**Ноқонунй мұомалада:** Псилоцин, фентразин, ролициклидин, фенциклидин, циклогексамин, метилфенидат, метилфентанил, метиламинорекс, метиламин, метаквалон, метадон, мескалин, гидроморфон, фторфентанил, фентанил, диметилтриптамин, диметилоксиамфетамин, дизилтритпамин, диазепам, кокаин, хлордиазепоксид, барбитуратлар амфетамин, тетрагидроканабинол, ЛСД, ДОБ, МДА, ТМА, СТП ишлаб чиқаришда реагент сифатида ишлатилади.

**Конуний мұомалада:** металл хлоридлари ва аммоний хлорид олишда, металл сиртларини, идиш ва қувурларни тозалашда, синтетик смолалар, каучук, резина, хлорвинил ва бошқа органик бирикмаларни гидрохлорлаш маҳсулотларни олишда ишлатилади.

**Огохлантиши:**

- кучли коррозиялаш хусусиятига эга;
- бүгләри күз, нафас органлари ва шиллиқ қаватларини ялғылантиради;
- кучли таъсири натижасида үнкада шишлилар пайдо бўлади.

**Сақлаш ва ишлатиш тартиби:**

- шиша ёки бошқа инерт материаллардан тайёрланган терметик контейнерларда  $30^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳароратда сақланади;
- оксидловчи ва ишқорлардан алоҳида сақланади;
- тяга остида, ҳимоя кийимлари ва респираторда ишлаш керак;
- ҳимоя қўлқонлари, ниқоб ва кўзойнаклар кийилади;

**Экспресс таҳлили:**

Кислоталик тести.

Пробиркага 5 томчи сув солинади. Эҳтиёткорлик билан бир томчи хлорид кислотаси қўшилади. Эритманинг бир томчисини томизғич ёрдамида нейтрагл лакмус қофозига томизилади.

**Натижка:**

индикатор когозининг қизил рангта ўзгариши кислота борлигини тасдиқлайди. Индикатор қоғозининг сиёҳранга ўзгариши эрготамин борлигини тасдиқлайди.

### **Илова:**

рН-индикатор қоғозининг ва тасмаларининг (рН 0—14 диапонда бўлган) бошқа турларини ишлатса ҳам бўлади.

### **Хлоридлар тести**

Пробиркага 5 томчи сув солинади. Эҳтиёткорлик билан бир томчи хлорид кислотаси қўшилади. Бир томчи реагент 27 (100 мл. сувда 1,7 г. кумуш нитрати эритилади) қўшилади.

### **Натижа:**

Оқ сузмасимон чўкма хлорид кислотасини тасдиқлайди.

### **Илова:**

Таркибда бошқа хлоридлар бўлса, реакция ўхшашиб тагдилади.

### **Толуол**

Toluol

*Молекуляр формуласи*

C<sub>7</sub>H<sub>8</sub>



*Синонимлари:* Метилбензол, метацид, толуен, фенилметан.

*Халқаро номи:* Toluol, toluol, phenylmethane, methylbenzol, methyl – benzene, monomethyl benzene, methacide, tolu – sol, antisal la, tol.

*TH ВЭД коди:* 290230

*Физик-кимёвий хоссаси.*

*Тасвирланиши:* ёнувчан, ҳаракатчан рангсиз суюқлик, бензолга ўхшашиб ҳидни эслатади.

*Эрувчанилиги:* спирт, хлороформ, этил эфири, бензол, сирка кислота билан яхши аралашади. Сувда ёмон эрийди.  $t_{\text{кайн}} = 111^{\circ}\text{C}$ .

*Ноқонуний муомалада:* Теноциклидин, психоцин, ролициклидин, фенциклидин, метилфенидат, 3-метилфентанил,  $\alpha$ -метилфентанил, метаквалон, метадон, n-фторментанил, фентанил, кокаин ва 1-фенил-2-пропанонлар ишлаб чиқаришда эритувчи сифатида ишлатилади.

*Қонуний муомалада:* Капролактан ишлаб чиқаришда кимёвий хомашё сифатида, анилинбуёқ ва фармацевтик амалиётида ишлатилади. Пластмасса, смола, лаклар, типография бўёғи ва резина ишлаб чиқаришда эритувчи сифатида ишлатилади. Тиббиёт амалиётида патологоанатомик ва гистологик лабораторияда ишлатилади.

### **Огоҳлантириши:**

— осон алангалаанди;

— одам организмни учун зақарли ва нафас олганда уртача токсиктікка эга;

— ортиқча миқдорини ҳидлаб юборғанда бош оғриғи, күнгил айнаши, мувозанаттинг бузилиши ва реакцияларнинг секинлаши-ши күзатиласы;

— тери ва күзни күчли яллиғлантиради;

— тажриба маълумотларига кўра, тератоген таъсирга эга, мутагенлик ҳақида маълумотлар бор;

— күчли оксидловчилар таъсирига эга бўлган моддалардан узоқроқда сақланиши зарур.

#### *Сақлаш ва ишлатиш тартиби:*

— ёнгиндан хавфсиз жойда герметик контейнерларда сақла-нали;

— оксидловчилардан алоҳида сақланади;

— очиқ алангана, учқундан сақлаш керак, чекилмасин;

— тяга остида, ҳимоя кийимлари ва респираторда ишлаш керак;

— ҳимоя қўлқоплари ва кўзойнаклар кийилади;

#### *Экспресс таҳлили:*

##### *Марки реакцияси*

Толуолнинг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи реагент 1а билан (10 мл музли сирка кислотасига 8–10 томчи (таксиминан, 0,25 мл) 37% формальдегид эритмаси қўшилади) аралаштирилади ва 3 томчи 1в реагентни (концентранган сульфат кислота си) қўшилади.

#### *Натижা:*

оловранг-қизил ранг пайдо бўлиши толуол борлитини тасдиқлайди.

#### *Иловга:*

таркибида бошқа назорат остига олинган ва назоратда бўлмаган гиёхвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшашиб бўлиши мумкин.


#### *Фенилсирка кислота.*

Фенилуксус кислота.

Phenylacetic acid

Молекуляр формуласи.

Синонимлари: бензосирка кислота,  $\alpha$ -толуил кислота, 1-толуокислота, фенилэтан кислота, ФАА.



*Халқаро номи:* alpha-toluic acid benzeneacetic acid, 2-phenylacetic acid, α-toluic acid.

*ТН ВЭД коди:* 291633000.

*Физик-химёвий хоссаси.*

*Тасвирланиши:* Рангсиз товланувчи игнасимон кристалл, ёқимсиз үткір ҳидга эга.

*Әрювчанлиги:* спиртда, эфирда ва бошқа органик әритувларда әрийди, иссиқ сувда әрийди, совуқ сувда кам әрийди.  $t_{\text{суюқ}} = 76^{\circ}\text{дан} 77^{\circ}\text{C}$  гача. Қайнаш ҳарорати:  $266^{\circ}\text{C}$ .

*Ноқонуний муомалада:* амфетамин, первитин, фентамин ва 1-фенил-2-пропанонлар синтезида ишлатилади.

*Қонуний муомалада:* парфюмерия саноатида, гербесцил тайёрлашда, фармацевтик ашёлар, озиқ-овқат саноатида ҳид берувчи восита сифатида ишлатилади (асал таъмини беради).

*Огохлантириш:*

- парентерал, тери орқали ва интраперитонал қабул қилганда үртака заҳарликка эга;
- тажриба маълумотларига кўра, тератоген модда ҳисобланади;
- иссиқлик таъсирида ва очиқ аланга таъсирида ёнади;
- қиздирилганда үткір тутун чиқади.

*Сақлаш ва ишлатиш тартиби:*

- рангли шиша идишларда қуруқ ва совуқ жойда сақланади;
- тяға остида ишланади;
- ҳимоя құлқоплари, никоб ва құзойнаклар кийилади;
- тери ва құзга тушишидан эҳтиёт бўлиш керак;

*Экспресс таҳлили:*

Марки реакцияси

Фенилсирка кислота әритмасининг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи реагент Ia билан (10 мл метанолда 1 г 4-диметиламинбензальдегидни әритиб, эҳтиёткорлик билан 10 мл концентранган ортофосфор кислотаси қўшилади) аралаштирилади, ва 1 в реагентининг 3 томчиси қўшилади.

*Натижা:*

сариқ ранг ҳосил бўлиб, унинг яшил рангга ўтиши фенилсирка кислотаси борлигини тасдиқлайди.

*Иловा:*

таркибида бошқа назоратда бўлган ва назоратда бўлмаган ги-ёхандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

## **Фенилпропаноламин**

Phenylpropanolamin

Молекуляр формуласи

C<sub>9</sub>H<sub>13</sub>NO

Синонимлари:  $\alpha$ -(1-аминоэтил)-бензолметанол, *d*,*l*-норэфедрин,  $\alpha$ -гидрокси-*Г*-аминопропилбензол,  $\alpha$ -(1-аминоэтил)-бензол спирти.

Халқаро номи: (-)-phenylpropanolamin, 2-amino-1-phenyl-1-propanol, [1R,2S]-[+]-norefedrin, [2R,1S]-[+]-norefedrin.

TH ВЭД коди: 290890900.

Физик-кимёвий хоссаси.

Тасвирланиши: бензой кислота ҳидини эслатувчи кристалл модда. Күпинча гидрохлорид тузи ҳолда чиқарилади.  $t_{\text{суюк}} = 194^{\circ}\text{C}$  (HCl тузи)

Ноқонуний муомалада: амфетамин, 4-метиаминорекс ва фенметразин синтезида ишлатилади.

Қонуний муомалада: тиббиётда офтальмологик препарат сифатида, томирларни кенгайтирувчи ва иштахани пасайтирувчи восита сифатида құлланилади. Органиқ синтезда реагент сифатида ишлатилади.

## **1-Фенил-2-пропанон**

(Phenyl-2-propanone)

Молекуляр формуласи:

C<sub>9</sub>H<sub>10</sub>O

Синонимлари: фенилацетон, бензилметилкетон, метилбензилкетон, гидрокорик кетон, БМК, МБК, Ф2П.

Халқаро номи: phenylacetone; benzylmethylketone; 1-phenyl-2-propanone; P2P.

TH ВЭД коди: 291430000



Физик-кимёвий хоссаси.

Тасвирланиши: тиниқ қовушқоқ суюқлик.  $t_{\text{қайдын}} = 214^{\circ}\text{C}$ .

Ноқонуний муомалада: амфетамин ва первитин ишлаб чиқаришида ишлатилади.

Қонуний муомалада: препараттар ишлаб чиқаришида, амфетамин ва пропилтексидин сақловчы воситалар органик синтезида, парфюмерия саноатида ишлатилади.

Оғохлантириши:



- осон алангаланади;
- тери ва күзни таъсирлантарида.

**Сақлаш ва ишлатиш тартиби:**

- маҳкам беркитилган контейнерларда қуруқ ва ёргулик тушмайдиган жойларда сақланади;
- аланга, учқундан сақлаш керак, чекилмасин;
- яхши шамоллатиладиган жойда, ҳимоя кийимлари ва респитаторда ишлаш керак;
- ҳимоя қўлқоплари ва кўзойнаклар кийилади.

**Экспресс таҳлили:**

Марки реакцияси

1-фенил-2-пропаноннинг бир томчисини буюм ойнасига томизиб, бир томчи реагент билан (10 мл музли сирка кислотасига 8–10 томчи (таксминан 0,25 мл) 37% формальдегид эритмасини қўшилади) аралаштирилади ва 3 томчи реагент концентранган сульфат кислота қўшилади.

**Натижаси:**

қизил-оловранг ҳосил бўлиши 1-фенил-2-пропанон борлигини гасдиқлайди.


**Иловаси:**

таркибда бошқа назоратда бўлган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшашиб бўлиши мумкин.

### Эргометрин

Ergometrine

Молекуляр формуласи:



Синонимлари: декстролизергин кислота, эргоновин, лево-2-пропаноламин.

Халқаро номи: ergonovine; 9,10-didehydro-N-(2-hydroxy-1-methylethyl)-6-methylergoline-8-carboxamide.


ТН ВЭД коди: 293960000.

Физик-кимёвий хоссаси.

Тасвирланиши: оқ кристалл модда. Қуёш нурида парчаланиб, қорайиб қолади.

Суюқланиш ҳарорати:  $t_{\text{熔}} = 159\text{--}163^{\circ}\text{C}$ .

Ноқонуний муомалада: ЛСД ишлаб чиқаришда ишлатилади.



**Қонуний муомалада:** фармацевтика саноатында дори воситаларини ишлаб чиқаришда құлтанилади.

**Огохлантириши:**

- одам организмінде заңарлы;
- парентерал қабул қылғанда қайт қилиш, диарея, чанқаш, довдираш ва ҳүшдан кетиш ҳолатлары юз беради;
- қоракуя билан касалланған донларни ютиб юборса, сурункали заңарланиш юз беради.

**Сақлаш ва ишлатыш тартиби:**

- оғзи маңқамланған идишларда, қүёш нури туширайдиган, қурук, шамоллатиладиган хоналарда, 2–8°C ҳароратда сақланади;
- яхши шамолланадиган жойда, тяга остида очиш керак ёки респираторда ишланып керак;
- ұмоя кийимлари, құлқонлари ва күзойнәкклар кийилади, юзни ұмоялаш лозим;
- күз ва терига тегишидан әхтиёт булиш керак.

**Экспресс тағдилі:**

Әрлих тесті.

Эргометрин эритмасидан бир томчисини буюм ойнасига томизиб, иккі томчи реагент 20 билан (10 мл метанолда 1 г 4-диметила-минбензальдегидни эритиб, әхтиёткорлик билан 10 мл. концентранган ортофосфор кислотаси құшилади) аралаштирилади.

**Натижә:**

Сиёхран ұсил булиши эргометрин борлигини тасдиқлайды.

**Иловა:**

таркибида бошқа назоратда бұлған ва назоратда бұлмаган гиёх-вандлик воситалар /прекурсорлар бұлса, ранги үхшаш булиши мүмкін.


### Эрготамин

Ergotamine

Молекуляр формуласи:

C<sub>33</sub>H<sub>35</sub>N<sub>5</sub>O<sub>5</sub>

Синонимлари: 12-гидрокси-2-метил-5-α-(фенилметил)-эрготаман-3,6,18-трион, 5-бензил-12-гидрокси-2-метилэрготаман-3,6,18-трион, эрготаман-3,6,18-трион, 12-гидрокси-2-метил-5(фенилметил), эргот, эргам, эргат, эргомар, эрготамин битартрат,



эрготамин тартрат, эрготартрат, этин, эксмигра, фемергин, готамин тартрат, гинерген, лингрен, неоэргоцин, ригетамин, секагин, секупан.

*Халқаро номи:* 12'-hydroxy-2'-methyl-5'-(phenylmethyl)ergotaman-3',6',18-trione; bellergal; bellergal spacetabs; casergot; ergodryl; graverol; megral.

*ТН ВЭД коди:* 293960000.

*Физик-кимёвий хоссаси.*

*Тасвирланиши:* оқ рангли майды кристалл модда. Ҳавода ва қүш нурида қораяди.  $t_{\text{спущ}}$  = 213–214 °C.

*Ноқонуний муомалада:* ЛСД синтезида құлланилади.

*Қонуний муомалада:* Фармацевтика ва медицинада ишлатилади. Биологик фаол модда сифатида препараттар таркибига киради:

*Огохлантириши:*

- одам организмі учун зақарлы;
- парентерал қабул қылғанда қайт қилиш, диарея, чанқаш, үзини іүқотиб қўйиш ва ҳушдан кетиш ҳолатлари юз беради;
- қоракуя билан касалланган доннларни ютиб юборса, сурункали зақарланиш юз беради.

*Сақлаш ва ишлатиш тартиби:*

- оғзи маҳкамланган, ёруғлик түшмайдиган, қурук, шамоллана-диган, 2–8°C ҳароратда сақланади;
- яхши шамоллатиладиган жойда, тяга остида очиш керак ёки респираторда ишлаш керак;
- ҳимоя кийимлари, құлқоплари ва күзойнаклар кийилади, юзни асраш керак;
- күз ва терига тегишидан қочиш керак.

*Экспресс таҳили:*

Әрлих тести.

Эрготамин эритмасидан бир томчисини буюм ойнасига томизиб, икки томчи реагент 20 билан (10 мл метанолда 1 г 4-диметиламинбензальдегидни эритиб, эҳтиёткорлик билан 10 мл концентрланган ортофосфор кислотасини құшилади) аралаштирилади.


*Натижә:*

сиёхранг ҳосил бўлиши эрготамин борлигини тасдиқлайди.

*Илова:*


таркибида бошқа назоратда бўлган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

## **Этил эфири**



## **Этиловый эфир.**

Ethyl ether



**Синонимлари:** Диэтил эфири, этоксиэтан, эфир, анестетик эфир, этилоксид, этилдиоксид, этил оксида, диэтилоксиди, 1,1-оксибутан, сульфат кислота эфири, наркоз учун эфир, диэтил оксида, 1,1-оксибисэтан.

**Халқаро номи:** ethyl ether; diethyl ether; ether.

**ТН ВЭД коди:** 290911000.

**Физик-химёвий хоссаси.**

**Тасварланиши:** рангсиз ҳаракатчан, учувчан суюқлик. Ўзига хос ўткир ҳидди ва спецефик таъмга эга. Тез алангаланувчан, оксидла-ниши натижасида портлаши мумкин.

**Эрувчанлиги:** спиртда, бензолда, ёғларда эрувчан. Сувда ўртача эрийди.  $t_{\text{кид}} = 34^\circ\text{C}$ . Алангаланиш ҳарорати:  $t_{\text{лан}} = 180^\circ\text{C}$ .

**Ноқонуний муомалада:** теноциклидин, психоцин, первитин, ро-лициклидин, фенциклидин, метилфенидат, 3-метилфентанин, ме-таквалон, метадон, меклоквалон, мескалин, п-фторфентанил, фен-тразин, фентанил, циклогексамин, кокаин, лизергин кислотаси, гидроморфон, гашин мойи, героин, диметилтриптамин, диметок-сиамфетамин, диэтил-триптамин, диазепам, хлордиазепоксид, ам-фетамин, ТМА, СТП, МДА, ЛСД, ДОБ ва 1-фенил-2-пропанон-ларни ишлаб чиқаришда ишлатилади.

**Қонуний муомалада:** пластмасса ва ҳарбий аслача ишлаб чиқа-ришда ишлатилади. Ёғ, мум, мой, хушбүй сувлар, смола, бүёқ ва алколоидлар олишда экстракцияловчи суюқлик ёки эритувчи си-фатида ишлатилади. Техник спиртларга нохуш ҳид ва маза бериш учун қўлланилади. Дизел двигателларининг статор ёнилғисига қўши-лади. Хирургияда умумий анестетик сифатида ишлатилади.

## **Огоҳлантириш:**

- жуда осон алангаланади;

- портловчи пероксидларни ҳосил қилиш мумкин;

нафас олганда кучсиз токсикликка, одам организми учун заҳар-ли ўртача токсикликка эга;

терини ва кўзни кучли таъсиrlантиради.

## **Сақлаш ва ишлатиш тартиби:**

— қаттиқ маҳкамланган контейнерларда яхши шамолланадиган, совуқ, қоронгу, ёнгиндан хавфсиз жойда сақланади;

- оксидловчилардан асраш керак;
- алантогадан узоқда сақланади – чекилмасин;
- сув қувурларига қойилмасин;
- электр токидан ұмояланиш чоралари күрилсін;
- яхши шамолланадиган жойда, тяга остида очиши керак ёки респираторда иштеш керак;
- ұмоя кийимлари, құлқоптар ва құзойнаклар кийилади, юзни асраш керак.

### *Экспресс таҳлили:*

хавфсизлик чораси сифатида этил эфири билан фақат лаборатория шароитида тест үтказилади.

Етил эфирға үхшаш бўлган барча моддалар эҳтиёткорлик билан таҳлил учун лабораторияга юборилади.

### **Эфедрин**

Ephedrine

Молекуляр формуласи:

$C_{10}H_{15}NO$

**Синонимлари:** Эритро-1-фенил-2-метиламинопропанол,  $\alpha$ -[1-(метиламино) этил]-бензилметанол,  $\alpha$ -[1-(метиламино) этил] бензил спирти, 2-метиламино-1-фенил-1-пропанол, 1-фенил-1-гидрокси-2-метиламинопропанол, 1-фенил-2-метиламино пропанол,  $\alpha$ -гидрокси-Г-метиламино-пропилбензол.

**Халқаро номи:** (-)-ephedrine; L-erythro-2-(methylamino)-1-phenylpropan-1-ol; benzenemethanol, alpha-[1-(methylamino)ethyl]-, [R-(R\*,S\*)]-; (IR,2S)-(-)-ephedrine; L-alpha-(1-methylaminoethyl) benzyl alcohol.

**ТН ВЭД коди:** 293940000

**Физик-кимёвий хоссаси.**

**Тасвирланиш:** оқ кристалл ёки гранула ҳолида учраши мумкин.


**Эрувчанлиги:** сувда, спиртда ва эфирда эрувчан.  $t_{\text{купок}}$  = 188–220 °C.

**Ноқонунный муомалада:** Метамфетамин, первитин ёки N-метилкатинон ишлаб чиқаришда ишлатилади.

**Қонунный муомалада:** Фармакология ва медицинада көнт құламда ишлатилади. Күпгина томирларни көнгайтирувчи дори воситалари таркибиға киради.

**Огохлантириш:**

- одам организмим учун зақарлы;
- чангини ҳидламаслик керак;



— тери ва кўзга тушишидан қочиш керак.

*Сақлаш ва ишлатиш тартиби:*

— оғзи маҳкамланган идишларда, ёруглик нури тушмайдиган жойда сақланади;

— яхши шамолланадиган жойда хона ҳароратида очиш керак, ҳимоя кийимларини кийиш ва респираторда ишлаш керак;

— ҳимоя кўзойнаклари ва қўлқоплари кийилади, юзни ҳимояланаш лозим.

*Экспресс таҳлили:*

Эфедрин эритмасидан бир томчисини буюм ойнасига томизиб, икки томчи 25а реагенти билан (сирка кислотасини 1% сувли эритмаси) аралаштирилади, сўнг 2 томчи реагент 25 в (100 мл. сувда 1 г мис сульфати (II) эритилади) қўшиб, икки томчи реагент 25 с (100 мл сувда 8 г натрий гидроксили эритилади, 2 натрий гидроксид эритмаси) қўшилади.

*Натижা:*

сиёҳранг ҳосил бўлиши эфедрин борлигини тасдиқлайди.

*Илова:*

таркибда бошқа назоратда бўлган ва назоратда бўлмаган гиёҳвандлик воситалари/прекурсорлар бўлса, ранги ўхшаш бўлиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган прекурсорлар ва уларнинг таҳдил усуслари мавзуси бўйича саволлар**

1. Прекурсор сўзининг маъносини шарҳлаб беринг.
2. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган прекурсорлар нечта ва уларни санаб беринг.
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?
4. Бирлашган Миллаглар Ташкилотининг 1988 йил Конвенсиядаги жадвалга киритилган моддаларни санаб беринг.
5. БМТнинг 1988 йил Конвенсиядаги жадвал киритилган моддаларни санаб ўтинг.
6. «Прекурсор» тушунчаси қачондан бошлаб қўлланила бошлади?
7. Ўзбекистон Республикасида «Прекурсорлар» атамасини қўллаш қачондан бошланган?
8. Наркотикларни синтез қилишда қўлланиладиган дастлабки кимёвий моддалар тушунчасини айтиб беринг.
9. Реагентлар тушунчасини тарифлаб беринг.
10. Реагентларга кирадиган моддаларни санаб беринг.

11. Эритувчилар тушунчасини тарифлаб беринг.
12. Эритувчиларга кирадиган моддаларни санаб беринг.
13. Синтетик ва ярим синтетик бирикмаларга қайси моддалар киради?
14. Гиёхвандлик воситаларини синтез қилишда функционал хусусиятлари бўйича прекурсорлар неча гуруҳга ажратилади?
15. Опий хомашёдан морфин асосини қандай экстракциялаб олинади?
16. Морфин асосидан героин асосини ҳосил қилиш жараёнини тушуниринг.
17. Героин асосидан героин гидрохлорид қандай ҳосил қилинади?
18. Антронил кислотаси қонуний муомалада нима мақсадда ишлатилади?
19. Изосафролни физик-кимёвий хоссаларини айтиб беринг.
20. Қизил фосфор ноқонуний муомалада нима мақсадда ишлатилади?

**Ўзбекистон Республикасида рўйхатта олинган прекурсорлар ва уларнинг таҳлил усуллари мавзуси бўйича вазиятли масалалар**

1. Ўзига хос кучли ҳидга эга бўлган суюқликнинг бир томчиси буюм ойнасига томизилиб, унга бир томчи гидроксиламин гидрохлориднинг метанолдаги эритмаси, 3 томчи  $\text{FeCl}_3$  нинг метанолдаги эритмаси ва бир томчи сув қўшилганда кўк-қизил ранг ҳосил бўлди. Бу модда нима? Прекурсорлар қаторига кирадими? Кимёвий жараён тенгламасини ёзинг.
2. Ранги оқ-сарғимтири, ширин таъмли кристалл кукун буюм ойнасида 3 томчи п-диметиламииннинг метанолдаги эритмасида эритилиб, 1 мл концентрантган фосфат кислота томизилганда қизил ранг ҳосил бўлди. Аниқланётган модда нима?
3.  $\text{C}_8\text{H}_7\text{NO}_2$  таркибли модданинг ИК-спектрида:  $\lambda_{\text{max}}$  3600–3400  $\text{cm}^{-1}$  (кучли интенсивликда), 1720  $\text{cm}^{-1}$ , 2930–2860  $\text{cm}^{-1}$ , 760  $\text{cm}^{-1}$  да ютилиш минимумлари кузатилди. ПМР спектр:  $\delta_{\text{ppm}}$  4,2 м.у. синглет (2 н), 7,2 м.у. мультиплет (4н) ва 11,2 м.у. синглет (1н). Бу бирикманинг кимёвий тузилишини ёзинг.
4. Оқ рангли кристалл модданинг бир неча заррачалара буюм ойнасида 3 томчи п-диметиламинобензальдегиднинг метанолдаги эритмасида эритилиб, 1 мл концентранган фосфат кислота томизилганда сариқ ранг ҳосил бўлди. 0,05 г модда 2 мл 10% ли хлорид кислотада эритилиб, қиздирилганда сирка кислота ҳиди сезилди. Аниқланётган модданинг номини айтинг. Тузилиш формуласини ёзинг.

- Спектр тасвири қүйида көлтирилған рангсиз, үзига хос үткір ҳидро суюқ моддани аниқланғ. ИК-спектр:  $\lambda_{\text{max}}$  2820  $\text{cm}^{-1}$ , 1680  $\text{cm}^{-1}$ , 1180  $\text{cm}^{-1}$ . ПМР спектр:  $\delta$  2,2 м.у. синглет (6н).
- Буюм ойнасига 1 томчи үзига хос үткір ҳидро суюқлик томизилиб, унга 1 томчи 2М ли натрий гидроксид ва 1 томчи натрий нитропруссид әритмалари томизилганида қызил ранг ҳосил бўлди. Бу қандай бирикма?
- Модданинг эмперик формуласи:  $C_{10}H_{12}O_2$ . Спектр тавсифи: ИК-спектр:  $\lambda_{\text{max}}$  3100–2930  $\text{cm}^{-1}$ , 1110  $\text{cm}^{-1}$ , 885  $\text{cm}^{-1}$ , 710  $\text{cm}^{-1}$ . ПМР спектр:  $\delta$  1,05 дуплет (6н), 1,4 мультиплет (1н), 3,5 синглет (2н), 7,05 дуплет (2н), 7,2 синглет (1н). Аниқланувчи модданинг тузилишини ёзинг ва номини айтинг.
- Аниқланувчи оқ кристалл куқун. Суюқланиш ҳарорати 238°C. Сувда кам, органик әритувчиларда әрийди. Ишқор әритмаларида осон әрийди. Кремний вольфрам кислота әритмаси билан оқ чўкма ҳосил қиласди. Бу қайси модда?
- $\alpha$ -[L-диметиламиноэтил] бензолметанол,  $\alpha$ -[L-диметиламино] этил] бензил спирти, 2-диметиламино – 1 – фенилпропанолнинг тузилиш формуласини ёзинг.
- Аниқланувчи модданинг суюқланиш ҳарорати 86–87°C. Ишқорий шароитда мис сульфат әритмаси билан сиёҳ рангли бирикма беради. Бу қайси прекурсор?
- Модданинг эмперик формуласи:  $C_{11}H_{17}NO$ .  
Спектр тавсифи: ИК-спектр:  $\lambda_{\text{max}}$  3580  $\text{cm}^{-1}$ , 2980–2870  $\text{cm}^{-1}$ , 1220  $\text{cm}^{-1}$ , 1180  $\text{cm}^{-1}$ , 770  $\text{cm}^{-1}$ , 690  $\text{cm}^{-1}$  ларда ютилиш йўллари мавжуд. ПМР спектр:  $\delta$  0,98 м.у. дуплет (3н), 1,56 м.у. мультиплет (1н), 2,2 м.у. синглет (6н), 3,6 м.у. дуплет (1н), 4,2 м.у. синглет (1н), 7,2 м.у. мультиплет (5н). Прекурсорнинг кимёвий тузилишини ёзинг.
- 3,4-метилендиоксипропан-2-он; 3,4-метилендиоксифенилацетон; 3,4-метилендиоксибензилметилкетон; пиперониямтилкетон; 1,3-бензодиоксо-5-ил-пропан-2-он; метилендиоксибензил-метилкетон синонимлари билан аталувчи прекурсорнинг тузилиш формуласини ёзинг.
- Кимёвий тузилишида метил, этил ва кетон гурӯхларини сақлаган прекурсорнинг кимёвий тузилиш формуласини ёзинг. ИК- ва ПМР-спектрларининг тавсифини көлтириңг.
- Трео– 1-фенил-1-гидрокси-2-аминопропан, трео-2-амино-1-гидрокси-1-фенилпропан синонимлари қайси прекурсорга тегишли? Тузилиш формуласини ёзинг.

15. Аниқланувчи модданинг сувдаги эритмаси қизгиш-бинафша рангда бўлиб, пергидрол ва 10% ли сульфат кислота эритмасидан томизилганида эритма рангизланади. Бу қандай прекурсор? Реакция тенгламасини ёзинг.
16. Қуида келтирилган спектр тавсифи асосида модданинг тузилиш формуласини ёзинг ва номини айтинг.  
 ИК-спектр:  $\lambda_{\text{max}}$  2930–2890  $\text{cm}^{-1}$ , 1600  $\text{cm}^{-1}$ , 1705  $\text{cm}^{-1}$ , 1100  $\text{cm}^{-1}$ , 810  $\text{cm}^{-1}$  ларда ютилиш йўллари мавжуд.  
 ПМР спектр:  $\delta_{\text{ширина}}$  3,3 м.у. синглет (2н), 4,2 м.у. синглет (1н), 7,2 м.у. дуплет (2н), 7,4 м.у. синглет (1н).
17. Эфедрин ва псевдоэфедринг тузилиш формуласи бўйича фарқлаш мумкинми? (+)-2-метиламино-2-фенилпропан-1-ол синоними қайси прекурсорга тегиши?
18. Аниқланувчи модданинг ПМР-спектрида 4,2–3,8 м.у. да тўртта протон борлиги қайд этилди. Бу спектр қайси прекурсорга тегишили булиши мумкин. Унинг тузилиш формуласини ёзинг.
19. Аниқланувчи модда рангсиз, иғнасимон кристалл қуқун бўлиб, унинг бир неча заррачасига 1 томчи п-диметиламинообензальдегиднинг метаполдаги эритмаси ва 1 мл фосфат кислота томизилгандаги ранг ҳосил бўлиб, бу ранг яшилга ўтди. Суюқланиш ҳарорати 76–77°C ҳамда ишқор эритмаларида осон эришини ўти-борга олиб, прекурсорнинг тузилиш формуласи ва номини айтинг.
20. 9,10-дидегидро– (2-гидрокси-1-метил-этил) – 6 – метилэр-голин -8– карбоксамид халқаро номи қайси прекурсорга тегиши?

**Ўзбекистон Республикасида рўйхатта олинган прекурсорлар ва уларнинг таҳлил усуслари мавзуси бўйича тест саволлари**

?

**Прекурсорлар нима?**

- ..бир ёки бир нечта наркотик ёки психотрон моддалардан иборат бўлган аралашма
- ..назорат қилинувчи моддалар рўйхатига киритилган синтетик ёки табиий бирикмалар
- +.. Ўзбекистон Республикасида назоратта олиниб, прекурсорлар қато-рига киритилган наркотик ва психотрон воситалар тайёрлаш учун ишлатиладиган моддалар
- ..кимёвий тузилиши бўйича наркотик ва психотрон моддаларга ўхшаш психотрон моддалар

?

Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра назоратта олинган прекурсорлар қаторига нечта модда киритилган?

+.. 26

-..16

-..18

-..23

?

Қуйидаги моддалардан қайсилари назоратга олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. Проперидин.

2. Пиритрамид.

3. Тебакон.

4. Кетамин.

+..ҳеч қайсиси кирмайди

-..1,2,3

-..1,4

-..2,3,4

?

Қуйидаги моддалардан қайсилари назоратга олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1.Фенил-2-пропанон

2. Лизергин кислота

3. Антранил кислота

4. Кетамин.

-..1,3,4

+.. 1,2,3

-..2,3,4

-..ҳеч қайсиси кирмайди.

?

Қуйидаги моддалардан қайсилари назоратга олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. Просидол

2. Толуол.

3. N – ацетилантранил кислота.

4. Пиперидин

+.. 2,3,4

-..1,3,4

-..1,2,3

-..ҳеч қайсиси кирмайди.

?

Қүйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилгандык?

1. фенил – 2– пропанон.

2. толуол

3. пиритрамид.

4. эфедрин

+.. 1,2,4

-..1,3,4

-..2,3,4

-..хеч қайсиси кирмайды.

?

Қүйидаги моддаларнинг қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилгандык?

1. Толуол

2. Просидол

3. N-ацетилантранил кислота.

4. Лизергин кислота

+.. 1,3,4

-..2,3

-..1,2,3

-..хеч қайсиси кирмайды.

?

Қүйидаги моддаларнинг қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилгандык?

1. Пиритрамид.

2. Празепам.

3. Хлордиазепоксид.

4. Этил спирти.

-..2,3,4

-..2,3

-..1,2,3

+..хеч қайсиси кирмайды

?

Қүйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилгандык?

1. Фенил сирка кислота.

2. Эрготамин.

3. Эфедрин.

4. Хлордиазепоксид.

-..2,3,4

-..3,4

+.. 1,2,3

-..ұчек қайсиси кирмайды.

?

Күйидаги молдалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилған?

1. Кодесин фосфат

2. фенил сирка кислота.

3. фенил-2-пропанон.

4. Сирка ангидрати.

-..1,3

+.. 2,3,4

-..1,2,3

-..ұчек қайсиси кирмайды.

?

Күйидаги молдалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилған?

1. Диэтил эфири.

2. Дифеноксилат.

3. Фенил-2-пропанон.

4. Толуол

+.. 1,3,4

-..1,3

-..1,2,3

-..ұчек қайсиси кирмайды.

?

Күйидаги молдалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилған?

1. Пиритрамид.

2. Этаминал-натрий.

3. Хлордиазепоксид.

4. Этил спирти.

-..1,3,4

-..2,3

-..1,2,3

+..ұчек қайсиси кирмайды.

?

Күйидаги молдалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилған?

1. Псевдоэфедрин
2. Эрготамин
3. Сирка ангилриди
4. Этил спирти

-..2,3,4

-..2,3

+.. 1,2,3

-..ҳеч қайсиси кирмайди?

Күйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. Ацетон
2. Просидол
3. Кизил фосфор
4. Эфедра – ути

+.. 1,3,4

-..2,3

-..1,2,3

-..ҳеч қайсиси кирмайди.

?

Күйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. Изасафрол.
2. Хлордиазепоксид.
3. Антронил кислота.
4. Пропион ангидрил.

-..1,3,4

-..3,4

+.. 1,3,4

-..ҳеч қайсиси кирмайди?

Күйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. Дифиноксилат.
2. Этаминал натрий.
3. Празепам.
4. Пиритрамид.

-..2,3,4

-..2,3

-..1,2,3

+..ҳеч қайсиси кирмайди?

Күйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. Хлордиазепоксид.
2. N-ацетилантранил кислота.
3. Лизергин.
4. 2,4-метилендиоксифенил-2-пропанон.

-..1,3,4

-..3,4

+...2,3,4

-..хеч қайсиси кирмайды?

Күйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. Празепам.
2. Антракнил кислота.
3. Изосафрол.
4. Кизил фосфор.

-..1,2,4

+.. 2,3,4

-..1,2,3

-..хеч қайсиси кирмайды.

?

Күйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. N-ацетилантранил кислота.
2. Этил спирти.
3. Кизил фосфор.
4. 3,4-метилендиоксифенил-2-пропанон.

+.. 1,3,4

-..3,4

-..2,3,4

-..хеч қайсиси кирмайды.

?

Күйидаги моддалардан қайсилари назоратта олинган прекурсорлар қаторига киритилган?

1. Ацетон.
  2. Эргометрин.
  3. Эторфин.
  4. Эрготамин.
- ..2,3,4
- ..3,4
- +..1,2,4
- ..хеч қайсиси кирмайды.

### САНОАТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Дори воситалари, тиббиёт техникаси ва тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотлар сифатининг Давлат назорати ЎзР ССВ қошидаги Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириши Давлат маркази ДУК томонидан дори воситаларини стандартлаш ва экспертиза қилиш Давлат маркази лабораториялари орқали олиб борилади.

Давлат назоратидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва импорт орқали келаётган барча дори воситалари, тиббиёт техникаси ва тиббиётда ишлатиладиган буюмлар ўтказилади.

Дори воситалари сифатининг Давлат назорати қуйидаги тартибда олиб борилади:

- дастлабки назорат;
- кейинги танлаб назорат ўтказиш;
- арбитраж назорат;

Дастлабки назоратдан қуйидаги дори воситалари ўтказилади:

- ЎзРССВ томонидан биринчи марта тиббиётда ишлатишга рұхсат этилган;
- саноатда биринчи марта сериялаб ишлаб чиқарилаётган;
- биринчи марта янги технология бўйича олингандан, янги дозада, дори шаклида ва таркибда сериялаб ишлаб чиқарилаётган;
- сифати ёмонлашгани сабабли Бош бошқарма томонидан шу назоратдан ўтказиш талаб этилган.

Ишлаб чиқарувчи корхона янги дори воситасини ишлаб чиқариш ҳақида Бош бошқармага маълум қилиб, ундан дастлабки назорат ўтказиш ва препаратни қайд этиш ҳақида рұхсатнома олиши, дастлабки сериялардан (5 та дан кам бўлмаган) намуналар юбориши керак.

Сериялардан дастлабки назорат учун намуналар олиш ишлаб чиқарувчи корхонадаги назорат қилувчи хизмат томонидан олиб борилади. Намуналар Бош бошқармага тасдиқланган рўйхат бўйича юборилади. Инъекцион эритмалар ва кўз томчилари мавжуд йўриқ-

номалар талабига биноан «Механик аралашмалар» кўрсаткичи бўйича текширилган бўлиб, олингандан натижалар назорат таҳлил лабораториялари томонидан Бош бошқарманинг кўрсатмаларига асосан ёзма равишда келтирилган бўлиши керак. Ҳамма ишлаб чиқарилган дори воситаларининг намуналари Бош бошқармага ЎзР ССВ да қайд этилган уларнинг дори моддаси (субстанция) сифатини баҳоловчи ҳужжат билан биргаликда тақдим этилади. Қайд қилиш гувоҳномасини ёки рухсатномасини олмагунча барча сериялаб ишлаб чиқарилган дори воситалари сотувга рухсат этилмайди. Дори воситаси сифатида (5 та сериядан кам бўлмаган) меъёрий ҳужжат талабларига жавоб берган тақдирдагина Бош бошқарма томонидан ушбу дори воситаси дастлабки назоратдан кейинги назоратдан ўтказилади.

Агар дори воситасининг сифати талабга жавоб бермаса, у дастлабки назоратдан яна қайта ўтказилади, бунда сериялар сони Бош бошқарма томонидан кўрсатилади. Дастлабки назорат шартнома асосида экспертиза маркази томонидан амалга оширилади.

Кейинги танлаб ўтказиладиган назоратдан барча сериялаб чиқариладиган дори воситалари ўтказилади.

Ушбу назоратдан ўтказиш учун намуналар ишлаб чиқарувчи корхонанинг сифатини баҳолаш мутахассислари томонидан дори воситасини олишининг барча босқичларида, яъни хомаишёдан тортиб то сақлаш жараёнигача олиб борилади.

Тайёр маҳсулот сифатни баҳоловчи Давлат стандарти – Давлат фармакопеясининг «Таблеткалар», «Инъекцион дори турлари» ва бошқа умумий мақолалари, шунингдек, хусусий меъёрий ҳужжатлар (ВФМ, ФМ) бўйича баҳоланади.

Хозирги кунда саноатда ишлаб чиқарилган дори воситалари до-рихона рецептурасининг 95% дан ошигини ташкил этиб, уларнинг ишлатилиши янада ошиб бормоқда. Саноатда ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг фармацевтик таҳтили биринчи навбатда ишлаб чиқарувчи корхонанинг назорат техник бўлими (НТБ) да, кейинчалик, мажбурий сертификатлаш сертификатлаштириш органиларининг назорат-аналитик лабораторияларида олиб борилади.

Саноатда ишлаб чиқариладиган дори шакллари, индивидуал дори моддалардан фарқ қилиб, улар кўп компонентли, яъни таъсир этувчи моддалар бигта бўлмай, бир исчта, шунингдек, таъсир этувчи моддалардан ташқари, улар таркибида тўлдирувчилар – шакар, крахмал, тальк, глюкоза, натрий гидрокарбонат ва бошқалар ҳам бўлиши мумкин. Тўлдирувчилар ишлатиладиган миқдорда индифферент бўладилар, аммо улар танланган таҳлил усулига, дори воситасининг

турғунлигига, ташқи күринишига, сақланишига таъсир этиши мумкин. Шунинг учун саноатда ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг таҳлил усусларини танлаш ниҳоятда катта аҳамиятга эга ва бунда ушбу дори воситаси таркибиға кирган ҳар бир дори молданинг физик-кимёвий хусусиятлари эътиборга олиниши керак.

Намуналар ушбу корхонанинг назорат қилувчи хизмати ва Бош бошқарманинг (фарминспекция) вакиллари билан биргаликда олинади. Намуналарни, шунингдек, Бош бошқарманинг қўрсатмасига биноан, бошқа масъул корхоналарнинг вакиллари билан биргаликда ҳам (даволашиб корхоналари, дорихоналар) олиш мумкин.

Намуналар корхонанинг хати, ўртача намунани олиш ҳақидаги акти ҳамда ушбу дори воситасининг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар билан биргаликда Марказга юборилади. Дори воситасининг сифати талабга жавоб бермаган тақдирда Бош бошқарма ишлаб чиқарувчи корхонага ёзма хулоса ва таҳлил протоколини тақдим этади.

Арбитраж назорат ўтказиш. Дори воситасининг сифати тўғрисида шубҳа туғилиб, уни етказиб берувчи корхона билан қабул қилиб олувчи муассаса ўтгасида келишмовчиликлар бўлганда арбитраж назорат ўтказилади.

Фармацевтик инспекция фармацевтика саноати ва Дори-дармон ўюшмасига қарашли барча муассасаларда дори молдалари сифати устидан назорат ўтказишини ташкил қиласи ва унинг қайси даражада йўлга қўйилганилиги, корхоналарнинг дорилар ишлаб чиқариш жараёнида Давлат стандартлари, техник шартлар, Давлат фармакопеяси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабига риоя қилишини текшириб туради.

Давлат назорат инспекцияси меъёрий ҳужжати бўлмаган ёки унда қўрсатилган талабларга тўла жавоб бермаган дори-дармон ва тиббий техника воситаларини ишлаб чиқаришни тақиқлаш хуқуқига эга.

Ҳозирги вақтда дори-дармонларнинг сифати ва терапевтик фармасигини янада ошириш учун уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда стандартлаш борасида қўйилаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

- замонавий физик-кимёвий усусларни фармацевтик таҳлилга яна кенг жорий этиш;
- давлат назорати учун тўла ва аниқ маълумот берувчи радиобиологик, иммунобиологик, иммунокимёвий ва микробиологик усусларни чуқур ўрганиш;
- давлат стандартларини қайта ишлаб чиқиши;

— мөбөрий хүжжатларга киритилгандар талабларни мукаммалланытариш;

— баъзи тайёр дори турлари учун мөбөрий хүжжатларга қўшимча талаблар киритиш ва бошқалар.

Саноатда ишлаб чиқариладиган дори турларига қўйилагилар киради: аэрозоллар, кўз томчилари, гранулалар, инъекцион дори турлари, капсулалар, суртмалар, тиндирмалар, пластырь, субстанция-кукунлар, сироплар, шамчалар, таблеткалар, экстрактлар, эмульсиялар ва б.

Соғликни сақлаш ходимлари олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири, бу мамлакат аҳолисини кучли биологик таъсирга эга ва юқори сифатли дори воситалари билан таъминлашидир. Янги дори воситалари ишлаб чиқарилишининг тез суръатда ўсив бориши билан бир қаторда, саноатга қарашиб барча муассасалар (назорат аналитик лабораториялари)да уларнинг сифатини назоратдан ўтказиш хизмати ҳам доимий ривожланиб бормоқда.

Бош бошқарма ва унга қарашиб марказий лабораториялар томонидан Ватанимизда ишлаб чиқариладиган, чет элдан келтирилайдиган барча кимё-фармацевтик препаратлар, антибиотик, витамин, ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланадиган органо ва фито, ҳамда радиофармацевтик препаратларни, уларни олишда ишлатила-диган дастлабки хомашёларни ва оралиқ маҳсулотларни доимий сифат назоратидан ўтказиб туради.

Фармацевтик инспекция дорилар сифатини назорат қилишни, дори ишлаб чиқариш корхоналардаги техник назорат бўлими (ТНБ), назорат аналитик лабораториялари ва тегишли дори моддаларни стандартлаш ва сифатини назорат қилишига ваколатли илмий-текшириш институтлари орқали амалга оширади.

Барча дори ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида доимий сифат назорати ўтказиб туриш уларга қарашиб мавжуд техник назорат бўлими (ТНБ)нинг зиммасига юклатилган.

ТНБнинг асосий вазифаларидан бири — бу ФМ, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда бошқа сифат назорати ўтказилишига доир хўжжатлар асосида сифатли маҳсулот чиқариш, корхонанинг барча бўлимларила ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ва олина-ётган дори моддалар сифатини оширишга қаратилган.

ТНБ ўзига тегишли лабораториялар орқали дорини олишда ишлатиладиган бошланғич маҳсулотдан бошлаб, то охирги босқич, яъни тайёр дори моддаси олинишига қадар унинг устидан технологик ва сифат назоратини ўтказиб тураги. Айниқса, янги ишлаб чиқарилган

тайёр дори моддасини аналитик лабораторияларда ДФ ёки ВФМ талаблари асосида синчиклаб сифат назоратидан үтказилади. Шунингдек, ТНБ дори моддани олишда ишлатиладиган хомашё ва ундан олинган тайёр дори воситаларини омборхоналарда сақлаш шароити, қадоқлаш воситалари қанчалик норматив ҳужжат талабларига жавоб беришими ҳамда дори-дармонларга доир тегишли ҳужжатларни тұғри расмийлаштиришни текшириб туради.

Саноат корхоналарида дори воситалари ишлаб чиқариш технологиясини тартибта солиши ва күтілаб ишлаб чиқарилаётганды маҳсулот сифатини назорат қилишга оид асосий ҳужжат сифатида маҳсус түзилганды саноат регламентидан (ишлаб чиқариш тартибномасыдан) фойдаланылади. Бу ҳужжат ҳам дори воситалари сифатини баҳолашда ДФ, ФМ, ВФМ каби қонуний күчтегі эгади. Саноат иш тартибини (регламентті) тармоқ илмий текшириш институты ходимлари билан ишлаб чиқариш корхонаси ва унинг тажриба (экспериментал) бүліми ходимлари ҳамкорлықда түзіб чиқади ва Соғылқыни сақлаш вазирилігі, Ұзфармсаноат тизимінде тегишли ваколатты корхона томонидан тасдиқланғандан кейин күчтегі киради.

Саноат иш тартиби дори моддасини ишлаб чиқаришда қуйидаги масалаларни үз ичига олади:

- Олинадиган модданинг (маҳсулоттинг тавсифи, уни ишлаб чиқаришининг кимёвий ва технологик чизмаси) олиш жараённің мавжуд бұладиган оралық моддалар;
- Хомашё, дори олишда ишлатиладиган асбоб-ускуна (аппаратура)ларни жиҳозлаш чизмаси ва технологик жарайннинг баёни;
- Ишлаб чиқариш чиқындиси тұғрисида маълумот ва күрсатмалар.

Барча дори ишлаб чиқариш корхоналари фақат техник назорат бүліми текшириб қабул қылған маҳсулотларнигина сотувға чиқаради ва уларға корхона мөъерий ҳужжатларда келтирилған талабларга монандлығы тұғрисида маҳсус паспорт ёки бошқа ҳужжат беради.

Шунинг учун дори моддаларини олишда, сифаттинг кафолатты бұлишида ҳамма технологик шарт-шароитларға, хомашё ва құшымча маҳсулотларға, жиҳозлаш материалларға ва бошқаларға әзтийор бериш керак.

Дори препараттар – бу алоқида маҳсулот бўлиб, уни истеъмолчи үз ҳолика сифатини баҳолай олмайди. Ҳозирги кунда дори воситаларининг сифатини таъминлашта қартилған халқаро амалиётда муҳим ҳисобланған қоидалар (стандартлар) мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- GMP – Good manufacturing practice;  
(яхши ишлаб чиқариш амалиёти)
- GLP – Good laboratory practice;  
(яхши лаборатория амалиёти)
- GCP – Good clinical practice;  
(яхши клиник амалиёти)
- GPP – Good pharmacy practice;  
(яхшидорихона амалиёти)

GMP стандартти шундай қоидаларни белгилаб беради, бунда ҳар бир фармацевтик маҳсулотга хос бўлган доим ҳам йўқотиб бўлмайдиган хавф хатарни олдини олиш имконини беради.

GLP стандартти эса ўз ичига лабораторияларда ўтказилган тадқиқотлар натижалари ва хуносаларига баҳо берувчи мезонлар йиғиндисини олган қоидалардир.

Бу қоидалар дори воситаларининг фаоллиги ва хавфсизлигини баҳолашда қўлланилган тадқиқотларга тегишли бўлиб, кимёвий ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга таъсирини ўрганишда ва фармацевтик таҳлил амалиётида қўлланилади.

Юқори самарали ва хавфсиз дори воситаларини яратиш фармацевтик маҳсулотнинг олиш жараёнининг барча босқичларидаги:

- биологик фаол модда синтезининг мўътадил усуllibарини танлаш;
- кимёвий ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш;
- заҳарлилиги ва биологик фаоллигини ўрганиш;
- технологияни ишлаб чиқиш;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқишни йўлга қўйиш муаммоларини комплекс ечишни талаб этади.

Янги дори моддаларни ишлаб чиқишида ва уларни стандартлашда юқори сезгириликка ва хусусийликка эга бўлган қўйидаги:


- элемент микротаҳлил;
- ЯМР – спектроскопик;
- ИК ва УБ – спектрофотометрик;
- масс-спектрометрик;
- хроматографик;
- микробиологик;
- ферментатив ва бошқа усуllibардан фойдаланилади.

Шунингдек:

- титриметрик;
- гравиметрик;

— полярографик, поляриметрик ва бошқа анъанавий усуллардан ҳам фойдаланиш мүмкін.

Тайёр маҳсулотнинг сифати, уни олишида фойдаланилган ҳомашёдан тортиб, технологик жараён, ёрдамчи маҳсулотлар, оралиқ маҳсулотларнинг сифати билан узвий бөглиқ бўлганилиги учун, ишлаб чиқариш жараён амалдаги МХ: техник шартлар, регламентлар, саноат стандартлари, ишлаб чиқариш инструкциялари, ФМ ва бошқа талаблари асосида тўлиқ назорат қилиниши керак.



### Яхши ишлаб чиқариш (GMP) амалиёти

GMP дори моддалар сифатини таъминлашнинг бир қисми бўлиб, маҳсулотнинг узлуксиз ишлаб чиқарилишига ва маҳсулот сифатини стандартлар асосида текширилиб туришига кафолат беради. GMPнинг талабларига асосан:

- а) сифатли маҳсулот олиш учун ҳамма ишлаб чиқариш жараёнлари аниқ белгиланган бўлиб, замонавий талаблар асосида қайта кўрилиб чиқилиши керак;
- б) ишлаб чиқаришнинг хавфли босқичлари белгилаб қўйилган бўлиши керак;
- в) ишлаб чиқариш учун ҳамма керакли шароит кўриб чиқилиши керак, яъни:
  - етук малакали ходимлар;
  - тегишли хоналар ва уларнинг майдони талаб даражасида бўлиши;

- тегишли технологик жиҳозлар ва ва уларда ишлашни биладиган хизматчилар;
  - керакли хомашё, материаллар, жиҳозлаш материаллари, ёрликлар;
  - тасдиқланган усул ва кўрсатмалар;
  - ишлаб чиқариш сифатини назорат этувчи керакли лабораториялар, жиҳозлар ва ходимлар;
- г) аниқ, лўнда ёзилган усууллар ва кўрсатмалар;
- д) талаб доирасида ишлай оладиган операторлар;
- е) бажарилган ишлар ўз вақтида тегишли талаблар асосида расмийлаштирилган бўлиши керак;
- ж) баённомалар белгиланган тартибда сақланиши керак;
- з) маҳсулотлар тўғри тақсимланиб, тўғри сақланиши керак;
- и) керак бўлганда маълум туркумдаги маҳсулотларни сотувдан чиқариб олиш тизими бўлиши керак (маҳсулотнинг сифатсизлиги аниқланганда);
- к) сотилган маҳсулотлар учун рекламациялар кўриб чиқилган, сифатини йўқотиш сабаблари ўрганилган ва бундай ҳодисаларни қайта рўй бермаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиши керак.

**Маҳсулот сифатини назорат қилиш:**

- намуна олиш;
- синаб кўриш, спецификациялаш;
- ишларни уюштириш;
- тегишли рухсатномалар олиш;
- ишлаб чиқаришдаги хомашё ва материалларнинг сифатини кафолатлаш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Ҳар бир ишлаб чиқарувчи корхона қошида маҳсулот сифатини назорат этувчи бўлимга эга бўлиши ва бу бўлим мустақил фаолият олиб бориб, ўзининг асосий тамойилларига амал қила олиш хукуқига эга бўлиши, шунингдек, бу бўлимга етарли тажриба ва малакага эга бўлган шахс раҳбарлик қилиши керак.

**Сифатни назорат этишга қўйилган асосий талаблар:**

- а) керакли воситалар, ўргатилган малакали ходимлар, намуна олиш, назорат этиш, хомашёни текшириш учун тасдиқланган усууллар, оралиқ қадоқланмаган ва тайёр маҳсулот учун жиҳозлаш материаллари, табиатни муҳофаза қилиш усууллари бўлиши керак;
- б) хомашё, жиҳозлаш материаллари, оралиқ маҳсулотлар, қадоқланмаган ва тайёр маҳсулотдан намуна олиш, сифатини назорат

қилиш бўлими томонидан тасдиқланган шахс ва усул асосида олиб борилади;

- в) синов усуллари текширудан ўтган бўлиши керак;
- г) олиб борилган ишлар юзасидан баённомалар тузилган бўлиши керак;

д) олинган маҳсулот сотув лицензиясида кўрсатилган препаратга мос келувчи, таъсир этувчи моддани сақлаш, модда миқдори ва сифати бўйича мос келиши, керакли тозаликка эга бўлиб, тўғри жиҳозланиб, ёрлиқланган бўлиши керак;

е) хомашё, қалоқланмаган, тайёр оралиқ маҳсулот сифатини назорат қилиш бўйича баённомалар тузилган бўлиши керак;

ё) сотув лицензиясининг талабларига жавоб бермасдан ва шу талабларга жавоб беришга керакли шахс томонидан гувоҳлик бермасдан туриб, ҳеч қандай маҳсулот сотувга рухсат берилмайди;

ж) сотувга чиқарилган маҳсулотдан керакли миқдордан ортиқ-часи корхонада қолган бўлиши керак.

Сифатли дори моддаларни олишда уларнинг турғунлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Дорилар моддасининг турғунлиги технологик жараённинг шарт-шароитларни таъминлашига боғлиқлиkdir. Бунда хомашёнинг, эритувчиларнинг, аппаратларнинг тозалиги, регламент бўйича шарт-шароитлари муҳимдир. Юқоридаги кўрсатилган талабларнинг бузилиши қўшимча моддаларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи реакцияларнинг амалга ошишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун дори моддаларининг олиниш жараёнида маҳсулот сифатини кафолатловчи барча технологик шарт-шароитларга, хомашё ва қўшимча маҳсулотларнинг сифатига, жиҳозлаш материалларнинг турига ва бошқа бир қатор омилларга эътибор қаратиш лозим.

Дори модда сифатига таъсир қилувчи омиллар:

- а) бошланғич маҳсулот ёки моддаларнинг етарли даражада тоза бўлмаслиги;
- б) ёрдамчи воситаларнинг (органик эритувчи) салбий таъсири;
- с) технологик жараённинг бузилиши;
- д) оралиқ моддаларнинг қўшилиб қолиши;
- е) асбоб-ускуналарнинг тозаланмаганилиги;
- ф) сақлаш шароитлари, қадоқлаш воситалари.

Маҳсулот сифатини назорат этишда таҳлил усуллари катта аҳамиятга эга. Таҳлил натижалари асосида у ёки бу маҳсулот сифати ҳақида маълумот олинали. Бунда ишлатилаётган усул қайтарувчан бўлиши ва тўғри натижаларни бериши шарт.

## 9.1. Парэнтерал дори воситалари

Парентерал дори воситаларига сувли ва сувсиз эритмалар, суспензия, эмульсия ва қуруқ моддалар (кукунлар, ғовак массалар, таблеткалар) киради. Қуруқ моддаларни ишлатишдан олдин стерил эритувчида эритилади. Ҳажми 100 мл ва ундан ортиқ бұлган парэнтерал эритмалар инфузион эритмаларга киради.

Парэнтерал дори воситалари стерил бұлиши, таркибда механик аралашмаларни сақдамаслиги, пирогенлик ва токсикологиялықти (захарлилық) бүйіча барча талабларга жавоб беріши керак. Инъекцион дори препаратлари изотоник, изогидрик ва изоиник бұлиши лозим. Инъекцион эритмаларни тайёрлашда инъекция учун сув, мойлар, этилолеат, шунингдек, улар билан биргалиқда этил спирти, глицерин, пропиленгликоль, бензилбензоат ва бошқа эритувчилар ишлатылади.

Парэнтерал дори препаратларни тайёрлашда консервантлар, антиоксидантлар, стабилизаторлар, эмульгаторлар ва бошқа ёрдамчи моддалардан фойдаланилади. Масалан, аскорбин, хлорид, винтош, лимон, сирка кислоталари, натрий карбонат, натрий гидрокарбонат, ўювчи ишкорлар, натрий ёки калий сульфит, бисульфит ёки метабисульфит, натрий тиосульфат, фенол, бутанол, ронгалит ва бошқалар.

Ёрдамчи моддашар құшилаёттанды агар хусусий мақолада күрсатылған бұлса, крезол, фенол, хлорбутанолнинг миқдори 0,5% гача, калий ёки натрий метабисульфит, сульфит ёки сульфит ангидридининг эса 0,2% гача бұлиши мүмкін.

Инъекцион эритмалар инъекция учун сув ёки хусусий мақолада күрсатылған эритувчи билан солиширилғанда, агар бошқа күрсатмалар бұлмаса тиниқ бұлиши керак.

Инъекцион дори шакллари (инъекция учун эритмалар, супензия, эмульсиялар) қуидаги күрсаткышлар бүйіча ДФ XI нинг «Инъекция учун дори шакллари» мақоласи ва хусусий мақолаларда көлтирилған талабларга биноан таҳлил килинади:

- ташқи күриниши (тавсифланиши);
- стериллаш ва қуиши шартлари;
- чиңлиги;
- тиниқтілігі;
- ранглилиги;
- кислоталиги ёки ишқорийлігі, pH ва механик аралашмалар;
- зичлиги;

- қовушқоқлиги;
  - ёт моддалар;
  - осмолярлиги;
  - түлдирилиш ҳажми (ампула, флакон ва б.);
  - пирогенлиги ёки бактериал эндотоксингилар (ЛАЛ тест);
  - токсиклиги (заҳарлилиги);
  - стериллиги;
  - заррачалар катталиги (суспензиялар учун);
  - миқдорий таҳлил;
- инъекция учун ишлатиладиган қуруқ дори шакллари қуйидаги күрсаткичлар бўйича таҳлил қилинади:
- ташқи кўриниши (тавсифланиши) чинлиги;
  - ўртача оғирлиги ва оғирлиги бўйича бир хиллиги;
  - тиниқлиги;
  - ранглилиги;
  - кислоталик ёки ишқорийлиги, pH ва механик аралашмалар,
- ёт моддалар;
- пирогенлиги ёки бактериал эндотоксингилар (ЛАЛ тест);
  - токсиклиги (заҳарлилиги);
  - хлоридлар, сульфатлар ва б.
- қуритгандаги массанинг йўқолиши ёки сув (К.Фишер усулида аниқланади);
- идишдаги дори модда оғирлиги (ампула, флакон ва бошқалар);
  - сульфат кули ва оғир металлар, стериллиги;
  - дозалар бир хиллиги;
  - миқдорий таҳлил;

Парэнтерал дори препаратларнинг ранги ДФ XI нашрида келтирилган «Суюқликларнинг рангини аниқлаш» мақоласи бўйича ранглилик эталонлари билан ёки хусусий мақолада келтирилган кўрсатмалар бўйича аниқланади.

Инъекцион эритмаларнинг идишлардаги ҳажми номинал ҳажмдан кўп бўлиши керак (*9.1-жадвал*).

Ҳажми 50 мл гача бўлган идишлардаги номинал ҳажм калибрланган шприц ёрдамида, 50 мл ва ундан кўп бўлганларида — калибрланган цилиндрларда  $20\pm2^{\circ}\text{C}$  ҳароратда аниқланади.

Эритмалар ҳажми номинал ҳажмдан кам бўлмаслиги керак. Парэнтерал дори воситалари умумий ёки хусусий мақолаларда келтирилган усулларда стерилланади (стериллаш ДФ XI нанир, 2 қисм, 187 б, заҳарлилик 182 б ва пирогенлиги 183 б).

## Идишлардаги инъекцион эритмаларнинг ҳажми

Номинал ҳажм, мл	Тұлдиріш ҳажми, мл		Тұлдирішни назорат қилиши учун олинған идишлар сони, та
	Қовушқоқ бұлмаган эритмалар	Қовушқоқ эритмалар	
1,0	1,10	1,15	20
2,0	2,15	2,25	20
5,0	5,30	5,50	20
10,0	10,50	10,70	10
20,0	20,60	20,90	10
50,0	51,0	51,50	5
50,0 дан күп	номиналдан 2% га күп	номиналдан 3% га күп	

Шунингдек, бундай дори воситалари механик аралашмаларга текширудан үтиши керак.

Куруқ парәнтерал дори воситаларининг ўртача оғирлиги текширилади. Бунда 20 та очилған идишлар 0,001 та аниқлиқда оғирликла-ри алоҳида-алоҳида ўлчанади, идиш ичидаги дори мөддасы сув ёки мақолада келтирілген эритувчи ёрдамида ювилади, 100–105°C ҳаропратда 1 соат давомида құритилади. Идишлар ва бошқа воситаларининг (қопқоқ) яна оғирлиги ўлчанади. Сұнгра 20 та идишнинг ўртача оғирлиги ва ҳар бир идишдеги дори препаратининг оғирлиги ҳисобланади.

Ҳар бир идишдеги оғирлик ўртача оғирликтан 9.2-жадвалда келтирілген четланишларга мөс келиши ва бу четланишлар  $\pm 15\%$  дан ошмаслиги керак.

## Битта идишдеги мөддә оғирлигининг четланиші

Идишдеги мөддә, г	Йул қўйилған четланиш, %
0,1 ва ундан кам	$\pm 10,0$
0,1 дан күп ва 0,3 дан кам	$\pm 7,5$
0,3 ва ундан күп	$\pm 5,0$

Агар 2 та идишдеги мөддә оғирлигидеги четланиш жадвалдагига мөс келмасаю, лекин  $\pm 15\%$  дан ошмаса, унда текширувлар яна 40 та идишларда олиб борилади. Бунда топилған четланишлар жадвалданыдан биттаси ҳам катта бұлмаслиги керак.

20 та идишдаги модданинг ўртача оғирликдаги четланиши хусусий мақолада келтирилган номинал миқдорга нисбатан  $\pm 5\%$  гача бўлиши керак. 0,05 г ва ундан кам оғирликда дори моддасини сақлайдиган инъекция учун қуруқ стерил дори воситалари ва суспензиялар дозаларининг бир хиллигига текширилади.

Текширишлар 10 та идишларда алоҳида-алоҳида хусусий мақоладаги миқдорий таҳлил усуллари ёрдамида олиб борилади. Идишлардаги дори модда миқдори номиналдан  $\pm 15\%$  гача четланиши мумкин. Агар ҳар бир идишдан четланиш  $\pm 15\%$  ошиб кетсаю, лекин  $\pm 25\%$  гача бўлса, унда текширувлар қўшимча яна 20 та идишларда олиб борилади. Бунда ҳар бир идишдаги модда миқдордаги четланиш  $\pm 15\%$  дан ошмаслиги керак.

Суспензиялар учун қатламлар ажralиши текширилади. Бунда агар хусусий мақолаларда бошқа йўриқлар кўрсатилмаган бўлса, суспензиялар чайқатиб бўлгандан сўнг қатламларнинг ажralиш вақти 5 дақиқадан кам бўлмаслиги керак. Суспензиялар 0840 сонли игнадан шприцга осонгина ўтиш керак.

*Natriй тиосульфатнинг 30% ли инъекция учун эритмаси*

*Solutio Natrii thiosulfatis 30% pro injectionibus*

Таркиби:

Натрий тиосульфат — 300 г

(ФС 42 – 2871 – 98)

Натрий гидрокарбонат — 20 г


(ДФ X, ст. 430; ГОСТ 4201–79; х2)

Инъекция учун сув — 1 л гача



(ФС 42 – 2620 – 97)

Тасвирланиши. Тиник рангсиз суюқлик.


Чинлиги. 3 мл препаратга 0,1 мл хлорид кислота эритмасидан қўшилади, маълум вақт ўтгандан сўнг эркин олtingугуртнинг ажralиши натижасида эритма лойқаланади (сульфид кислота тузларидан фарқи), бир вақтнинг ўзида олtingугурт (IV) ҳам ҳосил бўлади, унинг ўзига хос ҳиди сезилади.



3 мл препаратга 4 мл 0,1 М кумуш нитрат эритмасидан қўшилади, оқ рангли чўкма ҳосил бўлади, кейинчалик оқ ранг сариқ, қўнғир ва ниҳоят қора туsgа киради.



3 мл препаратга 4 мл 0,1 М йод эритмасидан қўшилади, йод эритмасининг ранги ўчади.



Препарат натрийга хос Б реакциясини беради (ДФ XI, қисм 1, 159 б).

*Типиқлиги.* Эритма тиниқ бўлиши керак (ДФ XI, қисм, 198 б).

*Рангилиги.* Эритма рангсиз бўлиши керак (ДФ XI, қисм 1, 194 б).

pH. 7,8 дан 8,4 гача бўлиши керак (ДФ XI, қисм 1, 115 б, потенциометрик усул).

*Ишқорийлиги.* 10 мл препаратни нейтраллаш учун 0,5 М хлорид кислотаси эритмасидан 4,1 дан 4,9 млгacha сарф бўлиши керак (индикатор – метил заргалдоги).

*Номинал ҳажмины аниқлаш.* Препарат ДФ XI, 2 қисм, 140 бетда келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

*Механиқ аралашмалар.* РД 42–501–98 сонли «Инструкция по контролю на механические включения инъекционных лекарственных средств да келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

*Ёт моддалар.* 3 мл препарата 0,05 мл аммиак ва 0,05 мл натрий нитропруссид ( $\text{Na}_2\text{Fe}(\text{CN})_5\text{NO}$ ) эритмасидан қўшилади. Бинафша ранг ҳосил бўлмаслиги керак. Бу сульфидларнинг йўқлигидан далилат беради. (0,001% дан ошмаслиги керак).

*Миқдори.* 0,3 мл препарат ҳажми 50 мл бўлган ўлчов цилиндрга солинади, 10 мл гача сув билан етказилади ва оч сариқ ранг ҳосил бўлгунча 0,1 M йод эритмасидан қўшилади (3,5–4,5 мл), сунгра ҳажми 25 мл гача етказилади.

1 мл суюлтирилган хлорид кислотасига 3 мл 20% ли барий хлорид эритмасидан қўшиб яхшилаб аралаштирилали да рангизланиши учун 1 томчи препарат қўшилади. Эритма ҳажми 30 мл гача етказилади, 1 дақиқа давомида тўхтамай аралаштирилади, кейинчалик вақти-вақти билан аралаштириб турилади (текширилувчи эритма).

10 дақиқадан сўнг эритманинг оптик зичлиги қалинлиги 50 мм бўлган кюветаларда  $\lambda = 490$  нм да ФЭК да ўлчанади. Бир вақтнинг ўзида таркибида сульфат ионини сақловчى этalon эритманинг оптик зичлиги ўлчанади (тайёрлангандан 10 дақиқадан кейин).

Солиширилувчи эритма сифатида назорат эритмаси ишлатилиди.

Текширилаётган эритманинг оптик зичлиги этalon эритманинг оптик зичлигидан ошмаслиги керак (сульфат, сульфитларнинг миқдори 0,1% дан ошмаслиги керак).

*Эслатма.*


1. 20% барий хлорид эритмасининг тайёрлаш. 20 г барий хлорид сувда эритилади ва эритманинг ҳажми 100 мл гача сув билан етказилади. Эритма фильтранади.
2. Сульфат – ионларининг асосий эритмасини тайёрлаш. 100–105°C да доимий оғирликкача қуритилган 1,479 г натрий сульфат сувда эритилади ва ҳажми 1 литргача етказилади. Сульфатлар миқдори 1 мг/мл.
3. Эталон эритманинг тайёрлаш. 1 мл 0,8% ли янги тайёрланган натрий гидрокарбонат эритмаси 50 мл ли цилиндрда 10 млгача сув билан суюлтирилади, устига 0,38 мл сульфат-иони сақловчи асосий эритмасидан қўшиб, яхшилаб аралаштирилади ва ҳажми 25 млгача етказилади. Ҳар бир реактив қўшилгандан сўнг эритма яхшилаб аралаштириб турилади. 1 мл суюлтирилган хлорид кислотаси, 3 мл 20%ли барий хлорид эритмасидан қўшиб ҳажми 30 мл гача етказилади, эритма 1 дақиқа давомида аралаштириб турилади, кейинчалик вақти-вақти билан аралаштирилади.
4. Назорат эритмасини тайёрлаш. 1 мл 0,6% ли янги тайёрланган натрий гидрокарбонат эритмаси ҳажми 50 мл бўлган цилиндрда 25 млгача сув билан суюлтирилади, 1 мл суюлтирилган хлорид кислотасига, 3 мл 20%ли барий хлорид эритмасидан қўшиб аралаштирилади ва ҳажми 30 мл бўлгунча сув билан етказилади.

*Стериллиги.* Препарат стерил бўлиши керак (ДФ XI, 1 қисм, 187 б).

*Пирогенлиги.* Ҳайвоннинг 1 кг массасига 3 мл/мин тезликда юборилганда препаратнинг тест дозаси 5 мл. (ДФ XI, 1 қисм, 187 б).

*Миқдорий таҳлил.* 10 мл препарат ҳажми 250 мл бўлган ўлчов колбасига солинади, ҳажми янги қайнатиб совутилган сув билан белгисигача етказилади.

Ҳосил бўлган эритмадан 25 мл олиб, йоднинг 0,1M эритмаси билан титрланади (индикатор крахмал).



1 мл 0,1 M йод эритмаси 0,02482 г  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$  га тўғри келади. 1 мл эритмада 0,291–0,309 г  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$  бўлиши керак.

*Сақланиши:* 5 йил хона ҳароратида ёруғлик тушмайдиган жойда.

*Магний сульфаттнинг 20% ёки 25% ли инъекция учун эритмаси  
Solutio Magnesii Sulfatis 20% aut 25% pro injectionibus*

Таркиби:

магний сульфат. — 200 г ёки 250 г


(ДФ X, 383 ёки ГОСТ 4523-77, «х.ч» «ч.г.а»)

Инъекция учун сув — 1 л гача

(ФС 42 — 2620 -89)

Тасвирланиши. Тиниқ рангсиз суюқлик.

Чинлиги. 1 мл препарат магнийга хос реакцияни беради (ДФ XI, 1 қисм, 159 б).



2 мл препарат сульфатларга хос реакцияни беради (ДФ XI, 1 қисм, 159 б).



*Тиниқлиги:* препарат сув билан солиштирилганда тиниқ булиши керак (ДФ XI, 1 қисм, 194 б).

*Рангшығы.* Препарат сув билан солиштирилганда рангсиз булиши керак. (ДФ XI, 1 қисм, 194 б).

pH 6,2 дан 8,0 гача потенциометрик усулда аниқланади. (ДФ XI, 1 қисм, 113 б).

*Номинал ҳажмани аниқлаш.* ДФ XI, 2 қисм, 14 бетда көлтирилган талабларга жавоб берииши керак.


*Механиқ ёт моддалар.* Таркибиде ёт моддалар бүлмаслиги керак.

*Пирогенлігі.* Препарат апироген булиши керак. Ҳайвоннинг ҳар кг массасига тұғри келадиган тест доза 25 мг магний сульфатта тұғри келадиган 20% ва 25% магний сульфат эритмалари 2,5 мл гача апироген сув билан суюлтирилади. (ДФ XI, 2 қисм, 187 б).

*Миқдорий таҳлил.* Ҳажми 250 мл бүлгап колбаңда 5 мл препарат сув билан суюлтирилади. 50 мл ҳосил бүлгап эритмага 5 мл аммиакли буфер эритмасидан құшиб, 0,05 M ли трилон Б эритмаси билан қаттық аралаштириб турған ҳолда күк рангача титранади (индикатор — махсус кислотали хром қора).

Бир вақттнинг үзіда назорат тажрибаси үтказилади.

1 мл 0,05 M трилон Б эритмаси 0,01232 г  $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  (магний сульфат) га тұғри келади. 1 мл препарат 0,194 дан то 0,206 г гача ёки 0,242 г то 0,259 г гача магний сульфат сақлаши керак.



*Сақланиши.* Хона ҳароратида.

Яроқлилик муддати 3 йилгача.

*Ишлатилиши.* Тинчлантирувчи, спазмолитик, юмшатувчи вогита.

#### *Таблеткалар – Tabulettae*

Таблеткалар – дозаланган дори шакли булиб, улар дори субстанцияси ва ёрдамчи моддаларни пресс slab олинади. Таблеткалар ичишга, ташқи, сублингвал, имплантацион мақсадларда ишлатилади. Таблеткалар думалоқ ёки бошқа күринишида, текис ёки қабарилған, четлари текис белгилар бұллади. Усти текис, ранги бир хил, устки қисміда ёзув ёки баъзи белгилар бұлышы мүмкін.  $D = 9$  мм ва ундан ошиқ бұлган таблеткаларда үйилған чизиги бұлади. Парантерал мақсадларда ишлатиладиган таблеткалар тұлық эриб кетиб, стериллік күрсаткичи бүйіча талабларға жавоб беріши керак. Таблетка олишда боеловчы, тұлдирувчи, сирпантитивчі, мойловчы, юмшатувчи ва бүеклар каби ёрдамчи моддалардан фойдаланылади.

Құшилаётган Твин – 80, стеарин кислотаси, Са ёки Mg стеарат миқдори таблетка массасидан 1%, тальк – 3%, аэросил – 10% дан ошмаслиги керак. Таблеткаларнинг сифати қуйидаги күрсаткичлар бүйіча бағоланади:

- тасвирланиши;
- чинлиги;
- үртача оғирлик ва оғирлигининг бир хиллиги;
- тальк, аэросил, титан (II) оксиди;
- эрувчанлиги;
- парчаланувчанлиги;
- ишқаланишга бұлған қаттиқлиги;
- ёт моддалар;
- микробиологик тозалиги;
- дозалар бир хиллиги;
- қуритищда массадаги йүқолиши;
- миқдорий таұлыл.

Таблеткалар керакли даражада мустақам булиши керак. Ишқаланишга мустақамлиги 97% дан кам бұлмаслиги лозим.

Қобиқли таблеткаларнинг ишқаланишга мустақамлиги текширилмайды.

### 1) таблеткаларнинг парчаланувчанлиги.

Парчаланиш вақти МХда күрсатилған бұлади. Агар күрсатилмаған бұлса, унда 15 дақықадан ошмаслиги керак, таблетка қобиққа үралған бұлса – 30 дақықа гача рухсат этилади.

Ичакда эрийдиган таблеткалар 0,1 моль/л HCl әритмасида 1 соат давомида әримаслиги ва сув биланчайилғандан кейин pH 7,5–8,0 бұлған  $\text{NaHCO}_3$  әритмасида парчаланиш вақти 1 соатдан ошмаслиги керак. Бу күрсаткіч маҳсус асбоб – идентификатор ёрдамыда аниқланади.

### 2) Эрувчанлиги.

Маълум шароит ва вақт ичида қаттиқ дори туридан таъсир килувчи модданинг әритмага үтган миқдори таблеткаларнинг эрувчанлиги дейилади. Бу күрсаткіч айланадиган кажава асбоби ёрдамида аниқланади. 45 дақықа давомида сувда айланиш тезлиги дақықасига 100 марта бұлғанда таъсир қилувчи модданынг әриган миқдори дори туридагига нисбатан 75%дан кам бўлмаслиги лозим.

### 3) Таблетканнинг үртача оғирлиги.

Бунинг учун 20 та таблетканнинг оғирлиги 0,01 г аниқликда үлчанади, сүнгра ҳар биттаси алоҳида үлчаниб оғирликдаги четла-

ниши аниқланади, агар таблетка қобиқланмаган бўлса қуидагича бўлади:

оғирлиги 0,1 г ва ундан кам бўлса  $\pm 10\%$

0,1 г дан 0,3 г  $\pm 7,5\%$

0,3 г дан ошиқ бўлса  $\pm 5\%$

агар таблетка қобиқланган бўлса, унда четланиш  $\pm 15\%$  бўлиб, фақат 2 та таблетканинг ўртача массадан четланиши мумкин.

4) дозалар бир хиллигини текшириш.

Бу қўрсаткич қобиқсиз, таъсир этувчи моддаси 0,05 г ва ундан кам бўлган, шунингдек, қобиқли таблеткаларнинг таъсир этувчи моддаси 0,01 г ва ундан кам бўлган таблеткаларда аниқланади. Бунинг учун 30 та таблетка олинади ва таъсир этувчи модданинг миқдори аниқланади. Таъсир этувчи модданинг миқдори унинг ўртача қийматидан  $\pm 15\%$  ва ҳар бир таблеткада эса  $\pm 25\%$  ошмаслиги керак. Агар текшириш учун олинган 10 таблетканинг 2 тасидаги таъсир этувчи модданинг миқдори унинг ўртача миқдоридан  $\pm 15\%$  дан ортиқ бўлса, унда қолган 20 таблеткадаги таъсир этувчи модданинг миқдори текширилади. Шунда четланиш ҳеч бир таблеткада  $\pm 15\%$  дан ошмаслиги керак.

4) Таблеткадаги таъсир этувчи модданинг миқдори аниқланади. Бунинг учун 20 тадан кам бўлмаган таблетка олинади ва таъсир этувчи модданинг миқдори аниқланади. Таъсир этувчи модда 0,001 г гача бўлса четланиш  $\pm 15\%$

0,001–0,01 г гача  $\pm 10\%$

0,01–0,1 г  $\pm 7,5\%$

0,1 г дан ортиқ бўлса,  $\pm 5\%$  бўлиши керак (ДФ XI, 2 қисм, 156–159 бетлар).

Талькни аниқлаш.


1 г (аниқ тортма) майдаланган таблеткалар ҳажми 200 мл бўлган колбада илиқ сув билан ювилади, суюқлик кулсиз фильтр қоғоз орқали фильтранади, идиш яхшилаб сув билан чайилади. Фильтрдаги қолдиқ бир неча марта сув билан ювилади. Бунда ювинди сув буғлатилганда идишда ҳеч қандай қолдиқ қолмаслиги керак. Фильтр қолдиқ билан биргаликда қуритилади, ёқилади, куйдирилади ва оғирлиги ўлчанади.

Агар таблеткалар ёнмайдиган ва сувда эримайдиган моддаларни сақласа, унда олинган аниқ оғирлиги ёқилиб, куйдирилгандан сўнг 30 мл суюлтирилган хлорид кислотаси билан қиздирилиб эритма кулсиз фильтр қоғоз орқали фильтранади, фильтрат оқава сув таркибида хлорид ионлари қолмагунча сув билан ювилади. Фильтр

қоғоз қолдиги билан биргаликда қуритилади, ёқилади, күйдириләди ва 0,0001г аниқликда оғирлиги үлчанади.

Таблеткалар таркибидаги аэросил миқдори ҳам шу усулда аниқланади.

*Папаверин гидрохлорид таблеткалари*  
*Tabulettae Papaverini hydrochloridi 0,04*



**Тасвиrlаниши:** оқ рангли таблетка. Ташқи күриниши ДФ XI нашр, 2-қисм, 154 бетдаги талабларга жавоб бериши керак.

**Чинлиги:** 1. Миқдорий таҳлил учун тайёрланган фильтратдан 5 мл олиб ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасига солинади ва 0,01 моль/л хлорид кислота эритмаси билан белгисига келтирилади. Олинган эритма спектрофотометрда 230–270 нм тўлқин узунлиги оралигига кўрилганда  $251\pm 2$  нм тўлқин узунлигига юқори ютиш кўрсаткичига эга бўлиши керак.

2. Миқдорий таҳлил учун тайёрланган эритманинг фильтратидан 20 мл олиб 50 мл ҳажмли ўлчов колбасига солинади. 0,01 М водород хлорид эритмаси билан белгисигача етказилади. Эритма ультрабинафша спектрда 270–350 нм тўлқин узунлиги оралигига текширилади.  $285$  ва  $309\pm 2$  нм тўлқин узунлигига ютилиш максимумлари кузатилади.

3. 0,1 г майдаланган таблетканинг кукуни чинни идишга ўтказилади. 0,1 мл эритма ҳосил бўлади ва у сув ҳаммомида қиздирилганда заргалдоқ рангга киради. (папаверин).

4. Таблетканинг 0,2 г майдаланган кукунига 3 мл сув, 1 мл аммиак эритмаси қўшилади ва фильтранади. Фильтрат хлорид ионига ҳос реакцияни беради. (ДФ XI нашр, 1 қисм, 159 бет).

**Ўртacha массасини аниқлаш, парчаланувчаниги ва бошқа талаблар.** Папаверин таблеткаларининг ўртacha массаси ДФ XI нашр, 2 қисм, 154 бетдаги талабларга жавоб бериши керак. Таблетканинг ўртacha массаси  $0,3417$ – $0,3550$  г бўлиши лозим.

**Эрувчаниги.** ДФ XI нашр, 2 қисм, 154-бетдаги талабларга биноан олиб борилади. Эритувчи – сув, ҳажми 900 мл, эриш вақти 45 мин., саватнинг айланиш тезлиги 1000 айланиш/мин.

2 мл фильтрат 25 мл ҳажмли ўлчов колбасига солиниб 0,01 М хлорид кислота эритмаси қўшиб аралаштирилади.

Эритманинг оптик зичлиги спектрофотометрик усулда 250 нм тўлқин узунлигига, қатлам қалинлиги 10 мм бўлган кюветаларда аниқланади. Бир вақтнинг ўзида папаверин гидрохлориднинг стандарти билан назорат тажрибаси олиб борилади (В).

Папаверин гидрохлорид эритмаси таркибидаги модда миқдори (Х) қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{D_1 * 900 * 25 * a * 5 * 5 * 100}{D_0 * 2 * 250 * 50 * 25 * 0,04} = \frac{D_1 2250 * a}{D_0}$$

Бунда,  $D_1$  – назорат эритмасининг оптик зичлиги (В эритма);

$D_0$  – стандарт эритманинг оптик зичлиги;

$a$  – стандарт намунасининг аниқ тортмаси, г.

45 мин. ўтгандан сўнг таблеткадан эритмага ўтган папаверин гидрохлориднинг миқдори 80 % дан кам бўлмаслиги керак.

*Эслатма:* Папаверин гидрохлорид ишчи стандарт намуна (ИСН) эритмасини тайёрлаш. 0,05 г папаверин гидрохлорид (ФС 42-3149-95) 250 мл ҳажмли ўлчов колбасида 0,01 М ли хлорид кислота эритмасида эритилиди ва белгисига етказилади (А эритма). А эритмани ёруғлик тушмайдиган жойда 1 ойгача сақлаш мумкин. 5 мл А эритма 50 мл ҳажмли ўлчов колбасига солинади. 0,01 М ли хлорид кислота эритмаси билан белгисига етказилади. (Б эритма). 1 мл Б эритма 25 мл ҳажмли ўлчов колбасида 0,1 М хлорид кислота эритмаси билан белгисигача етказилади (В эритма). 1 мл В эритма 0,000004 г дори моддаси сақлайди.

*Дозалар бир хиллиги:* Майдаланган таблетканинг ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасида 0,01 М хлорид кислота эритмасида эритилиди, белгисигача келтирилади, аралаштирилади ва фильтранади.

1 мл фильтрат ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасида 0,01 М хлорид кислота эритмаси билан белгисига суюлтирилади. Олингтан эритманинг оптик зичлиги 250 нм тўлқин узунлигига қатлам қалинлиги 10 мм бўлган кюветада аниқланади. Солиштириувчи эритма сифатида 0,1 М хлорид кислота эритмасидан фойдаланилади. Бир вақтнинг ўзида папаверин гидрохлориднинг (В эритма) стандарт намунаси билан назорат тажрибаси олиб борилади. Ҳар бир таблеткада папаверин гидрохлориднинг миқдори (Х) қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X = \frac{D_1 * 100 * 100 * a * 5 * 5}{D_0 * 1 * 250 * 50 * 25} = \frac{D_1 * a * 0,8}{D_0 * a}$$

Бунда,  $D_1$  – назорат эритмасининг оптик зичлиги ;  
 $D_0$  – стандарт эритманинг (В эритма) оптик зичлиги;  
 $a$  – стандарт намунасининг аниқ тортмаси, г.

10 та таблетканинг ҳар бири таркибида папаверин гидрохлорид миқдори 0,036–0,044 г, ўртача миқдори  $\pm 15\%$  ва битта ҳам таблеткада унинг четланиши миқдори  $\pm 25\%$  дан ошмаслиги керак.

*Ёт аралашмалар.* Майдаланган таблеткадан 1 г куқун олиб 5 мл хлороформда эритилиди ва фильтрланади (А эритма). 1 мл эритманни ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасига солиб, хлороформ билан белгисигача келтирилади ва аралаштирилади (Б эритма).

5x15 см ўлчамли Силуфол пластинканинг старт чизитига 0,01 мл А эритма (230 мг га яқин папаверин гидрохлорид) томизилади. Томизилган текширувчи эритманинг ёнига 0,01 мл (2, 3 мкг папаверин гидрохлорид) Б эритма томизилади Пластинка ҳавода 5 мин давомида қуритилиб, толуол-этилапетат-диэтиламил (70:20:10) эритувчилар аралашмаси солинган камерага жойлантирилади. Эритувчилар аралашмаси финиш чизигига етганда ишингинка камерадан олинали ва ҳавода 20 мин давомида қуритилади. Сўнг 254 нм тўлқин узунлигига УБ нури остида кўрилади. Ёт аралашмалар сақлаганлигини, таҳлил хроматограммадаги доғларининг катталитиги ва интенсивлигини гувоҳ билан солинтириб аниқланади. Аралашмалар 1% дан ошмаслиги керак. Хромамограммада фақат битта доғ ҳосил бўлиши керак. Старт чизигидан пастдаги доғлар ҳисобга олинмайди.

*Микробиологик тозалиги.* Микробиологик жиҳатдан тозалиги ДФ XI 2-қисм 193-бетдаги талабларга жавоб берishi керак.

*Миқдорини аниқлаш:* майдаланган таблетканинг 0,17 г (аниқ тортмаси) 250 мл ҳажмли ўлчов колбасида 0,01 M хлорид кислота эритмаси билан эритилиди ва белгисига етказилади. Эритма фильтрланаб, биринчи 10–15 мл ташлаб юборилади. Кейинги 10 мл фильтрат ҳажми 50 мл бўлган колбага солинади ва 0,01 M хлорид кислота эритмаси билан белгисигача суюлтирилади. Олинган эритманинг оптик зичлиги 310 нм тўлқин узунлигига қатlam қалинлиги 10 мм бўлган кюветаларда аниқланади. Гувоҳ эритма сифатида 0,01 M хлорид кислотаси эритмасидан фойдаланилади. Бир вақтнинг ўзида папаверин гидрохлориднинг стандарт (Б эритма) намунасининг оптик зичлиги аниқланади. 1 та таблетка таркибида папаверин гидрохло-

ридинг грамм миқдори ( $X$ ) қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблады:

$$X = \frac{D_1 * 0,00002 * 250 * 50 * b}{D_0 * 10 * a} = \frac{D_1 * 0,0250 * a}{D_0 * a}$$

Бунда,  $D_1$  – текширилаёттан эритманинг оптик зичлиги;

$D_0$  – стандарт намуна папаверин (Б эритма) гидрохлориддинг оптик зичлиги;

$a$  – тортманинг миқдори, г;

$b$  – таблетканинг ўртача оғирлиги, г.


*Сақланышы: Б рўйхат бўйича, ёруғлик тушмайдиган жойда.*

*Яроклилик муддати: 5 йил.*

*Ишлатилиши: спазмолитик восита.*

### *Парацетамол таблеткалари*

#### *Tabulettae paracetamoli 0,2 aut 0,5*



Битта таблетка таркиби:

Парацетамол (ФС 42-3292-96)	– 0,20000 г	– 0,50000 г
--------------------------------	-------------	-------------

Картошка крахмали (Гост 7699-78)	– 0,01018 г	– 0,02545 г
-------------------------------------	-------------	-------------

Стеарин кислотаси (ГОСТ 9419-78)	– 0,00174 г	– 0,00435 г
-------------------------------------	-------------	-------------

Крахмал (ГОСТ 5194 -91)	– 0,00700 г	– 0,01750 г
----------------------------	-------------	-------------


Желатина (ГОСТ 11293-89, озиқ – овқат)	– 0,00108 г	– 0,00270 г
---	-------------	-------------

*Тасвирланиши.* Оқ ёки бироз пушти рангдаги текис цилиндри-мон таблеткалар. Улар ташқи кўриниши бўйича ДФ XI нашри, 2 қисм, 154 бетдаги талабларга жавоб бериши керак.

*Таблеткаларнинг ўртача оғирлиги.* Таблеткаларнинг ўртача оғирлиги 0,22 г ёки 0,55 г. 0,2 г оғирликдаги таблеткалар учун рухсат этилган четланишлар  $\pm 7,5\%$ , 0,5 г таблеткалар учун  $\pm 5,0\%$ .

Аниқлаш услуби ДФ XI нашрининг 2 қисми 154 б да келтирилган.

Чинлиги. Парацетамолнинг чинлигини индофенол ҳосил қилиш реакцияси бўйича аниқлаш давлат фармакопеясида асосий реакция сифатида келтирилган.



Миқдорий таҳдил олиб бориш учун тайёрланган парацетамол таблеткалари ва ишчи стандарт намунаси (ИСН) эритмалари УБ-нурида 230 дан то 300 нм гача тўлқин узунлиқда энг юқори максимумга эга.

0,1 г майдаланган таблеткалар кукуни 10 мл сув билан чайқатилади ва 0,1 мл темир (III) хлориди эритмасидан қўшилади; фенол гидроксилига ҳос бўлган кўк-бинафша ранг ҳосил бўлади.

0,2 г майдаланган таблеткалар кукуни 20 мл сувсиз апетон билан чайқатилади, фильтрланади ва фильтрат қуруқ қолдиқча буғлатилади. 0,05 г қуруқ қолдиқ 2 мл суюнтирилган хлорид кислотасида 1 дақиқа давомида қайнатилади, 20 мл сув қўшиб совутилади ва устига 1 томчи калий бихромат эритмасидан қўшилади, қизил рангга ўтмайдиган бинафша ранг ҳосил бўлади (фенацетиндан фарқи).

0,1 г қуруқ қолдиқ 2 мл суюнтирилган сульфат кислотасида 2 дақиқа давомида қайнатилади; сирка кислотасининг ҳиди келади (ацетат-ион).

П-аминофенол. 1,1 г майдаланган таблеткалар метил спирти ва сувнинг teng ҳажмдаги 20 мл аралашмасида эритилади, фильтрланади. Битта цилиндрга 10 мл фильтрат, иккинчисига 10 мл назорат эритмасидан солинади. Иккала цилиндрга 0,2 мл дан янги тайёранган натрий нитропруссиднинг ишқорли эритмасидан қўшиб, аралаштирилади ва 30 дақиқага қолдирилади.

Текширилувчи фильтрат солинган цилиндрдаги ранг назорат эритма солинган цилиндрдаги рангдан тўқ бўлмаслиги керак. (П-аминофенол миқдори 0,005% дан ошмаслиги керак).

### **Эслатма:**

1. Натрий нитропруссиднинг ишқорий эритмасини тайёрлаш. 0,1 г натрий нитропруссид (ТУ-6-09-4224-76) ва 1 г натрий карбонат (сувли ГОСТ 84-76) сувда эритилади ва ҳажми 100 мл гача сув билан етказилади. Эритма янги тайёрланган ҳолда ишлатилади.

2. Назорат эритмасини тайёрлаш. Таркибида п-аминофенол сақламайдиган 0,5 г парацетамол метил спирти ва сувдан ташкил топган аралашмада эритилади, устига 0,5 мл 0,005 % янги тайёрланган п-аминофенол эритмасидан қўшиб, ҳажми 10 мл бўлгунича юқоридаги аралашмадан қўшилади.

3. Таркибида п-аминофенол сақламайдиган парацетамолнинг олиниши. Парацетамол сувда қайта кристалланади. Куритилган дори модда қуидаги текширувтарга бардош бериши керак. 6 г дори модда тенг ҳажмда метил спирти ва сувдан ташкил топган аралашмада эритилади ва шу аралашма ёрдамида ҳажми 100 млгача етказилади. Эритмага 1 мл янги тайёрланган ишқорли натрий нитропруссид эритмасидан қўшиб 30 дақиқа қолдирилади. Эритма яшил ва ҳаво рангга бўялмаслиги керак.

4. 0,005 % ли п-аминофенол эритмасини тайёрлаш. 0,05 г п-аминофенол (ГОСТ 5209-77) ҳажми 100 мл бўлган колбада тенг ҳажмда аралаштирилган (метил спирт ва сув) 40 мл аралашмада эритилади ва белгисигача шу аралашма билан етказилади. 1 мл ҳосил бўлган эритманинг ҳажми 10 мл гача юқоридаги аралашма билан етказилади ва аралаштирилади. Эритма янги тайёрланган ҳолда ишлатилади.

*Парчалашувчалиги.* Сувда 15 дақиқадан ошмаслиги керак. Аниқлаш ДФ XI нашр, 2 қисм, 154 бетда келтирилган усулда олиб борилади.

*Эрүвчанлигини аниқлаш.* Аниқлапи ДФ XI нашр, 2 қисм, 154 бетда келтирилган усулда олиб борилади. Муҳит – сув, ҳажм – 500 мл, саватчанинг айланиш тезлиги – 1000 айланиш/мин, эриш вақти – 45 дақиқа.

Битта таблетка саватчага солинади ва айлантирилади. 45 дақиқадан сўнг эритмадан намуна олиб, фильтр қоғоз орқали фильтрланади, биринчи 20 мл фильтрат ташлаб юборилади. 2 мл (0,2 г ли таблетка учун) ёки 1мл фильтрат (0,5 г таблетка учун) ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасига солинади ва сув билан белгисигача етказилади, аралаштирилади. Ҳосил бўлган эритманинг оптик зичлиги қалинлиги 10 мм кюветаларда 243 нм тўлқин узунлигига спектрофотометрда ўлчанади.

Бир вақтнинг ўзида парацетамолнинг ишчи стандарт намунаси эритмасининг (ИАЭ) оптик зичлиги ўлчанади. Солиширилувчи эритма-сув. Сувга эриб ўтган парацетамолнинг фоиздаги миқдори куйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$X = \frac{D_1 * 500 * 100 * a_0 * 100}{D_0 * V * 100 * 50 * b} = \frac{D_1 * a_0 * 100}{D_0 * V * b}$$

бу ерда  $D_1$  – текширилувчи эритманинг оптик зичлиги;

$D_0$  – парацетамол ИСН эритмасининг оптик зичлиги;

$A_0$  – ИСН парацетамолнинг аниқ тортмаси (навеска), г;

$V$  – аниқлаш учун олинган фильтратнинг ҳажми, мл;

$B$  – парацетамолнинг граммдаги миқдори.

45 дақиқа давомида сувга эриб ўтган ( $C_6H_9NO_2$ ) парацетамолнинг миқдори таблетка таркибидаги миқдорга нисбатан 75 % дан кам бўлмаслиги керак.

*Эслатма.* Парацетамолнинг ишчи андоза намунаси (ИАН) (рабочий стандартный образец) эритмасини тайёрлаш.

0,04 г (аниқ тортма) парацетамол ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасида 60 мл сувда эритилади, белгисигача сув билан етказилиди ва яхшилаб аралаштирилади (А эритма). Ишлатиш муҳлати-1 кун.

1 мл А эритма 50 мл гача сув билан суюлтирилади ва яхшилаб аралаштирилади (Б-эритма). Б эритма янги тайёрланган ҳолда ишлатиласи.

*Микробиологик тозалиги.* Текшириш ДФ XI нашр, 2 қисм, 193 бетдаги усуулларда олиб борилади. ЗГ категорияси.

*Миқдорий таҳлил.* 0,045 г (аниқ тортма) майдаланган таблеткалар ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасида 60 мл сувда эритилади, 10 дақиқа аралаштирилади, белгисигача сув билан етказилиди ва аралаштирилади.

Эритма ўртача зичликлаги фильтр қофоз орқали фильтранади. Биринчи 20 мл фильтрат ташлаб юборилади, 1 мл фильтрат 50 мл гача сув билан ўлчов колбасида суюлтирилади ва аралаштирилади. Ҳосил бўлган эритманинг оптик зичлиги 243 им тўлқин узунлигига қатлам қалинлиги 10 мм бўлган кюветаларда ўлчанади.

Бир вақтнинг ўзида «Эрувчанлик» бўлимida келтирилган услубда тайёрланган парацетамолнинг ишчи андоза наъмунаси эритмасининг оптик зичлиги ўлчанади. Солиширилувчи эритма – сув.

Битта таблеткадаги парацетамолнинг граммдаги миқдори куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{D_1 * a_0 * b}{D_e * V * a_1}$$

бу ерда  $D_1$  – текширилувчи эритманинг оптик зичлиги;

$D_e$  – парацетамол ИСН эритмасининг оптик зичлиги

$A_1$  – препаратнинг оғирлиги, г;

$A_e$  – парацетамол ИСН нинг оғирлиги, г;

$B$  – таблеткаларнинг ўртача оғирлиги, г.

$C_6H_9NO_2$  (парацетамолнинг) миқдори битта таблетканинг ўргача оғирлигига нисбатан 0,190 дан 0,210 гача ёки 0, 475 дан 0,525 гача бўлиши керак.

**Сақланиши.** Б рўйхати. Ёруелик тушмайдиган жойда.

**Яроқлилик муддати** 3 йил.

**Ишлатилиши.** Иситма туширувчи, оғриқ қолдирувчи восита.

*Кальций глюконат таблеткалари*

*Tabulettae Calcii gluconatis*

$(CH_2OH-(CH_2OH)_4-COO)_2Ca \cdot H_2O$

Битта таблетка таркиби:

Кальций глюконат – 0,5 г.

FS 42-3103-99

Ёрдамчи моддалар

(картошка крахмали, тальк, кальций стеарат)

– ҳосил бўлган таблетка массаси – 0,53 г.

**Тасвирланиши:**

Таблетка оқ раңгда. Ташқи кўриниши ДФ XI нашр, 2 қисм, 154 бетда келтирилган талабларга мос келиши керак.

**Чинлиги:** 0,2 г таблетка куқун ҳолида 10 дақиқа давомида 10 мл сувда чайқатилади ва фильтранади. 0,1 мл темир (III) хлорид эритмасидан қўшилганда оч – яшил раңг ҳосил бўлади (глюконат ионига ҳос).

1 мл фильтрат кальций ионига ҳос А реакциясини беради (ДФ XI нашри, 1 қисм, 161 б).

**Миқдорини аниқлаш:** 2,4 г (аниқ тортма) таблетка кукунидан ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасига солинади, 10 мл суюлтирилган хлорид кислота, 50 мл сув қўшиб сув ҳаммомида 10 дақиқа давомида қайнатилади. Совутилгандан сўнг ўлчов колбасининг белгисигача сув билан етказилади, аралаштирилади ва фильтранади. 20 мл фильтрат ҳажми 100 мл бўлган конуссимон колбага ўтказилади, 10 мл аммиакли буфер эритмаси, 0,1 г индикатор аралашмаси ёки 0,25 мл (7 томчи) кислотали хром қора эритмасидан қўши-

лади ва 0,05 М трилон Б эритмаси билан кўк-бинафша ранггача титрланади.

Бир вақтнинг ўзида назорат тажрибаси ўтказилади.

1 мл 0,05M трилон Б эритмаси  $0,02242 \text{ г } \text{C}_{12}\text{H}_{22}\text{CaO}_{14} \text{ H}_2\text{O}$  (кальций глюконат) га тўғри келади. 1 та таблеткадаги дори молдаси 0,475–0,525 г оралиғида бўлиши керак.

*Сақлаш шароити.* Хона ҳароратида, қуруқ жойда.

*Яроқлилик муддати.* 5 ийл

## Аэрозоллар

Аэрозоллар – шундай дори тури бўлиб, бунда дори субстанцияси ва ёрдамчи молдалар сиқиб чиқарувчи газ (пропилен) нинг босими остида аэрозол баллонга жойлашган ва оғзи клапан ёрдамида герметик беркитилган бўлади. Аэрозол таркибидаги препарат газ муҳитда дисперс ҳолатда бўлган суюқ ёки қаттиқ заррacha ҳолда бўлади. Шунингдек кўпик ёки плёнка ҳолда ҳам бўлиши мумкин. Аэрозоллар ингаляция учун, терига суртишга ва тананинг ички қисмига ишлатилади. Аэрозоллар кўнинча 2 та ёки 3 та фазали (газ, суюқ, қаттиқ) система бўлиб, бунда дори ва ёрдамчи молдалар эритган эмульсия ёки суспезия ҳолида бўлиши мумкин. Аэрозоллар тайёрлашда турли ёрдамчи молдалар ишлатилади: эритувчилар, пропиленлар, сирт фаол молдалар, пленка ҳосил қилувчилар, корригентлар, консервантлар, антиоксидантлар.

Сиқиб чиқарувчи газ (пропилен) лар сифатида сиқилган (азот,  $\text{CO}_2$  ва бошқалар) ва суюлтирилган (хлодан ва уларнинг аралашмалари) ишлатилади. Баллондаги рухсат этилган ёки энг юқори босим ҳарорат  $200^\circ\text{C}$  бўлганда 0,8 МПА ( $8 \text{ кг.с/см}^2$ ) дан ошмаслиги керак. Эритувчилар сифатида сув, спирт, ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинган ва минерал мойлар, глицерин, этилацетат, этил хлорид, пропиленгликоль ва б. ишлатилади. Пленка ҳосил қилувчи целялюзоза, акрил кислотаси ва бошқаларнинг ҳосилалари ишлатилади. Сирт фаол молдалар сифатида твин – 80, пентол, эмульгатор – Т-2 ва бошқалар, корригентлар сифатида – шакар, лимон кислотаси, сорбит, эфир мойлари, тимол, ментол, консервантлар – нипагин, п-оксибензой кислотанинг пропил эфири, натрий бензоат ва бошқалар ишлатилади.

Антиоксидантлар сифатида – бутил окситолуол, витамин Е, лимон кислота, трилон Б ва бошқалар. Аэрозоллар сифати қўйидагича баҳоланади: сифатини назорат қилиш учун 1000 қадогидан (донасидан) 15 таси танлаб олинади. Бунда ҳар бир сериядан таҳдил учун

олинган аэрозол 25 тадан кам бўлмаслиги керак. Таҳлил МХ да келтирилган талаблар асосида олиб борилади. Агар танлаб олинган аэролларнинг баъзисида битта кўрсаткич бўйича талаб бажарилмаса, таҳлил 2 баробар кўп миқдордаги аэроллар билан бажарилади.

## 1. Босимни аниқлаш.

Аэрозол баллон I с давомида хона ҳароратида тутиб турингач, манометр ёрдамида баллондаги босим ўлчанади. Аниқланган босим хусусий мақолада кўрсатилган босимга мос келиши керак.

## 2. Герметиклигини аниқлаш.

Бунинг учун аэрозол баллоннинг қопқоғи ва пуркагичи олиниб,  $t=45^{\circ}-50^{\circ}\text{C}$  бўлган сув ҳаммомига тўлиқ ботирилади, бунда 15–30 дақиқа (шиша балонлар учун) ёки 10–20 дақиқа (металл баллонлар учун) ичидаги газ пуфакчаларининг чиқиши қузатилмаслиги керак.

3. Бир дозадаги дори модданинг ўртача оғирлигини аниқлаш. Бу кўрсаткич дозаланган аэроллар учун аниқланади.

Бунинг учун хона ҳароратида аэрозол баллони пуркагичининг штоки 5 марта босилиб, оғирлиги 0,01 г аниқликда тортилади, сўнгра шток яна 5 дан 20 марта гача босилади (10–15 секунд оралиғида) ва яна оғирлиги тортилади. Бир дозадаги ўртача оғирлик қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$m = \frac{m_1 - m_3}{n}$$

бу ерда  $m_1$  – 5 марта босилгандан кейинги баллон оғирлиги, г;  $m_3$  – 5–20 марта гача босилгандан кейинги баллон оғирлиги, г;  $n$  – босимлар сони, хусусий мақолада келтирилган бўлади.

Агар фармакопея мақоласида кўрсатилмаган бўлса, ўртача оғирликдаги четланиш 20 % дан ортик бўлмаслиги керак.

## 1. Баллондан маҳсулотнинг чиқиши % ни аниқлаш.

0,01 г аниқликда тортилган хона ҳароратида баллоннинг оғирлиги –  $m_1$ , пуркагич босилиб, баллондаги дори маҳсулот чиқариб юборилиб, тортилгач т баллондаги таркибининг миқдори қўйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$x = \frac{m_1 - m_4}{m_5} * 100$$

Бу ерда  $m_5$  – баллондаги таркибининг кўрсатилган миқдори.

Ингаляция учун ишлатиладиган аэроллардаги заррачалар катталиги микроскопда аниқланади. Ишлатиладиган усуслар, заррачалар катталиги хусусий мақолаларда кўрсатилган бўлади. Заррачалар

капталағи 5–10 мкм (0,005–0,01 мм) дан ошмаслиги керак. Аэрозол баллондагы таъсир этувчи модда миқдори таҳтил натижасида аниқланған қыймати билан мақолада күрсатилған қыймат орасидаги четланиш 15% ошмаслиги керак.

**Қадоқлаш.** Аэрозоллар металл ёки шиша баллонларда ҳимояловчи полимер билан ёпилған бұлади. «Болалардан әхтиёт қилиш керак», «Шифокор күрсатмаси бүйіча ишлатиш керак», «Иссикликдан йироқда сақлаш керак» деган ёзувлар билан чиқарилади. Агар хусусий мақолада күрсатилмаган бұлса, 0 ва 35°C ҳароратда сақланади.

*«Каметон» аэрозоли -Aerozolum «Cametonum»  
(ФМ 42–1684–99)*

Таркиби.

Хлоробутанолгидрат (ФС 42–1574 – 96)	0,1 г ёки 0,15г
Камфора (ФС 42 – 2315 – 93)	0,1г ёки 0,15г
Метанол (ДФ X, 387 мақоласи)	0,1 ёки 0,15 г
Эвкалипт мойи (ДФ X, 475 мақоласи)	0,1 ёки 0,15 г
Вазелин мойи (ДФ X, 481 мақоласи)	9,6 г ёки 14,4 г
2-фтор 2-хлорметан (Хладона – 12) (ГОСТ 19212 – 87)	20 г ёки 30 г

**Тавсифи.** Аэрозол баллонда жойлашған мойсимон суюқлик. Препарат баллондан чиққанда газ мұхитда дисперс үзига хос ҳидли суюқ заррача ҳосил қиласы.

Препараттнинг чинлиги ва миқдорини аниқлаш учун ўртача на- муна олиш. 6 та аэрозол баллонларининг әхтиёт қопқоқлари очи- лади. Металл қапсулалынг клапани ўртасидан 5 мм йироқда металлы стержень билан тешилади. Ҳосил бўлган тешикка инъекция учун ишлатиладиган игна баллон ичидаги эритмага тегмайдиган қилиб жойлаштирилади ва баллон вертикал ҳолатда (хладона-12 нинг чи- қиши учун) қолдирилади. Газ чиқиб бўлганидан сўнг баллон әхтиёт-

корлик билан чайқатилади ва 3 дақиқа қолдирилади; бунда ҳладона 12 нинг ортиқча миқдори чиқиб кетади. Бу жараён яна бир неча марта такрорланади. Сұнгра баллон тұнкарилиб, ичидагиси яхшилаб чайқатилғандан сұнг ұажми 100 мл бұлған колбага солинади, бу ердан кейинчалик препаратурнинг чинлиги ва миқдорини аниклаш учун намуналар олинади.

**Чинлиги.** 2 мл препарата 1 мл концентранттан сульфат кислота ва 1 мл ванилиннинг концентранттан сульфат кислотадаги 1% ли эритмасидан құшилади; 1 мл сув құшилғанда кейинчалик бинафша рангга үтувчи сариқ ранг ҳосил бұлади (ментол). Текширилувчи эритма таркибидаги камфора, хлорбутанолгидрат, ментол ва цинеолнинг (эвкалипт мойиннинг асосий қисми) хроматограммадаги ушланиши вақти ушбу моддалар модел аралашмасыннинг хроматограммадаги ушланиши вақтига мөс келиши керак. Аэрозол қадофиннинг (упаковка) синовлари 3 та (хар сериядан) баллонда олиб борилади.

**2. Герметиклигини текшириш.** Текшириш ДФ XI., 2 нашри 136 б келтирилған усулда олиб борилади.

**3. Клапанни текшириш.** Бармоқ билан пуркагич қаттиқ босилғанда клапан очилиб ва тезлиқда ёпилиши керак. Баллоннанда аралашма фақат пуркагичдан чиқиши керак.

**4. Препаратнинг битта дозадаги үртача оғирлигини аниклаш.** Текшириш ДФ XI нашр, 2 қисм 136 бетда келтирилған усулда олиб борилади.

Үртача оғирлик  $0,065 \text{ г} \pm 0,013 \text{ г}$  ёки  $0,1 \text{ г} \pm 0,02 \text{ г}$  булиши керак.

**5. Баллондаги аралашманинг чиқиши фоизини аниклаш.** Текшириш ДФ X, 2 қисм, 136 бетда келтирилған усулда олиб борилади. Баллондаги аралашманинг чиқиши фоизи унинг ичидегига нисбатан 0,5% дан кам бўлмаслиги керак.

Намуна олиш.

**1. Маҳсулотнинг ташқи кўриниши, қадофи ва ёрлигини ташқи назоратдан ўтказиш учун ҳар бир партияниң 5% и миқдорида үртача намуна олинади.**

Агар текшириш учун олинган маҳсулотнинг 3% дан кўпли ушбу ФМ келтирилған талабларга жавоб бермаса, бутун партия яроқсиз, агар 3% ва ундан кам бўлса, унда фақат текширишга жавоб бермаган маҳсулот яроқсиз деб топилади.

**2. Маҳсулотнинг сифатини текшириш ДФ XI, 2 қисм, 136 б да келтирилған талаблар асосида олиб борилади.**

**3. Микробиологик тозалиги ДФ XI, 2 нашри 193 б келтирилған талаблар асосида олиб борилади.**

*Миқдорий таҳлил.* Камфора, хлоробутанол гидрат ва ментол миқдори газ хроматография усулида аниқланади. Ички стандарт сифатида нафталин ишлатилади.

5,0 г препарат (хладона – 12 дан тұлиқ ажратылған аниқ тортма) ұажми 25 мл бұлған колбага жойлаштирилади, 0,05 г (аниқ тортма) нафталин (хроматография учун ТУ 6-09-2200-72, кимёвий тоза), 10 мл хлороформ күшиб аралаштирилади ва белгисигача хлороформ билан етказилади. Тайёр бұлған эритмадан 1 мкл олиб микрошприц ёрдамида хроматографнинг буғлаттығындағы юборилади ва камидә 5 марта хроматограммаланади.

Битта баллондаги камфора, хлоробутанол гидрат ва ментолнинг граммлардаги миқдори ( $X$ ) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{S_x * K_x * q_{cm} * M}{S_x * q_x}$$

Бу ерда  $S_x$  – аниқланувчи модда чўккисининг юзаси,  $\text{мм}^2$ ;

$S_{cm}$  – нафталин чўккисининг юзаси,  $\text{мм}^2$ ;

$K_x$  – аниқланувчи модда учун тузатиш коэффициенти;

$q_{cm}$  – нафталиннинг аниқ оғирлиги, гр;

$q_x$  – препаратнинг аниқ оғирлиги, гр;

$M$  – баллондаги препаратнинг оғирлиги (фреон ҳисобига олинмаган), гр.

Камфора, хлоробутанол гидрат ва ментолнинг битта баллондаги миқдори 0,090 г дан 0,110 г ёки 0,135 г дан 0,165 г гача ҳар бир модда учун бұлиши керак.

*Эслатма:* 1. Хроматографиялаш шароити алантга-ионланиш детекторли хроматограф (алантгали – ионизацияцион).

Устунлар (колонка) шишили ёки зангламайдыган пұлат 300,0 · 0,3 см, 15% ли полиэтиленгликоль сорбенти билан тұлдирилған.

ММ – 20000 (карбовакс 20 М), хроматон N – AW-DMCS, 0,16–0,20 мм ёки 0,315 – 0,430 мм гача майдаланған. Устунлар қарораты 150 °C, буғлаттычники 200 °C, газ ташувчининг (азот, гелий, водород) тезлигі – 25 мл/мин, ҳавоники – 300 мл/мин – 240 мм/мин.

3. Тузатиш коэффициентини аниқлаш (ТК). 1. Аввал модел аралашма тайёрланади.

З хил модель аралашма тайёрланади. Улар үз таркибида 0,05 г аниқ тортмадан эквалипт мойи, камфора, хлобутанолгидрат, ментол ва нафталин сақлайды. Улар ұажми 25 мл бұлған үлчов кобасига жойлаштирилади, устига 5 г вазелин мойи, 10 мл хлороформ солиб

моддаларнинг тўлиқ эриб кетгунича аралаштирилди ва белгиси-  
гача хлороформ билан етказилади. Ҳар бир аралашма 1 мкг-  
дорда хроматографнинг буғлаткичигача камидаги 2 мартадан юбори-  
лади ва тузатиш коэффициенти қўйилдаги формула бўйича ҳисоб-  
ланади:

$$K_x = \frac{S_{cm} * K_x * q_x}{S_x * q_{cm}}$$

Бу ерда,

$K_x$  – камфора (ёки хлобутанолгидрат ёки ментол) учун тузатиш  
коэффициенти;

$S_{cm}$  – нафталин чўққиси юзаси,  $\text{мм}^2$ ;

$S_x$  – камфора, хлорбутанолгидрат, ёки ментол чўққиси юзаси,  
 $\text{мм}^2$ ;

$q_{cm}$  – нафталин оғирлиги, г;

$q_x$  – камфора, хлобутанолгидрат ёки ментолнинг оғирлиги, г;  
кейинчалик, тузатиш коэффициентиниг ўртacha қиймати ҳисоб-  
ланади.

*Сақланиши: +4°C дан паст ҳароратда,*

*Яроқлилик муддати. 2 йилгача.*

*Ишлатилиши. Антисептик восита.*

### Суртмалар

Суртмалар – бу юмшоқ дори шакли бўлиб терига, яраларга ёки  
шиллиқ қаватларга суришга мўлжалланганнадир.

Суртмалар асос ва асосда текис тарқалган таъсир этувчи модда-  
лардан ташкил топган. Системаларнинг дисперслигига қараб сурт-  
малар гомоген (эритма, аралашма), суспензион, эмульсион ва ком-  
бинацияланган бўлади. Консистенцияга қараб эса – паста, крем,  
гел, линиментларга бўлинади.

Суртмалар тайёрлашда тиббиётда қўлланилишга рухсат этилган  
куйилдаги асослар ишлатилади:

*липофил асосларга* – углеводородли (вазелин), ёғли (табиий гид-  
рогенланган ёғлар ёки уларнинг ўсимлик ёғи ёки ёғсимон мод-  
далар аралашмалари), силиконли ва бошқалари киради.

*Гидрофил асосларга* – сўксил ва юқори молекулали углеводларн-  
инг геллари (целлюлоза эфирлари, крахмал, желатина, агар), но-  
органик моддалар геллари (бентонит), синтетик юмшоқ бирикма-  
ларнинг геллари (полиэтиленоксид, поливинилпирролидон, поли-  
акриламид) киради.

*Гидрофил* – лиофил асосларга лиофил асосларнинг эмульгаторлар билан ҳосил килувчи сувсиз қотишмалари киради.

Эмульсион асослар 2 хил бўлади: сув/мой (вазелин билан сувли ланолин аралашмалари, сув, вазелин ва бошқалар) ва мой/сув. Бунда турли эмульгаторлар ишлатилади (Твин – 80, мойли кислоталарнинг К, На тузлари).

Агар суртмалар тайёрлашда концентрация кўрсатилмаган бўлса, унда 10% ли тайёрланади.

Суртмалар сифатини текширишда асосий кўрсаткичлардан бири бу суртмадаги дори модда заррачалари катталигини аниқлашдир. Аниқлаш биологик микроскопларда олиб борилади ва намунанинг миқдори 5 г дан кам бўлмаслиги керак. Агар суртманинг концентрацияси 10% дан ошиқ бўлса, унда суртма керакли асосда 10% гача суюлтирилади. Бунинг учун 0,05 г намуна олиб, уни буюм ойначасининг ишланмаган томонига жойлаштирилади, буюм ойначасининг бошқа тарафига 15x15 мм катталикдаги квадрат шакли (олмос билан) чизилади. Квадратнинг томонлари қалам билан бўялади. Буюм ойначаси то асос эриб кетгунгача сувли ҳаммом ўстида ушлаб турилади, сўнгра агар асос сув – мой тиپдаги мойли, углеводородли ёки эмульсион асос бўлса бир томчи 0,1% судан III эритмасидан томизилади. Агар асос гидрофил ва мой/сув тиپдаги эмульсион асос бўлса, унда 0,15% метилен кўки эритмасидан томизилади.

Реактивлар томизилгандан кейин, яхшилаб аралаштирилади ва 24x24 мм катталикдаги шиша ойнча билан ёпилади. Микроскоп остида квадратнинг бўлакларидаги заррачалар катталиги кўрилади. Текшириш 5 марта қайтарилади. Заррачалар катталиги МХ да кўрсатилган катталикдан ошмаслиги керак. Кўз учун ишлатиладиган суртмалар стерил асосларда тайёрланади.

Суртмалар қўйидаги кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинади:

- препарат номи;
- таркиби;
- ташқи кўриниши;
- чинлиги;
- қадоқдаги оғирлиги;
- сувли ажратманинг pH муҳити;
- бир хилликни аниқлаш (однородность);
- миқдорий таҳлил;
- микробиологик тозалиги;
- қадоқлаш, ёрлиқлаш, сақлаш;

- яроқтаптык мүддати;
- фармакологик фаоллиги.

*«Левомеколь» суртмаси – Unguentum «Laevomecolum»*

100 г суртма таркиби:

Ингредиентлар	МХ	Миқдори, г
Левомицетин	ФМ 42-2786-91	0,75
Метилурацил	ФМ 42-2255-95	4,0
Полиэтиленоксид 1500	ФМ 42-1885-96	19,05
Полиэтиленоксид 400	ФМ 42-1242-96	76,02

**Тасвирланиши:** Оқ ёки сарғимтір оқ рангдаги суртма.

**Чиңлиги:** 1 г препарат тенг миқдода 96% спирт ва сувдан ташкил топған 10 мл аралашмада эритилади (текширилувчи эритма).

0,0075 г левомицетин ва 0,04 г метилурацил ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида 10 мл юқорида күрсатылған аралашмада эритилади (гувоҳ моддалар эритмаси).

Силуфол УФ-254 (15x15) пластинкасининг «старт» чизигига 0,005 мл дан текширилувчи ва гувоҳ моддалар (3,75 мг левомицетин ва 20 мкг метилурацил) эритмаларидан томизилади, пластинка яхшилаб 5 дақықа давомида құритилади, хлороформ-ацетон – 96% ли спирт (60:5:10) эритувчилар аралашмаси солинган камерага жойлаштириледи ва күтариливлөи услугда хроматографияланади. Эритувчилар фронти пластинканың охирига еттанда, уни камерадан олиб ұавода 10 мин давомида құритилади.  $\lambda=254$  нм даги УБ нури остида күрилади. Хроматограммада пайдо бўлган доғлар гувоҳ моддалар доғларининг ранги ва жойлашишига мос келиши керак.

3 г препарат ҳажми 50 мл бўлган колбага солинади, 5 мл ўювчи ишіктор эритмасидан құшилади ва сувли ҳаммомда қиздириледи; сарық ранг ҳосил бўлади, кейинчалик зарғалдоқ рангга ўтади.

Намуна қиздирилганда қизил-зарғалдоқ ранг ҳосил бўлади ва аммиак ажралып чиқади. Ҳосил бўлган аммиак қизил лакмус қофозини қўй рангга бўялиши билан аниқланади. Намуна совутылгандан сўнг суюлтирилған нитрат кислотаси билан универсал индикатор қофози ёрдамида нейтралланади ва фильтрланади. Фильтрат хлоридларга хос реакцияни беради (левомицетин, ДФ XI нашр, 1 қисм, 159 бет).

1 г препарат сувли ұстидың 3 мл сувда эритилали да 1 мл бромли сув құшилади. Эритма рангизланади (метилурацил).

Заррачалар катталиги 100 мкм дан ошмаслиги керак (ДФ XI нашр, 2 қисм, 145 бет).

Бир хиллиги (однородность). Препаратдаги 4 та 0,02 г дан намуна олиб 2 та буюм ойначасига 2 тадан жойлаштириледи, усти буюм ойналаси билан ёпилади ( $D=2$  мм ли доғлар ҳосил бүлгунча). Ҳосил бүлган доғлар 25–30 см масофада кузатилади. Камида 3 та намунада заррачалар күрінмаслиги керак. Препараттнинг сеткалы тузилиши күринади.

pH 5,0 дан 7,5 гача (5% ли сувли эритма. Потенциометрик. ДФ XI нашр, 1 қисм, 113 бет).

Микробиологик тозалиги ДФ XI нашри талабларига жавоб бериши шарт.

*Миқдорий таҳлил.* 1,5 г (аниқ тортма) препарат ұажми 50 мл бүлган үлчов колбасига жойлаштириледи, 25 мл 96% ли спиртде эритилади. Эритувчи билан белгисигача етказилади да аралаштириледи (А эритма).

1 мл А эритма ұажми 100 мл бүлган үлчов колбасида суюлтириледи.

Эритманинг оптик зичлиги спектрофотометрда қатлам қалинлигі 10 мм бүлган кюветаларда  $\lambda=258$  нм ( $D_X^{258}$ ) да  $\lambda=278$  нм ( $D_X^{278}$ ) үлчанади.

Бир вақттнинг үзіда худди шу шароитта ИСН (С эритма) нинде оптик зичлиги үлчанади ( $\lambda=258$  нм,  $\lambda=278$  нм).

Солишлирувчы эритма сифатида сув ишлатилади.  $C_5H_6N_2O_2$  (метилурацил) миқдори (XI) қуидеги формула асосида ҳисоблашади:

$$X = \frac{\frac{D_X^{258}}{D_{SI}^{258}} - 0,2298 \frac{D_X^{278}}{D_{SI}^{278}} * a_{cm} * 1 * 50 * 100 * 100}{a_X * 100 * 100 * 1} = \frac{\frac{D_X^{258}}{D_{SI}^{258}} - 0,2298 \frac{D_X^{278}}{D_{SI}^{278}} * a_{cm} * 50}{a_X}$$

Бу ерда,  $- D_X$  – текширилаётган эритманинг оптик зичлиги;

$D_{cm}$  – ИСН (С эритма) нинде оптик зичлиги;

$a_X$  – текширилаётган препараттнинг аниқ тортмаси, г;

$a_{cm}$  – метилурацил ИСН нинде аниқ тортмаси, г;

1,2298; 0,2298 – ҳисоблаш коэффициентлари.

Метилурацилнинг препараттаги миқдори 3,6 дан 4,4% гача бўлиши керак.

3 мл А эритма ҳажми 100 мл бұлған колбага солинади ва белгисигача етказилади. Эритманинг оптик зичлиги СФ да қатlam қалынлиги 10 мм бұлған кюветаларда  $\lambda=278$  нм ( $D_X^{258}$ ) ва 284 нм ( $D_X^{278}$ ) үлчанади. Бир вақтнинг үзіда худди шу шароитда ИСН эритмаси-нинг (Д эритма) оптик зичлиги үлчанади ( $D_X^{258}$ ;  $D_X^{278}$ ). Солиши-рилувчи эритма сифатида сув ишлатилади.

$C_{11}H_{12}C_{12}N_2O_5$  (левомицетин) нинг препаратдаги миқдори (Х1%) күйидаги формула буйича ҳисобланади.

$$X = \frac{\frac{(2,1803 \cdot D_X^{284})}{D_{st}^{284}} - 1,1803 \cdot \frac{D_X^{278}}{D_{st}^{278}} \cdot a_{cm} \cdot 3 \cdot 50 \cdot 100 \cdot 100}{(2,1803 \cdot \frac{D_X^{284}}{D_M^{284}} - 1,1803 \cdot \frac{D_X^{278}}{D_M^{278}} \cdot a_{cm} \cdot 50} \cdot \frac{a_X \cdot 100 \cdot 100 \cdot 3}{a_X}$$

Бу ерда, —  $D_X$  — текширилаёттан эритманинг оптик зичлиги;

$D_{cm}$  — ИСН (Д эритма) нинг оптик зичлиги;

$a_X$  — текширилаёттан препаратнинг аниқ тортмаси, г;

$a_{cm}$  — левомицетин ИСН нинг аниқ тортмаси, г;

2,1803; 1,1803 — ҳисоблаш коэффициентлари.

Левомицетиннинг препаратдаги миқдори 0,67 дан 0,83% гача бўлиши керак.

**Эслатма.**

Левомицетин ва метилурацилнинг ИСН нинг эритмаларини тайёрлаш:

0,0225 г (аниқ тортма) левомицетин (ФС 42-2786-91) ва 0,1200 (аниқ тортма) метилурацил (ФС 42-2255-95) ҳажми 100 мл бўлған ўлчов колбасида 50 мл 96% ли спиртда эритилади ва белгисигача худди шу спирт билан етказилади (В эритма).

1 мл В эритма ҳажми 100 мл бўлған ўлчов колбасида белгисигача суюлтирилади (С эритма).

3 мл В эритма ҳажми 100 мл бўлған колбада белгисигача суюлтирилади (Д эритма). Эритманинг сақланиш мурдати 1 ҳафта.

Тубадаги препаратнинг массасини аниқлаш. Битта туба 0,01 г аниқликда тортилади ва ичидагисидан бушатилади. Туба кичкина қилиб қайчи билан кесилади ва ичи иссиқ сув билан ювилади, намлиги фильтр қофоз билан қуритилиб, туба қайта тортилади.

Тубадаги препарат массаси 24 дан 26 г ёки 38,4 дан 40,4 г гача бўлиши керак (ОСТ 64-432-85).

**Сақланиши.** Куруқ салқин, ёргулик тушмайдиган жойда сақла-нади.

*Сақлаш мүддати. 3,5 йил.*

*Ишлатилиши. Йириңгли яра жараёнининг дастлабки босқичида құлланылады.*

### **Тинди́рмалар - Tincturae**

Тинди́рмалар үсімлік хомашёсидан иссиқлик таъсир этмасдан ва эритувчини йүқтотмасдан тайёрланадиган спиртли, сув спиртли суюқ ажратмалардир. Улар турлы усуллар ёрдамида: мацерация (тиндириш), циркуляциялы мацерация, босқичли мацерация ва бошқа усулларда олинади.

Тинди́рмалар асосан 1:5 ёки 1:10 нисбатларда (кучли таъсир этувчи моддалар сақлаган бўлса) тайёрланади.

Тинди́рмалар сифати ДФ талабига биноан қуидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

1) Спирт миқдори (ДФХI, I қисм, 26 б) ёки бўйича (I қисм, 24 б).

2) Қуруқ қолдиқни аниқлаш. Бунинг учун 5 мл тинди́рма бўксга солинади, аввал сувли ҳаммомда, сўнгра қурилтичда  $102^{\circ}\text{C} \pm 2,5^{\circ}\text{C}$  да 2 соат давомида доимий оғирликкача қурилилади.

3) Оғир металлар.

Бунинг учун 5 мл тинди́рма қуруқ қолдиқгача буғлатилади, 1 мл концентранган  $\text{H}_2\text{SO}_4$ , солиб ёқиб қуидирилади. Қолдиқ 5 мл тўйинган  $\text{CH}_3\text{COONH}_4$  эритмаси билан ишланади (иссиқ ҳолда), фильтранади (кулсиз фильтр қоғоз орқали), 5 мл сув билан ювилади ва ҳажми 100 млгача етказилади. Тайёрланган эритмадан 10 мл олиб оғир металларга реакция бажарилади.

4) Таъсир этувчи моддалар миқдорини аниқлаш. Ҳар бир тинди́рма учун таъсир этувчи моддалар миқдорини аниқлаш усули хусусий мақолаларда келтирилган бўлади.

5) Микробиологик тозалиги.

Тинди́рмалар сақланиш жараёнинда чўқмалар тушиши мумкин. Шунинг учун улар салқин, ёруғлик тушмайдиган жойларда сақланади.

### **Шамчалар**

Шамчалар хона ҳароратида қаттиқ, тана ҳароратида эрийдиган дозаланган дори шаклидир. Шамчалар ректал (свечи), вагинал ва қаламча ҳолида бўлади.

Ректал шамчалар конуссимон, бир томони учли цилиндрисимон қўринишда бўлиб,  $D=1,5$  см бўлади. Битта шамчанинг оғирлиги 1 г дан 4 г гача бўлади. Агар оғирлиги кўрсатилмаган бўлса,

3 г тайёрланади. Болалар учун шамчалар 0,5 г дан 1,5 г гача тайёрланади. Вагинал шамчалар думалоқ (globuli), тухумсимон (ovula) ёки текис бир томони овалсимон— pessaria күринишида бұлади. Оғирлиги 1,5 г дан то — 6 г гача бұлади, агар күрсатылмаган бұлса 4 г тайёрланади.

Қаламчалар цилиндрсимон бир томони учили бұлиб,  $D=1$  см бұлади. Бундай шамчаларнинг оғирлиги 0,5 дан 0,1 грамм гача бұлади.

Шамчалар 2 хил асосларда тайёрланади:

*Лиофил асос:* какао ёғи, какао ёғи билан парафин ёки гидрогенланган ёғлар аралашмаси, гидрогенланган үсімлик ёки ҳайвон ёғлари, қаттық ёғлар ва бошқалар.

*Гидрофил асос:* желатина — глицерин геллар, турли молекуляр массадаги полиэтиленоксидтарнинг аралашмаси.

Шамчалар бир хил аралашган массага, бир хил күринишига, ишлатишга осон бўлган қаттиқликка эга бўлиш керак.

Шамчалар қўйидаги кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинади:

- препарат номи;
- таркиби;
- ташқи күриниши;
- ўртача оғирлиги;
- чинлиги;
- эриш ҳарорати;
- бир хилликни аниқлаш (однородность);
- миқдорий таҳлил;
- микробиологик тозалиги;
- қалоқлаш, ёрлиқлаш, сақлаш
- яроқлилик муддати;
- фармакологик фаолиги.

Шамчаларнинг бир хиллиги оддий кўз билан узунасига кесиб аниқланади. Кесиб кўрилганда ҳаволи стержень ёки воронкасимон ботиқлик бўлиши мумкин, орасила ҳаво бўлмаслиги керак.

Шамчаларининг ўртача оғирлигини текшириш: бунинг учун 20 та шамча 0,01 г аниқликда тортилади. Четланиш 5% дан ошмаслиги керак. Фақат 2 та шамча 7,5% гача четланиши мумкин. Фақат лиофил асосда тайёрланган шамчаларнинг эриш ҳарорати аниқланади. Шамчаларнинг эриш ҳарорати  $D\Phi X_1$ , 1 қисм, 18 бетда келтирилган усулда аниқланади. Эриш ҳарорати  $37^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги керак. Гидрофил асосда тайёрланган шамчалар укун эриш вақти аниқланади. Бунинг учун битта шамча олдиндан  $37^{\circ}\pm 1^{\circ}\text{C}$  ҳароратгача иситилган сув солинган ҳажми 100 мл бўлган идишга солинади.

Хар 5 дақиқада идиш айланы ҳолатда чайқатиб турилади. Шамча 1 соат давомида эриб кетиши керак. Агар эриш ҳароратини аниқлаш қийин бұлса, унда шамчаларнинг түлиқ деформация вақти аниқланади. Агар МХ да күрсатылмаган бұлса, бу вақт 15 дақиқадан ошмаслиги керак.

Түлиқ деформация вақтини аниқлаш капилляр үтиш жойи бұлған икки томони очиқ шиша трубка, шиша шток ва метал стерженден (оғирлигі 7,5 г ва  $D=2$  мм) дан иборат бұлған мосламада олиб борилади. Шиша трубканинг бир томони тиқин билан беркитилади ва ҳарорати  $37^{\circ}\text{C}$  гача иситилган сувга солинади. Аниқлаш бошланмасдан олдин бу трубка церкуляциялы сувга солинади. Шамча аввал совуқда 15 дақиқа давомида ушланади, сұнгра трубкага солинади ва шиша шток ёрдамида қаттыланади. Шамчанинг трубкага киритилған вақттан металл стерженнинг трубка тагига шамчанинг эриб тушиші вақтінде үтганаң вақт түлиқ деформация вақти, деб ҳисобланади ва бу вақт 15 дақиқадан ошмаслиги керак.

Таъсир этувчи модданинг миқдорини аниқлаш ва дозалар бир хилдигини аниқлаш шамчаларнинг хусусий МХ да күрсатылған бұллади.

*Парацетамол 125 мг ва 250 мг ректал шамчалари*  
*Suppositorium Paracetamoli 125 mg*

**Тасвирланиши.** Шамчалар цилиндрконуссимон шактада, оқ-кулранг түсдеги үзига хос ҳидга эга. Күндаланған кесимда-кристалларсиз бир хил күриништа. Кесилгандан ғоваксимон ҳаво бұшилқлары бўлиши мумкин. ДФ XI нашр, 2 қисм, 151 бетдаги талабларга жавоб бериши керак.

**Чинлиги.** Битта шамча 25 мл ҳажмли колбага солинади, 5 мл 40% ли этил спиртидан құшиб сувли ҳаммом устида шамча түлиқ эриб кетгунча чайқатилади, асоснинг қотгунигача совугилади ва фильтр қофоз орқали фильтранади. Фильтратга 5 томчи концентргланган сульфат кислотадан құшиб сув ҳаммомида эҳтиётлик билан қиздирилали, этилацетатнинг үзига хос ҳиди келади.

Битта шамча 25 мл ҳажмли колбага солинади, 6 мл тозаланған сув құшиб сувли ҳаммом устида шамча түлиқ эриб кетгунча чайқатилади, асоснинг қотгунигача совугилади ва фильтр қофоз орқали фильтранади. 2 мл фильтратта 1 томчи темир (III) хлорид эритмасидан құшиллади; бироздан сұнг үчіб кетувчи бинафша ранг ҳосил бўллади. Фильтратнинг қолган қисмига 1 мл 10% ли хлорид кислотасидан құшиллади,  $10^{\circ}\text{C}$  гача совугилади, 1 мл натрий нитрит ва

5 мл бетта нафтол эритмаларидан құшилади, чүкма ҳосил бўлиб, эритма қизил рангга ўтади.

*Үртача масса ва массанинг бир хиллилиги.* Ушбу қўрсаткич ДФ XI бўйича аниқланади.  $1,0 \pm 10\%$  (0,9 г дан 1,1 г гача). 20 та шамчанинг оғирлиги биргаликда 0,01 г аниқликда тортилади ва шамчанинг үртача оғирлиги ҳисобланади. Сўнгра ҳар бир шамча алоҳида тортилади ва уларнинг үртача оғирлиги билан солинширилади.

*Суюқланиш ҳарорати.*  $+37^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги керак. Суюқланиш ҳарорати ДФ XI, 1 қисм, 18 бет, 2а услубида аниқланади.

*Тўлиқ деформация вақти.* Аниқлаш ДФ XI, 2-қисм, 151 бет талаблари асосида олиб борилади. Бунда тўлиқ деформация вақти ҳарорат  $37 \pm 1^{\circ}\text{C}$  да 30 дақиқадан ошмаслиги керак.

*Пара-аминофенол.* 4 г (125 мг) ва 2 г (250 мг) аниқ тортма шамчалар 50 мл метил спирти ва сувнинг тенг ҳажмдаги аралашмасида сув ҳаммоми устида аралантирган ҳолда асосининг эриб кетгунигача қиздирилади. Аралашма сув ҳаммоми устидан олинниб, яна 30 дақиқа чайқатилади, сўнгра асоси қотгунигача совутилиб, фильтр қоғоз орқали 100 мл ли ўлчов колбасига фильтрланади. Фильтр қоғоз ювилиб, оқава сув ҳам шу колбага (фильтрат устига) йигифлади. Фильтрат ҳажми юқоридаги аралашма билан (метил спирти ва сув 1:1) белгисигача етказилади. 2 мл эритма ҳажми 25 мл бўлган ўлчов колбасига солинади, 20 мл метил спирти ва сув аралашмасидан ҳамда янги тайёрланган натрий нитропруссид эритмасидан 1 мл қўшиб, сув билан белгисигача етказилади. Колба муз ҳаммомида ёруғлик тушмайдиган ҳолатда 30 дақиқа давомида ушлаб турилади. Эритманинг оптик зичлиги СФ да 710 нм тўлқин узунлигига, қатлам қалинлиги 10 мм бўлган кюветаларда ўлчанади. Солинширилувчи эритма сифатида 20 мл метил спирти-сув (1:1), 1 мл натрий нитропруссид ва 4 мл сувдан ташкил топган аралашмадан фойдаланилади.

Бир вақтнинг ўзида А эритманинг оптик зичлиги ўлчанади. Битта шамчадаги пара-аминофенолнинг ( $X_1$ ) миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X_1 = \frac{D_1 * 25 * 100 * a_0 * 1 * 2 * b * 100}{D_0 * X * 2 * 100 * 100 * 25 * a_1} = \frac{D_1 * a_0 * b}{D_0 * X * a_1}$$

бу ерда  $D_1$  – текширилувчи эритманинг оптик зичлиги;

$D_0$  – пара-аминофенол ИСН эритмасининг оптик зичлиги;

$a_0$  – ИСН пара-аминофенолнинг аниқ тортмаси, г;

$a_1$  – препаратнинг аниқ тортмаси, г;

$X$  – парацетамолнинг битта шамчадаги миқдори, г;

$b$  – шамчаларнинг ўртача оғирлиги, г.

Пара-аминофенол миқдори 0,001% дан ошмаслиги керак.

**Эслатма:**

1. Натрий нитропруссиднинг ишқорий эритмасини тайёrlаши.

1 г натрий нитропруссил (ТУ-6-09-4224-76) ва 1 г натрий карбонат (сувли ГОСТ 84-76) сувда эритилади ва ҳажми 100 мл гача сув билан етказилади. Эритма янги тайёrlанган ҳолатда ишлатилади.

2. Пара-аминофенол ИСН эритмасини тайёrlаши. 0,05 г п-аминофенол (ГОСТ 5209-77) ҳажми 100 мл бўлган колбада тенг ҳажмда аралаштирилган (метил спирт ва сув) 70 аралашмада эритилади ва белгисигача шу аралашма билан етказилади. 1 мл ҳосил бўлган эритманинг ҳажми 100 мл гача юқоридаги аралашма билан етказилади ва аралаштирилади. Эритма янги тайёrlанган ҳолда ишлатилади.

3. А эритмани тайёrlаши. 2 мл пара-аминофенол ИСН эритмаси 25 мл үлчов колбасига солиниб, 16 мл метил спирт ва сув аралашмасидан, 1 мл натрий нитропруссид эритмасидан солиб, эритма белгисигача сув билан етказилади. Колба муз ҳаммомида ёруғлик тушмайдиган ҳолатда 30 дақиқа давомида ушлаб турилади.

**Микробиологик тозалиги.** Препарат микробга қарши хусусиятга эга. Препаратнинг микробиологик тозалиги ДФ X1 нашри, 2-қисм, 187 б ва 1.06.96 даги №1 ўзгартириш бўйича аниқланади.

**Миқдорини аниқлаш.** 20 та шамча майдаланади ва яхшилаб аралаштирилади. 1,0 (аниқ тортма) препарат оғзи яхши ёпиладиган ҳажми 250 мл бўлган колбага солинади, 50 мл сув солиб асос тўлиқ эриб кетгунгача сувли ҳаммом устида ( $50-60^{\circ}\text{C}$ ) чайқатиб турган ҳолда қиздирилади. Колба сувли ҳаммом устидан олиниб, оғзи ёпилади ва 5 дақиқа давомида чайқатилади (колба вақти-вақти билан иситиб турилади). Сўнгра эритма совутигали ва фильтр қофоз орқали ҳажми 200 мл бўлган үлчов колбасига фильтрланали (қотиб қолган асос колбада қолдирилади). Экстракция жараёни худди шундай яна 2 марта қайтарилади, колба 2 марта 20 мл дан сув билан ювилади, фильтрланали, фильтратлар ҳаммаси юқоридаги битта колбага йиғилади, сув билан белгисигача етказилади ва аралаштирилади (1 эритма).

2 мл (0,125 г дозадаги) ва 1 мл (0,250 г дозадаги) 1-эрима ҳажми 100 мл бўлган үлчов колбага солинади, ҳажми белгисигача 0,05 M ли сульфат кислота эритмаси билан етказилади.

Эритманинг оптик зичлиги СФ да 243 нм тўлқин узунлигига, қатлам қалинлиги 10 мм бўлган кюветаларда ўлчанади. Солиширилувчи эритма сифатида 0,05 М ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилади.

Бир вақтнинг ўзида нарацетамол ИСН эритмасининг оптик зичлиги ўлчанади. Битта шамчадаги нарацетамолнинг ( $X$ , мг) миқдори куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X_1 = \frac{D_1 * 200 * 100 * a_0 * 1 * W * b * 100}{D_0 * 2(\text{еки}1) * 100 * 100 * 100 * a_1} = \frac{D_1 * a_0 * b * 2 * W * 10}{D_0 * a_1 * 2(\text{еки}1)}$$

бу ерда  $D_1$  – текширилувчи эритманинг оптик зичлиги;

$D_0$  – нарацетамол ИСН эритмасининг оптик зичлиги;

$a_0$  – ИСН нарацетамолнинг аниқ тортмаси (навеска), г;

$a_1$  – препаратнинг аниқ тортмаси, г;

$b$  – шамчаларнинг ўртача оғирлиги, г;

$W$  – нарацетамолнинг стандарт намунаданги миқдори, %.

Битта шамчадаги нарацетамол ( $C_8H_9NO_2$ ) миқдори унинг ўртача оғирлигини ҳисобга олганда 118,7 мг дан 131,3 мг гача (0,125 г дозадаги) ва 237,5 мг дан то 262,5 мг гача (0,250 г дозадаги) бўлиши керак.

**Эслатма.** Парацетамол ИСН эритмасини тайёрлаш. 0,125 г нарацетамол ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасида 50 мл сувда эритилади ва белгисигача сув билан етказилади, аралаштирилади. 1 мл ҳосил бўлган эритма ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасида 0,05 М ли сульфат кислота эритмаси билан белгисигача етказилади ва аралаштирилади. Эритма янги тайёрланган ҳолда ишлатилади.

**Сақланиши.** Б рўйхати бўйича. Куруқ, ёруғликдан сақланган ҳолда, 15–25°C ҳароратда.

**Яроқлилик муддати.** 2 йил.

**Ишлатилиши.** Огриқ қолдирувчи ва иситма тушурувчи восита.

### **Кўз томчилари – guttae ophthalmica**

Кўз томчилари бу кўзга томизишга мўлжалланган дори шакли бўлиб, кўз ёшига изотоник бўлиши керак.

Кўз томчилари ишлаб чиқаришида стерил эритувчилар: дистилланган сув, изотоник буфер эритмалар, мойлар ва бошқалар ишлатилади.


Стабилизатор, консервант, пролангатор ва бошқа ёрдамчи модалар:  $NaCl$ ,  $Na_2SO_4$ ,  $Na_2S_2O_3$ ,  $H_3BO_3$ , аскорбин кислотаси, целлюлоза ҳосиллари ишлатилади. Кўз томчилари стериликка, механик

моддалар йүқлигига текширилади. Таҳлил усули хусусий мақолада көлтирилған бўлади.

*20% ли Сульфацил-натрий кўз томчилари  
Solutio Sulfacili natrii 20%*


Таркиёби:

сульфацил натрий (ФС 42-2714-90)	— 200 г
Натрий тиосульфат (ФС 42-2871-98)	— 1,0 г
Хлорид кислотаси 1 М (ДФ XI, 2 қисм, 786)	— до pH 7,7 – 8,0
Тозалантган сув (ФС 42-2619-97)	— 1 л гача




Тасвирланиши: рангсиз ёки бир оз сариқ рангли тиниқ суюқлик.

Чинлиги: препарат бирламчи ароматик аминларга хос реакцияни беради (ДФ XI, 1 қисм, 159 б)



1 мл препаратта 1 мл мис сульфат эритмасидан қўшилганда яшил-ҳаворанг ҳосил қиласи, кейинчалик, бу ранг ўзгаради.



Препарат натрийга хос Б реакциясины беради (ДФ XI, 1 қисм, 159 б.).

**Тиниклиги:** препарат тиник булиши керак (ДФ XI, 1 қисм, 198 б.).

**Ранглилиги:** препаратнинг ранги № 6 б ранглилик эталонининг рангидан ошмаслиги керак (ДФ XI, 1 қисм, 194 б.).

pH. 7,5 дан 8,7 гача (потенциометрик, ДФ XI, 1 қисм, 113 б.)

**Номинал ҳажм.** Тюбикдаги ҳажми 1,3 мл дан кам бўлмаслиги керак. Ҳажм 2,0 ёки 5,0 мл ли шприцларда ўлчанади (шприц ўлчамлари 0,1 мл булиши керак).

Флакондаги шакли учун – 5мл ±5%.

**Механик ёт аралашмалар.** Препарат РДИ 42-504-00 талабларига жавоб бериши керак.

**Стериллиги:** препарат стерил булиши керак. Синовијлар мембранали фильтрлаш усулида олиб борилади (ДФ XI, 2 қисм, 187 б.).


**Ёт моддалар:** 1 мл препарата 4 мл сув кўпилади. 0,01 мл ҳосил бўлган эритма (400 мкг) силикагель 60 F 254 ёки ПТСХ – ПА – УФ (7,5415 см) пластикаларининг старт чизигигача томизилади. Ёнига 0,01 мл (20 мкг), 0,005 мл (10 мкг), 0,0025 (5 мкг) 0,2% ли гувоҳ сульфацил натрий ва 0,01 мл (20 мкг) 0,2% ли стрептоциднинг гувоҳ стандарт моддасининг эритмасидан томизилади. Пластинка ҳавода қуритилади, 10:5:5:2 нисбатдаги н-бутанол – 95% ли этанол – сув – концентранган аммиак эритмасидан ташкил топган аралашма билан тўйинтирилган хроматографик камерага жойлаштирилади ва хроматографияланади. Кўзғалувчан фаза старт чизигидан 10 см гача кўтарилганда, пластинка камерадан олиниб, 100–105 °C ҳароратда 10 дақиқа давомида қуритилади, совутилади ва 4-диметиламинонензальдегиднинг 2% ли эритмаси билан пуркалади. Бунда хроматограммада ҳосил бўлган догнинг катталиги ва ранги стрептоциднинг гувоҳ стандарт моддаси (СГСМ) никидан ошмаслиги керак (5% дан ошмаслиги).

**Эслатма.**

1. 0,2%ли сульфацил – натрийнинг гувоҳ стандарт моддаси (ГСМ) эритмасини тайёрлаш. 0,1 г сульфацил -натрийни (ФС 42-27 М-90) ҳажми 50 мл бўлган ўлчов колбасига солиб 30 мл сувда эритилади ва белгисигача сув билан етказилади. Сақлаш муддати 1 ой.
2. 0,2% СГСМ нинг эритмасини тайёрлаш. 0,10 г стрептоцид (ФС 42-2744-98) 50 мл сувда эритилади. Сақлаш муддати 1 ой.
3. 2% ли 4-диметиламинонензальдегид эритмасини тайёрлаш. 0,20 г 4-диметиламинонензальдегид 4,5 мл сув ва 5,5мл кон-

центрланган хлорид кислотасидан ташкил топган аралашмада эритилади. Эритма фақат ишлатишидан олдин тайёрланади.

*Миқдорий таҳлил.* 1 мл препарат ҳажми 25 мл бўлган колбага солинади, устига 10 мл суюлтирилган хлорид кислотасидан қўшиб аралашма ҳажми 80 мл гача сув билан етказилади. Колба ёпилади ва аралаштирилади. Аралашма 0–10°C гача совугилади ва асталик билан 0,15–0,20 мл тропеолин ёки нейтрал қизили индикатори иштирокида 0,1 М ли натрий нитрит эритмаси билан титранади («нитритометрия» усули). Бир вақтнинг ўзида назорат тажрибаси ўтказилади.



1 мл 0,1 М натрий нитрит эритмаси 0,02542 г  $C_8H_8N_2$   $NaO_3S \cdot H_2O$  га тўғри келади. Унинг миқдори 19,4 дан 20,6% гача бўлиши керак.

*Сақланиши:* 15°C дан юқори бўлмаган ҳароратида ёруғлик тушмайдиган (тиобиклар учун), 25°C дан юқори бўлмаган, ёруғлик тушмайдиган жойларда (флакондаги дори тури учун) сақланади.

*Яроклилик муддати* 2 йил.

*Ишлатилиши:* микробга қарши восита.

### Гранулалар

Гранулалар – ичиш учун (рег os), мўлжалланган маълум бир шакл берилган, дори ва ёрдамчи мoddалардан ташкил топган дори туридир. Улар қобиқ билан қопланган бўлиши мумкин. Гранулалар ранги бир хил бўлиши керак. Уларнинг ўлчами – 0,2 дан – 3 мм гача бўлиб, ундан кичик ёки катта бўлган гранулалар миқдори 5% дан ошмаслиги керак, катта ва кичик гранулалар сони элакдан ўтказиб аниқланади. Гранулалар қўйидаги кўрсаткичлар бўйича таҳлил килинади:

- препарат номи;
- таркиби (1 гранула учун);
- ташқи қуриниши;
- чинлиги;
- 2 г массадаги гранулалар сони;
- парчаланиши;

- қадоқдаги гранулалар оғирлиги;
- қуритишда йүқтотган оғирлиги;
- микробиологик тозалиги;
- миқдорий таҳлил;
- қадоқлаш, ёрлиқлаш, сақлаш;
- яроқлилик мұддати;
- фармакологик фаоллиги.

Гранулаларнинг намлиги, эрувчанлиги, парчаланувчанлиги каби күрсаткичлари таблеткалар учун күрсатилған услубларда аниқланаиди.

Бу күрсаткичларнинг қиймати хусусий мақолаларда күрсатилған меъёрлардан ошмаслиги керак.

Гранулалардаги модда миқдорини аниқлашда 10 г дан кам бўлмаган майдаланган гранулалар олинади. Бунда дори моддасининг миқдори  $\pm 10\%$  дан ошмаслиги керак. Парчаланувчанлигини аниқлашда 0,5г аниқ тортма олинади ва тирқишилар катталиги 0,5 мм бўлған элақлардан фойдаланилади. Агар хусусий мақолаларда күрсатилмаган бўлса, парчаланувчанлик вақти 15 дақиқадан ошмаслиги керак. Гранулалар ташқи муҳитдан ҳимояланган ҳолда салқин, қуруқ жойларда сақланади.

#### *Сашедаги «Инсти» гранулалари*

100% табиий кардамон, кофе, шоколод, анис ва лимон мазаси билан.

Битта сашенинг таркибий қисми:

Фаол таркиб	Миқдори	Стандарт
Оқ мажнунтол	750,00	Фирма стандарти
Адхатода	300,00	-"-
Хушбүй бинафша	100,00	-"-

Қизилмия	550,00	-"-
Хитой чойи	125,00	-"-
Оддий фенхель	75,00	-"-
Шарсимон эвкалипт	35,00	-"-
Доривор валериана	100,00	-"-

**Құшимча компоненттер:**

Ментол	5,00	Британия Фармакопеяси
Маккажұхори крахмали	20,00	Британия Фармакопеяси
Сахароза	5,6	Британия Фармакопеяси

**Таъм берувчи молдалар:**

Шоколад таъмини берувчи молда	0,067	Фирма стандарты
Какао кукуни	0,056	-"-
Кофе таъмини берувчи молда	0,084	-"-
Анис таъмини берувчи молда	0,028	-"-
Кардамон таъмини берувчи молда	0,023	-"-
Лимон таъмини берувчи молда	0,056	-"-

**Тасвирланиши.** Жигарранг, майдаланғанда ментол ҳидини берувчи гранулалар. Гранулалар үлчами ДФ XI нашр, 2 қисм, 139-бетда көлтирилған талабларға мос келиши керак.

pH потенциометрик усулда, ДФ XI нашр, 1 қисм, 113-бетда көлтирилған талабларға мос келиши керак. Инстининг 2% ли сувдаги эритмаси тайёрланали, қызил чизмали күлсиз фильтр орқали фильтранади.

pH 4,1 ва 5,9 оралиғида булиши керак.

Саше ичилади препараттнинг оғирлиги ДФ XI нашр, 2 қисмда көлтирилған талаблар асосида аниқланади. Унинг микдори 5,6 г 10%.

Парчаланувчанлығи. ДФ XI нашр, 2 қисм 158 бетда көлтирилған талаблар асосида аниқланади.

Гранулалар 15 дақықа давомида 37°C ҳароратда парчаланади.

Микробиологик тозалығи ДФ XI нашр, 2 қисм 193 бетда көлтирилған талаблар асосида аниқланади.

**Чиплиғи.** 5 мл эритма битта пробиркага («Микдорий таҳлил» бұлымында қаралған) солинади ва яхшилаб 15 сония давомида чайқатилади, турғун күпік ҳосил бўлади (сапонинлар).

Эритмага 10 мл сув ва 1 томчи 3% ли темир (II) хлорид эритмаларидан қўшиллади. Кўк-яшил ранг ҳосил бўлади, унга 0,1 M ли натрий ацетат эритмасидан қўшилғанда тўқ бинафша ранг ҳосил бўлади (катехин ҳосилалари).

1 г гранулалар ҳажми 50 мл бүлган колбага солинади, устига 10 мл 95% ли этил спирти құшиб, колба тескари совутгичга уланади ва сувли ҳаммом устида 10 дақықа давомида қиздирилади. Ҳосил бүлган эритма совутилади ва қизил ҳошияли күлсиз фильтр орқали фильтрланади (А эритма).

5 мл А эритма пробиркага солинади ва устига 1 томчи концентргланган сульфат кислота құшилади, пробирканинг тагида қизил ранг ҳосил бүләди (глициризин кислотаси).

1 мл А эритма пробиркага солинади ва устига 5 мл 95% ли этил спирти ва 3 томчи темир (III) хлориднинг спиртли эритмасидан құшилади, күк ранг ҳосил бүләди (ошловчи моддалар— пирагаллол ҳосилалари).

1 мл А эритмага 0,1% ли спиртли натрий 2,6-дихлорфенолиндофенолят эритмасидан 2 томчи құшилади, күк рангта ўтувчи пушти ранг ҳосил бүләди (аскорбин кислотаси).

Әслатта: 0,1% ли спиртли натрий 2,6-дихлорфенолиндофено-лят эритмасини тайёрлаш. 10 мг натрий 2,6-дихлорфенолиндофено-лят ҳажми 10 мл бүлган колбага солинади, 10 мл 95% этил спиртидан құшиб, эриб кетгунча аралаштирилади. Эритма 10 кун ичиле яроқла.

УБ-спектрофотометрия («Миқдорий таҳлил» бүлимиға қаралсın). Эң жоғори оптик зичлик  $\lambda=210-360$  нм, эң кичик  $\lambda=277\pm3$  нм ва  $\lambda=251\pm3$  нм бүләди.

ЮҚХ (юпқа қатлам хроматография). 1 г препарат ҳажми 50 мл бүлган колбага солинади, устига 10 мл 95% ли этил спирти құшиб, колба тескари совутгичга уланади ва сувли ҳаммом устида 10 дақықа давомида қиздирилади. Ҳосил бүлган эритма совутилади ва қизил ҳошияли күлсиз фильтр орқали фильтрланади (тескирилувчи намуна эритмаси).

5x15 катталиктаги хроматографик пластинкага чизиқсимон 3 см узунликда текширилувчи намуна эритмасидан томизилади, пластинка 100°C да 5 дақықа давомида қуритилади ва этил ацетат-хлороформ-чумоли кислотаси (12:15:3) эритувчилар аралашмаси билан бир соат давомида түйинган хроматографик камерага жойлаштирилади.

Эритувчилар аралашмаси пластинканинг юқори қисмінде етганда пластинкалар камерадан олинади ва 100 °C да 5 дақықа давомида қуритилади ва 5% ли фосфор молибден кислотаси эритмаси билан пуркалади, яна 100 °C да 5 дақықа давомида қуритилади.

Хроматограммада  $Rf=0,55$  га тенг бўлиб, сариқ фонда күк дөг бўлиши керак (Гал кислотаси).

## Суспензиялар

Суспензиялар, асосан суюқ дори шакли бўлиб, бунда бир ёки бир неча майдаланган толқонсизмон дори молдалар суюқ дисперсс мухитида бир хил тарқалган бўлади. Улар стерил, апироген ва заҳарсиз бўлиши керак. Суспензиялар ишлатишга доимо тайёр бўлиши керак, аммо улар кукун ёки гранула (суспензия учун) ҳолатида ҳам бўлиши мумкин. Ишлатишдан олдин улар керакли эритувчида эритилади. Суспензиялар заҳарли молдалардан тайёрланмайди. Суспензияда таъсир этувчи молданинг миқдори 10% ошмаслиги керак. Ишлатишдан олдин суспензия 1–2 мин чайқатилади, бунда қаттиқ фаза суюқ фазада бир хил тарқалган бўлиши керак. Заррачалар каттатиги ёки седиментацион тургунлиги МХ да кўрсатилган бўлади. Суспензиялар «Ишлатишдан олдин чайқатиш керак» деган ёзув билан ёрлиқланган бўлиши керак.

### *Инсулин – Insulinum*

**Тасвирланиши.** Оқ ёки сарғимтири туслаги кристаллик кукун.

**Эрувчаниги.** Таркибида 80 ТБ инсулин сақлайдиган препаратдан олиб 1 мл 1/300 Н хлорид кислота эритмасида яхши эрийди.

**Эслатма.** 1/300 М хлорид кислота эритмасини тайёрлаш. 33 мл 0,1 М хлорид кислота аниқ тортиб олиб, 1 литргача суполтирилади.

**Чинлиги.** 0,01 г препарат 5 мл 1/300 М хлорид кислота эритмасида эритилади. Асталик билан pH 5,0–5,2 бўлгунга қадар 0,01 М ишқор эритмасидан қўшилади, 0,1 М ли хлорид кислота эритмаси (pH 2,5–3,5) да эрийдиган чўкма ҳосил бўлади.

**Тиниқлиги ва ранглиги.** Таркибида 80 ТБ инсулин сақлайдиган препаратдан олиб 1 мл 1/300 М хлорид кислота эритмасида эритилади. Эритма тиниқ ва рангсиз бўлиши керак (ДФ XI, 1-қисм).

**Куритилганда массанинг йўқолиши.** 0,1 г аниқ тортма 100–105°C да доимий оғирлиқкача қуритилади. Куритилганда массанинг йўқолиши 7% дан ошмаслиги керак (ДФ XI, 1 қисм).

Сульфат кислотада эримайдиган кул. 0,2 г препаратнинг 10% ли сульфат кислотада эримайдиган кулининг миқдори 2% дан ошмаслиги керак (ДФ XI, 1 қисм).

**Рух.** 100 ТБ га 0,04 мг дан ошмаслиги керак. Рух миқдори СФ усулда аниқланади. Бунинг учун ҳажми 50 мл бўлган 2 та ўлечов колбасининг бирига 5 мл текшириувчи эритма, иккинчисига 5 мл рухнинг суполтирилган стандарт эритмаси солинади. Иккала колбага 10 мл буфер эритма (pH=9,0), 3 мл цинкон эритмасидан солиб белгисигача сув билан етказилади. Эритмалар аралаштирилади ва

1 соатдан сүнг 620 нм тұлқын узунлигіда қатlam қалынлиғи 10 мм бұлған кюветаларда оптик зичлиги үлчанади. Назорат эритма сифатыда юқорида көлтирилген реактивлар аралашмасыдан фойдаланади.

Препарат таркибидаги рух миқдори ( $X$ , мг) 100 ТБ даги инсулинга нисбатан қуийдеги формула бүйіча ҳисобланади:

$$X_1 = \frac{D_1 * 0,001 * 50 * 2,5}{D_0 * 5} = \frac{D_1 * 0,025}{D_0}$$

бу ерда  $D_1$  – текширилувчи эритманиң оптик зичлиги;

$D_0$  – рухнинг стандарт намунаси эритмасининг оптик зичлиги;

0,001–1 мл суюлтирилген рух эритмаси таркибидеги рухнинг миқдори, мг;

2,5 – препаратнинг 100 ТБ сақтайтын миқдори (1мл препаратта 40 ТБ булиши керак), мг.

*Эсламта.* 1. Таркибіде 400 ТБ инсулин сақтайтын препаратдан олиб 10 мл ұажмалы үлчов колбасида 0,01 М хлорид кислота эритмасыда эритилади ва белгисигача етказилади.

2. Рухнинг стандарт эритмасини тайёрлаш. 0,440 (а.т.) рух сульфат 1 л ұажмалы үлчов колбасида янги қайнатып совутылған сувда эритилиб белгисигача етказилади. Рухнинг стандарт эритмаси 1 мл да 0,1 мг рух сақтайды. Эритма 2 ұафта мобайнида ишлатыш учун яроқту.

3. Рухнинг суюлтирилген стандарт эритмасини тайёрлаш. Рухнинг стандарт эритмаси 1:10 нисбатта суюлтириледи. Эритма ишлатынан олдин тайёрланади.

4. pH 9 бұлған буфер эритмани тайёрлаш. (Потенциометрик). 50 мл 0,2 М бор кислотасининг калий хлорид билан ұажми 200 мл бұлған үлчов колбасига солинади 21,3 мл 0,2 М ишқор эритмасыдан солиб, янги қайнатып совутылған сув билан белгисигача етказилади. Эритма ишлатынан олдин тайёрланади.

5. 0,2 М ли бор кислотасининг калий хлориди эритмасини тайёрлаш. 12,367 г қайта кристалланған бор кислотаси ва 14,911 г калий хлорид ұажми 1 л бұлған үлчов колбасида янги қайнатып совутылған сув билан эритилади ва белгисигача етказилади. Эритма музлаткічда сақланса, 1 ой давомида ишлатыш учун яроқту.

6. Цинкон эритмасини тайёрлаш. 0,13 г цинкон (ТШ 6 0907-315-74 ёки «Chemapol» фирмасы) 2 мл 1 М ишқор эритмасыда ұхончада майдаланади, ұажми 100 мл бұлған үлчов колбасига ұтказилади. Янги қайнатып совутылған сув билан эритилиб, белгисигача етказилади ва фильтранади.

**Азот.** 100 ТБ инсулинга 0,65 мг дан ошмаслиги керак. 0,02 г препарат (аниқ тортма) 1/300 М хлорид кислота эритмасида эритилади (1 мл 40 ТБ ҳисобидан). (ДФ XI).

**Миқдорий таҳлил.** Препаратнинг фаоллиги биологик (ДФ XI, 2 қисм, 176 бет) ва физик-кимёвий усулларда (қоғоздаги электрофорез ёки қоғоз хроматографияси) аниқланади. Препаратнинг фаоллиги 23 ТБ/мг дан кам бўлмаслиги керак.

**Қоғоз хроматография усули.** З та «С» маркали диаметри 20 см бўлган хроматографик қоғозга марказидан 2 см масофада 0,02 мл текширилувчи инсулин эритмаси ва инсулиннинг стандарт намунаси эритмасидан 3 тадан намуна томизилади. Хроматография радиал усулда 2 соат давомида олиб борилиб, эритувчилар системаси сифатида 3:1:3 нисбатдаги н-бутанол, муз сирка кислотаси ва сув аралашмасидан фойдаланилади. Хроматограмма 20—30 дақиқа 60—80°C ҳароратда қуритилади. Очилтирувчи реактив сифатида 0,05% ли бромфенол кўкининг сувли эритмасидан фойдаланиб, хроматограмма 3 марта 3 дақиқадан 2% ли сирка кислотаси билан ювилади.  $R_f=0,75-0,85$  қийматларига түғри келувчи доғлар кесилади, 20 дақиқа давомида 4 мл 0,01 М ишқор эритмаси билан элюация қилинади. Элюатнинг оптик зичлиги ФЭК да (яшил тўлқин узунлиги 520 нм) да қатлам қалинлиги 1 см бўлган кюветаларда ўлчанади. Инсулиннинг ТБ/мг (Х) даги миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{D_1 * C_0}{D_0}$$

Бу ерда,  $D_0$  — стандарт намуна эритмасининг оптик зичлиги;

$D_1$  — текширилаётган препарат эритмасининг оптик зичлиги;

$C_0$  — 1 мг стандарт намунадаги инсулин миқдори.

**Эслатма.** 1. Текширилаётган препаратнинг эритмасини тайёрлаш 20 мг (аниқ тортма) препарат 4 мл 0,01 Н хлорид кислотосида эритилади. Ҳосил бўлган эритманинг 1 мл и да 5 мг инсулин сақланади.

2. Инсулин стандарт намунасининг эритмасини тайёрлаш. Стандарт инсулиннинг (ВФМ 42-905-79) 20 мг аниқ тортмаси 4 мл 0,01 М хлорид кислотасида эритилади. Ҳосил бўлган эритманинг 1 мл и 5 мг инсулин сақлайди.

3. pH=9,2 бўлган бура-фосфат буферининг тайёрлаш. 2016 мл 0,05 М ли натрий тетраборат эритмаси 84 мл 0,1 М ли калий гидрофосфат эритмаси билан аралаштириллади.

4. 0,05% ли бромфенол күки сувли эритмасини тайёрлаш. 0,012 г бромфенол күки (ТШ 6 09 311-70) 1 мл сувда ұажми 25 мл ли үлчов колбасида эритилади, устига 20 мл 2% ли сирка кислотаси ва 1 мл 12,5% ли мис сульфат эритмасидан құшилади. Белгисигача 2% ли сирка кислотаси билан етказилади. Эритма янги тайёрланған ҳолда ишлатилади.

5. 2% ли сирка кислотасини тайёрлаш. 67 мл суюлтирилған сирка кислотаси 1 л гача суюлтирилади.

6. 12,5% ли мис сульфат эритмасини тайёрлаш. 125 г мис сульфат сувда эритилиб, 1 л гача суюлтирилади.

*Сақланиши.* Б рүйхат. Қуруқ, ёруғликдан сақланған ҳолда, +2; +5°C да.

*Сақланиш муддаты.* 3 йил.

*Экстрактлар*

Үсімліклардан олинған қюолтирилған ажратмаларга экстрактлар дейилади. Экстрактлар суюқ (Extracta fluida); қуюқ (Extracta Spissa) 25% гача намлық сақлайдиган сочилювчи масса – қуруқ Extracta Sicca бұлади. Экстрактларнинг сифати қуйидагича таҳлил этилади:

- 1) таъсир этувчи моддалар чинлиги ва миқдори;
- 2) спирт концентрацияси ёки зичлиги;
- 3) намлығи (қуруқ ва қуюқ экстрактлар учун);
- 4) оғир металлар;
- 5) қуруқ қолдик;
- 6) микробиологик тозалиғи;

Экстрактлар салқын, ёруғлик тушмайдиган жойларда сақланади.

## **Капсулалар**

Бу дозаланған дори шакли бўлиб, маҳсус қобиққа солинган дори турида капсулалар per os, ректал, вагинал усуулар билан қабул қилинади. Тури хил капсулалар бор: қаттиқ қопқоқли (capsulae duuae operculatae) ва юмшоқ – бутун қобиқли (capsulae molles).

Капсула тайёрлашда желатин, сув, шунингдек, бошқа ёрдамчи моддалар (глицерин, сорбит, шакар, титан (II) оксиди, кислотали қизил 2 С ва б.) ишлатилади. Капсула ичидә битта ёки бир неча дори моддалар аралашмаси, шунингдек, бошқа ёрдамчи моддалар ҳам бўлиши мумкин. Капсула ичидаги дори модда қаттиқ, суюқ ва паста ҳолида бўлиши мумкин. Капсулалар текис бўлиши керак, усти бузилмаган, ҳаво ёки механик қўшимчалар бўлмаслиги керак. Қаттиқ капсулалар цилиндр кўринишида бўлиб, 2 қисм – корпус ва қоп-

қоқдан иборатдир. Корпус ва қолқоқ бир-бирига bemalol кирип чиқиши керак. Қаттиқ капсулалар 8 хил катталикда 000 (катта) дан 5 гача (кичик) чиқарилади ДФХI, 2 қисм, 144 б).

Номери	000	00	0	1	2	3	4	5
Капсуланинг ўртача ҳажми, мл	1,37	0,95	0,68	0,5	0,37	0,3	0,21	0,13

Юмшоқ капсулалар сферик, тухумсимон, чўзиқ ёки цилиндрический шаклда бўлиб, чокли ва чоксиз, турли ҳажмда бўлади 1,5 мл гача.

Капсулаларнинг ўртача оғирлигини аниқлаш.

Бунинг учун 20 та капсула очилмасдан биргаликда тортилади ва ўргача оғирлиги аниқланади. Сўнгра ҳар бир капсула алоҳида тортилади ва ўртача оғирлик билан солиштирилади. Ҳар бир капсуланинг оғирлиги ўртача оғирликнинг  $\pm 10\%$  дан ошмаслиги керак.

Сўнгра ўша 20 та капсула эҳтиётлик билан очилади, ичидағиси тўкилади ва ҳар бири алоҳида яна тортилади. Суюқ ёки паста ҳоддаги юмшоқ капсулаларда ичидағиси тўкилгандан кейин, капсула эфир ёки бошқа эритувчи билан яхшилаб ювилади, сўнгра эритувчи яхшилаб қуритилади ва капсулалар тортилади. Четланиш  $\pm 10\%$  дан ошмаслиги керак. Фақат 2 та капсулада  $\pm 25\%$  дан ошишига рұхсат этилади.

Агар сони 2 тадан кўп ва 6 та дан кам капсуладаги четланиш  $\pm 10$  ва  $\pm 25\%$  ўртасида бўлса, унда яна 40 та капсула олинади, улардаги ўртача оғирлик ва ҳар биридаги модда оғирлиги топилади. Бунда 6 тагача бўлган капсулаларда ўртача оғирликдан четланиш  $\pm 10\%$  ва ҳар бир капсуладаги оғирликнинг четланиши  $\pm 25\%$  дан ошмаслиги керак.

Оғирлиги 0,05 г ва ундан кам дори молда сақловчи капсулаларнинг дозалар бир хиллиги худди таблеткалардаги каби аниқланади (ДФ XI, 2 қисм, 154 б).

Парчаланувчанлиги худди таблеткадагидек, ичиладиган бўлса, ошқозон ичак йўлида эриб кетиши керак. Агар хусусий мақолаларда кўрсатилмаган бўлса, парчаланиш вақти 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

**Ампициллин тригидрат 0,25 г дан капсулаларда**

**Ampicillinum trihydratum 0,25 in capsules**

Битта капсула учун таркиб:

Ампициллин тригидрат – 0,250 г  
(ФМ 42-1553)

Картошка крахмали

(ГОСТ 7699-78)

Шакар упаси

(ГОСТ 22-78)

0,37 г капсуладаги массаса

**Тасвиrlаниши.** Капсула ичидеги оқ ёки сарғимтири туслаги гранулалар. Капсулалар оқ рангда.

Капсулалар ташқи күриниши бүйича ДФ XI нашр, 2 қисм, 143 бетдеги талабларга жавоб беріши керак.

Чиншиги. 0,02 г майдаланган гранулалар 30 дақықа давомида 5 мл сувда эритилади, сұнгра фильтрланади (1 эритма).

0,006 г ампициллиннің давлат стандарт намунаси (ДСН) (ФС 42-1552-92) 2 мл сувда эритилади (2 эритма).

Гександаги 5% вазелин мойининг эритмаси билан шимдирилган «Sorbfil» пластинкасининг «старт» чизигига 1,5 мкл дан 1 ва 2 эритмада томизилади. Пластинкалар 15 дақықа қуритилиб, 7,5:42,5 нисбатдаги ацетон-фосфат буфери ( $pH=7,4$ ) дан ташкил топған аралашмага солинган камерага жойлаштирилади ва юқорига күтариувчи услугда хроматографияланади.

«Старт» чизигидан эритувчилар аралашма 8–10 см гача күтариғанда, хроматограмма камерадан олинади ва 10 дақықа ҳавода, кейин эса қуригичда ( $105\pm5^{\circ}\text{C}$  ҳароратда) 10 дақықа давомида қуритилади.

Хроматограмма совутилғандан сұнг йод бүгларда очилади. Бу эритувчилар аралашмасыда препарат ва ДСН бир хил хроматографик тарқалышға эга бўлиши керак.

**Эслатма.**

1. «Sorbfil» пластинкаси 5% ли вазелин мойининг гександаги эритмаси солинган кюветага жойлаштирилади (эритма пластинкани түлиқ қоплаши керак). Сұнгра пластинка  $40\pm1^{\circ}\text{C}$  да эритувчилар ҳиди түлиқ йўқолгунча қуритилади.

2. 5% ли вазелин мойининг гександаги эритмаси оғзи маҳкам ёпиладиган идишларда тайёрланади.

3.  $pH=7,5$  бўлган фосфат буферини тайёрлаш. 1,84 г натрий гидрофосфат ( $\text{NaH}_2\text{PO}_4$ ) ҳажми 500 мл бўлган үлчов колбасида сувда эритилади ва белгисигача сув билан етказилади.

19,1 г натрий гидрофосфат ( $\text{Na}_2\text{HPO}_4$ ) ҳажми 500 мл бўлган үлчов колбасида сувда эритилади ва белгисигача сув билан етказилади.

Тайёрланган эритмалар  $pH=7,5\pm0,1$  бўлгунгача аралаштирилади. Эритманинг  $pH$  мұхити потенциометрик усулда аниқланади. Эритма 3 кун ичидә яроқли.

Нур ютувчи ёт аралашмалар, 0,185 г (аниқ тортма) капсулалар-даги препарат ұажми 50 мл бұлған үлчов колбасида сувда эритилади ва белгисигача етказилади. Тайёрланган эритма қалин күк фильтр қозоз орқали фильтранади. Бошидаги 10–15 томчи фильтрат ташиб-лаб юборилади. Эритманинг оптик зичлиги СФ да 322 нм тұлқин узунлигига қатlam қалинлиги 10 мм бұлған кюветаларда үлчанади. Солиширилувчи эритма – сув. Эритманинг оптик зичлиги 0,5 дан ошмаслиги керак. Оптик зичлик эритма тайёрланган вақтда үлчанади.

*Үртача оғирликни аниқлаш.* Үртача оғирликни аниқлаш ДФ XI нашр, 2 қисм, 143 бетда көлтирилган талаблар асосида аниқланади.

Хар бир очилмаган капсуланинг оғирлигига четганиш капсула-ларнинг үртача оғирлигидан 10% дан ошмаслиги керак.

*Парчаланувчанлиги.* Сувда 20 дақиқадан ошмаслиги керак (ДФ XI нашр, 2 қисм, 143 бет).

*Эрүвчанлиги.* ДФ XI нашр, 2 қисм, 143 бетда көлтирилган талаблар асосида аниқланади. Эритувчи сув, эритувчи ұажми 1 л, кажа-ванинг айланыш тезлигі 1,67 с<sup>-1</sup> (100 айл/дақиқа), эриш вақти 45 дақиқа.

5 мл фильтрат ұажми 100 мл бұлған үлчов колбасига солиниб CuSO<sub>4</sub> нинг буфер эритмаси билан белгисигача етказилади (миқдорий таҳлил бўлимига қаралсин).

Бир вақтнинг үзида ампициллин триgidрат ДСН эритмасининг оптик зичлиги үлчанади.

0,05 г (а.т.) ампициллин триgidрат ДСН ұажми 200 мл бұлған үлчов колбасида сувда эритилади. 5 мл тайёрланган эритма ұажми 100 мл бұлған үлчов колбасида суюлтирилади. Сұнгра аниқлаш «миқдорий таҳлил»да көлтирилган талаблар асосида олиб бори-лади.

Капсуладан эритмага үтган ампициллин триgidрат миқдори қуйи-даги формула асосида ҳисобланади:

$$X = \frac{D_1 * a_0 * b * 5}{D_0 * 0,25} \text{ бу ерда,}$$

$D_1$  – текширилувчи эритманинг оптик зичлиги;

$D_0$  – ампициллин триgidрат ДСН эритмасининг оптик зичлиги;

$a_0$  – ампициллин триgidрат ДСН нинг аниқ тортмаси;

$b$  – ампициллин триgidрат ДСН таркибидағи препараттнинг миқ-дори, %;

0,25 – ампицииллин тригидратнинг капсуладаги (ёрлиғида күрса-тилган) миқдори, г;

5 – ампицииллин тригидрат ДСН ва текширилувчи препаратни суюлтиришдан ҳосил бўлган тузатиш коэффициенти.

Капсуладан 45 дақиқадан сўнг эритмага ўтган ампицииллин тригидратнинг миқдори унинг ёрликда кўрсатилганга нисбатан 75% дан кам бўлмаслиги керак.

*Микробиологик тозалиги.* ДФ XI нашр, 2 қисм, 193 бетда келтирилган услубда аниқланади.

Сув 8% дан кам ва 13% дан кўп бўлмаслиги керак. Фишер усулида аниқланади. Тахминан 0,09 г аниқ тортма 1 мл да 0,25 дан 0,3 г сув сақлайдиган титр билан. Титрлаш охири электролитик усула аниқланади (ДФ XI нашр, 1 қисм, 176 бет)

*Миқдорий таҳлия.* Капсула ичидаги 0,3 г (а.т.) препарат ҳажми 250 мл бўлган ўлчов колбасида сувда эритилади, фильтратнинг бошлигич ҳажми ташлаб юборилади, қолган қисми эса қуруқ колбага фильтранади. 2 мл фильтрат ҳажми 100 мл бўлган колбада  $\text{CuSO}_4$  нинг буфер эритмаси билан суюлтирилади.

25 мл ҳосил бўлган эритма ҳажми 25 мл бўлган колбага солинади, оғзи яхши ёпилади ва сувли ҳаммомда (80 1) С да 30 дақиқа қиздирилади. Сўнгра хона ҳароратигача совутилади. Олинган эритманинг оптик зичлиги 320 нм тўлқин узунлигига, қатлам қалинлиги 10 мм ли кюветаларда ўлчанади. Солиширилувчи эритма сифатида препаратнинг  $\text{CuSO}_4$  нинг буфер эритмасидаги эритмасидан фойдаланилади. Бир вақтнинг ўзида ампицииллин тригидрат ДСН худди юқорида келтирилган услубда тайёрланган эритмасининг оптик зичлиги ўлчанади.

$\text{C}_{16}\text{H}_{19}\text{N}_3\text{O}_4\text{S}$  нинг битта капсуладаги (X) миқдори қўйилаги формула бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{D_1 * a_0 * b * B}{D_0 * a_1 * 100}$$

$D_1$  – текширилувчи эритманинг оптик зичлиги;

$D_0$  – ампицииллин тригидрат ДСН эритмасининг оптик зичлиги;

$a$  – текширилувчи препаратнинг аниқ торгмаси оғирлиги, г;

$a$  – ампицииллин тригидрат ДСН нинг аниқ торгмаси оғирлиги, г;

$b$  – ампицииллин тригидрат ДСН таркибидаги препаратнинг миқдори, %;

$B$  – капсула ичидаги препаратнинг ўртача оғирлиги, г;

Ҳар битта капсуладаги ампициллин тригидратнинг миқдори ёрлиғида кўрсатилганлан 90% дан кам, 110% дан кўп бўлмаслиги керак.

**Эслатма.**  $\text{CuSO}_4$  нинг буфер эритмасини тайёрлаш. 3,93 г мис сульфат ҳажми 1 л бўлган ўлчов колбасида сувда эритилади ва белгисигача етказилади. Эритма 2 ой муддатда яроқли.

0,1 М лимон кислота эритмасини тайёрлаш.

21 г лимон кислотаси ҳажми 1 л бўлган ўлчов колбасида сувда эритилади ва белгисигача етказилади.

Эритма  $\text{pH}=5,2$  бўлган буфер эритмани тайёрлашдан олдин тайёрланади.

3. Сувсиз натрий гидрофосфатнинг 0,2 М ли эритмасини тайёрлаш.

28,4 г  $\text{Na}_2\text{HPO}_4$  (сувсиз) ҳажми 1 л бўлган колбада эритилади ва белгисигача етказилади.

Эритма  $\text{pH}=5,2$  бўлган буфер эритмани тайёрлашдан олдин тайёрланади.

4. Буфер эритмани тайёрлаш ( $\text{pH}=5,2$ )

464 мл 0,1 М лимон кислота эритмаси ҳажми 1 л бўлган колбага солинади. Устига 536 мл 0,2 М сувсиз натрий гидроксид эритмасидан  $\text{pH}=5,2 \pm 0,05$  бўлгунча кўшилади. Эритма 3 кун муддат ичидага яроқли.

5.  $\text{CuSO}_4$  буфер эритмасини тайёрлаш.

15 мл  $\text{CuSO}_4$  эритмаси ҳажми 1 л бўлган колбага солинади ва белгисигача буфер эритма билан ( $\text{pH}=5,2$ ) етказилади.

Эритма ишлатишдан олдин тайёрланади.

**Сақланиши.** Куруқ, ёруғлик тушмайдиган жойда хона ҳароратида сақланади.

**Сақланиши муддати.** 3 йил.

Антибиотик.

### **Саноатда ишлаб чиқарилган дори препаратлари таҳлили мавзуси бўйича саволлар**

1. Саноатда ишлаб чиқариладиган дори воситалари сифатининг Давлат назорати қандай тартибда олиб борилади?
2. Дастробки назоратдан қандай дори воситалари ўтказилади?
3. Кейинги танлаб назорат ўтказиш деганда нимани тушунасиз?
4. Арбитраж назоратдан қандай дори шакллари ўтказилади?
5. Янги дори шаклларини рўйхатдан ўтказиш тартиби.
6. Ињекцион дори шаклларининг сифатига қандай талаблар қўйилган?

7. Инъекцион қуруқ дори шакллари қандай күрсаткичлар бүйича баҳоланади?
8. Магний сульфатнинг 20% ёки 25% ли инъекция учун эритмасининг сифати қайси күрсаткичлар бүйича баҳолонаци?
9. Инъекцион дори шаклларининг пирогенлиги қандай аниқланади?
10. Таблеткалар сифати қандай күрсаткичлар бүйича баҳоланади?
11. Таблеткаларнинг парчаланувчанлиги, эрувчанлиги, қаттиқтити қандай текширилади?
12. Таблетка таркибидаги аэросил ва тальк қандай аниқланади?
13. Саноатда ишлаб чиқариладиган дори турларининг яроқлилик муддати қандай аниқтанади?
14. Инъекцион дори турларининг заҳарлилiği, пирогенлігі, стериллігі қандай аниқтанади?
15. Аэрозоллар қандай сифат күрсаткичлари бүйича баҳоланади?
16. Суспензиялар, эмульсиялар сифатининг баҳоланиши.
17. Капсулаларнинг сифати қандай баҳоланади?
18. Суртмалар (кремлар, геллар, линиментлар, пасталар) қандай таҳлил қилинади?
19. Күз томчиларининг сифати қандай баҳоланади?
20. Шамчалар (суппозиториялар) қандай сифат күрсаткичлари бүйича баҳоланади?

**Саноатда ишлаб чиқарилган дори препаратлари таҳлили  
мавзуси бүйича вазиятли масалалар**

1. 0,25% ли новокаин гидрохлорид эритмасини титрлаш учун 4,58 мл 0,05 M ли натрий нитрит эритмасидан сарф бўлган бўлса, текширилаётган эритмадан титрлаш учун неча мл олинган?  $T=0,01364$ .
2. 25 мл 0,25% ли новокаин гидрохлорид эритмасини титрлаш учун неча мл 0,05 M ли натрий нитрит эритмасида сарф бўлган?  $T=0,01364$ .
3. 0,3 г никотин кислотасини титрлаш учун 0,1 M ли натрий гидроксид эритмасидан 24,2 мл сарф бўлган бўлса, унинг миқдорини ҳисобланг?  $T=0,01231$ , намлиги 0,5%. Никотин кислотаси миқдори бўйича ДФ нинг талабига жавоб берадими?
4. 10% ли кальций хлорид эритмасини титрлаш учун 5 мл 0,05 M ли трилон Б ( $K=0,99$ ) эритмасидан сарф бўлган бўлса, текширилаётган эритмадан титрлаш учун неча мл олинган?  $M.m.=219$ .

5. 5 мл 20% ли магний сульфат эритмасини титрлаш учун 22,5 мл 0,05 M ли трилон Б ( $K=0,99$ ) эритмасидан сарф бўлсан, эритмадаги магний сульфат миқдорини ҳисобланг.  $M.m.= 219$ .
6. 5% йод эритмасини титрлаш учун 8,05 мл 0,1 M натрий тиосульфат ва 10,5 мл 0,1 M кумуш нитрат эритмасидан сарф бўлган бўлса, йод ва калий йодид миқдорларини ҳисобланг.  $A=2$  мл ;  $M.m_j= 126,9$   $M.m_{kj}= 166,0$
7. Агар ацетилсалицил кислотаси таблеткаларининг миқдорини аниқлашда титрлаш учун 16 мл 0,1 M NaOH эритмасидан сарф бўлган бўлса, титрлаш учун неча г тортма олинган?  $M.m=180,2$
8. 0,3 г ацетилсалицил кислотаси таблеткаларини титрлаш учун неча мл 0,1M NaOH эритмасидан сарф бўлган?  $M.m.=180,2$ . Миқдорий таълил реакция тентламасини ёзинг. Кўйида ацетилсалицил кислотаси таблеткаларининг оғирлиги берилган:

$$\begin{array}{llll} m_1=0,50 & m_6=0,51 & m_{11}=0,49 & m_{16}=0,48 \\ m_2=0,49 & m_7=0,50 & m_{12}=0,51 & m_{17}=0,49 \\ m_3=0,51 & m_8=0,49 & m_{13}=0,50 & m_{18}=0,51 \\ m_4=0,48 & m_9=0,51 & m_{14}=0,49 & m_{19}=0,49 \\ m_5=0,49 & m_{10}=0,48 & m_{15}=0,51 & m_{20}=0,49 \end{array}$$

таблеткаларнинг ўртача оғирлигини топинг ва ўртача оғирликдаги четланишларни ҳисобланг.

9. Агар 0,5 г оғирликдаги ацетилсалицил кислота таблеткалари учун ўртача оғирликдан четланиш  $\pm 5\%$  бўлса, ушбу таблеткаларнинг руҳсат этилган чегараларини ҳисобланг.
10. 5% ли глюкоза эритмасининг нур синдириш кўрсаткичи  $F=0,00142$ ,  $n=1,3550$ , сувники эса  $n_g=1,333$  бўлса, глюкоза миқдорини ҳисобланг.
11. 0,04 г майдаланган папаверин гидрохlorид таблеткаларини титрлаш учун неча мл 0,05 M перхлорат кислотасида сарф бўлади.  $T=0,01879$ ,  $a=0,5$ ,  $K=1,000$ .
14. 2% ли сариқ симоб оксиди суртмасини титрлаш учун неча мл 0,1M натрий гидроксид эритмасида сарф бўлган?  $a=2,0020$  г,  $K=0,9980$ .
15. Сариқ симоб оксиди суртмасини титрлаш учун 3,7 мл 0,1M натрий гидроксид эритмасидан сарф бўлган бўлса, неча ганиқ тортма олинган?  $T=0,01083$ ,  $K=0,9900$ .
16. 2 г сариқ симоб оксиди суртмасини титрлаш учун 3,7 мл 0,1 M натрий гидроксид эритмасидан сарф бўлган бўлса, дори молдасининг миқдорини ҳисобланг?  $M.m_{HgO}=216,59$ ,  $K=0,9990$ .

17. Новокаин гидрохлорид миқдори нитритометрия, броматометрия ва нейтраллан үсуллари ёрдамида аниқланганда ҳар бир үсулда титрлаш учун 10 мл титрантдан сарф бўлган бўлса, новокаин гидрохлориддан қанча тортма олинган?
18. Парацетамил субстанциясининг суюқланиш ҳарорати 168–172°C. ДФ нашрида келтирилган 3 та үсулнинг қайси бири ёрдамида унинг суюқланиш ҳарорати ўлчанади. Жавобингизни асослаб беринг.
19. Капсуладаги ампициллин тригидратнинг миқдорини фармакопея мақоласида келтирилган спектрофотометрия үсулидан бошқа яна қандай үсулларда аниқлаш мумкин. Жавобингизни асослаб беринг.
20. Сульфацил натрий эритмаси кўз томчисининг рангизлиги қора фонда, тиниқлиги эса оқ фонда горизонтал текширилди. Тажрибани ўтказишда қандай хатога йўл қўйилган?

**Саноатда ишлаб чиқарилган дори препаратлари таҳлили  
мавзуси бўйича тест саволлари**

?

МХ бўйича тимолни миқдорини аниқлаш үсулини кўрсатинг.

- +броматометрик усул
- йодхлорометрик усул
- йодатометрик усул
- СФ-усул

?

Резорцинни фармакопея бўйича миқдорини аниқлаш үсулини кўрсатинг.

- йодатометрик усул
- +броматометрик усул
- СФ-усул
- ФЭК-усул

?

МХ бўйича резорцинни, фенолдан қайси реакция ёрдамида фарқлаш мумкин

- темир /111/ хлориди билан
- +темир /111/ хлоридиэритмасини, кейин амиак эритмасининг таъсир этиши
- бромли сув билан
- азобуёқ ҳосил бўлиши бўйича

?

Викасолни чинлигини аниқлашда МХ тавсия этган реактивларни күрсатинг.

+натрий гидроксид ва концентранган сульфат кислота

-концентранган сульфат кислота ва крахмал

-йодат калий ва калий перманганат

-натрий гидроксид ва крахмал

?

Оксалиннинг миқдорини МХ бўйича қайси усуlda аниқланишини күрсатинг.

-броматометрия

+церимитрия

-йодометрия

-СФ-метод

?

Йодидларни қайтарувчилик хоссасига асосланиб,чинлигини аниқлашда МХ қандай реактивларни тавсия этади?

-калий дихромат, хлорамин

+натрий нитрит, темир /III/ хлорид

-хлорамин, натрий нитрит

-калий перманганат, натрий нитрит

?

Бромидларни қайтарувчилик хоссасига асосланиб, чинлигини аниқлашда МХ-қайси реактивни тавсия этади?

-калий дихромат

-марганец /II/ оксиди

+хлоромин

-натрий нитрит

?

Хлорид кислотадаги хлор ионини эркин хлорга ўтказиб, чинлигини аниқлашда МХ қайси оксидловчини тавсия этади?

+марганец /II/ оксиди

-хлорамин

-натрий нитрит

-темир /III/ хлорид

?

Калий йодид ва калий хлоридда, калий катионини аниқлашда МХ қайси реактивларни тавсия этади?

+гексанитракобальтат натрий, винотош кислотаси

-винотош кислотаси, пикрин кислотаси

-шавел кислотаси, гесанитрокобальтат натрия

-пикрин кислотаси, винотош кислотаси

?

Натрий хлорид ва натрий йодиди, натрий катионини аниқлашда МХ қайси реактивни тавсия этади?

+рух уранил ацетат

-уранил ацетат

-шавел кислотаси

-пикрин кислотаси

?

МХ хлоридкислотанинг миқдорини аниқлашда қуйилагилардан қайси бирининг титрланган эритмасини тавсия этади?

+натрий гидроксид

-калий гидроксид

-кумуш нитрат

-симоб /II/ нитрат

?

МХ йодидларни миқдорини аниқлашда аргентометрияни қайси усулини тавсия этади?

-Гей-Люсак усулини

-Фольгард усулини

+Фаянс усулини

-Мор усулини

?

МТХга асосан, гидроперит миқдори қайси усулда аниқланади?

+йодометрек

-перманганометрик

-дихроматометрик

-щериметрик

?

5% натрий гидрокарбонатнинг миқдорини аниқлаш усулини кўрсатинг.

+хлорид кислатоси билан титрлаш

-натрий ишкор эритмаси билан титрлаш

-трилон Б билан титрлаш

-перхлорат кислота билан титрлаш

?

Глюкоза инъекцион эритмасида чинлигини аниқловчи реактивни кўрсатинг.

+феллинг суюқлиги

-кумуш нитрати

-барий хлорид

-йод эритмаси

?

Морфинни инъекцион эритмасининг миқдорини аниқлаш усулини кўрсатинг.

+сувсиз— титрлаш усули

-СФ усули

-ФЭК усули

-перманганометрик усули

?

Морфинни кодеин инъекцион эритмасидан чинлигини аниқлашдаги фарқловчи реактивни кўрсатинг.

+ Марки реактиви

-Шаблер реактиви

-Драгендорф реактиви

-Вагнер реактиви

?

Морфин гидрохлоридни инъекцион эритмасида талаб бўйича чинлигини аниқлашдаги реактивни аниқланг.

-сульфат кислота азот кислота аралашмаси

+ молибдат аммонийни концентрантган сульфат кислотадаги эритмаси

-сульфаткислота сирка кислота аралашмаси

-сульфат кислота дифениламин эритмаси

?

Адреналин гидротартаратни инъекцион эритмасида чинлигини аниқлашда қўлланиладиган реактивни кўрсатинг.

+темир III хлориди

-кумуш нитрат

-темир (II) хлориди

-коргошин ацетати

?

Никотин кислотани инъекцион эритмасида чинлигини аниқлашдаги реактивни аниқланг.

-рух сульфат

-темир(III) сульфат

-темир (III) хлорид

+мис сульфат, аммоний роданид

## ДОРИХОНАДА ТАЙЁРЛАНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

I. Дорихонада тайёрланган дори турларининг умумий дори турлари орасидаги ҳиссасини ортиб бориши ўтиш даврдаги дори воситалари танқислиги муаммосини ҳал қилишiga маълум даражада ёрдам бериши мумкин. Дорихонада тайёрланган дори турларининг сифатини назорат қилишнинг амалдаги МҲ да (2000 йил 21 апрель № 195 сонли буйруқ) назорат турларига катта ўрин берилган. Бу хужжатга биноан, кимёвий назорат тури дори тури таркибиға киргандориши мөддаларнинг чинлигини (сифат таҳлили) ва миқдорини аниқлашдан иборат бўлиб, қўйидаги дори турлари сифат таҳлилидан ўтказилади:

тозаланган сув ҳар куни (ҳар бир шиша идишдан ёки агар труба орқали иш жойига келтирилган бўлса, ҳар бир иш жойида) хлоридлар, сульфатлар ва кальцийга текшириб кўрилади. Агар сув инъекцион эритмалар, қўз томчилари ва чақалоқлар учун дори турлари тайёрлаш мақсадида ишлатиладиган бўлса, юқорида кўрсатилган арапашмалардан ташқари яна қайтарувчи мөддалар, аммиак ва карбонат ангидридга ҳам ФС 42-Уз-0512-2002 га кўра текшириб кўрилади. Ҳар уч ойда тозаланган сув тұла таҳлил учун назорат-таҳлил лабораториясига юборилади;

– заҳирахонадан асистентлар хонасига ўтказилган барча дори мөддалари, шу жумладан, ярим тайёр дорилар ва концентратларнинг сифатини таҳлил қилиб кўрилади. Сифатига шубҳа бўлган тақдирда омборхонадан дорихонага келтирилган дори воситаларига ҳам сифат таҳлили қилинади;

– бюретка ускунасидаги суюқ дори турлари, концентратлар ва ярим тайёр дорилар ҳар куни сифат таҳлилидан ўтказилади;

– дорихонада қалоқланган дори воситаларининг ҳар бир сериясига сифат таҳлили ўтказилади;

– айрим рецептларга кўра, тайёрланган дори турлари ҳар бир доришуносдан иш куни давомида таңлаб:

дорихонада фармацевт-аналитик бўлган тақдирда 0,1%, фармацевт-аналитик бўлмаган тақдирда 0,3%.

Бунда дори турларининг барча хили текширилиб, айниқса, чақалоқлар учун тайёрланган, кўз томчилари ва наркотик ҳамда заҳарли бўлган моддалар сақлаган дориларга алоҳида эътибор берилади.

Куйидаги дори турлари тўла (сифат ва миқдорий) таҳлил қилинади:

— барча инъекцион эритмалар стериллашдан аввал, таркибидағи дори моддалари, изотониклигини таъминловчи ва турғунылигини оширувчи моддалар, эритманинг рНи аниқланади. Стериллангандан сўнг эса таркибидағи дори моддалари ва рНи аниқланади. Стабилизаторлар эса амалдаги кўрсатмаларга кўра аниқланади;

— наркотик ва заҳарли моддалар сақлаган кўз томчилари изотониклигини таъминловчи ва турғунылигини оширувчи моддалар билан бирга, дорихона штатида фармацевт-аналитик бўлмаган тақдирда, мудир атропин сульфат, гомотропин гидробромид, этилморфин гидрохлорид сақлаган кўз томчиларини тўла таҳлил қилиши шарт;

— чақалоқлар учун тайёрланган барча дори турлари. Дорихона штатида фармацевт-аналитик бўлмаган тақдирда мудир чақалоқлар учун тайёрланган барча суюқ дори турларини тўла таҳлил қилиши шарт;

— хлорид кислота эритмаси (ичишга мўлжалланган), атропин сульфат, симоб дихлориди ва кумуш нитрати эритмалари;

— барча концентратлар ва ярим тайёр дорилар;

— дорихонада тайёрланган барча дори турларининг ҳар бир се-рияси;

— инъекцион эритмалар, кўз томчилари ва буфер эритмаларга қўшиладиган стабилизаторлар;

— этил спиртнинг миқдори, дорихонада суюлтирилганда ва лозим топилган тақдирда омборхонадан олинганда ҳам спирт ўлчагич билан текшириб кўрилади;

— дорихонада айрим рецептлар ва даволаш муассасаларнинг талабномаси бўйича тайёрланган дори турлари, бир иш сменасида камида саккиз дори тури танлаб таҳлил қилинади. Бунда болалар учун тайёрланган, наркотик моддалар сақлаган дорилар ва кўз томчиларига алоҳида эътибор берилади;

— марказий дорихонанинг фармацевт-аналитиги дорихона қошидаги дорихоналарида тайёрланган дори турларидан ҳар ойда камида учтасини таҳлил қилиш шарт (ҳар бир дорихонала).

— тез бузилиб қоладиган ва турғун бўлмаган дори турлари (амиак эритмаси, водород пероксид эритмаси, йод ва формальдегид эритмалари) камида уч ойда бир марта текширилади.

## 10.1. Дори турлари таҳлилида экспресс усуулдан фойдаланиши

Экспресс таҳлил усули қуйидаги афзаликкларга эга:

1. Таҳлил тез бажарилади;
2. Таҳлил учун дори воситаси ва реактивлардан оз сарфланади.
3. Экспресс таҳлил ўтказиш учун мураккаб асбоб-ускуна лозим эмас.

Экспресс сифат таҳлили ўтказиш учун кўпчилик ҳолларда фильтр қоғозида, предмет ёки соат ойнасида бажариладиган томчи реакцияларидан фойдаланади. Газ ажралиб чиқиши билан борадиган реакциялар, газнинг жуда оз миқдорини ҳам сезиш мумкин бўлган газ камераларида бажарилади.

Фильтр қоғозида ўтказиладиган реакциялар энг сезир реакциялар бўлиб, бунда реакция натижасида ҳосил бўлган рангли чўқмалар қоғоз капиллярларида ушланиб қолиниши натижасида аниқланувчи модданинг жуда оз миқдори билан ҳам аниқ бўлган доғ ҳосил қилиш мумкин.

Агар реакция маҳсулоти рангли чўқма бўлмай, эрувчан бирикма бўлса, маҳсулот ионларининг қоғозда адсорбцияланиши ҳисобига бу реакциянинг сезирлиги, пробиркада ўтказиладиган реакцияга қараганла юқори бўлади.

Реакцияни тез бажариш мақсадида реактив қоғозлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Бундай қоғозлар ёки бу реактивлар эритмасига фильтр қоғозини тушириб сўнгра қутиши йўли билан тайёрланади. Реактив қоғозлар маълум катталикда қирқилиб, оғзи маҳкам беркитилган идишларда сақланади.

Масалан: темир (III) хлориди шимдирилган қоғоз, қўрошин иони шимдирилган қоғоз, амидонирин эритмаси шимдирилган қоғоз ва ҳ.з.

Агар реакция концентранган кислота ёки ишқорлар ишлатишни талаб қиласа, шиша ойнана ёки чинни идишчада олиб борилади.

Бундан ташқари, экспресс сифат таҳлили желатина эритмаси ва мос келувчи реактивлар аралашмасидан тайёрланган реактив плёнкаси ва таёқчалар ёрдамида ёки мос келувчи реактив шимдирилган рўзнома қоғозида ҳам бажарилиши мумкин.

Миқдорий экспресс таҳлил ҳажмий таҳлил усууларидан таҳлилнинг тез бажарилиши ва текширилувчи модда ва реактивлардан жуда оз миқдорда сарфланиши билан фарқ қиласи. Одатда таҳлил учун 1–2 мл текширилувчи эритма ёки 0,05–0,1 г талқон ҳолидаги мод-

да сарф бўлади. Бунда энг оддий таҳлил усувларидан фойдаланиб, экстракция қилиш, қуритиш, фильтрлаш жараёниларидан фойдалан- масликка ҳаракат қилинади.

Титрлаш полуумикропипетка ёки оддий пипеткалар ишлатилган ҳолда пенициллин илишларда ёки пробиркаларда олиб борилади. Экспресс миқдорий таҳдилда ҳисоблаш формуласини соддалаштириш учун ҳисоблаш омилидан фойдаланилади.

Эритмадаги модданинг фоиз миқдорини аниқлаш учун омил қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\Phi = \frac{a * 100}{6}$$

Модданинг дори туридаги оғирлик миқдорини аниқлашда омил қуйидагича ҳисобланади:

$$\Phi = \frac{T * P}{a}$$

Кўпчилик ҳолларда титрланувчи эритманинг тузатиш коэффициенти -К бирдан фарқ қиласди. У ҳолда ҳисоблаш омили ушибу формула орқали топилади:

$$\Phi = \frac{T * K * 100}{a} \text{ ёки } \Phi = \frac{T * K * P}{a}$$

Титрланаётган моддага сарфланган титрант эритмаси ҳам 1–2 мл атрофида бўлиши лозим. Шунинг учун титрлаш учун баъзан 0,02 моль/л эритмаларидан фойдаланилади.

Дори тури таркибидаги дори моддасини миқдорий таҳлил қилинганда МҲда дори моддасининг миқдори қанча оралиқда бўлиши лозимлиги кўрсатилмаган бўлса, таҳлил натижасида дори туридаги дори моддасининг аниқланган миқдори билан, рецептлаги миқдори орасидаги фарқнинг фоиз миқдорига қараб дори турининг сифатига баҳо берилади (583 сонли бўйруқ, 29.12.2002).

Концентратларда агар дори моддасининг фоиз миқдори 20% дан кам бўлса – 2%, 20% дан кўп бўлса 1% фарқ бўлишига рухсат этилади.

Масалан: никотин кислота	0,02
глюкоза	0,3

таркибли дори турининг миқдорий таҳдили натижасида никотин кислотасининг миқдори 0,018 г ва глюкозанинг миқдори 0,31 г

Эканлиги аниқланган бўлсин. Дори тури таркибидаги ингредиентларнинг ёзилган ва аниқланган массалари орасидаги фарқни топилади.

Никотин кислотаси учун:  $0,02 - 0,018 = 0,0002$  г

Глюкоза учун:  $0,3 - 0,31 = 0,01$  г

Дори моддалари массасидаги бу фарқнинг ёзилган массасига нисбатан фоиз миқдорини аниқланади.

Никотин кислотаси учун:

$0,02 - 100\%$

$0,002 - X\%$   $X = 10\%$

Глюкоза учун:

$0,3 - 100\%$

$0,01 - X\%$   $X = 3,3\%$

Ҳисобланган қийматларни дори турларидаги дори моддалар миқдорининг рухсат этилган фарқни фоиз миқдори билан солиштирилади.

Никотин кислотаси учун рухсат этилган фарқнинг фоиз миқдори  $\pm 20\%$ , глюкоза учун эса  $\pm 8\%$  (583 сонли буйруққа кўра). Демак кўриб чиқилган дори тури сифатли тайёрланган.

Галогенлар сақлаган дори турлари турли-туман таркибга эга бўлиб, уларнинг таҳлил усуслари бир қанча адабиётларда етарли даражада берилган. Қўйида бу дори турларидан айримларининг таҳлили келтирилган.

Дориҳонада тайёрланган инъекцион эритмаларнинг сифатини аниқлаш эритмани тайёрлашнинг турли босқичларида амалга оширилади. Босқичлар бўйича олинган таҳлил натижалари маҳсус журналда қайд қилиб борилади. Инъекцион эритмалар солинган шиша идиш ва флаконлар қопқоқ билан беркитилгач маркировка қилинади ва бунинг учун металл жетонлар ишлатилади.

Стериллаш жараёнидан сўнг эритманинг ташқи кўриниши, pH катталиги, дори моддасининг сифати ва миқдори аниқланади. Назорат учун ҳар битта туркумдан биттга идии танлаб олинади.

Инъекцион эритмаларнинг стериллиги ва апирогенлиги амалдаги кўрсатмалар талабига кўра аниқланади.

Бир вақтнинг ўзида турли дори моддалари сақлаган бир неча инъекцион эритма тайёрлаш қатъияни маън этилади.

Инъекцион эритмаларни қайта стериллаш таъқиқланади. Улар таркибидаги ингредиентларнинг физикавий-кимёвий хоссаларини эътиборга олган ҳолда сақланади.

УЗР ССВ 2000 йил 21 апредлда қабул қылган 195-сонли буйруғынан биноан наркотик ва заҳарли дори моддалари сақлаган күз томчилари ва күз учун ишлатиладиган суртма дорилар учун тұла таҳлил (сифат ва миқдорий) үтказилади. Давлат фармакопеясининг талабына күра, күз томчилари күз ёши билан изотоник булиши шарт. Айрим ҳолларда фармакопея мақоласида күрсатылған тақдирда, гипергоник ва гипотоник эритмалар ишлатилади.

Күз томчиларини тайёрлаш учун фармакопея мақоласида күрсатылған эритувчилар ва ёрдамчи моддалар ишлатилади.

**Эритувчилар:** тозаланған сув, изотоник буфер эритмалар ва ёглар стерилланған булиши шарт.

Түрғунлигини таъминлаш мақсадида күз томчиларига натрий хлориди, натрий сульфат, натрий нитрит, натрий метабисульфит, натрий тиосульфат, натрий гидрофосфат, бор кислотаси, сорбин кислотаси, нипагин, целлюлоза ҳосилалари ва бошқалардан құшилади.

Күз томчилари асептик шароитта тайёрланиб, стерилланған булиши шарт.

## 10.2. Тозаланған сувнинг дорихонадаги таҳлили

Дорихонада тозаланған сув ФС-42-Уз-0511-2002 фармакопея мақоласи бүйича, 195-сон буйруққа биноан таҳлил қилинади.

Агар тозаланған сув инъекцион эритмалар, чақалоқтар учун дори турлари ва күз томчилари тайёрлаш учун ишлатиладиган бұлса, таркибиңдегі қайтарувчи моддалар, карбонат ангириди, хлорилар, сульфатлар, амиак ва кальцийга текшириб қурилади.

**Қайтарувчи моддалар.** 100 мл сув қайнагунича қиздирилиб, 2 мл суюлтирилған сульфат кислота эритмаси ва 1 мл 0,01 моль\л калий перманганат эритмаси құшилиб, 10 дақықа давомида қайнатылғанда, пушти ранг сақланиши керак.

**Амиак.** 10 мл сувга 0,2 мл Несслер реактивидан құшилиб, 5 дақықадан сүнг 0,2 мл Несслер реактиви құшилған 10 мл амиак-нинг 0,0002% эритмаси билан солишлириб қурилади. Бунда солишлирилаёттан эритманиң ранги эталон рангидан ортиқ бўлмаслиги керак (0,00002% дан кам).

**Сульфатлар.** 10 мл сувга 0,5 мл суюлтирилған хлорид кислотаси ва 1 мл барий хлорид эритмасидан құшиб чайқатилади ва 10 дақықага қолдирилғанда, эритма лойқаланмаслиги керак.

**Карбонат ангирид.** Сувни баробар ҳажмдаги оқакли сув билан чайқатилиб, бўғзигача тўлдирилған ва оғзи маҳкам берки-

тилган идишга солинганды бир соат ичида лойқаланиш кузатылмас-лиги керак.

**Хлоридлар.** 10 мл сувга 0,5 мл нитрат кислотаси ва 0,5 мл кумуш нитрат эритмаси күшилады ва 5 дақиқадан сүнг эритма лойқалан-маслиги керак.

**Кальций.** 10 мл сувга 1 мл аммоний хлорид эритмаси, 0,5 мл аммоний оксалат эритмаси, 1 мл аммиак эритмасидан қўшилиб, 10 дақиқадан сүнг лойқаланиш кузатылмаслиги керак.

ЎзР ССВ нинг (21 апрель 2000 й) 195 сонли буйргуга кўра чақалоқлар учун тайёрланган барча дори турларининг сифат ва миқ-дори таҳлил қилиниши шарт.

Чақалоқлар учун дори турлари асеғтик шароитда тайёрланиб, стерилланиши керак. Уларнинг ҳажми 10–20 мл, агар даволаш му-ассаси учун тайёрланса 200 мл дан ортиқ бўлмаслиги таалаб қилина-ди. Дори тури ичиш учун мўлжалланган бўлса, стабилизатор ва кон-сервантлар қўшиш тавсия қилинмайди.

Амалдаги меъерий техник ҳужжатга кўра, осон ўзгарувчан ва турғунилиги кам бўлган дори турлари ҳар уч ойда тўла таҳлил қилиб кўрилади.

Тиббиёт амалиётида этил спирти сақлаган дори турлари кенг миқёсда қўлланилади. Одатда спирт сақлаган дори турлари тарки-бидаги асосий ингредиент таҳлил қилиниб, унинг таркибидаги спиртнинг миқдорини аниқлашга кўпда эътибор берилмайди. Аммо дори тури таркибидаги спиртнинг миқдори унинг сифатига катта таъсир қиласди.

Бундан ташқари, омборхоналардан олинган спирт кўпчилик ҳол-ларда 95% дан кам бўлади. Булардан ташқари, этил спиртининг зичилиги асосида унинг миқдорини аниқлаш учун ишлатиладиган спирт ўлчагичларига ҳам доимо ишониб бўлмайди. Бунинг сабаби шуки, бу спирт ўлчагичлар Бош метрологик хизмат томонидан вақ-ти-вақти билан текшириб турилмайди. Кўпчилик спирт ўлчагичла-ри эса тижорат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган бўлган-лиги учун уларнинг кўрсаткичларига ишонч кам.

Дорихонада рефрактометрик усул ёрдамида спиртни, унинг тур-ли даражадаги эритмаларини ва спирт сақловчи дори туридаги спирт миқдорини юқори аниқлиқда текшириш мумкин. Этил спиртнинг сувли эритмаларининг нур синдириш кўрсаткичи билан концентра-цияси орасида чизиқли боғланиш мавжуд. Аммо бу боғлиқлик этил спиртнинг концентрацияси 50–55% бўлгандагина чизиқли бўлиб, концентрация 55–75% бўлганда чизиқли боғланиш камайиб

75–90% бұлғанда концентрация ортиши билан мутаносиб нисбатда нур синдириш күрсаткичлари ортиб бориши тұхтайды. 90–95% орага лигиде эса концентрация ортиши билан нур синдириш күрсаткичи камайиб боради.

Шунинг учун дори туридаги спиртнинг концентрацияси 50–55% дан кам бұлса, тұғридан-тұғри, ортиқ бұлса аввал суюлтириб, сұнгра рефрактометрик усул ёрдамида аниқлаш мүмкін.

Рефрактометрик усул ёрдамида аниқлаганда олинган натижаларга ҳароратнинг таъсирини назарда тутиш лозим. Шунинг учун нур синдириш күрсаткичи үлчанған ҳарорат 20°C дан фарқ қылса, фарқ қылғандаги ҳароратта тузатиш киритилади.

Агар нур синдириш күрсаткичи 20°C дан юқори ҳароратда аниқланған бұлса, аниқланған нур синдириш күрсаткичига қар 1°C ҳарорат учун ҳарорат коэффициенти құшилади, 20°C дан паст бұлса айрилади.

Спиртли эритмаларнинг нур синдириш күрсаткичини аниқлаш учун рефрактометрнинг призмасига 6–7 томчи эритма томизилиб, юқори блок тездә ёнилади ва нур синдириш күрсаткичи аниқланади. Сұнгра ҳароратта киритиладиган ҳарорат коэффициенти аниқланған нур синдириш күрсаткичидан айрилиб (ёки құшилиб) шу күрсаткичға мос бўлган спиртнинг концентрацияси жадвалдан тошилади.

### 10.3. Дорихонада тайёрланған дори воситаларининг амалий таҳлили

#### 1. Кальций хлориди 3,0

Калий йодиди 2,0.


Тозаланған сув 100,0 гача.

Чинлигини аниқлаш.


1–2 томчи эритмага буюм ойначасида 2 томчи натрий кобальтит-нитрит эритмасидан құшилғанда сарық рангдаги кристалл чўкма ҳосил бўлади. Агар чўкма ҳосил бўлиши кузатилмаса, 1 томчи сирка кислотаси эритмасидан құшилиб аралаштирилади.



2. Пробиркага 0,5–1,0 мл эритмадан солиб, 1 мл винотош кислотасидан (тартарат кислотаси), 1 мл натрий ацетати эритмасидан құшилиб, совутилади ва шиша таёқча билан ишқаланғанда секинлик билан оқ кристалл чўкма ҳосил бўлади.




3. 1–2 томчи эритмага буюм ойнасида 1–2 томчи аммоний оксалаты эритмасидан құшилғанда оқ чүкма ҳосил бўлади. Чүкма сирка кислотада эримайди, минерал кислоталарда эрийди.




4. 1–2 томчи эритмага 15–20 томчи сув құшилиб, 1–2 томчи суолтирилған сульфат кислотаси, 1 мл хлороформ, 1–2 томчи 1% ли калий перманганат эритмаси құшиб чайқатилади. Бунда хлороформ қавати бинафша рангта бўялади (йодид иони). Эритмага хлороформ қаватининг рангсизлантиргунига қадар калий перманганати эритмасидан солиниб, сувли қават иккінчи пробиркага ўтказилади. Томчилаб эритма рангсизлантиргунига қадар водород пероксиди эритмасидан ва 3–4 томчи кумуш нитрат эритмасидан солинганда оқ чүкма ҳосил бўлади (хлорид иони).

5. 2–3 томчи эритма пробиркага солиниб, бир неча томчи сульфат кислота эритмаси, 1 мл хлороформ ва 2–3 томчи темир (III) хлориди эритмаси құшилиб, чайқатилғанда хлороформ қавати бинафша рангта бўялади.



6. 1–2 томчи эритмага буюм ойнасида 1–2 томчи кумуш нитрат эритмасидан құшилғанда, аммиак эритмасида эримайдиган сариқ чүкма ҳосил бўлади.



7. 1–2 томчи эритмага 1 томчи қўрошин ацетат эритмасидан құшилғанда сариқ чүкма ҳосил бўлади.




*Миқдорини аниқлаш.*

*I-вариант.* Калий йодид. 2 мл эритмани индикаторсиз 0,1 моль\л Hg (II) нитрат эритмаси билан титрланғанда рангли лойқа ҳосил бўлади. Калий йодиднинг дори туридаги грамм миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:


$$V \cdot 0,0332 \cdot K \cdot 100$$

$$X = \frac{V \cdot 0,0332 \cdot K \cdot 100}{a}$$




**Кальций хлорид.** Титрланган эритмага 5–6 томчи дифенилкарбазон, 1–2 томчи суюлтирилган нитрат кислотаси құшилиб, 0,1 моль\л симоб(II) нитрат билан бинафиша рангтака титрланади (V<sub>1</sub>):

$$X = \frac{(V_1 - V_2) \cdot 0,01095 \cdot 100}{2}$$



### 2-вариант.

**Кальций хлорид.** 1 мл эритмага 4–5 мл аммиакли буфер эритма, 0,1 г индикатор аралашмаси ёки 5–7 томчи кислотали хром түккүк ёки кислотали хром қора эритмасидан құшиб, 0,05 моль\л трилон Б эритмаси билан бинафиша ранг ҳосил бўлгунича титрланади.



мл 0,05 моль\л трилон Б эритмаси 0,01095 г кальций хлоридга мос келади:

$$X = \frac{V \cdot 0,01095 \cdot K \cdot 100}{a}$$

**Калий йодид.** 1 мл эритмага 20 мл сув құшилиб, 1 мл сирка кислотаси, 3–5 томчи натрий эозинати эритмаси құшилиб, 0,1 моль\л кумуш нитрат эритмаси билан қизил рангли чўкма ҳосил бўлгунича

титрланади. 1 мл 0,1 моль\л кумуш нитрати эритмаси 0,0166 г калий йодидга мос келади.

$$X = \frac{V \cdot 0,0166 \cdot K \cdot 100}{a}$$

*З-вариант.*

*Кальций хлорид.*  $\text{CaCl}_2$  трилонометрик усул билан аниқланади.

*Калий йодид.*  $\text{Kl}$  миқдори эса рефрактометрик усул билан аниқланади.

$$X_{\text{Kl}} = \frac{n \cdot [n_0 + C_1 \cdot F_1]}{F_2}$$

Бунда:  $n$  - эритманинг нур синдириш кўрсаткичи;

$n_0$  -- сувнинг нур синдириш кўрсаткичи;

$C_1$  – кальций хлориднинг миқдори;

$F_1$  – кальций хлориднинг рефрактометрик омили – 0,00117;

$F_2$  – калий йодиднинг рефрактометрик омили – 0,00130.

## 2. Калий бромиди 3,0


*Калий йодиди 2,0.*

*Тозаланган сув 100,0 гача.*

*Чинлигини аниқлаш.*

1. Калий иони 1,1; 1,2 га қаралсин.

2. Бромид ва йодид ионларини аниқлаш учун 1–2 томчи эритмага пробиркада 15–20 томчи сув, 3–4 томчи суюлтирилган сульфат кислотаси ва 1 мл хлороформ қўшилиб, 2–3 томчи 1%ли калий перманганати эритмасидан қўшиб, чайқатилганда хлороформ қавати қизил-бинафша рангга бўялади (йодид иони). Калий перманганат эритмасидан томчилатиб қўшиши давом эттирилганда хлороформ қаватидаги қизил-бинафша ранг йуқолиб, сариқ-қўнғир ранг ҳосил бўлади (бромид иони).



*Миқдорини аниқлаш.* Калий йодид. 0,5 мл эритмага 20 мл сув қўшилиб, 1 томчи калий йодати, 2 томчи крахмал эритмаси, 5 мл 10% аммоний карбонат қўшилиб, 0,1 моль\л кумуш нитрат эритмаси билан эритма рансизлангунча титрланади. Э = М.м.



1 мл 0,1 моль/л кумуш нитрат эритмаси 0,0166 г калий йодидига мос келади.



Йодид ионларининг кумуш билан бирикиши натижасида йод-крахмал комплекси рангизланади (V).

$$X = \frac{V * K * T * 100}{0,5}$$

**Калий бромид.** 1 мл эритмага 20 мл сув ва 1 мл суюлтирилган сирка кислотаси қўшиб, натрий эозинат индикатори иштирокида 0,1 мол/л кумуш нитрат эритмаси билан тўқ-қизил рангдаги чўкма ҳосил бўлгунча титрланади (V<sub>1</sub>).

$$X = \frac{(V_1 - 2 * V) * K * T * 100}{a}$$

### 3. Калий бромиди

**Кальций хлориди 2,0 г дан.**

**Тозаланган сув 100,0 гача.**


Чинлигини аниқлаш. Калий иони натрий кобальтонитрит ёки винотош кислотаси ёрдамида (15.3.1га қаранг). Кальций иони аммоний оксалати билан аниқланади (15.3.1га қаранг). Бромид ва хлорид ионларини аниқлаш учун 1–2 томчи эритма пробиркага солиниб, 10–15 томчи сув, 2–3 томчи сульфат кислотаси, 1мл хлороформ, 1–2 томчи 1% ли калий перманганат эритмасидан қўшиб чайқатилади. Бунда хлороформ қавати сариқ-қўнғир бўлади (бромид иони). Сўнгра 1% ли калий перманганат эритмасидан сувли қаватининг тургун бинафша рангта киргунча қўшилиб, яхшилаб чайқатилгач, сувли қават ажратилиб, водород пероксиди эритмаси ёрдамида рангизлантирилади ва 2–3 томчи кумуш нитрат эритмасидан қўшилади. Бунда оқ чўкма ҳосил бўлади (хлор иони).

### Миқдорини аниқлаш.

Кальций хлориднинг миқдорини комплексонометрик усул билан аниқланади (15.3.1.) (V).

Кальций хлориди ва калий бромидининг йигиндисини меркуриметрик, Фаянс (15.3.2) ёки Мор усули ёрдамида аниқлаш мумкин.

**Меркуриметрик усул.** 1 мл эритмадан олиниб, 10 мл сув, 5–6 томчи дифенилкарбазон эритмаси, 1–2 томчи нитрат кислотасидан қўшилиб, 0,1 моль/л симоб (II) нитрат эритмаси билан бинафша ранг ҳосил бўлгунча титрланади ( $V_1$ ).



1 мл 0,1 моль/л симоб (II) нитрат эритмаси 0,0195 г кальций хлоридга ёки 0,0119 г калий бромидга мос келади.

$$X = \frac{(V_1 - V) * K * T * 100}{1}$$

**2-вариант.** Кальций хлориднинг миқдорини трилонометрик усул билан аниқлаб, калий бромиднинг миқдорини эса рефрактометрик усул билан аниқланади.

$$X_{KB_r} = \frac{n - (n_0 + C_1 * 0,00117)}{0,00119}$$

#### 4. Натрий бромиди

Натрий хлориди 3,0 г дан.


Тозаланган сув 100,0 гача.

Чинлигини аниқлаш. Натрий иони рангсиз алангани сариқ рангга бўяши орқали ёки цинк-уранилацетат реактиви ёрдамида аниқланади.


*Миқдорини аниқлаш.*

Натрий хлориднинг миқдори бром ионини оксидлаб, пентобром ацетон ҳолида боғлаб олингандан сўнг аниқланади.

1 мл эритмага 5 мл сув, 3 мл суюлтирилган сульфат кислота, 3 мл ацетон ва томчилаб 10 дақиқа давомида ўчмайдиган пушти ранг ҳосил бўлгунга қадар томчилаб 5% ли калий перманганат эритмасидан қўшилади.



10 дақиқадан сұнг калий перманганатининг ортиқасыға әхти-  
стик билан, томчилаб 3% ли водород пероксида әритмаси құши-  
лади.



Рангсизлантирилған әритмадан натрий хлориднинг миқдори Фольгард усули билан аниқланади. Бунинг учун әритмага 10 мл 0,1 моль/л кумуш нитрати әритмаси, 15–20 томчи темир-аммиакли ачықташ әритмасидан құшилиб, 0,1 моль/л аммоний роданид әрит-  
маси билан қызил-құнғир рангтата титрланади (V).

1 мл 0,1 моль/л кумуш нитрати 1 мл әритма 0,005844 г натрий хлоридига мос келади.

$$X = \frac{(10-V) \cdot 0,005844 \cdot K \cdot 100}{1}$$

Натрий бромидини аниқлаш учун 1 мл әритма Мор, Фаянс ёки меркуриметрик усул билан аниқланади ( $V_1$ ) (15.3.1; 15.3.2; 15.3.3).

$$X = \frac{V_1(10-V) \cdot 0,01029 \cdot 100}{1}$$

### **5. Кальций хлориди әритмаси 6,0–200,0**

*Натрий бромиди 4,0.*

*Новокаин 1,0.*

*Чинлигини аниқлаш.* Кальций иони оксалат аммоний әритмаси билан (1), натрий иони рангсиз алланғани сариқ рангта бұяши орқа-  
ли, хлорид ва бромид ионлари эса биргаликда (15.3.3) очилади.

Новокаиннинг чинлигини аниқлаш учун 3–4 томчи әритмага 4–5 томчи суюлтирилған хлорид кислотаси ва 3–4 томчи натрий нитрит әритмасидан құшилиб, аралаشتырилғач, 15–20 томчи – нафтолнинг ишқори әритмасидан құшилғанда қызил ранг ҳосил бўлиши орқали аниқланади.

*Миқдорини аниқлаш.*

Кальций хлориди комплексонометрик усул билан аниқланади (15.3.1), (V). Новокаин гидрохлоридининг миқдорини аниқлаш учун 2 мл әритмага 5–10 мл нейтралланған спирт билан хлороформ ара-  
лашмасидан (1:2) құшилади ва 5–6 томчи фенолфталеин томизи-  
либ, 0,1 моль/л натрий ишқори әритмаси билан сувли қават оч пушти рангта киргунича титрланади (VI).

1 мл 0,1 моль/л натрий ишқори 0,02728 г новокаин гидрохло-  
ридига мос келади.

$$X = \frac{V \cdot 0,02728 \cdot K \cdot 200}{2}$$

Дори туридаги учала ингредиентнинг йигинлиси бромфенол күки иштирокида Фаянс (2.), меркуриметрик усул ёрдамида аниқланади (3.).

1 мл эритмага 5 мл сув қўшиб, 2–3 томчи бромфенол күки ва томчилаб сариқ-яшил ранг ҳосил бўлгунича суюлтирилган сирка кислота қўшилиб 0,1 моль\л кумуш нитрат эритмаси билан кўк бинафша ранг ҳосил бўлгунича титрланади ( $V_2$ ).

1 мл 0,1 моль\л кумуш нитрат эритмаси 0,01029 г натрий бромидга мос келади.


$$X = \frac{V_2 - V / 2 - Y \cdot 0,01029 \cdot K \cdot 200}{1}$$

## Антибиотиклар ва витаминлар сақлаган дори турлари таҳлили


### 6. Аскорбин кислотаси 0,1

Глюкоза 0,3.

Чинлигини аниқлаш. Аскорбин кислотасининг чинлигини аниқлаш учун 0,02 г дори тури 1 мл сувда эритилиб, 1–2 томчи 2%ли кумуш ниграт эритмасидан қўшилса, қора рангдаги чўкма ҳосил бўлади.



Глюкозанинг чинлигини аниқлаш учун аввал аскорбин кислотасини оксидилаб олиш лозим. 0,05–0,1 г аралашма 1–2 мл сувда эритилиб, 2–3 томчи пергидрол ва 2–3 томчи амиак эритмаси, қўшилиб 2–3 дақиқа қайнатилгандан сўнг Фелинг реактиви қўшилади ва қиздирилади. Бунда қизил рангли чўкма ҳосил бўлади.



## *Миқдорини аниқлаш.*

*1-вариант.* Аскорбин кислотасининг миқдорини аниқлаш учун 0,1 г қуқун 5 мл сувда эритилиб, оғзи маҳкам беркитилган идишда 0,1 моль\л йод эритмаси билан очсариқ ранг ҳосил бўлгунига қадар титрланади (V).

$$X = \frac{V \cdot 0,0086 \cdot K \cdot 0,4}{2}$$

Титрланган эритмага 20 мл 0,1 моль\л йод эритмаси 10–15 мл 1% ли (ёки 30–40 мл 0,1 моль\л) натрий ишқори эритмасидан қўшилиб, 10–15 дақиқага қолдирилади. Бунда глюкоза ва дегидроаскорбин кислотаси оксидланади. Кўрсатилган вақт ўтгандан сўнг эритмага 10 мл суюлтирилган сульфат кислота эритмасидан қўшиб, ажралиб чиқсан йод натрий тиосульфатнинг 0,1 моль\л эритмаси билан титрланади (индикатор крахмал). Глюкозанинг миқдори қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{(20 - V_1)V \cdot 0,0099 \cdot 0,4}{2}$$

*2-вариант.* Битта қуқун оғирлиги тортиб олиниб, ўлчов пробиркасида 5 мл сувда эритилиб, яхшилаб чайқатилади. 2 мл эритма таркибидағи аскорбин кислотасининг миқдорини алкалитетрик ёки йодометрик усувлар ёрдамида аниқланади.

2 мл эритма ўлчаб олиниб, 0,1 моль\л натрий гидроксид эритмаси билан титрланади:

$$X = \frac{V \cdot 0,076 \cdot K \cdot 0,4 \cdot 5}{a \cdot 2}$$

Эритманинг нур синдириш кўрсаткичи ( $n$ ) ва тозаланган сувнинг нур синдириш кўрсаткичи ( $n_0$ ) рефрактометрда ўлчанилиб, глюкозанинг миқдори қўйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$X = \frac{(\Pi - \Pi_0) - C \cdot F \cdot 5 \cdot 0,4 \cdot 100}{0,00142 \cdot 100 \cdot a \cdot (100 - B)}$$

Бу ерда:

$C$  – аскорбин кислотасининг % миқдори (2% атрофида);

$0,00142$  – сувсиз глюкозанинг нур синдириш кўрсаткичи фактори;

*F* – аскорбин кислотасининг нур синдириши кўрсаткичи факто-  
ри – 0,0016.



*в* – глюкозадаги намлик % миқдори.

### 7. Аскорбин кислотаси 0,1

Никотин кислота 0,05.

Қанд 0,25.

Чинлигини аниқлаш. Аскорбин кислотасининг чинлигини аниқлаш (15.4.1) юқорида келтирилган. Никотин кислотасининг чинлигини аниқлаш учун 0,02 г аралашмага 1 мл сув, 0,25 мл роданбромид реактиви 0,02 г новокаин ва 1–2 томчи натрий гидроксид эритмаси қўшилганда сариқ ранг ҳосил бўлади.



Қанднинг чинлигини аниқлаш учун 0,01 г аралашмага 1–2 мл суюлтирилган хлорид кислота эритмаси ва резорциннинг бир неча кристалларидан қўшиб қиздирилганда қизил ранг ҳосил бўлади.

*Миқдорини аниқлаш.* 0,1–0,2 г аралашмадан аскорбин кислотаси ва никотин кислотасининг йигинидиси 0,1 мол/л натрий гидроксид эритмаси билан титрлаш орқали аниқланади (индикатор фенолфталеин) (*V*).

Титрланган эритмадаги натрий аскорбинати йодометрик усул билан аниқланади (*V*).

$$X_{\text{Аскорбин кислота}} = \frac{V_i * 0,0088 * K * 0,4}{a}$$

$$X_{\text{Никотин кислота}} = \frac{(V - \frac{V_1}{2}) * 0,0123 * K * 0,4}{a}$$

### **8. Аскорбин кислотаси 0,1**

*Никотин кислотаси 0,05.*

*Глюкоза 0,25.*

*Чинлигини аниқлаш.* Юқорида көлтирилған дори түри таҳлилиға қаранг.

*Миқдорини аниқлаш.* 0,1 г аралашма тортиб олиніб, аскорбин кислотаси ва никотин кислотасининг йигиндиси алкалитетрик усул орқали (2 га қаранг) аниқланади (V<sub>1</sub>).

Титрланған эритмани 0,1 моль/л йод эритмаси билан оч сариқ ранг ҳосил бўлгунча титрлаш орқали аскорбин кислотасининг миқдорини аниқланади (V<sub>1</sub>). Сўнгра ишқорий шароитда йодометрик усул ёрдамида глюкозанинг миқдори аниқланади (V<sub>2</sub>) (15.3.1 га қаранг).

$$X_{\text{Аскорбин кислота}} = \frac{V_1 * 0,0088 * K * 0,4}{a}$$

$$X_{\text{Глюкоза}} = \frac{(V_2 - V_1) * 0,0099 * K * 0,4}{a}$$

$$X_{\text{Никотин кислота}} = \frac{(V - \frac{V_2}{2}) * 0,0123 * K * 0,4}{a}$$

### **9. Рибофлавин 0,001**


*Аскорбин кислотаси 0,05.*

*Калий йодиди 0,3.*

*Глюкоза эритмаси 2% – 10,0.*

*Чинлигини аниқлаш.* Аскорбин кислотаси ва йодид ионини аниқлаш учун 2–3 томчи эритмага 1 томчи кумуш нитрат эритмасидан қўшилганда кумуш йодиднинг сариқ рангдаги чўкмаси ҳосил булади. Кумуш нитрат эритмадан қўшиш давом эттирилганда кулранг чўкма ҳосил бўлади (аскорбин кислотаси).

Эритмани УБ-нурла кўрилганда тўқ яшил флюресценция кузатилади. Эритмага ишқор ёки кислота эритмаларидан қўшилганда флюресценция йўқолади. Натрий гидросульфиди эритмасидан қўшилганда эса ранг ҳам, флюресценция ҳам йўқолади.



**Калий ионининг чинлигини аниқлаш, глюкозанинг чиңлигини аниқлаш эса-да кўрсатилган.**

*1-вариант.* Аскорбин кислотасининг миқдорини аниқлаш.

1 мл эритмага 10 мл сув қўшилиб, 0,1 моль\л натрий ишқори эритмаси билан титранали (индикатор фенолфталеин).

$\bar{E}=M.m.$  1 мл 0,1 моль\л натрий ишқори эритмаси 0,0176 г аскорбин кислотасига мос келади.

**Калий йодид.** Титранган эритмага 1 мл темир-аммиакли аччиқтотиши эритмасидан қўшилиб, аргентометрик ёки меркуриметрик усуллар билан аниқланали.

**Рибофлавин.** Рибофлавиннинг миқдорини фотоэлектроколориметрик ёки визуал колориметрик усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Фотоэлектроколориметрик усул. 1 мл эритмага 9 мл сув қўшилиб, 445 нм тўлқин узунлигига 10 мм қалинликдаги кюветада оптика зичлиги ўлчанади ( $D$ ). Солиширилувчи эритма сифатида сув олинади. Бир вақтнинг ўзида рибофлавиннинг 0,004% ли стандарт эритмасидан 2,5 мл ига 7,5 мл сув қўшилиб, оптика кўрсаткичи ўлчанади ( $D_0$ ).

Рибофлавиннинг граммлардаги миқдори формула бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{D * 0,0001 * 10}{D_0 * l}$$

**Визуал.** Колориметрик усул. Бир хил катталиқдаги ва қалинликдаги бешта пробирка олинниб, уларга рибофлавиннинг 0,004% ли стандарт эритмасидан 1 мл; 1,5 мл; 2 мл; 2,5 мл; ва 3 мл солиниб, 10 мл гача сув билан суюлтирилади. Текширилувчи эритмадан 1 мл олинниб, 9 мл сув қўшилади ва этalon эритмаларнинг ранги билан солиширилади. Солишириш оқ фонда пробиркаларнинг ўқи бўйича амалга оширилади.

Рибофлавиннинг граммлардаги миқдори қўйидаги формулаага кўра ҳисобланади:

$$X = \frac{a * 0,00004 * 10}{l}$$

Бу ерда:  $a$  — рангли текширилувчи эритмага мос келган эталон эритма ҳажми;

$0,00004 - 1$  мл стандарт эритмадаги рибофлавиннинг грамм миқдори.

*Глюкоза.* Сувнинг ва дори турининг нур синдириш кўрсаткичлари аниқланиб, глюкозанинг % миқдорини формула бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{(n - n_0) - (C_1 * F_1 + C_2 * F_2) * 100}{0,00142 * (100 - b)}$$

Бу ерда:  $C_1$  — аскорбин кислотасининг % миқдори;

$C_2$  — калий йодиднинг % миқдори;


$F_1$  — аскорбин кислотасининг нур синдириш омили;

$F_2$  — калий йодиднинг нур синдириш омили;

$b$  — глюкозадаги намликнинг % миқдори.

*2-вариант.* 1 мл эритмага 2 мл крахмал эритмасидан, 5–6 томчи суюлтирилган сульфат кислота эритмасидан қўшилиб, 0,05 моль/л калий йодат эритмаси билан кўк ранг ҳосил бўлгунча титрланади. Бунда эркин ҳолдаги йод ажralиб чиқиб, аскорбин кислотасини оксидлади.  $\dot{E} = M.m./2$ .

1 мл 0,05 моль/л калий йодат эритмаси 0,0044 г аскорбин кислотага мос келади.



Сунгра кўк рангдаги эритма 0,1 моль/л ли кумуш нитрат эритмаси билан рангсизланганча титрланади.

1 мл 0,1 моль/л кумуш нитрат эритмаси 0,0166 г калий йодидга мос келади.

Рибофлавиннинг миқдорини фотоэлектроколориметрик ёки визуал колориметрик усул билан, глюкозанинг миқдори эса рефрактометрик усул билан аниқланади.

**З-вариант.** Аскорбин кислотасининг миқдори нейтраллаш, рибофлавиннинг миқдори фотоэлектроколориметрик усул билан аниқлаб, калий йодиди ва глюкоза миқдори эса Б.Н. Когет ва бошқалар. таклиф этган рефрактометрик усули билан аниқланади. Бунинг учун эритманинг нур синдириш кўрсаткичи аниқланиб (*n*), глюкоза ва калий йодиднинг миқдори қўйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$X_{KI} = \frac{n - 1,3372 * 10}{0,0013 * 100}$$


$$X_{\text{глюкоза}} = \frac{n - 1,3384}{0,00142}$$

Бу ерда: 1,3372 – калий йодид сақламаган назорат эритмасининг нур синдириш кўрсаткичи;


1,3384 – глюкоза сақламаган назорат эритмасининг нур синдириш кўрсаткичи.

#### **10. Левомицетин эритмаси 0,15; 0,2; 0,25% – 10,0.**

**Чинлигини аниқлаш.** 1. Бир неча томчи эритмага 4–5 мл 10% ли натрий гидроксид эритмасидан қўшилиб, қиздирилганда аввал сариқ, сўнгра қизил ранг, кейин қизил рангдаги чўкма ҳосил бўлиб, аммиакнинг ҳиди сезилади.



2. Бир неча томчи эритмага 2 мл суюлтирилган хлорид кислотаси, 0,1 г рух кукуни қўшилиб, сув ҳаммомида 2–3 дақиқа қиздирилади. Сўнгра эритма совитилиб, фильтранади ва 0,5 мл 1% ли натрий нитрит эритмаси ва 2 мл – нафтолнинг ишқорий эритмасидан қўшилса, қизил ранг ҳосил бўлади (азобуёқ ҳосил бўлиш реакцияси).



**Миқдорини аниқлаш.** Нитритометрик усул. 2–3 мл эритмага 1 мл концентранган хлорид кислотаси ва 0,25 г рух кукуни, яна 1 мл концентранган хлорид кислотаси қўшилиб, 15 дақиқадан сўнг фильтранади. Фильтр қоғози ва колба 40 мл сув билан ювилаб, асосий фильтратга қўшилади. Эритмага 1 г калий бромиди, 2 томчи тропеолин 00 ва 1 томчи метил кўки эритмасидан қўшилиб, 0,02 моль/л натрий нитрит эритмаси билан титранади. 1 мл 0,02 моль/л натрий нитрат эритмаси 0,006462 г левомицетинг мос келади.

2. Спектрофотометрик усул. 100 мл ҳажмли ўлчов колбасига 1 мл эритмадан солиниб, белгисигача сув билан суюлтирилали ва 278 нм тўлқин узунлигида оптик кўрсаткичи аниқланаби, формула бўйича левомицетиннинг миқдори ҳисобланади:

$$X = \frac{D * 100}{298 * l}$$

3. Фотоэлектроколориметрик усул. 1 мл эритмага 1 мл концентранган хлорид кислотаси 0,1 г рух кукунидан қўшилиб, 15 дақиқадан сўнг 25 мл ҳажмли ўлчов колбасига солиниб, сув билан белгисигача суюлтирилали ва фильтранади (А эритма).

0,5 мл А эритмага 1 мл 0,1% ли натрий нитрит эритмаси қўшилиб, 3 дақиқадан сўнг сув билан 8 мл гача суюлтирилиб, 2 мл 1% ли β-нафтотол эритмасидан қўшилади. 10 дақиқадан сўнг эритманинг оптик кўрсаткичи 364 нм тўлқин узунлигида 5 мм қалинилиқдаги кюветада аниқланади.

Солиштирувчи эритма 1 мл 0,1% ли натрий нитрит, 7 мл сув ва 2 мл 1% ли β-нафтотолнинг ишқорий эритмасидан иборат.

Бир вақтнинг ўзида 1,5 мл левомицетиннинг стандарт эритмасига юқоридаги реакцияни бажариб оптик кўрсаткичи аниқланади (0,00003 г). Левомицетиннинг % миқдори қўйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$X = \frac{D * 0,00003 * 25 * 100}{D_0 * l * 0,5}$$

Левомицетин стандарттагын тайёрлаш учун 0,1000 г левомицетин 100 мл ұажмалы үлчов колбасида эритилади (А эритма), унинг 10 мл ни яна 100 мл ұажмалы үлчов колбасида суюлтирилади (Б эритма). 5 мл Б эритмага 1 мл концентранган хлорид кислота, 0,1 г рух кукуни құшилиб, 15 дақиқадан сүнг 25 мл ұажмалы колбага үтказилиб, белгисигача суюлтирилади ва фильтранади.

1 мл стандарттагы эритма 0,00002 г левомицетиннинг қайтарилған шаклини сақтайдай.



**11. Натрий хлориднинг изотоник 0,9% ли инъекцион эритмаси.**

**Таркиби:** натрий хлорид 9,0 г.

**Инъекцион эритмалар тайёрлаш учун ишлатыладын сув 1 л.**

Чиынны аниқлаш. 1. Графит таёқча эритма билан ҳұлланиб, рангсиз алапнага тутилғанда, алапта сариқ рангта буялади.


2. 0,5 мл эритмага 2-3 томчи суюлтирилған нитрат кислотасидан ва 2-3 томчи кумуш нитрат құшилса, оқ чүкма ҳосил бўлиб, бу чүкма амиак эритмасида эриди.



**Миқдорини аниқлаш.** 1 мл эритмага 2 мл сув құшилиб, 0,1 моль/л кумуш нитрат эритмаси билан сариқ-пушти чүкма ҳосил бўлгунга қадар титрланади (индикатор калий хромат эритмаси).

1 мл 0,1 моль\л кумуш нитрат эритмаси 0,005844 г натрий хлоридга мос келади.

Эритманинг pH ни потенциометрик усул билан ёки универсал индикатор қофози билан аниқланади.



**12. Глюкозанинг инъекция учун ишлатыладын 5%, 10%, 20%, 25% ли эритмалари.**

**Таркиби:** сувсиз глюкоза 50 г, 100 г, 200 г, 250 г.

Натрий хлорид 0,26.


Хлорид кислота эритмаси 0,1 моль\л дан натрий хлорид эритмаси pH 3.0-4.1 бўлгунича.

Инъекцион эритмалар тайёрлаш учун ишлатиладиган сув – 1 л гача.

Эритманинг сифати глюкоза ва стабилизаторларни (натрий хлорид, хлорид кислота) таҳдил қилиш ва pH ни аниқлаш орқали назорат қилинади.

*Чинлигини аниқлаш.* 1. 1 мл эритмага 5 мл Фелинг реактиви кўшилиб қайнагуничча қиздирилади. Бунда қизил чўкма ҳосил бўлади.

2. 2–3 томчи эритмани сув ҳаммомида қиздирилади. Куруқ қолдиққа 0,01 г тимол, 5–6 томчи концентранган сульфат кислота ва 1–2 томчи сув қўшилганда, қизил-бинафша ранг ҳосил бўлади.



*Миқдорини аниқлаш.* Рефрактометр призмасига бир неча томчи сув томизилиб, нур синдириш кўрсаткичи аниқланади ( $n_p$ ). Сунгра приzmани тиббиёт сурпи билан қуригунича аргилиб, текширилувчи эритмадан бир неча томчи томизилади ва нур синдириши кўрсаткичини аниқланади ( $n$ ). Аниқлаш 4–5 маротоба бажарилиб, нур синдириши кўрсаткичининг ўртacha қиймати олинади ва глюкозанинг грамм миқдорини қўйилаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X = \frac{(n - n_0) * 100}{0,00142 * 100}$$

Бу ерда:  $n$  – дори туриининг нур синдириш кўрсаткичи;

$n_0$  – сувнинг нур синдириш кўрсаткичи;

0,00142 – глюкозанинг нур синдириши кўрсаткич омили.

*Хлорид кислота.* 25 мл эритмага 1 томчи метил қизили эритмасидан қўшилиб, натрий ишқорининг 0,02 моль\л ли эритмаси билан сариқ ранг ҳосил бўлгуничча титрланади (A мл).

1 мл 0,02 моль\л ли натрий ишқори эритмаси 0,0007292 г хлорид кислотага мос келади.

0,1 моль\л ли хлорид кислотасининг дори туридаги мл лардаги миқдори қўйидаги формулда ёрдамида ҳисобланади.

$$X = \frac{a * 0,0007292 * 100 * 1000}{25 * 0,3646}$$

Бу ерда: 0,3646 – 100 мл 0,1 моль\л ли эритмадаги хлорид кислотасининг миқдори.

Натрий хлорид. 2 мл дори тури таркибидаги натрий хлорид ва хлорид кислота йиғиндисини аниқлаш учун, унга 2 томчи калий хромат эритмасидан қўшилиб, 0,02 моль\л ли кумуш нитрат эритмаси билан қизил-сариқ рангли чўкма ҳосил бўлгунига қадар титрланади (Б мл).

Натрий хлоридни титрлаш учун сарфланиши лозим бўлган кумуш нитратнинг 0,02 моль\л ли даги миқдори қўйидагича ҳисобланади.

$$X = B - \frac{A}{12,5}$$

1 мл 0,02 моль\л ли кумуш нитрат эритмаси 0,0011688 г натрий хлоридга мос келади.

Натрий хлориднинг граммлардаги миқдори формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X = \frac{V * 0,0011688 * 1000}{25}$$

Эритманинг pH ни универсаль индикатор қоғози ёрдамида ёки потенциометрик усул билан аниқланади.

**13. Натрий гидрокарбонатнинг 5% ли инъекция учун ишлатиладиган эритмаси.**

Таркиби:

инъекция учун ишлатиладиган натрий гидрокарбонат 50,0.

Трilon B 0,1.

Инъекция учун ишлатиладиган сув 1 л гача.

Чинлигини аниқлаш.

1. 4–5 томчи эритмага 2–3 томчи суюлтирилган хлорид кислотаси эритмасидан қўшилганда карбонат ангиридининг пуфакчалари чиқади (гидрокарбонат иони).

2. Эритма билан ҳўлланган графит таёқча рангсиз аланга тутилганда, аланга сариқ рангга бўялади (натрий).

3. 10 мл эритмага 1 томчи метилоранжидан қўшилиб, суюлтирилган хлорид кислотадан эритма қизил рангта ўтгунига қадар қўши-

тили. Карбонат ангидриди пуфакчалари чиқиши тұхтагунича чайқа-тилиб, 3 мл аммиакли буфер эритмаси ва 0,03 г маңсус кислотали хром қора индикатор аралашмаси құшилғанида күк-яшил ранг ҳосил бұлалы. Эритмага 7--8 томчи 0,01 моль\л рух сульфат эритмасидан құшилғанда бинафша ранг ҳосил бұлади (трилон Б).

### *Миқдорини анықлаш.*

Натрий гидрокарбонат. 1. 100 мл җажмли үлчов колбасига 10 мл әрітмадан солиб, белгисигача сув билан суюлтирилади. Суюлтирилған әрітмадан 5 мл үлчаб олинниб, 0,1 моль\л хлорид кислота билан қизил ранг ҳосил бўлгунига қадар титрланади (индикатор метилоранж).

1 мл 0,1 моль\л хлорид кислотаси 0,0084 г натрий гидрокарбонатта мос келади.

$$X = \frac{V * 0,0084 * 100 * 100}{10 * 5}$$

2. Эритманинг нур синдириш құрсақчи (n) ва сувнинг нур синдириш құрсақчи (n<sub>0</sub>) аниқланиб, натрий гидрокарбонатнинг граммлардаги миқдори қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{(n - n_0) * 1000}{0,00125 * 100}$$

Трилон Б. 25 мл эритмага 1 томчи метилоранж эритмаси ва хлорид кислотасининг суюлтирилған эритмасидан томизилиб, қизил ранг ҳосил бўлгунига қадар құшилади ва карбонат ангидриди пуфакчалари чиқиши тұхтагунича чайқатилади.

Сўнгра 5 мл аммиакли буфер, 0,05 г маңсус кислотали хром қора индикатор аралашмаси құшилиб 0,01 моль\л ли рух сульфат эритмаси билан бинафша ранггача титрланади.

0,01 моль\л ли рух сульфат эритмаси 0,003722 г трилон Б га мос келади.

$$X = \frac{V * 0,003722 * 1000}{25}$$

Рұксат этилган четга чиқиши (оғиши) меъёри ҳисобга олинганда трилон Б нийн миқдори 0,19–0,21 г булиши керак.

#### *15.5.4. Новокаиннинг 0,5 % ли эритмаси*

*Таркиби: новокаин 0,5 г*


*Хлорид кислота эритмаси 0,1 моль\л дан pH 3,8–4,5 гача*

*Инъекция учун ишлатиладиган сув 1 л гача.*

*Чинлигини аниқлаш.*

1. 4–5 томчи эритмага 5–6 томчи суюлтирилган хлорид кислотаси, 2–3 томчи 1% ли натрий нитрит солиниб, ҳосил бўлган аралашмадан 0,3 мл 1–2 мл -нафтолнинг ишқорий эритмасига қўшилганида қизил пушти рангли чўкма ҳосил бўлади.

2. 0,4 мл эритмага 1–2 томчи суюлтирилган сульфат кислота ва 0,5 мл 0,1 моль\л ли калий перманганат эритмасидан қўшилганда бинафша ранг йўқолади.



*Миқдорини аниқлаш:* новокаин. 2 мл эритмасига 2–3 мл сув, 1 мл суюлтирилган хлорид кислота, 0,2 г калий бромиди, 2 томчи тропеолин 00 эритмаси ва 1 томчи метил қўки эритмасидан солиниб, 0,02 моль\л ли натрий нитрит эритмаси билан қўк рангчча титрланади.

Бир вақтнинг ўзида назорат тажрибаси ҳам ўтказилади.

1 мл 0,02 моль\л ли натрий нитрит эритмаси 0,005456 г новокаинга мос келади.

$$X = \frac{(V - V_0) * 0,005456 * 1000}{2}$$

Новокаиннинг миқдори 4,85–5,15 г булиши керак.

Хлорид кислота. 20 мл эритма 0,02 моль\л ли натрий гидроксид эритмаси билан сариқ рангчча титрланади (индикатор метил қизили) (A мл).

1 мл 0,02 моль\л натрий гидроксид эритмаси 0,0007292 г хлорид кислотага мос келади.

Хлорид кислотанинг мл лардаги миқдори қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X = \frac{V * 0,0007292 * 100 * 1000}{20 * 0,3642}$$

0,3642–0,1 моль\л хлорид кислота эритмасининг 100 мл даги хлорид кислотасининг граммлардаги миқдори.

Новокаин ва хлорид кислота. 2 мл эритмага 1–2 томчи бромфенол күки ва сариқ-яшил ранг ҳосил бўлгунича томчилаб суюлтирилган сирка кислотасидан қўшилиб, 0,02 моль\л ли кумуш нитрат эритмаси билан титрлаши (Б мл).

Новокаинни титрлаш учун сарфланган 0,02 моль\л ли кумуш нитратининг мл лардаги ҳажми формула ёрдамида аниқланади:

$$V = B - \frac{A}{10}$$

1 мл 0,02 моль\л ли кумуш нитрат эритмаси 0,005456 г новокаинга мос келади.

$$X = \frac{V * 0,005456 * 1000}{2}$$

#### *14. Натрий салицилатининг 3% ли инъекцион эритмаси*

*Таркиби: натрий салицилат 30 г.*

*Натрий метабисульфит 1,0 г.*


*Инъекция учун шилатиладиган сув 1 л гача.*

*Эритманинг рН и 5,0–6,0.*

*Чинлигини аниқлаш:* 1. 2–3 томчи эритмага 1–2 мл сув ва 2–3 томчи темир (III) хлорид эритмасидан қўшилганда бинафша ранг ҳосил бўлади (салицилат иони).

2. Эритма билан ҳўлланган графит таёқчаси рангсиз алангани сариқ раигга бўяди (натрий иони).

3. 4–5 томчи эритмага 2–3 томчи барий хлорид эритмаси қўшилганда, хлорид кислотасида эрийдиган оқ чўкма ҳосил бўлади (метабисульфит иони).



*Миқдорини аниқлаш.* Натрий салицилат. 1 мл эритмата 2–3 томчи сув, 5 мл эфир қўшилиб, 0,1 моль\л хлорид кислота билан сувли қаватнинг кўк – бинафша рангта киргунига қадар титрланиди (индикатор – 2 томчи метилоранж ва 1 томчи метил кўки эритмаси).

1 мл 0,1 моль\л хлорид кислотаси 0,01601 г натрий салицилатга мос келади. Натрий салицилатнинг миқдори 23–31 г оралиғида бўлиши керак.

$$X = \frac{V * 0,01601 * 100}{2}$$

Натрий метабисульфит. 5 мл эритма ўлчаб олиниб, 0,1 моль\л ли йод эримаси билан титрланади (индикатор крахмал).

1 мл 0,1 моль\л ли йод эримаси 0,004753 г натрий метабисульфитга мос келади.

Натрий метабисульфитнинг эритмадаги миқдори 1,05 г дан кўп бўлмаслиги лозим. Эритманинг pH и потенциометрик ёки РИФАН индикатор қоғози ёрдамида аниқланади.



Кўз томчилари таҳлили


### 15. Атропин сульфат 0,1% ли – 10,0ю

Натрий хлориди 0,082 гю

Чинлигини аниқлаш.

1–2 томчи эритма сув ҳаммомида қуригунича қиздириб, 1–2 томчи концентранган нитрат кислота қўшилиб, яна қиздирилади. Сўнгра 2 томчи ацетон ва 2 томчи калий ишқорининг спиртли эритмасидан қўшилганда бинафша ранг ҳосил бўлади (Виталс-Морен реакцияси).

1 томчи эритмата 1 томчи суюлтирилган хлорид кислота ва 1 томчи барий хлориди эритмасидан қўшилганда оқ чўкма ҳосил бўлади (сульфат иони).



### *Миқдорини аниқлаш.*

Атропин сульфат. 2 мл эритмата 3–4 мл нейтралланган (1:2) нисбатдаги спирт ва хлороформ аралашмаси, 3–4 томчи фенолфталеин эритмасидан қўшилиб, 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси билан сувли қаватининг оч-қизил рангга киргунига қадар титрланади.  $\mathcal{E} = M.m.\sqrt{2}$

1 мл 0,1 моль\л натрий ишқори 0,03475 г атропин сульфатта мос келади.

$$X = \frac{V * 0,03475 * 100}{2}$$

Натрий хлоридни аниқлаш учун 1 мл эритмадан олиниб, аргентометрик ёки меркуриметрик усуллар билан титрланади.

### *16. Пилокарпин гидрохлорид эритмаси 1% – 10,0*

*Натрий хлориди 0,068 г*

### *Чинигини аниқлаш.*

Пилокарпин гидрохлорид. 8–10 томчи эритмата 1 томчи суюлтирилган сульфат кислота, 10 томчи водород пероксида, 1 томчи калий бихромат эритмаси, 1 мл бензол ёки хлороформ қўшилганда органик эритувчи қавати кўк бинафша рангга бўялади.

Натрий ва хлорид ионлари 4.1. да келтирилган услуб бўйича аниқланади.

Миқдорини аниқлаш. Пилокарпин гидрохлориднинг миқдорини аниқлаш учун 2 мл эритмата 3–5 мл нейтралланган 1:2 нисбатдаги спирт ва хлороформ, 3–5 томчи фенолфталеин эритмаси қўшиб, 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси билан сувли қават оч қизил рангга киргунича титрланади.  $\mathcal{E}=M.m.$

1 мл 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси 0,02447 г пилокарпин гидрохлоридга мос келади (*И*).

$$X = \frac{V * 0,02447 * 100}{2}$$

Натрий хлорид. 1 мл эритмадан ўлчаб олиб, пилокарпин гидрохлорид ва натрий хлорид йигиндиси аргентометрик ёки меркуриметрик усуллар билан аниқланади ( $V_1$ ).

Натрий хлориднинг миқдори титрлаш учун сарф бўлган титрантлар ҳажмининг айирмаси бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{(V - V_1) * 0,00585 * 10}{1}$$

### *17. Рибофлавин 0,001*

*Аскорбин кислотаси 0,05*

*Калий юодид 2% – 10,0*

*Чинлигини аниқлаши.*

Эритма яшил-сарик рангга эга булиб, УБ-нурида яшил флюресценция беради (рибофлавин).

Аскорбин кислотаси ва калий юодиднинг чинлигини 15.4.4. да келтирилган услугга кўра аниқланади.

*Миқдорини аниқлаши.*

Аскорбин кислотасининг миқдори алкалиметрик ёки юодометрик усуллар билан аниқланади:

а) 1 мл эритмага 2–3 томчи фенолфталеин эритмасидаи қўшиб, 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси билан қизил ранггача титрланади. Э=M.м.

1 мл 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси 0,01761 г аскорбин кислотасига мос келади.

$$X = \frac{V * 0,01761 * 10}{1}$$

б) 1 мл эритмага 15–20 томчи крахмал эритмаси қўшилиб, 0,1 моль\л юод эритмаси билан кўк ранггача титрланади. Э=M.м.\2.

1 мл 0,1 моль\л ли юод 0,00880 г аскорбин кислотага мос келади.

$$X = \frac{V * 0,00880 * 10}{1}$$

Калий юодид. 1 мл эритмадан ўлчаб олиниб, 15.3.1. да келтирилган услугуб бўйича аниқланади.

Рибофлавин. Рибофлавин миқдори 15.4.4. да келтирилган услугуб бўйича аниқланади.


## **18. Кумуш нитрат эритмаси 0,25% – 10,0**

*Натрий нитрат 0,124 г.*

*Миқдорини аниқлаш.*

1. 1 томчи эритмага 1 томчи суюлтирилган хлорид кислотаси құшилғанда оқ чүкма ҳосил бўлиб, чүкма суюлтирилган аммиак эритмасида эрийди (кумуш иони).

2. 2 томчи эритма қуригунича қиздириб, 3–4 томчи дифениламин эритмаси құшилғанда кўк ранг ҳосил бўлади (нитрат иони).



## **3. Натрий иони 15.3.1. га кўра аниқланади.**

*Миқдорини аниқлаш.*


2 мл эритмага 5–6 томчи темир аммиакли аччиқтош эритмасидан қўшиб, 0,1 моль\л аммоний роданиди билан қизил рангтacha титрланади. Э = М.м.

1 мл 0,1 моль\л ли аммоний роданиди 0,01699 г кумуш нитратга мос келади.

$$X = \frac{V * 0,01699 * 100}{2}$$

## **19. Рух сульфати 0,25%–10,0**

*Чинлигини аниқлаш.* 1 томчи эритмага 1 томчи калий ферроцианид эритмаси қўшилса, оқ чўкма ҳосил бўлади (рух иони).




Сульфат ионининг чинлиги 15.6.1 услугуга кўра аниқланади.




*Миқдорини аниқлаш.*

1. 2 мл эритмага 3–4 томчи махсус кислотали хром қора индикатори аралашмаси, 4–5 мл аммиакли буфер эритмадан қўшиб, 0,05 моль\л ли трилон Б эритмаси билан эритма зарғалдоқ рангдан кўк рангга ўтгунича титрланади. Э=М.м.\2.

1 мл 0,05 моль\л ли трилон Б эритмаси 0,01438 г рух сульфатга мос келади.



2. 2 мл эритмага 6–7 томчи 5% ли барий хлорид эритмаси, 5–6 томчи фенолфталеин эритмасидан қўшилиб, 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси билан қизил рангчага титрланади.



$\bar{M} = M.m. / 2$

1 мл 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси 0,01438 г рух сульфатга мос келади.

$$X = \frac{V * 0,01438 * 100}{2}$$


## 20. Рух сульфат эритмаси 0,25% – 10,0

Бор кислотаси 0,2 г

Чинлигини аниқлаш.

Рух сульфатнинг чинлигини 15.5.4 да келтирилган услубга кўра аниқланади.

Бор кислотасининг чинлигини аниқлаш учун 4–5 томчи эритма қуритилиб, 5–6 томчи этил спирти қўшилади, ёқилганда ҳосил бўлган бор-этил эфири яшил аланга ҳосил қилиб ёнади.




Миқдорини аниқлаш.

1. Рух сульфатнинг миқдори трилонометрик усул билан аниқланади (5.4).

2. Бор кислотаси. 0,5 мл эритмага 5–6 томчи калий ферроцианид эритмасидан қўшилганда рух сульфат чўкмага тушади. Сунгра 4–5 мл фенолфталеин билан нейтралланган глицерин қўшилиб 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси билан қизил ранггача титрланади. Э=М.м.

1 мл 0,1 моль\л ли натрий ишқори эритмаси 0,006183 г бор кислотага мос келади.



## **21. Новокаин эритмаси 1% – 10,0**

Рух сульфат 0,025

Чинлигини аниқлаш.

1. Рух сульфатнинг чинлигини 15.6.4 га кўра аниқланади.
2. 3–4 томчи эритмага 1 томчи суюлтирилган хлорид кислота, 1 томчи натрий нитрит эритмаси ва 3–5 томчи -нафтолнинг ишқорий эритмаси қўшилганда қизил ранг ҳосил бўлади (новокаин).
3. 3–4 томчи эритмага 1–2 томчи нитрат кислота эритмаси ва 1–2 томчи кумуш нитрат эритмаси қўшилганда оқ чўкма ҳосил бўлади (хлор иони).

*Миқдорини аниқлаш.*

а) Рух сульфат комплексонометрик усул билан аниқланади (15.6.4).

б) 2 мл эритмага 2–3 томчи дифенилкарбазид, 1–2 томчи суюлтирилган нитрат кислота қўшилиб, 0,1 моль\л ли симоб (II) нитрат билан титрланади (меркуриметрик усул).  $\dot{E} = M.m./2$ .

1 мл 0,1 моль\л ли симоб (II) нитрат эритмаси 0,01364 г новокаинга мос келади.

в) 2 мл эритмага 3–4 мл 1:2 нисбатда аралаштириб, нейтралланган спирт ва хлороформ аралашмасидан, 3–4 томчи фенолфталеин эритмасидан қўшилиб, 0,1 моль\л ли натрий гидроксид эритмаси билан сувли қават оч-қизил рангга киргунича титрланади.

1 мл 0,1 моль\л ли натрий гидроксид эритмаси 0,02728 г новокаинга мос келади.

$$X = \frac{V * T * 100}{2}$$

## **22. 20% ли сульфацил натрий эритмаси**

Таркиби: сульфацил натрий 2,0.

Тиосульфат натрий 0,015.

Хлорид кислота эритмаси 1 моль\л 0,035 мл.


Суе 10 мл гача.

*Чинлигини аниқлаш.*

Сульфацил натрий. 1. 2 томчи эритмага 5–6 томчи суюлтирилган хлорид кислота, 2–3 томчи 0,1 моль\л ли натрий нитрит эритмаси қўшиб аралаштирилгач, 1–2 мл нафтолнинг ишқорий эритмасига 0,1–0,3 мл аралашмадан қўшилса, қизил ранг ҳосил бўлади.

2. 2–4 томчи эритмага 2–3 томчи мис сульфат эритмаси қўшилса, кўк-яшил чўкма ҳосил бўлади.

Натрий тиосульфат. 1 мл эритмага томчилаб 0,02 моль\л ли йод эритмасидан құшилса, эритма рангизланади.



### *Миқдорини аниқлаш.*

Сульфацил натрий. 1 мл эритмага пипеткала үлчаб 9 мл сув құшиллади (А эритма).

1. 1 мл А эритмага 2 томчи метилоранж ва 1 томчи метилен құки эритмаларидан солиб 0,1 моль\л ли хлорид кислота эритмаси билан бинафша рангтака титрланади.

1 мл 0,1 моль\л ли хлорид кислота эритмаси 0,02542 г сульфацил натрийга мөс келади.

$$X = \frac{V * 0,02542 * 10 * 10}{1 * 1}$$

2. 1 мл А эритмага 1 мл суолтирилган хлорид кислота, 5 мл сув, 0,2 г калий бромид, 2 томчи тропеолин 00, 1 томчи метилен құки солиб, 18–20 °C ҳароратда 0,1 моль\л ли натрий нитрит эритмаси билан титрланади. Титрланаға қарасты 0,1–0,2 мл титранттан құшиш орқали, эквивалент нүктеге 0,1 мл қолганда эса қарасты 1–2 томчи құшиш орқали амалға оширилади. Шунинг учун титрланаға неча мл 0,1 моль\л ли натрий нитрит эритмаси сарф бўлиши мумкинлигини аввалдан билиш учун назарий ҳисоб қилиш лозим.

1 мл 0,1 моль\л ли натрий нитрит эритмаси 0,02542 г сульфацил натрийга мөс келади.

2-----10  
 0,2-----1  
 0,02542-----1 мл  
 0,02-----V мл

$$V = \frac{0,02 * 1}{0,02542} = 0,79 \text{ мл} \quad \text{титрант сарф бұлади.}$$

Бир вақтнинг ўзида назорат тажрибаси ҳам үтказилади.

$$X = \frac{(V - V_1) * 0,02542 * 10 * 10}{1 * 1}$$

3. Рефрактометрда эритманиң нур синдириш күрсаткичи аниқланиб, формула бүйіча ёки жадвал орқали ҳисобланади.

$$X = \frac{(n - n_0) * 10}{0,002 * 100}$$

Натрий тиосульфат. 5 мл эритмадан ўлчаб олиниб, 0,02 моль/л ли йод эритмаси билан титрланади.

1 мл 0,02 моль/л ли йод эритмаси 0,004964 г натрий тиосульфаттаға мөс келади.

$$X = \frac{V * 0,004964 * 10}{5}$$

10 мл дори туридаги натрий тиосульфат миқдори 0,0135–0,0165 г оралиғида бүлиши керак.


Чақалоқтар учун тайёрланған дори турлари тағили


### **23. 1% ли амидопирин эритмаси – 20,0**

Чинлигини аниқлаш.

а) 2–3 томчи эритмага 2–3 томчи кумуш нитрат эритмасидан құшилғанда күк-бинафша ранг ҳосил бўлади.

б) 5–6 томчи эритмага 2–3 томчи темир (III) хлорид эритмасидан құшилса күк-бинафша ранг ҳосил бўлади.





*Миқдорини аниқлаш.*

2 мл эритмага 2 томчи метилоранж, 1 томчи метил күки эритмасидан құшиб, 0,1 моль\л ли хлорид кислота билан қизил-бинафша ранггача титрланади.


1 мл 0,1 моль\л хлорид кислотаси 0,0231 г амидопиринга мос келади.

$$X = \frac{V * 0,0231 * 20}{2}$$

15. 7.2. 0,01% ли дигазол эритмаси – 100,0

*Чинлигини аниқлаш.*

Чинни идишга 5 мл эритма солиб, 1–2 мл гача қуюлтирилади. Советилғац, пробиркага ұтказилиб 2–3 томчи суюлтирилган хлорид кислота, 4–5 томчи 0,1 моль\л йод эритмаси құшиб чайқатилганды қизил-кулранг чүкма ҳосил бўлади.



*Миқдорини аниқлаш.*

25 мл эритмага 4–5 мл хлороформ құшиб 0,02 моль\л ли натрий гидроксид эритмаси билан сувли қават қизил рангга киргунича титрланади (индикатор фенолфталеин).


1 мл 0,02 моль\л ли натрий гидроксид эритмаси 0,004894 г дигазолга мос келади.

$$X = \frac{V * 0,004894 * 100}{25}$$


15. 7.3. 0,5% ли калий йодид эритмаси – 20,0

*Чинлигини аниқлаш.*

1. 0,5 мл эритмага 2–3 томчи суюлтирилган хлорид кислота, 3–4 томчи хлорамин, 1 мл хлороформ құшиб чайқатилганды, хлороформ қавати бинафша рангга киради.



2. 5–6 томчи эритмага 1–2 томчи құрғошин ацетат эритмаси құшилғанда сариқ рангли чүкма ҳосил бўлади.




3. Калий ионга сифат реакцияси 15.3.1 га биноан бажарилади.  
*Миқдорини аниқлаш.*

1. 2 мл эритмага 1 мл сув, 4–5 томчи суюлтирилган сирка кислотаси, 2 томчи 0,1% ли натрий эозинат құшилиб, 0,1 моль/ли кумуш нитрат эритмаси билан қизил рангли чүкма ҳосил бўлгунича титрланади.

1 мл 0,1 моль/л ли кумуш нитрат эритмаси 0,0166 г калий йодидга мос келади.

2. 0,5 мл эритмага 3 мл 96% ли спирт құшиб, 0,01 моль/л ли симоб перхлорати эритмаси билан қизил бинафша ранггача титрланади.

1 мл 0,01 моль/л ли симоб перхлорати эритмаси 0,00166 г калий йодидига мос келади (индикатор 2 томчи дифенилкарбазон эритмаси).



*15.7.4. 5% ли кальций хлорид эритмаси – 100,0*

*Чинлигини аниқлаш.*

*15.3.1 да келтирилган услуб бўйича аниқланади.*

*Миқдорини аниқлаш.*

1. 0,5 мл эритмага 5 мл сув, 5 мл амиакли буфер эритмаси, 0,05 г кислотали хром тўқ қўқ индикатор аралашмасидан құшиб, 0,05 моль/л ли трилон Б эритмаси билан қўқ-бинафша ранггача титрланади.

2. Эритманинг нур синдириш кўрсаткичи ва сувнинг нур синдириш кўрсаткичи аниқланиб, эритмадаги кальций хлориднинг миқдорини жадвал бўйича ёки ҳисоблаш формуласи билан аниқланади.

$$X = \frac{(n-n_0) * 10}{0,002 * 100}$$

n	°C
1,3386	4,80
1,3390	5,15


15.7.5. 1% ли аскорбин кислотаси эритмаси – 20,0.

Чиңлигини ва миқдори 15.4.1 да ёки 15.4.4 да көлтирилған ус-  
лубга күра аниқданади.

15.7.6. 1% ли натрий бромид эритмаси – 10,0.

Чиңлигини аниқлаш.

1. 0,5 мл эритмага 2–3 томчи суюлтирилған хлорид кислотаси,  
3–4 томчи хлорамин ва 1 мл хлороформ құшиб чайқатылғанда, хло-  
роформ қавати сариқ рангта бүялади.





2. Эритма билан ҳұлланған графит таёқча рангсиз алангага ту-  
тилғанда, аланга сариқ рангта бүялади.

Миқдорини аниқлаш.

1. 1 мл эритма 0,1 моль/л ли кумуш нитрат эритмаси билан  
титрланади (индикатор-калий хромати).

1 мл 0,1 моль/л ли кумуш нитрат эритмаси 0,0129 г натрий  
бромидда мос келади.



2. 1 мл эритмага пипеткада ўлчаб 9 мл сув құшилади (А эрит-  
ма).

1 мл эритмага 5 мл сув, 2 томчи суюлтирилған нитрат кислота  
құшилиб 0,01 моль/л ли симоб перхлорат эритмаси билан қизил-  
бинафша рангтаса титрланади (индикатор – 2 томчи дифенилкарба-  
зон эритмаси).


1 мл 0,01 моль/л ли симоб перхюорати эритмаси 0,001029 г натрий бромидга мөс келади.

$$X = \frac{V * 0,001029 * 10 * 10}{1 * 1}$$

**24. 5% ли калий перманганат эритмаси – 10,0**

Чинлигини аниқлаш.

1–2 томчи эритмага 1 мл сув, 0,5 мл суюлтирилган сульфат кислота ва 0,5 мл водород пероксиди қүшилса, эритма рангсизланади.




Миқдорини аниқлаш.

5 мл эритмани 100 мл ҳажмли ўлчов колбасига солиб, белгисигача сув билан суюлтирилади (А эритма).

5 мл А эритма оғзи маҳкам беркитиладиган илишга солиниб, 2 мл 20% ли калий йодид эритмаси, 1 мл суюлтирилган сульфат кислотаси қўшилади. Колбани калий йодид эритмаси билан ҳўлланган тиқин билан беркитиб, 10 дақиқа қоронгу жойга қўйилади. Сўнгра тиқин 10 мл сув билан ювилиб, ажралиб чиққан йод 0,1 моль/л ли натрий тиосульфат эритмаси билан эритма рангсизлангунича титрланади (индикатор 5–6 томчи крахмал).

1 мл 0,1 моль/л ли натрий тиосульфат эритмаси 0,003161 г калий перманганатга мөс келади.



$$X = \frac{V * 0,003161 * 10 * 100 * 100}{5 * 5}$$

Осон ўзгарувчан ва турғунлиги кам бўлган дори турлари таҳлили

**25. 10% ли аммиак эритмаси – 100,0**


Чинлигини аниқлаш.

Эритмага хлорид кислота билан ҳўлланган шиша таёқча яқин келтирилганда, оқ тутун ҳосил бўлади.



Миқдорини аниқлаш.

1 мл эритмага 10 мл сув, 1 томчи метилоранж қўшиб, 0,1 моль/л ли хлорид кислота эритмаси билан қизил ранггача титрланади.



1 мл 0,1 моль/л ли хлорид кислота эритмаси 0,001703 г аммиакка мос келади.


### 15.8.2. Йоднинг 5% ли спиртли эритмаси.

Чинлигини аниқлаш.

а) 1 томчи эритмага 5–6 мл сув ва крахмал эритмаси қүшилса, күк ранг ҳосил бўлади.

б) Стаканга ёки чинни илишга 2 томчи эритмадан солиниб, 2–3 мл сув қўшилади ва йод учеб кетгунича қиздирилади.


Рангсиз эритмадан 2–3 томчиси пробиркага солиниб, 1 томчи натрий кобальтинитрит эритмаси қўшилса, сариқ кристалл чўкма ҳосил бўлади.



1–2 томчи рангсиз эритма пробиркага солиниб, 1 мл сув, 5 томчи суюлтирилган сульфат кислота, 2–3 томчи калий перманганат эритмаси, 10–15 томчи хлороформ қўшиб чайқатилса, хлороформ қавати бинафша рангга бўялади.

Миқдорини аниқлаш.

а) Йод. 1 мл эритма оғзи маҳкам беркитилган шиша идишга солиниб, 0,1 моль/л ли натрий тиосульфат эритмаси билан оч сариқ ранггача титранади.



1 мл 0,1 моль/л ли натрий тиосульфат эритмаси 0,01269 г йодга мос келади.

б) Калий йодид. Титранган эритмага 10–15 мл сув, 1 мл суюлтирилган сирка кислота, 3–4 томчи натрий эозинат эритмаси қўшиб, калий йодид ва натрий йодиднинг йигинидиси 0,1 моль/л ли кумуш нитрат эритмаси билан қизил рангдаги чўкма ҳосил бўлгунича титранади.

$$\{(m A gJ)_n (U^- x K^+(n-x))\}$$

Эквивалент нуқтада заррачанинг таркиби ўзгариб, чўкмадаги манфий зарядли ион ўрнини эозинат иони олади.

$$\{(m A gJ)_n A g^+(n-x)NO_3^-\}_x NO_3^-$$

$$\{(m A gJ)_n A g^+(n-x)RCOO^-\}_x RCOO^-$$

Қизил рангдаги чўкма.

1 мл 0,1 моль/л ли кумуш нитрат эритмаси 0,01660 г калий йодидга мос келади.


$$X = \frac{(V_{AgNO_3} - V_{Na_2S_2O_3}) * 0,01660 * 100}{1}$$

Калий йодиднинг миқдори 1,9–2,1% бўлиши керак.

#### 15.8.3. Водород пероксид эритмаси – 100,0


*Чинлигини аниқлаш.*

Бир неча томчи эритмага 4–5 томчи суюлтирилган сульфат кислота, 1 мл эфир, 2–3 томчи калий бихромат қўшиб чайқатилса, эфир қавати кўк рангга бўялади.



5 мл эритма 100 мл ҳажмли ўлчов колбасида суюлтирилиб, унинг 5 мл ига 2–3 мл суюлтирилган сульфат кислота қўшиб, 0,1 моль/л ли калий перманганат эритмаси билан оч қизил ранггача титрланади.

1 мл 0,1 моль/л ли калий перманганат эритмаси 0,001701 г водород пероксидига мос келади. Э=М.м./2




$$X = \frac{V \cdot 0,001701 \cdot 100 \cdot 100}{5 \cdot 5}$$

Эритмадаги водород пероксиднинг миқдори 2,7–3,3% бўлиши керак.

#### 15.8.4. Формальдегид эритмаси – 100,0

*Чинлигини аниқлаш.*

1. 1 мл 0,1 моль\л ли кумуш нитрат эритмасига 5–6 томчи амиак, 3 томчи чумоли альдегиди эритмасидан қўшиб, сув ҳамомида 50–60 °C ҳароратда қиздирилганда пробирка деворларида кумуш кўзгу ҳосил бўлади.



2. 0,5 мл концентранган сульфат кислотага 0,01–0,02 г салицил кислотаси ва 2–3 мл чумоли альдегиди эритмасидан қўшиб, сув ҳамомида қиздирилганда қизил ранг ҳосил бўлади.


*Миқдорини аниқлаш.*

а) 1 мл чумоли альдегиди эритмаси 100 мл ҳажмли ўлчов колбасида сув билан суюлтирилиб, унинг 1 мл и оғзи маҳкам беркитилган шиша идишга солинади ва 5 мл 0,1 моль/л ли йод эритма-

си, 1 мл 10% ли натрий гидроксид эритмаси құшиб, чайқатилиб, 1 дақықага қоронғи жойга құйиб құйилади. Сүнгра 2 мл суюлтирилган сульфат кислота эритмаси құшилади, ажралиб чиққан йод 0,1 моль\л ли натрий тиосульфат эритмаси билан титрланади (индикатор крахмал).

1 мл 0,1 моль/л ли йод эритмаси 0,001501 г чумоли альдегидига мос келади. Эритмадаги чумоли альдегидининг мөлдөри 36,0–37,5% бўлиши керак.  $E=M.m./2$ .  $F=V*d=1*1,085$

$$X = \frac{(5-V) 0,001501 \cdot 100 \cdot 100}{1,085 \cdot 1}$$



б) Эритмадаги чумоли альдегидининг мөлдөрини рефрактометрик усул билан аниқлаш мумкин.

$$X = \frac{n - n_0}{F}$$

$$F = 0,00116 \text{ ёки } F = 0,00117$$

Спиртли эритмалар таркибидаги спирт мөлдөрини рефрактометрик усул ёрдамида аниқлаш.

26. 40% спирт эритмасини рефрактометрик усул билан аниқлаш лозим бўлсин. Нур синдириш кўрсаткичи  $23^{\circ}\text{C}$  ҳароратда аниқланган бўлиб, рефрактометрнинг кўрсаткичи – 1,3541. Жадвалдан ҳарорат коэффицентини топамиз.  $2,4*10^{-4}$  ёки 0,00024. Ҳарорат  $20^{\circ}\text{C}$  дан  $3^{\circ}\text{C}$  га фарқ қилгани учун ҳарорат коэффицентини 3 га кўпайтирилади.

$$0,00024*3 = 0,00072$$

Бу қийматни нур синдириш кўрсаткичининг қийматига құшилади.

$$1,3541 + 0,00072 = 1,35482$$

Жадвалдан бу қийматга яқин бўлган концентрациясини топилади.

Агар  $n = 1,35500$  бўлганда  $C = 40\%$  бўлар эди.

$$1,35500 - 1,35482 = 0,00018$$

1% спиртта мос келадиган нур синдириш кўрсаткичи жадвалдан топилади. –  $4*10^{-4} = 0,0004$

Нур синдириш күрсаткичидан фарқ  $0,00018:0,0004=0,45\%$

Нур синдириш күрсаткичи  $1,3550$  бўлганда эритмадаги спиртнинг концентрацияси  $40\%$  бўлар эди. Текширилаётган эритмадаги спиртнинг концентрацияси  $40-0,45 = 39,55\%$  бўлади.

2-вариант.  $40\%$  спирт эритмасидан  $1$  мл ўлчаб олиниб, унга  $1$  мл сув солиниб, нур синдириш күрсаткичи –  $n$ , аниқланади.

Айтайлик, ҳарорат  $18^{\circ}\text{C}$ , нур синдириш күрсаткичи ( $n$ )  $1,3440$  га тенг бўлсин.

Ҳароратга мос келадиган фарқни жадвалдан топамиз.

$$1,6 \cdot 10^{-4} = 0,00016.$$

$$0,00016 \cdot 2 = 0,00032$$

$$1,3440 - 0,00032 = 1,34368$$

Жадвалга кўра агар  $n=1,3439$  бўлса  $C = 20\%$  бўлади.

$$1,3439 - 1,34368 = 0,00022$$

$1\%$  ли спиртга фарқ жадвалга кўра  $6 \cdot 10^{-4} = 0,0006$  бўлгани учун суюлтирилган эритманинг концентрацияси  $0,00022:0,0006=0,36\%$  га фарқ қилиб,  $20\%-0,336\% = 19,64\%$ , текширилувчи эритманинг концентрацияси эса....

27. Этил спиртнинг ва унинг сувли эритмалари даги концентрациясини аниқлаш

$$\text{а } 19,64 \cdot 2 = 39,28\% \text{ бўлади.}$$

15.9.2. 95% спиртнинг концентрациясини рефрактометрик усул билан аниқлаш.

1 мл спирт ўлчаб олиниб, 2 мл сув қўшилиб, суюлтирилади ва рефрактометрда нур синдириш күрсаткичи аниқланади. Ҳарорат  $22^{\circ}\text{C}$  бўлсин  $n=1,3512$ .

Ҳисоблаш:

$$1. 2 \cdot 10^{-4} \cdot 2 = 0,0004$$

$$2. 1,3506 + 0,0004 = 1,3510$$

$$3. 1,3500 қиймат 30\% \text{ ли спиртга мос келади.}$$

$$1,3510 - 1,3500 = 0,0010$$

$$4. 0,0010 : 640 - 4 = 0,0010 : 0,0006 = 1,66\%$$

$$5. 30\% + 1,66\% = 31,36\%$$

$$6. 31,36\% \cdot 2,98 = 94,36\%$$

15. 9.3. 2% салицил спиртнинг маркибидаги спиртнинг концентрациясини аниқлаш.

2% ли салицил кислотаси 70% ли спирт эритмасида тайёрланади.  $t=20^{\circ}\text{C}$  бўлсин.

1 мл 2% ли салицил кислотасининг спиртли эритмасига 5–6 томчи фенолфталеин эритмасидан қўшилиб, 0,1 моль/л ли натрий гидроксид эритмаси билан қизил рангча титрланади.

1 мл 0,1 моль/л ли натрий гидроксид эритмаси 0,001381 г салицил кислотасига мос келади.

$$X = \frac{V * 0,01381 * 100}{1}$$

Спиртнинг концентрациясини аниқлаш. Куруқ колбага ёки пробиркага 2 мл салицил кислотасининг спиртли эритмасидан ва 1 мл сув қўшиб чайқатилиб, эритманинг нур синдириш кўрсаткичи рефрактометрда аниқланади. 2% салицил кислотага тузатиш – 0,00188.

$$n = 1,3598$$

$$1,3598 - 0,00188 = 1,35792$$

Сўнгра этил спиртнинг концентрацияси қўйидагича ҳисобланади:

1.  $1,35792 - 1,3570 = 0,00092$
2.  $0,00092 : 4 * 10 - 4 = 0,00092 : 0,0004 = 2,3\%$
3.  $45 + 2,3 = 47,3\%$
4.  $47,3 * 1,47 = 69,53\%$

Бу ерда:

1,3570 – 45% ли спиртли эритмага мос келадиган нур синдириш кўрсаткичи;

$4 * 10 - 4$  – суюлтирилган эритмадаги спиртнинг концентрациясига яқин бўлган концентрацияда спиртнинг концентрацияси 1% га ўзгаргандаги нур синдириш кўрсаткичининг ўзариши.

1,47–2 мл 70 % спиртли эритмага 1 мл сув қўшилгандаги суюлтириш даражаси.

- 15. 9.4. 3% ли бор кислотасининг спиртли эритмаси таҳлили.  
Чинлигини аниқлаш.*

5 томчи эритмадан чинни идишчага солиб ёқилса, аланганинг четлари яшил рангга бўялади (бор кислотаси).

*Миқдорини аниқлаш.*

Бор кислотасининг миқдорини аниқлаш учун 1 мл эритмага 5 мл фенолфталеин бўйича нейтралланган глицерин қўшиб 0,1 моль/л ли натрий гидроксид эритмаси билан титрланади (индикатор фенолфталеин).

1 мл 0,1 моль/л ли натрий гидроксид эритмаси 0,006183 г бор кислотасига мос келади.

10. Дорихона шароитида тайёрланган дори воситаларининг сифатини ошириши тұғрисиlagи буйруқнинг мөҳиятини ёритинг.
11. Дорихонада тайёрланган қайси дори турлари сифат ва миқдорий таҳлилдан үтказилади?
12. Рефрактометрия таҳлил усули қандай ҳодисага асосланган ва унинг мөҳиятини тушунтииринг?
13. Рефрактометрия усули билан қандай дори турларини таҳлил қилиш мүмкін?
14. Инъекцион дори воситаларида қайси күрсаткичлар стериллашдан аввал ва қайсилари стериллашдан кейин аниқланади?
15. Дорихонада қандай дори турлари тұла таҳлил қилиниши шарт?
16. Дори тури таркибидаги дори моддаси аниқланган миқдори билан рецептдаги миқдори орасылаги фарқ қандай бўлиши керак ва у қайси буйруқда күрсатилган?
17. Дорихонада тозаланган сувининг таҳлили қайси күрсаткичлар бўйича бажарилади?
18. Таркибида галогенлар гурухига кирган дори моддаси сақлаган дори турларининг таҳлилини мисоллар асосида тушунтииринг.
19. Кальций хлорид ва калий йодид сақлаган суюқ дори турининг чинлиги ва миқдорий таҳлили қандай бажарилади?
20. Дорихонада тайёрланган дори тури таркибидаги аскорбин кислотасининг чинлиги ва миқдорини қайси усуllарда аниқлаш мүмкін?
21. 0,25% левомицетин ва 0,9% натрий хлорид сақлаган эритманинг таҳлили қандай олиб борилади?
22. Глюкозанинг инъекцион эритмасининг сифати қайси күрсаткичлар бўйича назорат қилинади?
23. Дорихонада стабилизатор күшиб тайёрланган инъекцион эритмаларда стабилизаторнинг миқдори аниқланадими? Мисоллар билан тушунтииринг.
24. Дорихонада кўз томчиларини тайёрлашда қандай стабилизаторлар ишлатилади?
25. 20% ли сульфацил натрий кўз томчисининг таҳлили ва жараёнларнинг кимёвий реакция тенгламаларини ёзинг.
26. ССВ нинг (21 апрел 2000 й) 195-сон буйруғига кўра чақалоқлар учун тайёрланадиган дори воситаларини тайёрлашнинг ўзига хос томонларини санаб үтинг.
27. 0,5% ли калий йодид эритмасининг таҳлили ва кимёвий реакция тенгламаларини ёзинг.
28. Спиртли эритмалар таркибидаги спирт миқдорини аниқлаш усулларини тушунтииринг.

$$X = \frac{V * 0,006183 * 100}{1}$$

Этил спирти. 1 мл дори турига 2 мл сув қўшиб, эритманинг нур синдириш кўрсаткичи аниқланади.

$n=1,3464$ ,  $t=20^{\circ}\text{C}$  бўлсин.

Аниқланган нур синдириш кўрсаткичидан 3% ли бор кислотасининг хоссаси жадвалдан топилади ва айрилади:

$1,3464 - 0,00042 = 1,34598$

Сўнгра этил спиртнинг концентрацияси қўйидагича ҳисобланади:

1.  $1,34598 - 1,34573 = 0,00025$

2.  $0,00025 : 6,1 * 10 - 4 = 0,00025 : 0,00061 = 0,41$

3.  $23 + 0,41 = 23,41$

4.  $23,4 * 2,98 = 69,76\%$

Бу ерда:

1,34573 – 23% ли спиртли эритманинг нур синдириш кўрсаткичи;

$6,1 * 10 - 4 - 1\%$ ли спиртга тузатма;

2,98 – 1 мл спиртли эритмага 2 мл сув қўшилганда эгаллайдиган ҳажми.

### **Дорихонада тайёrlанган дори воситалари таҳлили мавзуси бўйича саволлар**

1. Экспресс – таҳлилининг афзаллик томонлари нимада?
2. Экспресс таҳлилда қандай физик кўрсаткичлар аниқланади?
3. Дорихона шароитида тайёrlанган дори воситаларининг неча физи ёзма назоратга учратилади ва ёзма назорат бланки дорихонада канча муддат сақланади?
4. Кўп компонентли мураккаб дори воситасини оғзаки назоратга учратиш қай тартибда олиб борилади?
5. Физик назорат моҳиятини тушунтиринг.
6. Экспресс таҳлили жараёнида дори воситаларининг рангли реакцияларини ўтказишнинг ўзига хос томонлари қандай?
7. Титриметрик экспресс таҳлил усулининг ўзига хос томонларини кўрсатинг.
8. Рефрактометрия усули дори воситасининг қандай кўрсаткичи бўйича чинлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради?
9. Микрокристаллоскопик таҳлил усули экспресс таҳлилда қачон кўлланилади?

## Спиртли-сувили эритмаларнинг нур синдириш кўрсаткичи

Спиртнинг концентрацияси	Нур синдириш кўрсаткичи, $n_D^{20}$	1° спиртта тузатиш кўрсаткичи	Ҳарораг коэффициенти
1	1,33345	$4,5 \cdot 10^{-4}$	$1 \cdot 10^{-4}$
2	1,33400	$5,5 \cdot 10^{-4}$	$1 \cdot 10^{-4}$
3	1,33444	$4,4 \cdot 10^{-4}$	$1,1 \cdot 10^{-4}$
4	1,33493	$4,9 \cdot 10^{-4}$	$1,1 \cdot 10^{-4}$
5	1,33535	$4,2 \cdot 10^{-4}$	$1,2 \cdot 10^{-4}$
6	1,33587	$5,2 \cdot 10^{-4}$	$1,2 \cdot 10^{-4}$
7	1,33641	$5,4 \cdot 10^{-4}$	$1,3 \cdot 10^{-4}$
8	1,33700	$5,9 \cdot 10^{-4}$	$1,3 \cdot 10^{-4}$
9	1,33760	$6,0 \cdot 10^{-4}$	$1,3 \cdot 10^{-4}$
10	1,33808	$4,8 \cdot 10^{-4}$	$1,4 \cdot 10^{-4}$
11	1,33870	$6,2 \cdot 10^{-4}$	$1,4 \cdot 10^{-4}$
12	1,33924	$5,4 \cdot 10^{-4}$	$1,4 \cdot 10^{-4}$
13	1,33977	$5,3 \cdot 10^{-4}$	$1,4 \cdot 10^{-4}$
14	1,34043	$6,6 \cdot 10^{-4}$	$1,4 \cdot 10^{-4}$
15	1,34096	$5,3 \cdot 10^{-4}$	$1,5 \cdot 10^{-4}$
16	1,34158	$6,2 \cdot 10^{-4}$	$1,5 \cdot 10^{-4}$
17	1,34209	$5,1 \cdot 10^{-4}$	$1,5 \cdot 10^{-4}$
18	1,34270	$6,1 \cdot 10^{-4}$	$1,5 \cdot 10^{-4}$
20	1,34390	$6,0 \cdot 10^{-4}$	$1,6 \cdot 10^{-4}$
21	1,34452	$6,2 \cdot 10^{-4}$	$1,6 \cdot 10^{-4}$
22	1,34512	$6,0 \cdot 10^{-4}$	$1,7 \cdot 10^{-4}$
23	1,34573	$6,1 \cdot 10^{-4}$	$1,8 \cdot 10^{-4}$
24	1,34635	$6,2 \cdot 10^{-4}$	$1,9 \cdot 10^{-4}$
25	1,34697	$6,2 \cdot 10^{-4}$	$2,0 \cdot 10^{-4}$
30	1,35000	$6,0 \cdot 10^{-4}$	$2,0 \cdot 10^{-4}$
35	1,35320	$6,4 \cdot 10^{-4}$	$2,1 \cdot 10^{-4}$
40	1,35500	$4,0 \cdot 10^{-4}$	$2,4 \cdot 10^{-4}$
45	1,35700	$4,0 \cdot 10^{-4}$	$2,4 \cdot 10^{-4}$
50	1,35900	$4,0 \cdot 10^{-4}$	$2,6 \cdot 10^{-4}$
55	1,36060	$3,2 \cdot 10^{-4}$	$2,6 \cdot 10^{-4}$
60	1,36180	$2,4 \cdot 10^{-4}$	$3,4 \cdot 10^{-4}$
65	1,36300	$2,4 \cdot 10^{-4}$	$3,6 \cdot 10^{-4}$
70	1,36380	$1,6 \cdot 10^{-4}$	$3,8 \cdot 10^{-4}$
75	1,36450	$1,4 \cdot 10^{-4}$	$4,0 \cdot 10^{-4}$

29. Спирт концентрациясини ҳисоблашнинг ҳажмий ва оғирлик усуларини тушунтиринг. Уларнинг ўзига хос қулайлик ва камчиликларини кўрсатинг.
30. 3% ли бор кислотасининг спиртли эритмасининг тўлиқ таҳлили ва реакция тенгламаларини ёзинг.

### **Дорихонада тайёрланган дори воситалари таҳлили мавзуси бўйича вазиятли масалалар**

1. Аскорбин кислотаси 0,1 глюкоза 0,3 таркибли дорининг таҳлили натижасида аскорбин кислотасининг миқдори 0,089 г, глюкозанинг миқдори эса 0,293 г эканлиги аниқланди. Таҳлил этилган дори тури сифатли тайёрланганми?
2. Талаба тозаланган сувни таҳлил эта туриб қайтарувчи моддаларга сифат реакцияси ўтказди. Бунда у 100 мл тозаланган сувни қиздириб, аввал 1 мл 0,01 моль/л калий перманганат эритмаси, кейин эса 2 мл суюлтирилган сульфат кислота эритмасидан қўшди. Калий перманганат эритмаси қўшилганда ёш аралашмада қорамтири-қўнгир чўкма ҳосил бўлди. Талаба қандай хатога йўл қўйди? Ушбу тажриба натижасида тозаланган сувнинг сифати ҳақида хулоса чиқариш мумкинми?
3. Тозалангани сувнинг таркибида карбонат ангидрид булишига рухсат этиладими ва уни аниқлашнинг тартиби қандай?
4. Галоген сақловчи дори моддасининг 1–2 томчи эритмасига буюм ойначасида 1–2 томчи аммоний оксалат томизилганда оқ чўкма ҳосил бўлди. Чўкма сирка кислотада эримай, хлорид ва сульфат кислоталарда эриб кетди. Ҳудди шу дори модда эритмасига кумуш нитрат эритмаси қўшилганда оқ чўкма ҳосил бўлиб, у минерал кислоталарда эримади, лекин аммиак эритмасида эриб кетди. Қайси дори модда эритмаси билан реакциялар олиб борилди? Реакциялар тенгламаларини ёзинг.
5. Бромид ва йодид ионларини сақлаган эритмага кислотали мұхитгача суюлтирилган сульфат кислота эритмаси қўшилди. Устига 1 мл хлороформ қўшиб, сунгра томчилаб калий перманганат эритмаси қўшилганда хлороформ қатлами аввал қизил-бинафша рангга, калий перманганат эритмасини қўшиш давом эттирилганда қизил-бинафша ранг йўқолиб, сариқ-қўнгир ранг ҳосил бўлди. Жараённинг реакция тенгламаларини ёзинг. Дори моддаларининг чинлиги тўғрисида қандай хулоса чиқариш мумкин? Дори моддаларининг миқдорини аниқлаш қандай олиб борилади?

6. Кальций хлорид эритмасининг миқдорий таҳлили трилонометрик усулда олиб борилди. Бунда қўнишлган амиакли буфернинг аҳамиятини изоҳлаб беринг. Реакция тенгламаларини ёзинг.
7. Аскорбин кислотаси 0,1.  
Глюкоза 0,3.  
Рецептда келтирилган дори моддаларининг чинлигини аниқлашнинг амаллари кетма-кетлигини келтириб, реакция тенгламаларини ёзинг.
8. Solutio Laevomysetini 0,25 – 10,0. Ушбу дори воситасининг чинлиги ва миқдорий таҳлили қандай бажарилади? Реакция тенгламаларини ёзинг.
9. Натрий хлориднинг изотоник эритмаси тайёрланганда стериллашдан аввал текширилганда дори моддаси концентрацияси 1,1% эканлиги аниқланди. Тайёрланган эритманинг 200 л эканлигини иnobatга олиб, эритманинг изотониклигини таъминлаш учун унга кўшиладиган тозалangan сув миқдорини ҳисобланг.
10. Сувсиз глюкоза 100 г.  
Натрий хлорид 0,26.  
Хлорид кислота эритмаси 0,1 моль\л дан натрий хлорид эритмаси pH 3,0–4,1 бўлгунича:  
Инъекцион эритмалар тайёрлаш учун ишлатиладиган сув – 1 л.  
гача, таркибли инъекцион эритманинг таҳлили қандай бажарилади?
11. Рибофлавин 0,001.  
Аскорбин кислотаси 0,05.  
Калий йодид 2% – 10,0.  
Таркибли дорининг таҳлили қандай бажарилади?  
Реакция тенгламаларини ёзинг.
12. 20% ли сульфацил натрий эритмасининг миқдорий таҳлилини нитритометрик аниқлаш жараёнини тасвирлаб беринг. Бунда нима сабабдан назорат тажрибаси ўтказилиши керак?
13. 5% ли кальций хлорид эритмаси -100,0. Чақалоқлар учун тайёрланган ушбу дорининг таҳлилини бажаринг. Реакция тенгламаларини ёзинг.
14. Йоднинг 5% ли спиртли эритмаси таркибидаги калий йодидни чинлик ва миқдорий таҳлили қандай бажарилади? Миқдорий таҳлилининг реакция механизмларини тушунтириинг.
15. Спиртли эритмалар таркибидаги спирт миқдорини рефрактометрик усулда аниқлашнинг ўзига хос томонларини изоҳланг.

## **Дорихонада тайёрланган дори воситалари таҳлили мавзуси бўйича тест саволлари**

?

5% натрий гидрокарбонатни миқдорини аниқлаш усулини кўрсатинг.

- + хлорид кислотаси билан титрлаш
- натрий ишқор эритмаси билан титрлаш
- трилон Б билан титрлаш
- перхлорат кислота билан титрлаш

?

5% натрий гидрокарбонат таркибидағи стабилизаторни қайси эритма билан титрланади?

- хлорид кислота билан
- натрий ишқори билан
- перхлорат кислота билан
- + рух сульфати билан

?

Экспресс – таҳлилининг афзаллик томонлари нимада?

+ дори воситаси ва реактивлардан кам сарф бўлиш, тезкорлиги, аниқлиги.

- тезкор усул
- аниқ
- ҳамма жавоб тўғри

?

Дорихона шароитида тайёрланган дори воситаларининг неча фоизи ёзма назоратдан ўтказилади?

- 1%
- +ҳаммаси
- 5%
- 10%

?

Ёзма назорат бланки дорихонада қанча муддат сақланади?

- 3 кун
- 5 кун
- + 1 ой
- 7 кун

?

Дорихона шароитида тайёрланган дори воситаларининг қайслари ни ташқи кўриниши текширилади?

- + ҳаммаси
- заҳарли ва күчли таъсир құлувчи дори воситаларидан тапқари ҳамма дорилар.
- педиатрия амалиетида ишлатиладиган дори воситалари
- болалар учун тайёрланган дори воситалари ва катталар учун тайёрланган дори воситалари
- ?

Күп компонентли мураккаб дори воситасини оғзаки назоратта учрашиш қай тартибда олиб борилади?

- фармацевт дориниң тайёрлашы буюрган шахсни айтиш керак
- фармацевт 1 кунда тайёрлектан дори воситалари сони
- ёзма, оғзаки, физик, кимёвий, органолептик
- + дори воситалари таркибиға киргап биринчи ингредиент номлари ва миқдори
- ?

Физик назорат мөхияти.

- асбларининг түғри ва аниқ ишлаши текширилалы
- + дорининг воситасини умумий хажми ва айрим дозалар текширилалы
- дори воситалари физикалық таҳлил усууллари билан анықланади
- бир кунда ишлатылған ингредиентларнинг миқдори ҳисобланади
- ?

Оғзаки назорат мөхияти.

- тайёрланган дори воситаси таркиби сұралади
- + тайёрланган дори воситаси таркиби ва дозалари сұралади
- тайёрланган дори воситаси таркибидеги ингредиентлар дозаси сұраплади
- тайёрланган дори воситасининг қандай материалга қашоқтаниши сұралади
- ?

Ёзма назорат мөхияти.

- дорихонада тайёрланган дори воситаси таркибидеги ингредиентлар
- дорихонада тайёрланган дори воситаси таркибидеги ингредиентларнинг номлари
- дорихонада тайёрланган дори воситасининг таркибидеги биринчи ингредиентнинг номи ёзилади
- +дорихонада тайёрланган дори воситаси таркибидеги ингредиентларнинг номлари ва дозалари қайд этилади
- ?

Дорихона шароитида кимёвий назоратдан қандай дори воситалари үтказилади?

-тозаланган сув

+ экстемпорал рецептура бўйича тайёрланган дори воситалари, концентратлар, полуфарикатлар, тозаланган сув, инъекцион эритмалар, кўз томчилари

-болалар учун тайёрланган

-ҳамма дори воситалари

?

Экспресс таҳлили жараёнида дори воситалари рангли реакцияларни үтказишнинг узига хос томонлари.

+ ҳамма жавоблар тўғри

-фильтр қоғозлар ва чинни идишлар ишлатилиши

-чинни идишлар ва буюм ойначаларининг ишлатилиши

-буюм ойначалари ва фильтр қоғозларнинг ишлатилиши

?

Рефрактометрия дори воситасининг қандай кўрсатгич бўйича чинлиги ҳақида ҳулоса қилишига имкон беради?

-нур текислигини буриш бурчаги бўйича

-кристалларнинг флюресценшияси бўйича

+ нур синдириш курсаткичи бўйича

-тўғри жавоблар йўқ

?

Экспресс таҳлилда қандай физик кўрсаткичлар аниқланади?

+ нур синдириш кўрсаткичи

-суюқланиш ҳарорати

-зичлик

-қайнаш ҳарорати

?

Микрокристаллоскопик таҳлил усули экспресс таҳлилда қачон қўлланилади?

-кўп компонентли ва 2 компонентли аралашмалар учун

-кўп компонентли дори воситалари учун

- дорихона шароитида ва қалбакилаштирилган дори моддалар таҳлилида

+ 2 ва ундан кўп компонентли аралашмалар учун

?

Титриметрик экспресс таҳлил усулининг узига хослиги.

+ дори воситасининг ва реактивларнинг кам сарфи

-соддалиги

-ўзига хос асбобларнинг ишлатилиши

-фарқи йўқ

?

Дорихонада провизор – аналитик бўлмаса, extemporale рецендуралан неча фоиз текширилади.

-ҳар бир фармацевт тайёрланган дори воситаларидан 0,1%

-дорихонада тайёрланган дори воситаларининг 0,1%

+ ҳар бир фармацевт тайёрланган дори воситаларидан – 0,3%

-дорихонада тайёрланган дори воситаларининг 0,3%

?

Дорихона шароитида тайёрланган дори воситаларининг сифатини ошириш тўғрисидаги буйруқнинг сонини қўрсатинг.

+ 195

-412

-382

-196

?

Дорихона шароитида тайёрланган концентратлар ва полуфабрикатлар қай тартибда назорат қилинади?

-ҳар бир идишдан

-тайёрлашдан аввал

-ҳамма жавоблар тўғри

+ ҳар бир сериядан

?

Тез бузиладиган дори воситалари қай тартибда назорат қилинади?

-ҳафтада 1 марта

+ кварталда 1 марта

-ойда 1 марта

-6 ойда 1 марта

### ДОРИВОР ҮСИМЛИК ХОМАШЁСИ ВА ФИТОПРЕПАРАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Турли фармакологик гурухларга мансуб бўлган синтетик дори воситаларининг катта миқдорда ишлаб чиқарилишига қарамасдан доривор үсимликлар ва фитопрепаратларни замонавий тиббиёт амалиётида қўлланилиш қўлами кенгайиб бормоқда.

Бунинг асосида уларнинг заарсиз ҳолда организмда модда алмашинувида иштирок этиши ва синтетик препаратларга нисбатан ножуя таъсири нисбатан камлиги каби бир қатор афзаликлар ётади.

Фармацевтика бозорига кўп миқдордаги үсимликлар асосида тайёрланган чойлар, йифмалар, гранулалар, таблеткалар, фильтр пакетлар чиқарилмоқда. Тиббиёт амалиётида турли хасталикларни даволашда қўлланилаётган үсимликлар йифмаларига нисбатан талаб ортиб бормоқда.

Бу йигмалар асосан микроб яллиганиш, шамоллашга ва аллергияга қарши таъсир этиб бир қатор хасталикларни даволашда қўлланилмоқда. Бу эса ўз навбатида доривор үсимликларни маданий ҳолда етинитирилишига олиб келиб маданийлаштирилган үсимликларда ҳосилдорликни ошириш мақсадида турли (пестицидлар, гербицидлар, дефолиантлар ва шунга ўхшаш) кимёвий органик моддаларни қўлланилишига сабаб бўлади.

Пестицидлар – дори воситаларини заарлантурувчи ёки ишлаб чиқарин, тайёрлан, сақлаш, ташиб ёки сотишга салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай зааркунаналалар, үсимлик ва ҳайвонларининг зарур бўлмаган турларини юзага келишини олдини олевчичи, йўқ қилувчи ҳар қандай модда ёки моддалар аралашмаси.

Ёввойи ҳолда ўсадиган доривор үсимлик хомашёси учун пестицидларни аниқлаш талаб этилмайди. Үсимлик хомашёсида пестицидлар миқдори газ хроматографияси усулида аниқланади. Бунда улар үсимлик хомашёсидан экстракция қилинади, тозаланади ва миқдорий аниқланади. Инсектицидлар (фосфорорганик, хлорорганик ва пиретроид пестицидлар)ни аниқланадиганда, асосан ички стандарт сифатида карбофенотион ишлатилади, хроматография учун капилляр колонка ( $0,25$  мкм поли(диметил)силиксан билан қошланган

30 м узунликда диаметри 0,32 мм), фосфор-азотли алангали-ионизацияцион детектор, газ ташувчи сифатида хроматография учун водород ёки гелий ёки азот қулланилиши мумкин.

Доривор йигмаларни тайёрлашда фақат уларнинг фармакологик тасиригагина эътибор берилмасдан, балки қандай қилиб фармацевтик таҳлил қилинишига ҳам эътибор қаратилиши лозим.

Йигмалар таркибидаги ўсимликлар сони 7 тадан ошмаслиги мақсадга мувофиқ бўлиб, бу препарат сифатини назорат қилиш ва стандартлаш имконини беради.

Доривор ўсимлик хомашёси уни қайта ишлаш натижасида оли-надиган дори препаратлари ва уларнинг турлари *6. I-расмда* келтирилган.

Маълумотларга кўра, кўпчилик доривор ўсимликлар сифати буйича меъёрий хужжат талабларига жавоб бермаётганини аниқланмоқда. Бу эса тайёрланаётган маҳсулотлар мугахассислар томонидан тавсия этилган вақтда йигилмаслиги ва уларни белгиланган тартибда тайёрланмаганлиги билан тушунтирилади.

Ўсимлик хомашёлари кўп миқдорда тайёрланиб, уларнинг қайта тикланиши учун йиллар талаб этилиши эътибордан четда қолмоқда.

Доривор ўсимликлар хомашёсини тайёрлаш билан бир қаторда уларнинг ресурслари ўртасидаги мувозанат бўлишига эътибор берилиши лозим.

Вақтинчалик фармакопия мақоласи ва фармакопея мақолалари доривор ўсимликлар хомашёси сифатини белгилашдаги асосий сифат стандартлари ҳисобланади.

Доривор ўсимлик маҳсулотининг юқори сифатли бўлиши уни ўз вақтида тайёрлаш, тўғри қуритиш, яхши сақлаш каби бир қатор омилларга боғлиқ.

Моғорламаган, омбор зааркунандаларидан заарланмаган, таркибида асосий таъсир этувчи кимёвий бирикмалар миқдори камаймаган ҳамда намлиқ даражаси ошмаган доривор ўсимлик маҳсулотлари юқори сифатли ҳисобланади. Доривор маҳсулот таркибида рухсат этиладиган ва рухсат этилмайдиган аралашмалар бўлиши мумкин.

Бу аралашмалар бошқа ўсимлик қисмларидан ёки шу ўсимлик-нинг тиббийётда ишлатилмайдиган органларидан ҳамда минерал аралашмалар (кум, тупроқ в. б.) дан иборат бўлади. Доривор ўсимликлар таҳлилида асосан доривор маҳсулотларни идентификациялаш, тозалилиги ва сифатини аниқлаш тавсия этилади.

## Доривор ўсимлик хомашёси ва уни қайта ишлаш



### Баъзи бир ўсимлик хомашёси асосида олинған маҳсулотлар

Ўзбекча	Номланиш латинча	Инглизча
Ёли майлар	Olium pinguia	Fixed oil
Ёғ	Adeps	Fat
Эфир майлари	Oleum aetherea	Vole
Смолалар	Resinae	Resins
Елим	Gummi	Gum
Ёғ – смолалари	Olcopices	Oleoresins
Ёғ – елимлари	Oleogummi pices	Oleo-gum-resins
Бальзамлар	Balsamum	Balsam
Куритилған шарбат	Succus exsiccatus	Dried juice
Латекс	Succus lacteus: latex	Latexes

## 11.1. Доривор ўсимлик хомашёси таҳлилиниң умумий усуллари

**Йигмалар** – минерал тузлар, эфир мойлари қўшилган бир неча майдаланган доривор ўсимлик хомашёси аралашмаси. Улардан уй шароитида тиндирма ва қайнатмалар тайёрланади.

**Тиндирма ва қайнатмалар** – сув ҳаммолида ушлаб туриш вақти билан фарқ қиласидиган доривор ўсимлик хомашёсининг сувли ажратмаси; 15 дақиқа тиндирмалар учун, 30 дақиқа қайнатмалар учун. Гулидан, баргидан, ўтлардан тиндирмалар тайёрланади. Илдиз мева уруғлардан, ер ости органиклардан эса қайнатмалар тайёрланади. Улар экстремпорал дори турига киради. (лот. Ex tempore – тезкор).

**Доривор ўсимлик хомашёсини стандартлаш** стандарт буйича чинлиги, сифати ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаша.

## 11.2. Доривор ўсимликдан олинган моддаларнинг терапевтик фаоллиги буйича тахминий классификацияси

Моддалар гурӯҳи	Аниқлаш	Мисоллар
фармакологик фаол моддалар	тоза ва экстракт ҳолида бир хил терапевтик фаол моддалар	антрахинонлар – сано экстракти, сеннозидлар. алкалоидлар – белладонна экстракти, гиостиамин. юрак гликозиллари – марваридгул экстракти
фаоликка қисман таъсир этувчи моддалар	экстракт ҳолдан кўра тоза ҳолида кам терапевтик фаолликка эга моддалар	флавоноидлар – дўлана экстракти, арбутин, толокнинка экстракти, далачой экстракти
маркёр моддалар	оила, авлод, турларини аниқлашда қўлланиладиган моддалар	папаксозидлар – женшиен экстракти. валепотриатлар – валериана экстракти. эхинакозидлар – эхинаций экстрант. розмарин кислота – шалфий экстракт.

Доривор ўсимлик хомашёсини идентификациялаш.

- макроскопик таҳлил;
- микроскопик таҳлил;
- кимёвий сифат таҳлили ҳамда намлигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади.

Макроскопик таҳлил маҳсулот ташқи кўриниши, ўлчамларини аниқлаш ва органолептик (ранги, ҳиди ва мазаси) таҳлил йўли билан олиб борилади.

Микроскопик таҳлил маҳсулот чинлигини макроскопик усулда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда кесилган ёки кукун ҳолдаги намуналар учун ўтказилади.

Кимёвий сифат таҳлили – микрокимёвий реакциялар ёрдамида, яъни шу маҳсулот учун хос бўлган реакцияларидан фойдаланиб олиб борилади.

Маҳсулот сифатлилиги:

- а) товаршунослик таҳлили;
- б) кимёвий миқдорий таҳлил;
- в) биологик стандартлаш усуллари билан аниқланади.

Товаршунослик таҳлилида – маҳсулотнинг тозалиги ва сифатлилиги аниқланаб; бунида майдалик даражаси, омбор заараркунандалари билан заарланмаганлиги, намлиги ва кул қолдиғи доривор ўсимлик хомашёси учун меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда таҳлил қилинади.

Доривор ўсимлик хомашёсига ўсимликнинг барглари, ер устки қисми, гуллари, мевалари, пустлоги, уруғи, илдизи, илдизпоялари, пиёзи ва йигмалар киради.

Юқорида кўрсатилган ўсимлик хомашёси қўйидаги кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинади:

- ташқи белгилари;
- микроскопияси;
- люминесцент микроскопияси;
- фитокимёвий реакциялар;
- сифат реакциялар;
- сон кўрсаткичлари;
- *таъсир этувчи моддалар миқдори*; (усуллар) биологик фаоллиги;
- намлиги;
- умумий кули ва 10 % ли хлорид кислотада эримайдиган кул миқдори;
- *майдалик даражаси ва ёт моддалар миқдори*.

Ўсимлик хомашёси партиялар билан қабул қилинади. Партия деб хомашёнинг 50 кг дан кам бўлмаган, ҳамма кўрсаткичлари бир хил ва битта ҳужжат билан тасдиқланган миқдорига айтилади.

Ҳужжатда қўйидаги маълумотлар келтирилган бўлиши керак:

- ҳужжатнинг номи ва берилган вақти;

- хомашё номи;
- партиянинг номери;
- ўсимлик хомашёсининг оғирлиги;
- хомашёнинг терилган вақти (йил, ой);
- терилган жойи;
- сифатини баҳолашдаги олинган натижалар;
- мөъёрий — таҳлил ҳужжати;

— хомашёни қабул қилган шахснинг мансаби, исми — шарифи.

Ҳар бир маҳсулот МҲ бўйича ташқи назоратдан ўтказилади.

Хомашёнинг сифатини текшириш учун партиянинг шикастланмаган жойидан *11.2-жадвал* асосида намуна олинади.

### *11.2-жадвал*

<b>Хомашёнинг миқдор бирлиги, кг</b>	<b>Намуна ҳажми</b>
1–5	Ҳаммаси
6–50	5 та бирлик партиянинг
50 дан ортиқ	1% бирлиги

Намуналар ташиқи белгилари бўйича назоратдан ўтказилади бутунлиги, майдалик даражаси, ранги, ҳиди, ифлосланганлиги, монгорланмаганлиги, шамоллатилганда ҳам кетмайдиган қўланса ҳиди, заҳарли ўсимликлар билан ифлосланганлиги ва минерал аралашмалар (тош, кум, тупроқ ва б.) текширилади. Агар доривор ўсимлик хомашёси ташқи текширишдан ўтказилганда МҲ талабига тўғри келмаса, тозаланиб иккинчи марга топширилиши мумкин.

Аммо омбор зааркунандалари билан II ва III даражада зарарланган, йўқолмайдиган ҳидга ва заҳарли ёт ўсимликлар билан зарарланган бўлса, бундай хомашё иккинчи марта қабул қилинмайди.

Ҳозирги кунда ўсимлик хомашёсининг сифатини баҳолашда микотоксинлар миқдорини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

**Микотоксинлар** — микрозамбурувлар (могор замбурувлари) нинг ҳаттоқи жуда кичик дозаларда ҳам заҳарли таъсир кўрсатувчи токсинларидир. Улар озуқа маҳсулотларида нисбатан якинда аниқланган. Аксарият ҳолларда улар билан ўсимлик маҳсулотлари зарарланади. Улар ривожланишининг оптимал шароити, тахминан  $300^{\circ}\text{C}$  ҳарорат ва тахминан 85% намлик. Афлотоксин энг ҳавфли микотоксинлардан бири ҳисобланади. У канцероген (ҳавфли ўсма чақиравчи) таъсирга эга. Табиатда жуда кўп афлотоксинлар учрайди. Кўпроқ уларнинг 5 таси ўрганилган. Улар лотин алфавити ҳарфла-

ри билан белгиланган:  $B_1$ ,  $B_2$ ,  $C_1$ ,  $C_2$ ,  $M_1$ . Құзғатувчи – микроско-ник замбуруғ *Aspergillus flavus*. Афлотоксингилар, асосан юқори сама-рали суюқлик хроматографияси усулида аниқланади.

*Намуна олиш.* Ҳар бир бирлиқдан 3 та: хомашёning юқори, пастки ва ўртасидан намуна олинади.

Олинган намуналар арапаштирилади. Арапаштирилган намуна-дан квадрат усули билан ўртача намуна олинади. Бунда хомашё намунаси текис квадрат күринишида ёйлади ва диагонал бүйича түртта учбұрчакка бүлинади, қарама-қарши учбұрчаклар ташылаб юборилади, қолған иккитаси арапаштирилади. Юқорида келтирил-ған жараён МХ да келтирилған оғирликтеке қайтарилади.

Ўртача (олинган намуналарнинг ортиб қолған қисми олиб қўйи-лади) намунадан юқоридағы усул ёрдамида аналитик намуна олинади. Аналитик намуна оғирлигиге МХ да келтирилған жадвалга түғри келиши керак. Аналитик намуна олиш тартиби қўйида келтирилған.



Аналитик намуна қўйидаги аниқликда тортилади:

0,01 г – намуна оғирлигиге 50 г гача;

0,1 г – намуна оғирлигиге 100 дан 500 г гача;

1,0 г – намуна оғирлигиге 500 дан 1000 г гача;

5,0 г – 1000 г дан ортиқ.

Қадоқланған хомашёдан намуналар юқорида күрсатылған каби олинади. Қадоқланған хомашё туркумлаб (10 т дан ошмаган ҳолда) қабул қилинади.

### **11.3. Ўсимлик хомашёсининг чинлиги, майдалиги ва ёт моддаларини аниқлани**

Доривор ўсимлик хомашёсининг чинлиги, майдалиги ва ёт моддаларини текшириш учун аналитик намуна олинади.

Ўсимлик хомашёсининг чинлиги ташқи анатомо – диагностик белгилари (микроскопия) ва МХ да келтирилган сифат реакциялари асосида аниқланади.

**1. Хомашёнинг майдалик даражасини аниқлаш.** Бунинг учун хомашёсининг ДФ да кўрсатилган миқдори элакка солиб эланади. Сўнгра хомашёсининг эланган қисми тортилади. Агар аналитик намуна массаси 100 г дан кўп бўлса  $\pm 0,1$  г, 100 дан кам бўлса  $\pm 0,05$  г аниқликда тортилади. Майдаланган хомашёнинг умумий хомашёдаги миқдори МХ да кўрсатилган бўлади.

**2. Аралашмалар миқдорини аниқлаш.** Аналитик намунанинг элакда қолган қисми тоза текис юзага солиниб, пинцет билан ундан бошқа аралашмалар ажратилади. Одатда аралашмага қўйидагилар кириши мумкин:

- ранги ўзгариб қолган хомашё (қорайган, қўнгир рангдаги ва чириган);
- ўсимликнинг МХ да кўрсатилмаган бошқа қисмлари;
- органик аралашмалар (бошқа ўсимлик қисмлари);
- минерал аралашмалар (тупроқ, қум, тош);
- омбор зааркунандалари бор ёки йўқлиги ҳам аниқланади.

Кўрсатилган аралашмаларнинг ҳар бир тури айрим-айрим ҳолда 0,1 г аниқликда (агар аналитик намуна 100 г дан ортиқ бўлса 0,1 г, 100 г дан кам бўлса 0,05 аниқликда) тортилиб, аралашмалар айрим турининг фоиз миқдори қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X = \frac{m_1}{m_2} * 100$$

$m_2$  – аналитик намуна, г;

$m_1$  – аралашмаларнинг оғирлиги, г.

### **Ўсимлик хомашёнинг омборхона зааркунандалари билан зарарланганлик даражасини аниқлаш**

Хомашё таркибидаги тирик ва ўлган зааркунандалар оддий қўз ёки лупа ( $5 \times 10$ ) ёрдамида ташқи назорат вақтида, шунингдек, майдалик ва ёт моддаларни аниқлашда текшириллади. Копнинг чокла-

ри, қадоқлаш материаларининг буқланган қисмлари, яшикларнинг тирқишилари текширилади.

Хомашёнинг аналитик намунаси тирқишининг диаметри 0,5 мм бўлган элакдан ўтказилади. Хомашёнинг элакдан ўтган қисмида каналар; элакдан қолган қисмида куя, унинг тухумлари ва бошқа майдә заараркунандалар текширилади.

Каналар сони лупада, куя ва бошқа заараркунандалар лупа ва қуролланмаган кўз билан аниқланади. Топилган заараркунандалар сони 1 кг хомашёга ҳисобланади.

I кг хомашёда каналар сони 20 тадан кам бўлса – I даражали, 20 тадан ортиқ бўлса – II даражали, умуман кўп бўлса – III даражали заарарланган ҳисобланади.

I кг хомашёда омборхона куяси ва унинг тухумлари, шунингдек бошқа заруркунандалар сони 5 тадан кам бўлса – I даражали, 6–10 та бўлса – II даражали, 10 тадан ортиқ бўлса – III даражали заарарланган ҳисобланади.

Заарарланган хомашё дезинцеқция қилинади, кейин агар каналар билан заарарланган бўлса, диаметри 0,5 мм элакдан, бошқа заараркунандалар билан заарарланган бўлса диаметри 3 мм ли элакдан ўтказилади.

Дезинцеқциялангандан кейин I даражали заарарланган хомашё тиббиётда ишлатилиши мумкин, II ва айрим ҳолларда III даражали заарарланган хомашё қайта тозалангандан кейин ишлатилиши мумкин.

*Доривор ўсимликлар хомашёсини микроскопик ва микрокимёвий текшириш.*

Доривор ўсимликлар хомашёсини микроскопик ва микрокимёвий текшириш усуллари турлича бўлиб, хомашё турига, морфологик гуруҳига ва бошқа ҳолатларига боғлиқ.

**Барг, ўт, гул.** Бутун ёки кесилган хомашё, баргнинг бутун булаги ёки пояннинг, гулининг бутун булаги олиниб (гул тожи, гул коса) қўйидаги усуллар билан ёрқинлаштирилади.

а) хомашё колбага солиниб, 5% ли ишқор эритмасига сув (1:1) қўшиб, 1–2 мин қайнатилгач, Петри идишига солинади, суюқлик тўкилади. Хомашё яхшилаб сув билан ювилгач, буюм ойначасига қўйилади 1 томчи хлоралгидрат ёки глицерин томизилади.

б) хомашё булаги сув билан суюлтирилган хлоралгидратда (1:1) 5–10 мин қайнатилиб, унинг ёрқинлаштирилган булаги буюм ойненасига қўйилиб, устига хлоралгидрат эритмаси томизиб, 2 га ажазилади.

ратилади, бир бүлгүннинг орқаси ўтирилгач ёпувчи ойна билан ёпи-  
лади.

**Кукун.** Буюм ойнасига 1–2 томчи хлоралгидрат эритмаси, маъ-  
лум миқдорда текширилувчи кукун солиниб, ойна билан беркити-  
лади.

Ичидаги ҳаво пуфакчалари чиқиб кетгунигача қиздирилади. Агар  
кукун қалин баргдан тайёрланган бўлса 5% ли NaOH эритмаси би-  
лан қайнатиш орқали ёрқинлаштирилади.

**Мева, уруғ.** Мева пўсти, мева ёки меванинг ёнидаги қисмлари-  
дан препарат тайёрлаш учун 2–3 г уруғ ёки мева пробиркада 5% ли  
NaOH эритмасида 2–3 минут қайнатилади, сув билан яхшилаб юви-  
лади ва буюм ойнасига қўйилади. Игна ёрдамида уруғ пўсти ва  
мева ёки ёнидаги қисм ажратилади ва хлоралгидрат ёки глицеринда  
қўрилади.

Кукундан препарат тайёрлаш учун ёрқинлаштирувчи эритма си-  
фатида хлоралгидрат ёки 5% ли NaOH эритмасидан фойдаланила-  
ди. Крахмал заррачаларини кўриш учун йод эритмасидан фойдала-  
нилади. Йод эритмаси крахмал доначаларини кўк рангга бўяйди,  
ундаги заррачалар шакли, тузилиши ва катталиги аниқланади.

Ёғ ва эфир мойларини аниқлаш учун препаратга судан III эрит-  
маси қўшиб қиздирилади. Бунда ёғ ва эфир мойларининг томчилари  
қизил – пушти рангга бўялади.

Шиллиқ моддаларни аниқлашда қора туш эритмаси қўшиб мик-  
роскопда кўрилади. Улар қора фонда рангсиз доначалар шаклида  
кўринади.

Пўстлоқ кўндаланг ёки узунасига 0,5–2–3 см катталикда кеси-  
либ, сув билан 5 минут қайнатилади, юмшаган бўлаклар скальпел  
билин текисланиб кесилади (хлоралгидрат ёки глицеринда тайёрла-  
нади).

Агар пўстлоқ қалин бўлса, буюм ойначасидаги кесмага 1 томчи  
флороглюцин эритмаси ва 1 томчи 25% ли  $H_2SO_4$  қўшилиб, 1 дақи-  
қадан сўнг фильтр қофозга шимдирилади. Хлоралгидрат ёки глице-  
рин қўшиб, беркитувчи ойна билан ёпиб микроскопда кўрилади.

Пўстлоқнинг ёғочланган механик элементлари қизил рангда  
кўринади. Крахмални аниқлаш учун пўстлоқ кесилиб, Люголь эрит-  
маси қўшиб кўрилади, улар кўк рангли доначалар кўринишида  
кузатилади.

Ошловчи моддаларни аниқлаш учун пўстлоқнинг ички юзасига  
1 томчи  $FeNH_4(SO_4)_2$  ёки  $FeC_{13}$  эритмаси томизилади. Бунда кўк –  
қора ёки яшил – қора ранг ҳосил бўлади.

Антрацен унумларини аниқлаш учун пустлоқнинг ички юзасига NaOH эритмаси томизилганда қизил ранг ҳосил бўлади.

Ёғочланиб қолган элементларни аниқлаш учун соат ойначасига 0,1 г кукун, 1–2 томчи флороглюцин, 1 томчи 25% сульфат кислота эритмаси қўшиб беркитувчи ойна билан ёпилади. Бир томондан 1–2 томчи хлоралгидрат эритмаси шимдирилиб кўрилганда ёғочланиб қолган элементлар қизил рангга бўялгани кузатилади.

Микросублимация қилиб антрацен унумларини аниқлаш учун буюм ойначасига  $D=1,5$  см,  $h=2$  см ўлчамли шиша найча қўйилиб, бу найчага кукун солиниб, найчанинг усти иккинчи буюм ойнаси билан ёпилади, азбест тўрнинг устига қўйиб, 5–7 см узоқликда алантга билан қиздирилади. Устки буюм ойнаси намланган фильтр қофоз билан ёпилади. Бунда юқориги буюм ойнасининг пастки қисми юпқа сариқ игна шаклидаги сублимат билан қопланади. Бу сублиматта NaOH эритмаси томизилганда қизил рангга бўялади.

#### 11.4. Доривор ўсимликлар хомашёсининг намлигини аниқлаш

Намлик деганда хомашёни қиздирганда таркибидаги намлик ва бошқа учувчан моддалар ҳисобига массасининг камайиши тушунилади.

Бунинг учун 3–5 г майдалангандан ( $d=10$  мм) 2 та тортма (0,01 г аниқликда) олинниб бюксга солинади ва 100–105°C да 2 соат қиздирб, сўнгра совутиб тортилади ва яна доимий оғирликкача қуритилади (фарқ 0,01 г). Намликтин фоиз ( $x$ ) миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисбланади.

$$X = \frac{(m - m_1)}{m} * 100$$

$m$  – хомашёнинг тортиб олинган массаси, г;

$m_1$  – хомашёнинг қуритгандан кейинги массаси, г.

*Доривор ўсимликтарини ошловчи моддаларни аниқлаш*

2 г майдалангандан хомашё элакдан (диаметри 3 мм) ўтказилиб, ҳажми 500 м бўлган колбага солинади ва устига 250 мл қайноқ сув қўйилади, 30 минут давомида вертикаль совуттичга улаб, қиздирилади. Ҳосил бўлган аралашма совутилади ва ҳажми 200–250 мл бўлган колбага пахта орқали 100 мл ҳажмда сузиб олинади. Фильтратдан

25 мл олиб бошқа ҳажми 750 мл бүлгап колбага солинади ва устига 500 мл Н<sub>2</sub>O эритмаси, 25 мл индигосульфат кислота эритмаси солиб, 0,02 моль/л KMnO<sub>4</sub> эритмаси билан сариқ – тилла ранггача титрланади.

Бир вақтнинг ўзида назорат тажрибаси ҳам ўтказилади.

1 мл 0,02 моль/л KMnO<sub>4</sub> эритмаси 0,04157 г ошловчи моддаларга тўғри келади.

Танинга ҳисобланган ошловчи моддаларнинг X% даги миқдори куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X = \frac{(V - V_1) \cdot 0,004157 \cdot 250 \cdot 100 \cdot 100}{m \cdot 25 (100 - W)}$$

Бу ерда: m – доривор ўсимлик хомашёсининг аниқ оғирлиги, г;  
W – намлик, %;

V – назорат тажрибаси учун сарф бўлган KMnO<sub>4</sub> эритмасининг ҳажми, мл;

V<sub>1</sub> – текширилувчи эритмани титрлаш учун сарф бўлган KMnO<sub>4</sub> эритмасининг ҳажми, мл.

## 11.5. Эфир мойларини аниқлаш


Эфир мойлари хушбўй моддалар аралашмасидан иборат бўлиб, асосан терпеноидлар, қисман ароматик ва алифатоароматик бирикмалар гуруҳига кирган моддалардан иборат. Эфир мойлари ўсимлик хомашёсидан сув ёки сув буғи билан хайдаш, органик эритувчилар билан экстракция қилиш, пресслаш ва бошқа усуслар билан ҳам ажратиб олинади.

**Тасвирланиши.** Рангсиз ёки тиниқ суюқликлар, ўзига хос ҳидга ва мазага эга, секин – аста оксидланиб, ранги ва ҳиди ўзарига қолиши мумкин. Баъзи эфир мойлари туриши натижасида қуюқлашиб қолади.

**Эрувчанлиги.** Эфир мойлари сувда кам, жуда кам ёки амалий жиҳатдан эrimайди, спирт, эфир ёки бошқа органик эритувчиларда осон эрийди. Уларнинг спиртдаги эрувчанлиги қуйидагича аниқланади: ҳажми 10 мл бўлган ўлчов цилиндрга 1 мл эфир мойи олиниб, эфир мойи эригунча 0,1 мл дан маълум концентрациядаги спиртдан томчилаб қуйиб борилади.

**Чинлиги.** Ранги ва тиниқлигини аниқлаш учун 10 мл эфир мойи рангсиз шишадан ясалган цилиндрга солиниб, нурнинг тўғри тушиши ҳолатида аниқланади.

Ҳидини аниқлаш учун 0,1 мл (2 томчи) эфир мойи фільтр қоғозига томизилиб, текширилувчи намунанинг ҳиди стандарт на-  
мунанинг ҳиди билан солиштирилади. Солиштириш ҳар 15 минутда  
амалга оширилади. 1 соат давомида бу икки намунанинг ҳиди бир  
хил бўлиши керак.



Мазасини аниқлаш учун 1 томчи эфир мойи билан шимдирилган фільтр қоғози тил устига қўйилади ёки 1 томчи эфир мойи 1 г қанд қукунига аралаштирилиб, тил устига қўйилади ва тъми аниқланади.

Ёт аралашмалардан эфир мойи таркибида спирт ёки ёғ ва минерал мойлари бўлиши мумкин.

#### *Ёт моддалар борлигини аниқлаш.*

Спирт борлигини аниқлаш учун 2 хил усулдан фойдаланилади.

1 усул бўйича соат ойначасига сув томизилиб, унинг устига 2–3 томчи эфир мойи томизилади. Қора фонда қўрилганда лойқаланиш кузатилмаслиги керак.

2 усул бўйича 1 мл эфир мойи пробиркага солиниб, пробирка фуксин кристалли қўйилган пахта билан беркитилгач, қайнагунгча қиздирилади. Бунда фуксин кристалли қўйилган пахта қизил – бинафша рангга бўялмаслиги керак.

*Ёғ ва мойларини аниқлаш* учун 1 мл эфир мойи 10 мл спирт билан чайқатилганда пробирка деворларида мой томчилари кузатилмаслиги керак. Эфир мойи таркибидаги сув дистиляция усули билан аниқланади.

Эфир мойининг сон кўрсаткичлари:

1. Қотиш ҳарорати ДФ XI нашри, I қ., 20 бетда келтирилган усул бўйича аниқланади.

2. Зичлиги пикнометрда ДФ XI нашри, I қ., 24 бетда келтирилган усул бўйича аниқланади ва қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\rho_{20^{\circ}\text{C}} = \frac{(m_2 - m) \cdot 0,99703}{(m_1 + m_2)(m + m_3)} + 0,012$$

ёки

$$\rho_{20^{\circ}\text{C}} = \frac{(m_2 + m) - 0,99703}{(m_1 - m)} + 0,012$$

3. Солиширма буриш бурчаги [б]<sub>д</sub> поляриметрик усулда аниқланади (ДФ XI нашри, I к., 30 б.).

$$[\alpha]_d = \frac{\alpha \cdot 100}{c \cdot l}$$

суюқ ҳолдаги эфир мойлари учун

$$[\alpha]_n = \frac{\alpha}{c \cdot \rho}$$

4. Нур синдириш күрсаткичи (ДФ XI нашри, I к., 29 б.).

$$n = \frac{\sin \alpha}{\sin \beta} = \frac{V_1}{V_2}$$

Кислота сони – 1 г эфир мойи таркибидаги эркин кислоталарни нейтраллаш учун сарфланадиган KOH эритмасининг мг миқдоридир. Бунинг учун 1,5–2 г эфир мойи 0,01 аниқликда тортиб олинади, 5 мл олдиндан нейтралланган спиртда эритилади, 0,1 м/л KOH эритмаси билан титрланади (фенолфталеин). Кислота сони (*K*) қуидаги формула бүйича ҳисбланади.

$$K = \frac{a * 5,61}{b}$$

Бу ерда: *a* – титрлаш учун сарфланган NaOH эритмасининг ҳажми, мл;

5,61–1 мл 0,1М NaOH эритмасига мос келадиган KOH нинг мг миқдори;

*b* – эфир мойининг оғирлиги, г.

6. Эфир сони – 1 г эфир мойи таркибидаги эркин кислоталар аниқланылғандан сүнг мураккаб эфирларни совунлаш учун сарф бұладиган KOH нинг мг миқдоридир. Бунинг учун кислота сони аниқланған эритмага 20 мл 0,5 KOH нинг спиртли эритмаси құшилиб, ҳаво совутгичта уланади ва сув ҳаммолида 1 соат давомида қиздирилгач 10 мл H<sub>2</sub>O құшилиб, KOH эритмасининг ортиқчаси 0,25 моль/л H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> эритмаси билан фенолфталеин иштирокида титрланади.

$$X = \frac{28,05 * V_t}{m}$$

Бу ерда:  $V_t$  – эфирни совунлаш учун кетган KOH эритмаси-нинг ҳажми, мл;

28,05 – 1 мл 0,5 М KOH спиртли эритмаси таркибидаги KOH нинг мг миқдори;

$m$  – эфир мойининг оғирлиги, г.

Эфир сонидан фойдаланиб мураккаб эфирлар ва боғланган спирт-нинг % миқдори ҳисобланади:

$$X_1 = \frac{X * M * 100}{56,1 * 1000} = \frac{X * M}{561}$$

$M$  – эфир ёки спиртнинг моль массаси;

56,1 – ўювчи ишқор (KOH) нинг молекуляр массаси.

### 7. Ацетиллашдан сўнг эфир сонини аниқлаш

Ацетиллашдан сўнг эфир сонини аниқлаш ацетиллашдан сўнг ҳосил бўлган мураккаб эфирларни совунлаш учун сарф бўладиган KOHнинг мг миқдорини топиш орқали бажарилади. Бунинг учун 10 г эфир мойига 10 мл сирка ангидриди ва 2 г CH<sub>3</sub>COONa қўшиб, ҳаво совутгичи билан тугаштирилади ва 2 соат қумли ҳаммомда қиздирилади. Ажратиш воронкасида мой қисми ажратиб олинниб, 4 – 5 марта 50 мл дан натрий хлориднинг тўйинган эритмаси билан, сўнгра 20 мл дан сув билан натрий хлорид қолмагунга қадар ювила-ди. 3 г сувсиз натрий сульфат билан қуритилиб, фильтранади. Сўнгра 1–2 томчи тортиб олинниб, 5 мл нейтраланган спиртда эри-тилади ва 0,5 моль/л калий гидроксиднинг спиртли эритмаси билан титрланади.

Эфир сони X<sub>2</sub> қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$X_2 = \frac{28,05 * V_t}{m_t}$$

Бу ерда:  $V_t$  – ацетиллашдан сўнг эфирни совунлаши учун сарф бўлган ўювчи калий эритмасининг (0,5 моль/л) ҳажми, мл;

$m_t$  – аник тортма, г;

28,05 – 1 мл ўювчи калийнинг спиртли эритмасидаги (0,5 моль/л) KOH нинг миљиграмм миқдори.

8. Эркин спиртлар миқдори қўйидаги формула бўйича ҳисобла-нади:

$$X_3 = \frac{(X_2 - X) * M}{56,1 - 0,42 * (X_2 - X)}$$

Бу ерда:  $M$  – спиртнинг молекуляр массаси;  
 $X$  – эфир сони;

$X_2$  – ацетиллангандан кейинги эфир сони;

$56,1 - 0,42 (x_2 - x)$  – массаси 42 бўлган ацетил қолдигининг бирикиши ҳисобига эфир мойи молекуляр массасининг ортишига бўлган тузатиш:

56,1 – калий гидроксиднинг молекуляр массаси асосида олингандан қиймат.

#### 9. Фенол бирикмалари миқдорини аниқлаш

Ҳажми 200–250 мл бўлган ўлчов колбасидаги 5 мл текширилувчи эфир мойига 150 мл 5% ли натрий гидроксид эритмасидан қўшиб, 15 минут давомида яхшилаб чайқатилади. Сўнгра эритма тиндирилади ва эфир мойи, 5% ли натрий гидроксида эритмасидан қўшиб колбанинг градуирланган бўйнига стказилади. 1 соатдан сўнг эфир мойининг ишқор билан киришмай қолган қисмининг ҳажми аниқланади.

Эфир мойи таркибидаги фенолларнинг миқдорини ажратиш воронкасида ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун 0,5–0,25 л ҳажмли ажратиш воронкасига 5 мл эфир мойи ва 100 мл 5% NaOH эритмасидан қўшиллади, 15 минут чайқатиб, тиндирилади, эфир мойи қатлами градуирланган пробиркага солингач, 1 соатдан сўнг ҳажми аниқланади.

Эфир мойи таркибидаги фенолларнинг фоиз миқдори ( $X_4$ ) қўйидағича ҳисобланади:

$$X_4 = \frac{(5 - V_2) * 100}{5} = (5 - V_2) * 20$$

Бу ерда: 5 – текшириш учун олинган эфир мойининг миқдори;

$V$  – 5% ли NaOH билан реакцияга киришмаган эфир мойининг ҳажми.

Бу ҳажм ўлчангандаги ҳарорат эфир мойини ўлчаб олингандаги ҳарорат билан бир хил бўлиши керак.

#### ДЎҲдаги эфир мойини ажратиб олиш ва миқдорини аниқлаш

Майдаланган ўсимлик хомашёси тортиб олинади. Бўйни кенг, туби юмалоқ колбага ёки туби ясси колбага солинади (1000 мл ли)

300 мл сув солиниб, вертикал совутгич улаб, совутгич тиқинига металл симча ёрдамида градуирланган йиғгич маҳкамланади.

Йиғгич идиш деворларига ва совутгич тиқинига тегмасдан эркін ҳолда туриши лозим.

Колба МХда күрсатилған вақт мобайнида қайнатилади. Йиғгичнинг градуирланган қисмидаги эфир мойининг ҳажми, ҳайдаш жараёни тугагандан сұнг, ускуна хона ҳароратигача совутилғач аниқланади.

Доривор үсимликтің хомашёсі (ДҮХ) таркибидаги эфир мойининг ҳажмий – оғирлик фоиз миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:


$$X = \frac{V * 100 * 100}{m(100 - W)}$$

Бу ерда:

$V$  – эфир мойининг ҳажми, мл;

$m$  – хомашё оғирлигиги, г;

$W$  – хомашё таркибидаги намликтің фоиз миқдори, %.



Расм . Доривор үсимликтің хомашёсіндеги эфир мойини аниқлаш ускунасы:  $a$  – бүйни кенг колба,  $b$  – резина тиқин,  $c$  – совуткіч,  $d$  – градуирланган йиғувчи идиш.

## *10. Умумий кулни аниқлаш.*

3–5 г доривор ўсимлик хомашёси (аниқ тортма) олдиндан доимий оғирликтаки көлтирилген чинни ёки платина тигелга солиниб, яхшилаб баланд оловда ёндириллади, кейин олов пасайтириллади. Агар яхшилаб ёнмаса  $\text{NH}_4\text{NO}_3$  эритмаси билан ишланади, бүглатилади ва муфел печида  $500^\circ\text{C}$  күйдирилади. Эксикаторда совутиб, сұнгра умумий кул қолдигининг оғирлигі үлчанади.

## *11. Хлорид кислотасида әримайдыган кулни аниқлаш*

Умумий кулни аниқлашдан қолган қолдикنى 15 мл хлорид кислотасининг 10% эритмаси билан 10 минут чайқатиб, 5 мл иссиқ сув қүшиллади. Сұнгра аниқ оғирликтеги кулсиз фильтр қофоз орқали фильтранади. Фильтр қофоз, тигель, буюм ойналаси иссиқ сув билан хлор иони қолмагунуга қадар ювилади. Фильтр қофоз қолдик билан яна күйдирилади совутиб оғирлигі үлчанади.

## *12. Сульфат кулини аниқлаш*

Доривор ўсимлик хомашёсисининг аниқ тортмаси олдиндан үлчанған тигелга солиб, устига 1 мл концентранттан  $\text{H}_2\text{SO}_4$  қүшиллади ва  $\text{H}_2\text{SO}_4$  қолмагунуга қадар күмли ҳаммомда аста қиздирилади, сұнгра  $500^\circ\text{C}$  ҳароратда күйдирилади ва совутиб аниқ оғирлигі үлчанади.

## *13. Доривор ўсимликлар хомашёси таркибидаги экстрактив моддаларни аниқлаш.*

Доривор ўсимлик хомашёси таркибидаги экстрактив моддалар миқдорини аниқлаш  $\text{M}\ddot{\text{X}}$  да асосий тәсір этувчи моддаларнинг миқдорини аниқлаш талаб этилмаган ҳолдагина амалға ошириллади. Доривор ўсимликлар хомашёси майданынан диаметри 1 мм ли әлакдан үтказилғач, 1 г (аниқ тортма) олинине 200–250 мл ұажмли колбага солинади. 50 мл  $\text{M}\ddot{\text{X}}$  да күрсатылған эритувчи құшиб, 0,01 г аниқликда тортилади, вертикал совутгичта улаб, 1 соатта қолдирилади, сұнгра 2 соат давомида қайнатилади. Колба совутилиб, тортилади ва массасындағы фарқ әритувчи құшиб билан йүқтеліледи. Колбадаги аралашма яхшилаб чайқатилиб, фильтр қофоз орқали ұажми 180–200 мл бұлған қуруқ идишга фильтранади. 25 мл фильтрат диаметри 4–9 см бұлған аниқ тортеб олинган чинни идишга солинади,  $100–105^\circ\text{C}$  да қуритиш шкафида доимий оғирликтаки қуритиллади, 30 минут кальций хлорид доначалари солинган эксикаторда совутилади ва тезлік билан тортилади.

Мұтлоқ қуруқ доривор ўсимлик хомашёсига нисбатан экстрактив моддаларнинг фоиз миқдори  $X$  қуйидагига формула бүйіча ҳисобланади:

$$X = \frac{m * 50 * 100 * 100}{m_i(100 - W) * 25} = \frac{m * 200 * 100}{m_i(100 - W)}$$

Бу ерда:  $m$  – қуруқ қолдик оғирлиги, г;  
 $m_i$  – ҳомашё оғирлиги, г;  
 $W$  – намлик, %.

## 11.6. Фитопрепаратлар таҳлили

Дамлама ва қайнатмалар – Infusum et Decoctum

Дамлама ва қайнатмалар – бу қуруқ ёки суюқ экстракт (концентрат) лар, доривор үсімліктерден тайёрланған сувли ажрагтамаларлар.

Дамлама ва қайнатмалар агар доривор үсімлік миқдори күрсатылған бұлса 1:10 нисбатта, валериананиң илдизларидан, адонис үгидан 1:30 нисбатта тайёрланади.

Таркибіда күчли таъсир этувчи моддалар сақловичи доривор үсімліктернің дамлама ва қайнатмалари экстракт (концентрат) лардан 1:400 нисбатта тайёрланади.

Доривор үсімлік ҳомашёсідан олинадиган дори шаклдарини стандартлаш	
Дори шакли	ДҮХ стандартлаш
Тинцирмалар қайнатмалар	сувда әрувчи биологик фаол моддалар (БФМ) йигініздісіні аниқлаш. Уларнің алоқида гурұхарини аниқлаш. (полисахаридтар в.х.к.)
Тинцирмалар	сув – спиртде әрувчи БФМ ни аниқлаш. БФМларнің алоқида гурұхарни аниқлаш (эфир мойлар, флавоноидлар)
Экстрактлар	тегишли экстрагентларда әрувчи БФМ ни аниқлаш. Алоқида гурұхарни аниқлаш. (флавоноидлар, ёғли мойлар, эфир мойлари)
БФМ: максимал тозаланған эфир мойлари	эфир мойни миқдорини аниқлаш, эфир мойларининг алоқида компонентларини аниқлаш. Ёғли мойларни аниқлаш. Ёғ кислотасини аниқлаш.
Индивидуал моддалар	алоқида Б.Ф.М (алкалоидлар, юрак гликозидлари, сапонинлар, флавоноидлар, кумаринларни) аниқлаш.

**Спирт сақловчы суюқ фитопрепаратларнинг таркибиғи киравчы биологик фаол моддаларнинг айрим гурухларига хос реакциялар**

Аниқланувчи модда гурухлари	Реактивлар	Натижа
Алкалоидлар	Кремний – вольфрам кислотаси	Чукма
Ароматик альдегидлар	Барбитур ёки 2 тиобарбитур кислота	Сариқ ранг
Аминокислоталар	Наацетат, нингидрин	Сиёҳ ранг
Ошловчи моддалар	Құрғошин ацетат. Темир аммоний, темир (III) хлорид. Аччиқ тош	Сариқ жигарранг чүкма, яшил ранг, сиёҳ ранг.
Полисахаридлар	Этил спирти	Чукма
Қанднинг ўрнини босувчилар	Фелинг реактиви	Қизил – жигарранг чүкма
Юрак гликозидлар	2,4- динитрофе-нилсульфат, Натрий гидроксид. Пикрат кислота	Күкранг, сарғаш-олов ранг
Сапонинлар	Сув ёки хлорид кислота	Түрғун күпик
Терпеноидлар	Пара-диметиламинобензальдегид, сульфат кислота	Түқ – жигарранг халқа
Формалин.	Ванилин конц.суlfат кислота	Түқ -пушти халқа. Сиёҳранг

*Тиндирмалар (настойкалар) – Tincturae*

**Тиндирмалар** – бу доривор үсімліклардан иссиқтік таъсир эттиrmай ва экстрагентни йүқтотмай тайёрланадиган сувли-спиртли ёки спиртли рангли ажратмалардир.

Тиндирмаларни олишда түрли усуллардан фойдаланилади: мацерация, касрли мацерация, перколация ва б.

Тиндирмалар қуйидаги күрсаткічлар бүйіча таxлил қилинади:

- спирт миқдори ёки зичлиги;
- қуруқ қолдик;

- оғир metallар;
- таъсир этувчи моддалар (хусусий мақолада күрсатылған бұлади).

### *Қуруқ қолдиқни анықлаш.*

5 мл настойка (тиндирма) оғирлиги олдиндан үлчанған бюкс-га солинади, сувли ҳаммомда қуруқ қолдиққача буғлатылади,  $102,5 \pm 2,5$  °C ҳароратда иккі соат давомида қуритилади. Эксикаторда 30 мин совутылади ва оғирлиги үлчанади.

### *Оғир metallарни анықлаш.*

5 мл настойка қуруқ қолдиққача қуритилади, 1 мл концентранған сульфат кислота құшиб аста-секин ёндирилади, күйдирилади. Қолдик қайнаб турған 5 мл түйинган аммоний ацетат эритмаси билан ишланади, күлсиз фильтр қоғоз орқали фильтрланади, 5 мл сув билан ювилади ва фильтратнинг ұжми 100 мл гача етказилади; 10 мл ҳосил бұлған эритма оғир metallарга синондан ұтказилади. Оғир metallар миқдори 0,001% дан ошмаслиги керак.

Бунинг учун 10 мл таркибида оғир metallар сақловчى эталон эритма ва 10 мл текширилувчи эритмаларга 1 мл дан суюлтирилған сирка кислотаси, 1–2 томчидан натрий сульфиди эритмасидан со-линали, 1 минутдан кейин эритмалар бир- бири билан солиширилади. Солишириш оқ фонда вертикал холда олиб борилади. Текширилаётгандың эритмада ҳосил бұлған ранг эталон эритма рангидан ошмаслиги керак.

### *Экстрактлар – Extractum*

Экстрактлар – үсімлик хомашёсідан олинған концентранған ажратмалардир. Экстрактлар 3 хил бұлади:

1. Суюқ экстрактлар – Extracta fluida;
2. Қуюқ экстрактлар – Extracta spissa (намлиги 25% дан ошмаслиги керак);
3. Қуруқ экстрактлар – Extracta sicca (намлиги 5% дан күп бұлмаслиги керак).

Экстрактлар сифати таркибидаги таъсир этувчи моддаси, оғир metallар, суюқ экстрактлар таркибидаги спирт миқдори ёки зичлиги, қуруқ қолдик миқдори, қуюқ ва қуруқ экстрактлар эса намлиги ва таркибидаги биологик фаол бирикмалари буйича бағыланади.

### *Қуруқ қолдиқни анықлаш.*

5 мл суюқ экстракт оғирлиги олдиндан үлчанған бюкс-га солинади, сувли ҳаммомда буғлатылади, 3 соат давомида  $102,5 \pm 2,5$  °C ҳароратда қуритилади, сұнгра эксикаторда совутылади (30 мин) ва оғирлиги үлчанади.

### *Намликни аниқлаш.*

0,5 г (аниқ оғирлик) препарат 102,5±2,5°C ҳароратда 5 соат давомида қурилтичда қуритилади, сұнгра 30 минут давомида эксикаторда совутылади ва оғирлиги үлчанади.

### *Оғир металларни аниқлаш.*

1 мл суюқ экстрактта ёки 1 г қуюқ ёки қуруқ экстрактта 1 мл концентранган сульфат кислота құшиб, аста-секин ёқилади, күйдирилади.

Қолдик аммоний ацетатнинг 5 мл түйинган эритмаси билан ишланади, күлсиз фильтр қофоз орқали фильтранади, 5 мл сув билап յовилади ва фильтрат ұжым 20 мл гача етказилади. Тайёрланган эритмадан 10 мл олиб оғир металларга синон үтказилади (0,01% дан ошмаслиги керак).

### **Доривор үсимлик хомашеши өзіншесі ғитопрепараттар тахлили мавзуси бүйіча саволлар**

1. Қандай дори дармонарға ғитопрепараттар дейилади?
2. Ғитопрепаратларнинг қандай турларини биласиз?
3. Хлорид кислотада эримайдын күлни аниқлашни баён этинг?
4. Сульфат кислотада эридайдын күлни аниқлашни баён этинг?
5. ДФ XI нашри бүйіча тиндермалар сифатига қандай талаблар қўйилган ва улар қандай аниқланади?
6. ДФ XI нашри бүйіча қуруқ экстрактлар сифатига қандай талаблар қўйилган ва улар қандай аниқланади?
7. ДФ XI нашри бүйіча суюқ экстрактлар сифатига қандай талаблар қўйилган ва улар қандай аниқланади?
8. ДФ XI нашри бүйіча тиндермалар таркибидаги спирт қуввати қандай аниқланади?
9. ДФ XI нашри бүйіча тиндермалар ва суюқ экстрактлар таркибидаги қуруқ қолдик қандай аниқланади?
10. Доривор үсимликлардан олинған дори воситаларининг таъсири синтетик дори воситалари таъсиридан нима билан фарқ қиласы?
- Мисоллар көлтириңг
11. Эфир мойи таркибидаги фенол бириклари миқдори қандай аниқланади?
12. Ғитопрепаратлар таҳлилида қандай умумий сон күрсаткичлари аниқланилади?
13. Ғитопрепаратларнинг намлигини аниқлаш қандай бажарилади?
14. Ғитопрепаратларнинг намлигини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?

15. Фитопрепаратларнинг умумий кул қолдигини аниқлашни баён этинг.
16. Ўсимлик хомашёси таркибидаги қандай моддалар гравиметрик усул билан аниқланади? Мисоллар келтиринг
17. Доривор ўсимлик хомашёсининг майдаланганлиги даражасини аниқлаш усулини тушунтиринг
18. Доривор ўсимлик хомашёсидан ажратиб олинган эфир мойларининг таркибида қандай ёт аралашмалар булиши мумкин? Улар қандай аниқланади?
19. Эфир мойининт сон кўрсаткичларини айтиб беринг ва улар қандай аниқланади?
20. Наъматак мевалари таркибидаги аскорбин кислотасининг чинлиги ва миқдорини аниқлаш реакция тенгламаларини ёзинг.
21. Наъматак меваси таркибидаги эркин органик кислоталар миқдори қандай аниқланади?
22. Рутинни таҳлили қандай бажарилади? Кимёвий реакция тенгламалари, ҳисоблаш формулаларини ёзинг.
23. Доривор ўсимлик хомашёси таркибидаги экстрактив моддалар миқдори қандай аниқланади?
24. Доривор ўсимлик хомашёси таркибидаги полисахаридлар миқдори қандай аниқланади?
25. Доривор ўсимлик хомашёси таркибидаги антрацен упумлари миқдори қандай аниқланади?
26. Доривор ўсимлик хомашёси таркибидаги ошловчи моддалар миқдори қандай аниқланади?

### **Доривор ўсимлик хомашёси ва фитопрепаратлар таҳлили мавзуси бўйича вазиятли масалалар**

1. Наъматак меваси таркибидаги аскорбин кислотанинг миқдорини ҳисобланг. Бунда аниқ тортма оғирлиги 20 г, намлиги 14%, 2,6 дихлорфенолиндофенолят натрийнинг титрлаш учун кетгани ҳажми 3 мл.
2. Настойкалар таркибидаги оғир металлар миқдорини ҳисоблаш формуласини келтиринг.
3. Наъматак мевалари таркибидаги эркин органик кислоталар миқдорини ҳисоблаш формуласини келтиринг.
4. Агар лабораторияда 2,6 дихлорфенолиндофенолят натрий эритромаси бўлмаса, наъматак мевалари таркибидаги аскорбин кислота миқдорини қандай усулда аниқлаш мумкин? Жавобингизни асосланг.

5. Агар қуруқ экстрактининг қуритишгача олинган оғирлиги 0,4800 гр тенг булса, унинг намлиги неча фоизни ташкил этади? Олинган натижа бўйича қуруқ экстрактнинг сифатини баҳоланг.
6. Рутин эритмасининг солиштирма ютиш кўрсаткичи қандай аниқланади? Солиштирма ютиш кўрсаткичини ҳисоблаш формуласини келтиринг. Рутин препаратининг солиштирма ютиш кўрсаткичи бўйича спектрофотометрик усулда аниқлаш формуласини келтиринг ва қўйида келтирилган қийматлар бўйича ҳисобланг.  $a=0,01\text{гр}$ ,  $D=0,45$ ,  $E1\%1\text{cm}=300$
7. Агар наъматак меваси таркибидаги аскорбин кислотасини титрлаш учун 5 мл калий йодат эритмасидан сарф бўлган бўлса, аскорбин кислотасининг миқдори неча фоизни ташкил этади? Намлиги 5%. Аниқ тортиш 2,0 г.
8. Натијатак мевалари таркибидаги эрkin органик кислоталарни титрлаш учун 2 мл 0,1 М натрий гидроксид эритмасидан сарф бўлган бўлса, неча г тортма олинган?  $T=0,0067$  намлиги  $-14\%$
9. 2 г доривор ўсимлик хомашёсидан тайёрланган сувли ажратмани титрлаш учун 5 мл 0,02 м/л ли калий перманганат эритмасидан сарф бўлган бўлса, танинга нисбатан ошловчи моддалар миқдорини ҳисобланг. Намлиги  $-10\%$   $T=0,004157$  аликвот ҳажм  $-25$  мл, умумий ҳажм  $-250$  мл.
10. Доривор ўсимлик хомашёсини қуритишгача бўлган оғирлиги 3,0 г қуритишдан кейинги оғирлиги 2,55 г бўлса, унинг намлигини ҳисобланг.
11. 0,1000 г далачой ўтидан олинган спиртли ажратманинг оптик зичлиги  $D=0,3$ , рутин стандарти намунаси эритмасининг оптик зичлиги 0,5, рутин стандарти намунасининг аниқ тортиши 0,0500 г ва ҳажми 100 мл бўлса, флавоноидлар йиғиндисининг рутинга ва мутлоқ қуруқ хомашёга нисбатан миқдорини ҳисобланг. Намлиги  $-13\%$ , суюлтириш ҳажми 100 мл.

### **Доривор ўсимлик хомашёси ва фитопрепаратлар таҳлили мавзуси бўйича тест саволлари**

?

Доривор ўсимликлардан ажратиб олинган моддалар қандай таъсирга эга?

- .. организмга маълум бир йўналишида таъсири қиласди
- +.. кенг диапазонда даволац таъсирига эга
- .. кучлироқ таъсири
- таъсири кўрсатмайди

Үсімлік хомашёсі таркибидаги қандай моддаларнинг миқдори титриметрик усул билан аниқланади?

- .. органик кислоталар, юрак гликозидлари, полисахаридлар
- .. алкалоидлар, органик кислоталар, эфир мойлари, флавоноидлар
- .. ошловчи моддалар, антрахинонлар, тритерпен кислоталари гликозидлар

+.. органик кислоталар, алкалоидлар, тритерпен кислоталар, арбутин?

Үсімлік хомашёсі таркибидаги қандай моддалар гравиметрик усул билан аниқланади?

- +.. полисахаридлар
- .. алкалоидлар
- .. гликозидлар
- .. антрахинонлар

?

Үсімлік хомашёсі таркибидаги дори моддаларнинг миқдорини аниқлашаңда физикалық-кимёвий усуллардан қайси усуллар құлланылади?

- +.. фотометрик ва хроматографик усуллар
- .. хроматографик ва электрокимёвий усуллар
- .. фотометрик ва поляриметрик усуллар
- .. рефрактометрик, фотометрик ва хроматографик усуллар?

Доривор үсімлік хомашёсі таркибидаги дори модда миқдорини аниқлаш учун кимёвий усуллардан қайсилари қулланилади?

- .. Къельдәл усули, кислотали-асосли титрлаш, йодометрик, комплексонометрик усуллар
- +.. кислотали-асосли тигрлаш, йодометрик, оғирлик усуллари
- .. кислотали-асосли титрлаш, нитритометрик, кислород
- .. атмосферасыда күйдириш, цериметрик усуллар?

Доривор үсімлік хомашёсидан иборат бўлган маҳсулот қандай таҳлил қилинади?

- +.. ташқи кўриниши, чинлиги, қўшимча аралашмалар, намлиги, кул қоллиги ва таъсир этувчи моддалар миқдорига қараб
- .. ташқи кўриниши, микроскопияси, чинлиги ва таъсир этувчи моддаларнинг миқдорига қараб
- .. ташқи кўриниши, микроскопияси, қўшимча аралашмалар ва чинлигига қараб?

?

Доривор ўсимликлардан олинган дори воситаларининг таъсири синтетик дори воситалари таъсиридан нима билан фарқ қилади?

-.. кучлирок таъсир этиб, қўшимча таъсир кўрсатмайди

-.. кучлирок таъсир этиб, дори моддасининг сурилишини тезлаштириб, организмдан заҳарли моддаларнинг чиқиб кетишими секинлаштиради

+.. юмшоқроқ таъсир этиб, аллергик реакция бермай, қондаги холестериннинг миқдори ва моддалар алмашинувини нормалаштириб, организмдан заҳарли моддаларнинг чиқиб кетишими тезлаштиради

-.. юмшоқроқ таъсир этиб, дори моддасининг сурилишини сусайтириб, моддалар алмашинувили кучайтиради, қондаги холестерин миқдори ва моддалар алмашинувини кучайтиради

?

ДФ талабига кўра доривор ўсимлик хомашёсининг сифати қандай характерланади?

-.. ташқи белгилари, сифат ва миқдор кўрсаттичларига кўра

-.. ташқи белгилари ва хомашёнинг микроскопик характеристикасига кўра

+.. хомашёнинг ташқи ва микроскопик белгилари, сон кўрсаттичлари, сифат ва миқдор кўрсаттичларига кўра

-.. хомашёнинг сон, сифат ва миқдор кўрсаттичларига кўра

?

Ўсимлик хомашёсининг сифатини характерлаш қандай усул билан амалга оширилади?

-.. иробиркадаги реакция бўйича

-.. юнқа қават хроматографияси бўйича

-.. қоғоз хроматографияси бўйича

+.. иробиркадаги реакция, юнқа қават хроматографияси ва қофоз хроматографияси бўйича

?

Ўсимлик хомашёсидаги дори моддасининг миқдори қандай усуллар ёрдамида аниқланади?

-.. титриметрик ва гравиметрик усул

-.. гравиметрик ва физикавий-кимёвий усуллар

-.. физикавий-кимёвий ва биологик усуллар

+.. титриметрик, гравиметрик, физикавий-кимёвий ва биологик усуллар

?

Доривор ўсимлик хомашёси дастлабки текширувдан ўтказилганда қандай күрсатгичлар аниқланади?

- .. хомашёнинг бир хиллиги, ранги, ҳиди, ифлосланганлиги
- +.. хомашёнинг бир хиллиги, ранги, мөгорланганлиги, чириганлиги, бегона ҳидлар, қўшимча аралашмалар ва заҳарли ўсимликлар билан ифлосланганлиги

- .. хомашёнинг бир хиллиги, ранги, мөфорлаганлиги, чириганлиги, бегона ҳидлар

?

Доривор ўсимликлар хомашёси чириган ёки мөфорлаган бўлса нима қилинади?

- .. хомашё партияси қабул қилинмайди

- .. хомашё партияси қабул қилинади

- +.. хомашё партияси сараланиб, сўнгра иккинчи марта қабул қилишга тавсия этилади

?

Доривор ўсимлик хомашёсида бегона ҳид, заҳарли ўсимликлар ва қўшимчалар билан ифлосланганлик, зааркунданалар билан заарланганлик кузатилганда нима қилинади?

- .. хомашё партияси қабул қилинмайди

- .. хомашё партияси қабул қилинади

- +.. хомашё партияси саралангандан сўнг қабул қилинади

- ..хомашё партияси сараланади

?

Доривор ўсимлик хомашёсининг чинлиги қандай аниқланади?

- .. ташқи анатомо-диагностик белгиларга кўра

- .. ташқи белгилар ва сифат реакцияларига кўра

- +.. ташқи белгилар, микроскопик текширув ва сифат реакцияларига кўра

- .. ташқи белгиларга кўра

?

Доривор ўсимлик хомашёсини микроскопик текширув қандай баражилади?

- +.. хомашёни ташқи белгилари ва сифат реакциялари билан аниқлаш қийин бўлганда

- .. хомашёнинг ташқи белгиларига қараб аниқлаш мумкин бўлмаганда

- .. хомашёнинг турли хиллари учун микроскопик текширув ўтказиш шарт

- ..бажарилмайди

?

- Доривор ўсимлик хомашёсида қандай құшимчалар бўлиши мумкин?
- .. хомашёнинг ранги ўзгариб қолған бўлаклари, ўсимликнинг бошқа қисмлари
  - +.. ўсимликнинг бошқа қисмлари, хомашёнинг ранги ўзгариб қолған бўлаклари органик ва минерал аралашмалар
  - .. органик ва минерал аралашмалар
  - .. органик аралашмалар
- ?
- Доривор ўсимлик хомашёси таркибидағи ошловчи моддалар қандай аниқланади?
- +.. тескари совутгич ёрдамида сув билан қайнатиш орқали
  - .. тескари совутгич ёрдамида хлороформ билан қайнатиш орқали
  - .. тескари совутгич ёрдамида спирт билан қайнатиш орқали
  - .. тескари совутгич ёрдамида спирт ёки сув билан қайнатилади
- ?
- Доривор ўсимлик хомашёси таркибидағи ошловчи моддалар миқдори титриметрик усул билан аниқланганда нима билан титрланади?
- .. фенолфталеин иштирокида ишқор эритмаси билан
  - .. мстилоранж иштирокида хлорид кислота эритмаси билан
  - +.. индигосульфокислота иштирокида калий перманганат эритмаси билан
- .. мурексид иштирокида трилон Б эритмаси билан
- ?
- Доривор ўсимлик хомашёсидаги эфир мойларининг сифати қандай аниқланади?
- .. тасвирланиши, эрувчанлиги ва сон кўрсатгичларига кўра
  - .. тасвирланиши, чинлиги, ёт аралашмалар ва сон кўрсатгичларига кўра
  - +.. тасвирланиши, эрувчанлиги, чинлиги, ёт аралашмалар ва сон кўрсатгичларига кўра
  - .. тасвирланишига кўра
- ?
- Эфир мойларининг қандай сон кўрсатгичлари аниқланади?
- .. қайнаш ҳарорати, зичлиги, буриш бурчаги, нур синдириш кўрсатгичи
  - .. қайнаш ҳарорати, зичлиги, буриш бурчаги, нур синдириш кўрсатгичи, кислота сони, эфир сони
  - +.. қотиш ҳарорати, зичлиги, буриш бурчаги, нур синдириш кўрсатгичи, кислота сони ва эфир сони
  - .. қайнаш ва қотиш ҳарорати, зичлиги, буриш бурчаги, нур синдириш кўрсатгичи, эфир сони

## АДАБИЁТЛАР

1. Юнусхұжаев А.Н., Убайдуллаев Қ.А., Азизов И.К., Исмоилова Г.М. ва бошқ. Дори воситаларини замонавий таҳтил усууллари.
2. Азизов И.К. Сборник нормативных документов по обороту наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров в Республике Узбекистан. Ташкент, 2005. – 320 с.
3. Айвазов Д.В. Основы газовой хроматографии. М., 1977. – 183 с.
4. Аксенова Э.Н., Андрианова О.П., Арзамасцев А.П. и др. Руководство лабораторным занятиям по фармацевтической химии. М., Медицина, 1987 г. – 412 с.
5. Арзамасцев А.П. Сенов П.Л. Стандартные образцы лекарственных веществ. М., 1978. – 254с.
6. Арзамасцев А.П., Печеников В.М., Радионова Г.М. и др. Анализ лекарственных смесей – М., «Спутник», 2000 г. – 276 с.
7. Арзамасцев А.П., Яскина Д.С. Ультрофиолетовые и инфракрасные спектры лекарственных веществ, М., 1975.–245 с.
8. Арзамасцев А.П. и др. Фармацевтическая химия. М.: «Геотар-Мед», 2005.– 620 с.
9. Арзамасцев А.П. и др. Анализ лекарственных смесей. Москва, 2000 г. – 354 с
10. Базисная и клиническая фармакология. В 2 т/под. редак. Катпунга Б.Г., М.: Бином; 1998 г.
11. Беликов В.Г. Лабораторные работы по фармацевтической химии М., 1989. – 375 с.
12. Беликов В.Г. Специальная фармацевтическая химия. – Пятигорск 1996.
13. Беликов В.Г. Фармацевтическая химия. Общая фармацевтическая химия. – М: Высшая школа, 1993.
14. Берштейн И.Е., Каминский Ю.Л. Спектрофотометрический анализ в органической химии., – Л., 1975. – 453 с.
15. Булатов М.И., Кашикин И.П. Практическое руководство по фотоколориметрическим и спектрофотометрическим методом анализа. Л., 1976. – 407 с.
16. Государственная фармакопея, X изд, 1968. – 1076 с.
17. Государственная фармакопея, XI изд, Т 1. М.1987. – 334 с.
18. Государственная фармакопея, XI изд, Т 2. М., 1990. – 398 с.
19. Ибодов А.Ю. Фармацевтик кимё. I т.Тошкент, Абу Али ибн Сино. 1996. – 515 б.
20. Ибодов А.Ю. Фармацевтик кимё. II т.Тошкент, Абу Али ибн Сино, 1996. – 574 б.

21. Логинова Н.В., Полозов Г.И. Введение в фармацевтическую химию. Минск электронная книга БГУ, 2004. -252 с.
22. Максютина Н.П. Анализ фармацевтических препаратов в лекарственных формах, Киев, 1976. – 247 с.
23. Максютина Н.П. и др. Методы анализа лекарств, Киев, 1984 г. – 222 с.
24. Максютина Н.П. и др. Методы идентификации фармацевтических препаратов. Киев, 1978. – 240 с.
25. Машковский М.Д. Лекарственные средства, М., Медицина, Т. 1. 1998. – 543 с.
26. Машковский М.Д. Лекарственные средства, М., Медицина, Т. 2. 1998. – 590 с.
27. Международная фармакопея (Общие методы анализа). Женева, 1981, 1 т. – 243 с.
28. Международная фармакопея (Сертификации для контроля качества фарм препаратов). Женева, 1983, 2т. – 364 с.
29. Международная фармакопея (Сертификации для контроля качества фарм препаратов), Женева, 1990, 3т. – 435 с.
30. Мелентьева Г.А. Фармацевтическая химия. Т.1,2 М., Медицина, 1976 г. – 827 с.
31. Психотропные средства: Справочник /Ф.Бочнер, Дж. Альардайс, Д.Эймс и др. / пер. с англ. – М.: Литера, 2004. – 296 с.
32. Руководство к лабораторным занятиям по фармацевтической химии. Под ред. Арзамасцева А.П. М., Медицина, 2001. – 380 с.
33. Фармацевтична химия за загальною редакцією проф. П.О. Безуглого, Харків, – 2002 г. – 448 с.
34. Фармацевтичний аналіз за загальною редакцією проф. П.О. Безуглого, Харків, – 2001 г. – 240 с.
35. Харитонов Ю.Я. Аналитическая химия. В 2-х томах. М.: «Высшая школа», 2001. 882 б.
36. Шаршунова Н., Шварц В., Михалец Ч. Тонкослойная хроматография в фармации и клинической биохимии, М. Мир, 1980. 1 т, – 295 с.
37. Шаршунова Н., Шварц В., Михалец Ч. Тонкослойная хроматография в фармации и клинической биохимии, М. Мир, 1980.2 т, – 621 с.
38. Яхонтов Л.М., Глушков Р.Г. Синтетические лекарственные средства. М., 1983. – 272 с.
39. European Pharmacopoeia. Council of Europe, 1997. 3 rd Edition. – Strasbourg, 1997. – 1799 p.
40. I.K.Azizov. Collection of Legal Documents on Turnover of Drugs, Psychotropic Substances and Precursors in the Republic of Uzbekistan, Tashkent, 2006. – 226 P.
41. The United States Pharmacopoeia, 2003.
42. Ubaydullaev Q. A. va boshqalar. «Farmatsevtik kimyo». Toshkent, 2006 y. – 320 b.

## **МУНДАРИЖА**

Суз боши .....	3
<b>I боб</b>	
Дори воситаларини яратишнинг асосий йұналишлари ва келажақдаги истиқболлари.....	5
<b>II боб</b>	
Дори воситаларини сифатини назорат қилиш. Мсьёрий техник ҳужжатларнинг түзиш тартиби ва уларга қўйилган талаблар.....	33
<b>III боб</b>	
Қалбакилаштирилган дори воситалари. Қалбакилаштирилган дори воситаларини аниқлашда замонавий таҳтил усулларини қўллаш.....	63
<b>IV боб</b>	
Дори воситалари таҳлилида қўлланиладиган биологик усуллар.....	94
<b>V боб</b>	
Валидация ва классификация. Назорат таҳтил усулларининг валидацияси ва унинг аҳамияти.....	116
<b>VI боб</b>	
Дори воситаларининг яроқлилик муддатларини аниқлаш. Дори моддаларининг барқарорлиги ва унга тасъир этувчи омиллар.....	134
<b>VII боб</b>	
Дори моддасининг кимёвий тузилиши билан унинг организмга тасъири орасидаги боғлиқлик.....	157
<b>VIII боб</b>	
Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган прекурсорлар. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг таҳлилида қўлланиладиган экспресс таҳтил усуллари.....	188
<b>IX боб</b>	
Саноатда ишлаб чиқарилган дори препаратлари таҳлили.....	238
<b>X боб</b>	
Дори хонада тайёрланган дори воситалари таҳлили.....	302
<b>XI боб</b>	
Доривор үсимлик хомашеси ва фитопрепаратлар таҳлили.... Алабиётлар.....	385

**Гузалой Мухутдиновна ИСМОИЛОВА,  
Кудратилла Асатуллаевич УБАЙДУЛЛАЕВ**

**ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ**

**ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА**

*Мұхаррір Юсуфжонова Назокат  
Бадий мұхаррір Мағтупа Ваххобова  
Техник мұхаррір Елена Толочко  
Мусаққып Юсуфжонова Назокат  
Матн терувчи Гулчехра Азизова*

Лицензия рақами АІ № 163. 09.11.2009. Босишига 2018 йил 20 ноябрда рұхсат этилди. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Оффсет қозози. Times TAD гарнитурасы. Шартлы босма табоги 22,55. Нашп табоги 21,40. Алади 100 нұсха. Шартнома № 108—2018. Буюрта № 62.

Ўзбекистон Матбугат ва ахборот агентлигининг Чулпон номидаги наприёт-матбаа ижодий уйи техник ва дастурий воситалар базасида чоп этилди. 100011, Тошкент, Навоий құчасы, 30.  
Телефон: (371) 244-10-45. Факс: (371) 244-58-55.



ISBN 978-9943-5381-9-1

9 789943 538191

***Cho'lpón nomidagi  
nashriyot-matbaa ijodiy uyi***